



ЎЗБЕКИСТОН ССР ЁЗУВЧИЛАР СОЮЗИНИНГ ОРГАНИ

ОЙЛИК  
АДАБИЙ-  
БАДИИЙ,  
ИЖТИМОИЙ-  
СИЕСИЙ  
ЖУРНАЛ

Бош редактор:  
Эркин ВОҲИДОВ

Редакцион коллегия:

Саид АҲМАД,  
Гулчеҳра ЖУРАЕВА,  
Андрей ДЕМЕНТЬЕВ,  
Олимжон ИСМОИЛОВ,  
Фёдор КАМОЛОВ,  
Муроджон МАНСУРОВ  
(бош редактор ўринбосари),  
Омон МАТЖОН,  
Сулаймон РАҲМОН  
(масъул секретарь),  
Йўлдош СУЛАЙМОН,  
Худойберди ТУХТАБОЕВ,  
Шароф УБАЙДУЛЛАЕВ,  
Улмамбет ХУЖАНАЗАРОВ,  
Абдулла ШЕР,  
Урие ЭДЕМОВА,  
Иброҳим ҒАФУРОВ,  
Ўткир ҲОШИМОВ.



1982  
ЙИЛ,  
НОЯБРЬ

ТОШКЕНТ  
Ўзбекистон ЛКСМ  
Марказий Комитетининг  
«Еш гвардия» нашриёти

# ЖУРНАЛНИНГ

бу сонида

«Қалдирғоч»

рубрикаси

остида

шу йил

август ойида

Тошкентда

бўлиб ўтган

республика ёш

қаламкашлари

семинари

қатнашчиларидан

айримларининг

шеър ва

ҳикоялари

билан

танишасиз.

# МУНДАРИЖА

## НАСР

- Тоғай МУРОД. От кишнаган оқшом. Қисса . . . . . 6  
Акбар ЮНУСОВ. Тунукасолар. Ҳикоя . . . . . 34  
ОЛМОС. Ов. Ҳикоя . . . . . 53

## НАЗМ

- Дурдона ХУДОЙБЕРГАНОВА . . . . . 30

## ҚАЛДИРҒОЧ

- Меҳринисо ОЙДИНОВА, Аҳмад БОЛИБЕКОВ,  
Юсуф ЖУМАЕВ, Малик ЭГАМОВ, Ойнисо  
ОРТИҚБОЕВА, Венера ИБРОҲИМОВА, Матлуба  
АҲМЕДОВА, Саодат ДОНАБОЕВА, Анвар ТО-  
ҒАЕВ, Дилмурод ЖАББОРОВ, Ҳамроқул АС-  
ҚАРОВ, Рустам НАЗАР, Исроил СУБҲОНОВ.  
Шеърлар . . . . . 3—79

## АДАБИЙ САБОҚ

- Абдулла ҚОДИРИЙ. Уқиш-ўрганиш. Ёзишғувчила-  
римизга . . . . . 31  
А. П. ЧЕХОВ. Хамелеон. Ҳикоя . . . . . 32

## КАМАЛАК

- Нодар ДУМБАДЗЕ. Абадият қонуни. Роман . . . . . 38  
Охири . . . . .

## УСТОЗЛАРИМИЗ

- Эркин БОЗОРОВ. Ёшларнинг ғамхўри ва мураб-  
бийси . . . . . 55

## ГУЛЧАМБАР

- Иброҳим ҒАФУРОВ. Юрагида баҳор яшаган шоир . . . . . 57  
Ҳамид ҒУЛОМ. Қалб тугёни . . . . . 60  
Усмон НОСИР. Шеърлар . . . . . 62

## ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ

- Октябрь ЖАВЛОНОВ, Анвар ЖҲРАБОЕВ. Мақсуда . . . . . 64

## ЯҚУБ КОЛАС ТУҒИЛГАНИНИНГ 100 ЙИЛЛИГИГА

- ШУҲРАТ. Халқ шоири . . . . . 67

## ХАЛҚ ХАЗИНАСИ

- Нодир НОРМАТОВ. «Ой юзингга ойна бўлсам» . . . . . 68

## ПУБЛИЦИСТИКА

- Саъдулла СИЁЕВ. Гавҳар йўқотган одам . . . . . 73

## ҲОЗИРЖАВОБ СУҲБАТ

- Қодиржон СОБИРОВ. Яна қишлоқ жозибаси ҳақида . . . . . 77

## ЁШЛИҚНИНГ АҚЛ ТИШИ

- Муҳаммад ПИРРИЕВ. Узимнинг чойчақам. Ҳаж-  
вия . . . . . 79

## МУҚОВАДА

Биринчи ва тўртинчи  
бет: рассом Баҳодир Жало-  
ловнинг «Бирдамлик қудрати»  
ҳамда «Истиқбол сари» асарла-  
ридан фрагментлар.



Шу йил август ойида Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи боғида республика ёш қаламкашларининг семинари бўлиб ўтди.

Бу йиғилишда барча областларда ижод қилаётган ёш шоир, ёзувчи ва танқидчиларнинг олтишга яқин вакиллари иштирок этишди.

Семинар машғулотида устозлар, таниқли адиб ва шоирлар қатнашиб, ёшларнинг наср ва назмда ёзган асарларини таҳлил қилишда, ижоддаги ютуқ ва камчиликларни кўрсатиб беришда яқиндан кўмак бердилар.

Ёшлар ижодидаги шиддатли тўлқин ва эҳтирос, оригинал фикрлашга интилиш, янгилик кашф этишдаги дадиллик, мисраларни бадий пухталашга ҳаракат қилиш, топилма образ ва деталлар, характерлар излашдаги индивидуал хусусиятлар кишини қувонтиради.

Ўйлаймизки, семинар кенгаш давомида ўтказилган секциялар машғулоти ёшларга маҳорат босқичларини эгаллашда ўзига хос мактаб бўлади ва улар ижодий изланишда давом этиб, китобхоннинг юксак дид ва талаблари дарижасида ғоявий ва бадий пухта асарлар яратадилар.



Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи правленнесининг биринчи секретари Сарвар Азимов республика ёш ёзувчилари семинарини очиб, унинг ишига катта муваффақият тилади.

Р. АЛБЕКОВ фотолари

АҲМАД  
БОЛИБЕКОВ

## Шеър завқи

МЕҲРИНСО  
ОЙДИНОВА

## Дехқон қўшиғи

Сулвларнинг чеккасига тақилмаган чечаклар,  
Ёмғирдан сўнг япроқларга иниб қолган безаклар,  
Атиргулдан томчиллаган шокилани зираклар  
Тонгда қуёш чиқмай туриб ташриф буюрса қалбга,  
Қалбдан тўкилса шеърга...

Ҳали қизлар нигоҳидан четда турган чаманлар,  
Ҳали йигит «оҳ»ларидан кишнамаган саманлар,  
Ҳали ишққа дуч келмаган, пол бўлмаган забонлар,  
Мурғак севинч, оппоқ туйғу бўлиб тўкилса дилга,

Дилдан қуйилса шеърга...

Олисларда учиб юрган сассизгина саболар,  
Ҳали ҳеч ким куйламаган дилтортар шўх наволар,  
Бўшлиқларни кучоқлаган баҳорий соф ҳаволар,  
Майингина бир куй бўлиб оҳиста қўнса лабга,

Лабдан сакраса шеърга —

Қалб бир умр илҳом шоҳи эшигида қул бўлсин,  
Ризодирман, ижод умри машаққатли йўл бўлсин!

Хаёлларнинг оғушлари бунча кенг,  
Далаларни эҳтирос-ла қучмоқда.  
Мен ўстирган бугдойларнинг нонин енг,  
Тандирларда қип-қизариб пишмоқда.  
Авлодимиз деҳқон ўтган — ғаллакор,  
Тотиганман эрта меҳнат таъмини.  
Кенгликларда ёзда бошоқ тебраниб,  
Улуғлайди ҳамқишлоқлар номини.  
Тупроқ меҳри кирган дилга нон билан,  
Бугдой сўзин эшитганман йўрғақда.  
Улғайганман ўралашиб дон билан,  
Шу сабабли унга меҳрим бўлакча.  
Орзуларим уруғ қилиб сепгандим,  
Мана бугун адирларда кўкарди.  
Мен заминни Она каби севгандим,  
Фарзандидек мени кўкка кўтарди.

## Лениннинг бўш вақтлари

Лениннинг бўш вақтлари бўлганмикан! Бу  
савол

Хаёлимни банд этса: юрагимда волалар,  
Яйраб юргандек қушлар бугдойзорда бемалол,  
Уйин-кулги билан банд юртимдаги болалар.

Гоҳ сургун, гоҳ қамоқда, гоҳ ошкор, гоҳ  
яширин

Фанимларга қасдма-қасд гоёвий жангга кирган.  
Хўб яшаган умрининг мушкул онларин Ленин,  
Бўш вақтларини эса болаларга қолдирган!

## Амир Олимхоннинг Қоракўлда ўтказган қурултойидан репортаж

Оқсоқоллар йиғилишган  
Бой Қўчқорбек саройи.  
Қоракўлда туманликнинг  
Бўлмоқда қурултойи.  
Эгилгандир ток нартидек  
Барча бошлар... ҳаяжон.  
Маъво улкан, энг тўрида  
Ултирибди Олимхон.  
Боис бўлиб тунги ишрат  
Бетайин руҳи хароб.  
Амирлигин писанд этмай  
Босиб келар эди хоб.  
Сўзлаётир туманбоши  
Ҳамма қулоқ осган, жим.  
— Сиз туфайли халқ бадавлат,  
Халқ комрондир, амирим.  
Бош устига, хуш келибсиз  
Бугун бизнинг тарафга.  
Не бахт, мана муяссармиз  
Шундоқ буюк шарафга.  
Туриб шаҳри Бухорода  
Кўрсатдингиз бизга йўл.  
Шу боисдан ғалла бисёр,  
Шу боисдан пахта мўл.  
Тери олдик саноғи йўқ,  
Демак, беҳад тилламиз.  
Сизнинг доно маслаҳатдан  
Беҳисобдир пилламиз.

Олампаноҳ, яшанг мангу —  
Айтдим эл тилагини.  
Шундоқ дея ўпди шўрлик  
Амирнинг этагини.  
Туманбоши севинчидан  
Кўзларини ёшлади.  
Ухлаб қолган амир шу пайт  
Хуррак ота бошлади.

## Антиқа қуртлар

Улар экмайдилар, тикмаслар сира  
Лекин уларга ем боғ, полиз, юртлар.  
Шундоқ: еб не бўлса лазиз, нодира  
Бемалол биз билан яшайди қуртлар.  
Дарахтлар шуларнинг этмас деб бўйи,  
Ердан баланд кетиб мева солади.  
Лекин бекор, бенаф шажара «уйи»  
Қуртлар меваларга кириб олади.  
Баҳам кўрадилар ширин узумни,  
Олманинг зўрини кўрарлар баҳам.  
Аламга ташлайман баъзан ўзимни  
Шулар билан бизга битта деб олам.  
Дунё қонунлари о бунчалар жўн,  
Мутлақ йўқотишга кўролмас чора,  
Улар емоқ билан овора ҳар кун,  
Деҳқон меҳнат билан ҳар кун овора.  
Хиллари мунча кўп: тўрт оёқ бири,  
Бири минг оёқли, икки оёқли...  
Лекин бир хил эрур улар тақдири,  
Мабодо бўлса ҳам оддек тўёқли.  
Антиқасига ҳам йўлиқдим бир гал,  
Шакли гўё одам, ўхшайди тушга.  
Бу қандай қурт дея, айтинг деб дангал  
Ёзмоқчи бўлганман «Фан ва турмуш»га.  
Улар экмайдилар, тикмаслар сира  
Лекин уларга ем: боғ, полиз, юртлар.  
Шундоқ: еб не бўлса лазиз, нодира  
Бемалол биз билан яшайди қуртлар!

\* \* \*

Нега қизлар юзи қизарар экан!  
Тундаги тушларнинг изларимикан!!  
Ким билади дейсиз, йигит севдим дегач,  
Ичда мен ҳам, деган сўзларимикан!!  
Нега қизлар юзи қизарар экан!  
Наҳот бунинг сирли боиси бўлса.  
Ким билади дейсиз, қизарган жойдан  
Бехос бериб қўйган балки илк бўса.  
Нега қизлар юзи қизарар экан!  
Бу ҳаё рангидир, бермоқ керак тан!  
Балки баҳор боис... сабаблар бисёр,  
Ариқ ёқасида жийда гуллаган.  
Уша қизилликдир, дўстлар, дунёда  
Ёқтирган ранглари кўзларимизнинг.  
Нима боис бўлса бўлсин ва лекин  
Юзи қизил бўлсин қизларимизнинг!

## Дунёга вақтида келдик

Марксдан,  
Лениндан кейин туғилдик,  
Дориломон юрда ўтмоқда умр.  
Бу шундай диёрки, ҳаттоки жонни  
Фидо айламоқдан топилур ҳузур.  
Ватандош, дунёга келдик вақтида,  
Манглайга ёзилган маъмур чаман бу.  
Кимки шундай юрда бахтли эмаскан,  
— Болам, ўзингдан кўр,— деган Ватан бу...

## Ҳасад ҳақида

Дейдиларки, яккаш офтоб  
Чиройли ҳам тиниқдир.  
Шу туфайли ҳусн шохин  
Дили доим синиқдир.  
Унинг учун танҳо ҳасад:  
Илло офтоб йўқ бўлса,  
Офтоб йўқдир, деган сўздан  
Кўнгли абад тўқ бўлса.  
Гап аслида ҳусн шоҳин  
Армонидан бошланди.  
Аммо қармоқ ичи қаро  
Оламларга ташланди.  
Чиройга кек, ҳасад қилмоқ,  
Дейлик, дилнинг фармонидир,  
Тиконларнинг не-не гулга  
Қараб қўйган армонидир.  
Нечун кимдир эркак бўлиб,  
Эр йигитдан қўйиб юрар.  
Мансабига, обрўйига  
Зимдан кўнгли қўйиб юрар.  
Пана-пана ҳуриб юрар,  
Оғзини ҳам очмай туриб,  
Шу асно кун кўриб юрар,  
Тонг оттириб, кун боттириб.  
Бундай кунни кўриб ўтди  
Ҳаттоки салтанат ҳам,  
Не-не подшо ҳасадида  
Бўлди дунё жаҳаннам.  
Абдулатиф падаркушнинг  
Илкидаги қилич — ҳасад,  
Рим фотиҳи Искандарнинг  
Мулкидаги қилич — ҳасад.  
Кунпаякун бўлди олам  
Темуранг ҳасадида,  
Кўҳна Замин зирқиради  
Одамлар жасадида.

Балки дерсиз, ҳасад — суддан,  
Улса, тушар амалдан.  
Одам Ато, Момо Ҳаво  
Гуноҳи бор азалдан.  
Нима, Гитлер онасининг  
Сути қора бўлганмиди,  
Наполеон эмганида  
Лаби яра бўлганмиди.  
Ахир, Чингиз туғилгандан  
Сийнани кўммагандир,  
Ё Ғазнавий оқ кўкракдан  
Мағзава эммагандир.  
Йўқ, йўқ, ҳасад — суддан деган  
Нокас, осий бандадир,  
Тузини еб, намакдонга  
Туфлаган шармандадир.  
Ҳасад шундай:  
Ханжар — бурро,  
Қини — қора ниятда,  
Оч қасосда, ўчда, кекда,  
Ҳаттоки васиятда.  
Ҳасад қадам қўйган уйнинг  
Эшиги нобуд бўлур,  
Унинг кўзи билан боқсанг,  
Бешиклар тобут бўлур.  
Йигит бўлсанг, ҳасад қилма,  
Оғиз очмай ҳурмагин,  
Тубанликнинг бундай қаро  
Кўчасидан юрмагин.  
Мансаб, шараф керак бўлса,  
Ана — меҳнат,  
Ана — иш.  
Меҳнат билан ҳасад қилгин,  
Меҳнат билан ургин ниш.  
Ҳасад асло беллашолмас,  
Ели чиқиб ўтган доим.  
Эшак от-ла тенглашолмас,  
Бели чиқиб ўтган доим.  
Ҳусн шоҳи асло қуёш  
Бўлолмайдди, биласан,  
Шундай экан,  
Ҳасад қилма,  
Чираниб не қиласан.  
Ана, қара, қўшнинг яшар,  
Доим қулиб юрибди,  
Бу дунёдан насибасин,  
Ризқин териб юрибди.  
Ана, ана, кулаётир,  
Ўттиз икки тиши бор,  
Қўли қадоқ, хаёлида  
Одамлар ташвиши бор.  
Кўряпсанми, тинч ухлайди,  
Яшаётир беҳад шод,  
Танлаб ейди, сайлаб кияр,  
Шундай ўтар умрбод...  
Энди, ҳасад, мени бошла,  
Ҳап сеними, дея қол,  
Кўрган кунинг қурсин-а,  
Микроскопинг қўлга ол...



ТОҒАЙ  
МУРОД

## ОТ КИШНАГАН ОҚШОМ

### ҚИССА

**Б**иродарлар, кўргилик-да, кўргилик!  
Бир эрта уйғониб калламга қўл югуртирсам, сочларим орасида яра-чақа уч берибди. Парвойим фалак юравердим. Онамгаям айтмадим.

Чақалар кун сайин болалаб, каттарди. Қўтир бўлиб қичиди. Қишлоғимизнинг фельдшерига бордим. Фельдшер, фу, дея афтини буриштирди. Юрчидаги калхонага олиб жўнади. Йўлда машинадан ташлаб қочдим. Ушлаб келиб, яна машинага босди.

Калхонада... Ух, айтгулиги йўк. Дўхтир дегани бераҳм экан. Онамни кўрдим, биродарлар...

Барча калга қайтадан жингала соч битди. Менинг каллам ялтираб қолди. Биттаям соч битмади. Дўхтирлар ажабланди. Тиббиёт илмида кам учрайдиган воқеа, деди. Хўрлигимдан йиғлаб-йиғлаб уйга келдим. Онамиз тап-тақир калламни кўриб, куйди.

Катта телпак сотиб олдим. Қишин-ёзин қулоқларимгача бостириб кийиб юрдим. Мактабдаям телпагимни ечмадим. Математика муаллимимиз оёғини тираб талаб этди:

— Бош кийимингни олмасанг, дарс ўтмайман!

Олд қаторда ўтирган синф оқсоқолимиз муаллимга бир нима деди. Бирок, муаллим сўзида туриб олди:

— Уқувчи дарсда ялангбош ўтириши лозим! Қоида шундай!

Телпагимни калламга босиб ушладим.

— Уқувчи Қурбонов, сенга айтяпман!

Миқ этмадим. Муаллимимиз телпагимни юлқиб олиб, деразадан отиб юборди. Синфимиз болалар кулгисидан зириллаб кетди. Улар калламни офтобга менгзаб қийқирди:

— Ура-а-а, кун чиқди!

Калламни қўлларим билан яширдим. Хўнграб йиғладим. Сиёҳдонни муаллимнинг юзига отдим. Тегмади. Мактабдан қочиб кетдим. Яна қайтиб оёғимни босмадим. Директор билан синф раҳбаримиз келиб тавалло

Расми Т. САЪДУЛЛАЕВ чизган

қилди. Онамиз авради. Бари бир бормадим. Бешинчи синф каллам билан қолдим.

Одамлар мени «кал» дейдиган бўлди. «Зиёдулла кал» эмиш! Э тавба-е, э тавба-е! Аввал-аввал уятдан қулоқларимгача ловиллаб ёндим. Кўнглим ўксиди. Кейин-кейин ботмайдиган бўлди. Кўнглимга сингди. Қулоқларим ўрганди. Энди «Зиёдулла кал» демайдиганлардан ўпкалай бошладим. Айниқса, почтачидан. Қачон кўрса «ўртоқ Қурбонов», дейди. Фашим келади. Худди майна қилаётгандай туюлади.

Бир сафар жеркиб ташладим:

— Нимага «ўртоқ Қурбонов» дейсиз? Мен бир амалдормидики ё диплолим бормидики «ўртоқ Қурбонов» дейсиз? Бор-йўғи бешинчи синф каллам бўлса. Кўп майна қилманг. Сочим бўлмасаям, тароғим тиллодан!..

— Бўлмаса, нима дейин?

— Эл қатори «Зиёдулла кал» деяберинг. Уз отим ўзим билан.

Шукр-э, энди почтачиям кал дейдиган бўлди!

Маълумот сўрамайдиган турли ишларда ишладим. Қоровул бўлдим, гўлоҳ бўлдим. Охири подачилик қилдим. Одамларнинг қўйини боқдим. Адирларда най қаддим. Нафасим етмай қолиб, эски бир дўмбира топдим. Дўмбирани сайратиб, бепоев адирларга, ёйилиб ўтлаётган қўйларга, чўққилар учуда тинмай чўғурлаётган қушларга, бўлак-бўлак сузиб юрган оппоқ булултарга қараб дoston айтдим. Бу дostonларни тўйларда, узун ялдо кечаларида боболаримиз бири қўйиб бири айтарди. Уларнинг кўпи энди раҳматли. Раҳматлилардай дoston айтиб бўлмайди. Бизники баҳоли қудрат...

Биродарлар, сиз сўраманг, мен айтмайин... Оти Момосулув эмиш. Юзлари кулчадайми, сулувми? Кўзлари қорами ё зигирнинг гулидайми? Қошлари қуюқми? Қуюқ бўлса, қайрилмами? Кечасида кўрмас эмишман, билмас эмишман.

Момосулувларнинг кўчасида телба бўлиб юрар эмишман. Кўр ойдин эмиш. Бир нима йўқотгандай гарангиб тентирар эмишман. Йўл четидаги тошга чўнқайиб, кафтларимни иягимга тирабман. Ойга маҳлиё бўлиб термилман. Эҳ-ҳэ, ойга маҳлиё термилган мендайин ошиқлар озми? Ой қайси ошиққа бир бўса берган? Ой қайси ошиққа вафо қилган? Ойга қўл силтаб, ўрнимдан турибман. Момосулувнинг деворидан ошибман. Дарахтлар паналаб ёруғ деразасига термилман. Олмаларидан узиб ебман. Чироғи лип этиб ўчибди. Айвонига чиқибман. Тимирскиланиб, тўшагини топибман. У уйғониб кетиб, чириллайман, кет, дебди. Мен ёлворибман. Қўлимни узатибман. У қўлимни рад этиб, ўзимга сурибди. Мен унинг қўйнига кирибман! Биродарлар-ай, жамики олам бир тараф, қўйин деганлари бир тараф экан! Аҳай!

Борига шукр қилиб, тек ётсам бўлмасмиди? Мен тинмас унинг кўнглигаям кирибман! Ошиқона-ошиқона қадамлар босиб, кўнглини овлабман! Зим-зиё бир олам эмиш. Теварак ҳувиллаб ётармиш. Қимирлаган жон йўқ эмиш. Беҳишдай бир олам эмиш. Теваракка аланглаб кулар эмишман: бу беҳишга мендан ўзга кимса келмабди! Кўнглимни зўр бир хушвақтлик қитиқлар эмиш: бу беҳишга биринчи бўлиб мен қаддам қўйибман!

Кўзимни очсам — уй зимистон, болишни қучоқлаб ётибман. Уйқум қочди. Шифтга қараб ётдим. Чин, қишлоғимизда шундай қиз бор. Отиям Момосулув.

Эрталаб татил<sup>1</sup> қилиб, белимга тушлик ўрадим. Заранг таёғимни судраб, подаётоққа бордим. Тошга ёнбошладим. Эл қўй-эчкиларини ҳайдаб келаберди. Ана, уям келди! Мен ўрнимдан туриб қарадим. Хаёлимда, юзларим ловиллаб қизиди. У қўлидаги хивини қўйларнинг кетидан отиб юбориб, қайрилиб кетди. Менга қайрилиб қарамадиям. Ажабо, у кеча мени кўрдимикин? Уялганидан тез қайрилиб кетдимикин?

Биродарлар, шу қиз кўз олдидан кетмай қолди. Кечасиям, кундузиям! Унга совчи қўйдим. Тегмайман, калласи кал, дебди. Ё пирим-э, ё пирим-э! Кал бўлса

нима бўпти? Гап сочдами? Сочнинг ақли борми, бировга қуюқ битади, бировга сыйрак. Яна бировга битаям битмайди. Бошда соч ўстириш дехқончиликмидики, айб бўлса! Калласига соч экмаган, эксаям суғориб, парваришламаган, оқибат, қуриб қолган, деса. Майли, унда мени камситсин. Зиёдулла калнинг эркаклик уқузи йўқ, муштдай калласига соч экиб ололмади, десин!

Мен бари бир шаштимдан қайтмадим. Босиб совчи қўйбердим. Айтинглар, мен ҳали от олиб кўпқари чопаман, дедим. Ноз қилиб-қилиб, охир кўнди. Тўй-томоша бўлди. У мастона-мастона қадам қўйиб, чимилдиққа келин бўлиб кирди. Мен мардона-мардона одим қўйиб, куёв бўлиб кирдим. Унга кўрган тушимни айтдим. Сен ҳам шундайин туш кўриб эдингми, дедим. Кўриб эдим, деди. Лекин таниёлмай қолдим, чироқ ўчиқ эди, деди. Уша мен эдим, дедим кўкрагимга уриб. Сиз эканлигингни билиб тегдим-да, деди. Аҳай!

Биродарлар, Момосулув тушимда Чўлпон эди, хушимда Ой эди, қўйнимда Офтоб бўлди!

Подани шеригимга қолдирдим. Бир тўда қўй сотдим. Пулини белимга боғладим. Намоз чавандозни олдимга солиб Обоқлига жўнадим. Обоқли дегани Оққапчиғайда. Оққапчиғай бошдан адоқ дашту биёбон. Биз бу ерга от қидириб келдик. От ўзга ёқлардаям бор. Лекин Обоқлининг оти ўзгача. Биродарлар, бизнинг Сурхонда манавиндай гап бор:

**От олсанг, Обоқлидан ол,**

**Аёл олсанг, Ирғалидан ол!**

Бунинг мағзи шуки, от деганлари — дев! Унга бепоев ер керак. От масофани билмайди, худудни билмайди. У қаҳратон қишдаям даштларда чопиб ўсса, диркиллаган от бўлади. Учқур келади!

Обоқли ана шундай отбop дашт!

Ирғали дегани Пулҳакимда — Бойсуннинг бу ёғида. Ирғалининг қизлари зуваласи пишиқ келади. Киймагани олтинчи қалиш кияди! Барининг бели бақувват, бўлали. Ирғалининг қизларини қучоқласангиз, қўйингиз тўлади! Улардан туғилган фарзанд ҳам Алпомиш келбат бўлади. Боси, Алпомиш худди шу Ирғалида ўтган!

Ана, билдингизми, элнинг гапи қаёққа борапти?

Биз икки кун от сайладик. Обоқлининг дашти тўла от! Гала-гала! Даштни чангитиб чопиб юрибди. Бир яшар қулунлар, уч яшар тойлар, тўрт яшар ғўнонлар, беш яшар дўнонлар! Сағрисига уй тикса бўладиган байталлар! Ҳайбатли айғирлар!

Бирини ушлаб, олд туёқларини жуфтладик. Туёқлари орасидан мушт урдик. Муштимиз ўтмади. Бордию ўтганда яхши от бўларди. Қўйиб юбордик. Яна бировини кўрдик. Дурустгина. Фақат қорни жуда кичик. Бунияма қўйиб юбордик. Бўлмайди! Эл топиб айтган:

**От олсанг, ҳўкиз қориндан ол,**

**Ҳўкиз олсанг, от қориндан ол!**

Орқа кезанаги боланинг билагидай бўлиб турадиган от яхши келади. Шундайини изладик. Йўлиқмадик. Сағриси энли от ҳам яхши бўлади. Бундайигаям кўзимиз тушмади. Галани айланиб юриб, бир бўзга кўзим тушди. Шуну ушладик. Тишларини кўрдик. Ёши еттида бўлсаям озиқли тиши чиқмабди. Аслида, беш ёшида чиқади. Демак, энди чиқмайди. Озиқ тишсиз от хосиятли бўлади!

Биродарлар, шу бўзга дил кетди!

Уч мингги санаб бериб, миниб келабердим. Омборхона олдидаги устахонага олиб бордим. Бўзга буров солдим: ипга таёқча боғлаб, тумшугидан ўрадим. Бураганда таёқ тумшугига ботиб, бўзни қимирлатмай қўйди. Оёқларига тақа қоқдирдим. Ҳовлимизнинг бир четида охур қилиб, бўзни боғладим. Онамиз норози бўлгандай бўлди. Отдан машина яхши эмасми, деди.

Биродарлар, машина деганлари — темир! Жони йўқ. Жони йўқ нарса одамга эл бўлмайди. Темирнинг юра-

<sup>1</sup> Татил — нонушта.

ги йўқ-да. От одамга эл бўлади. Бойси, отнинг жони бор, юраги бор...

Бўзни тарбия қилабердим. Узимга, кўпкариларга ўргатдим. Икковимиз гапни бир ерга қўйдик. Қандай тарбия этганимни, нималарга ўргатганимни айтмайман. Кўз тегади.

Биродарлар, ўзи бўз от қандай бўлади? Сурпдай оппоқ бўлади! Бордию аждодида бўлса, тўққизга тўлганда тарлон бўлади. Тўққиз ёшида бўзнинг баданида холдай-холдай қора доналар пайдо бўлади. Энди у бўз эмас, тарлон от. Тарлон — отнинг сараси. Тўриқ отнинг юздан бири яхши бўлади, тарлон отнинг юздан бири ёмон бўлади! Биродарлар, от танимасанг, тарлон ол!

Бўз тўққизга тўлганда, бир қувончим ўн бўлди. Биродарлар, бўз отим тарлон бўлди! Мен тарлон отли бўлдим! Отнинг сараси менда, қулинг ўргилсини менда!

Тарлонни қора ишларга солмадим. Адирларда ўйноқлатиб миниб, қўй боқдим.

Шундай кунларнинг бирида колхоз раиснинг шофёри от чоптириб келди. Раис юборибди. Биринг Зиёдулла кални олиб кел, дебди. Радиода ишлайдиган, асли шу қишлоқлик Рихсиев келибди. Энг яхши чўпонни айтинг, радиода чиқараман деса, раис мени айтибди. Аввал ишонқирамадим. Шофёрга санчиклаб қарадим. Чин гапга ўхшади. Қўйларни шу яқиндаги Асад чўпонга тайинлаб, шофёрга эргашдим. Узимда йўқ хушвақт бўлдим. Э яшанг-э, раис ака-е, дедим ичимда. Бизга ўхшаган калларнинг ялтироқ бошигаям офтоб чиқсин дебсиз-да, дедим ўзимга ўзим. Э шоп мўйловингиздан-э, дедим яна.

Йўлда уйга тушиб, ҳали тутилмаган беқасам чопонимни кийиб чиқдим.

Тарлонни идора олдига боғладим. Дўмбира, тушлик солинган хуржунни елкамга ташлаб, ичкариладим.

— Ассалому алайкум, мухбир ака!

— Аҳа, келинг, ука, келинг.

Гиламдан авайлабгина юриб, тўрдаги нимкатда ялпайиб ўтирган Рихсиев билан қўшқўллаб кўришдим. Қаерга ўтиришимни билмадим. Рихсиев жой кўрсатди. Хуржунни дераза тоқчасига қўйиб, ўтирдим. Сурашайин деб Рихсиевга қарадим.

— Аҳа, фамилиянгиз нима эди, ука?

— Зиёдулла кал.

— Аҳа, ха-ха-ха! Йўқ, фамилиянгиз? Қурбонов? Яхши, яхши! Аҳа, соғлиқ қалай, ўртоқ Қурбонов? Отдай бўлиб юрибсизми?

— Шукр, мухбир ака, шукр. Отдай бўлмасак ҳам, ишқилиб, юрибмиз. Бирнави. Узингиз қандай, бардамгинамиз? Болалар чопкиллаб юрибдими? Қачон бўлса сизни мақтайман, денг. Мана, биздан ҳам ёзадиганлар чиқди, дейман.

— Раҳма-а-ат, раҳма-а-ат. Гап бундай, ўртоқ Қурбонов, мен сиз ҳақингизда радиоочерк ёзаман.

— Энди, мен сизга айтсам, биз унча арзимамайиз-да, мухбир ака.

— Аҳа, йўлини қилиб арзиттирамайиз-да, ўртоқ Қурбонов. Узимизнинг қўлимизда-ку! Мана қоғоз, ёзинг. Ручка йўқ? Э, чатоқ-ку.

— Бизда таёқдан бошқа нимаям бор, мухбир ака.

— Хўп, мана, ручкаям бердим. Қани, бўлинг. Унгача репортёрни тайёрлаб тураман.

— Шу, мухбир ака, хатимиз бундайроқ. Бешинчи синф калламизга яраша. Сиз сўранг, мен айтайин.

— Аҳа, йўқ, ёзинг. Оғзингизга келганини пала-партиш гапирасиз, кейин бориб монтаж қилишни айтсангиз-чи. Ёзинг. «Қуёш заррин кокиллари ёйиб, уфқдан бош кўтарди...» Йўқ, ўчиринг. Бадий қисмини ўзим ёзаман. Сизга оғирлик қилади. Аҳа, бошладик: «Болалигимдан чўпон бўлиш орзум бор эди. Шу орзу мени чўпонликка чорлади. Мактабни битириб, қалб амри билан колхозда қолдим. Мана, ҳозир жавлон уриб меҳнат қилмоқдаман...» Аҳа, энди план, мажбуриятларни, ким билан мусобақа ўйнагансиз, шуларни ёзинг. Кейин, ҳар бир совлиқдан қўшимча қанчадан қўзи олмақчисиз, буни ёзинг, аҳа.

— Мухбир ака, мен одамларнинг қўйини боқаман-ку?

— Аҳа, шундайми? Оббо-о, раис ҳам дўппи олиб кел деса, бошни олиб келадиғанлардан экан-да. Аҳа, майли, ёзаверинг-чи. Меҳнатларингиз тақдирланганми?

— Эса-чи, мухбир ака, раисимиз ҳар кўрганда тўхтаб, кўришади. Раҳмат, ука, раҳмат, элнинг хизматини қилясан, деб, елкамга қоқади.

— Ҳе, ўртоқ Қурбонов, ўртоқ Қурбонов-э! Булар абстракт гаплар! Радиоочеркка конкрет фактлар керак, аҳа! Орден-медаллар, ёрлиқлар. Ҳмм, бўпти, ўртоқ Қурбонов, сизга рухсат.

Ручкани Рихсиевга узатиб, қулоғимнинг ортини қашидим. Магнитофонга қарадим.

— Мухбир ака, хабарингиз борми, йўқми, унча мунча дoston айтиб тураман.

— Аҳа, шундайми?

— Ота-бовамизнинг ҳунарини ерда қолдирмайин, дейман-да. Ана, дўмбирам ҳам бор.

— Аҳа, ҳунарни асрабон нетгумдур охир, олиб тупроққаму кетгумдур охир! Алишер Навоий!

— Улманг!

Жўшиб кетдим. Дўмбирамни олиб достонимни бошладим. Достонимда бир ҳовлига келин келди. Гулхан ёқилди, чанқовулар чалинди. Келин чимилдикда тўйловчиларга таъзим қилди...

— Маладес, ўртоқ Қурбонов, маладес. Лекин энди, чанқовуз, чимилдиклар эски гаплар. Замонавийлик йўқ. Кўриб турибсиз, ҳозир атом асри. Мана, космонавтар яна ойма учди, аҳа. Хўп, бўлмаса, ўртоқ Қурбонов.

Рихсиев кўзғолди. Ичимдан зил кетдим. У энди кетади, деб ўйладим. Шунда, уларнинг қўйи ёсимга келди. Балки қўйларининг юз-хотирини қилар? Шу умидда қўйлардан гап очдим:

— Мухбир ака, қўйларингиз яхши. Диркиллаб-диркиллаб ўйнаб юрибди.

Рихсиевнинг юзлари ёришди.

— Аҳа, айтгандай, бизнинг қўйлар яхши юрибдими, ўртоқ Қурбонов?

Кўнглимда умид учқун берди. Қўлимни кўксимга қўйиб бош ирғадим:

— Шукр, мухбир ака, шукр. Яхши юрибди. Узлариям қўймисан қўй-да!

— Аҳа, қўй яхши нарса!

— Улманг! Айниқса, сизнинг қўйларингиз! Минг қилсаям, хи-хи-хи, минг қилсаям мухбирнинг қўйлари-да.

— Аҳа, раҳма-а-а-т, раҳма-а-а-т.

— Анави тўнгич акангизнинг қўйлари бўлмайдди. Бари ўзидай калтафаҳм. Сизнинг қўйларингиз шундай доно, шундай доно... Ҳай-ҳай, садағаси кетсанг, мухбирнинг қўйларининг. Мол эгасига ўхшайди, дегани шу-да...

— Аҳа, раҳ-ма-а-ат, раҳ-ма-а-ат.

Рихсиев ташқари чиқди. Хуржунни елкалаб, изидан юрдим. Тарлонни миниб, адирга йўл олдим.

Биродарлар, кўнглим оғрияпти.

«Оқ олтин»имиз бир миллион тонна бўлганда тарлонни бойловга ташладим. Отхонадаги баланд охурга боғладим. Гўнг чиқариладиган тешикни кечалари жанда билан ёпиб, кундузлари очиб қўйдим. Тарлонга эзонда беш кило, тушда беш кило, оқшомда ҳам шунча арпа ем бердим. Кафтимда оқ қанд, туз тутдим. Тарлон қандни лаблари билан олди. Тузни капалаб еди. Қўйнинг қуйруғиниям тузлаб едирдим.

Биродарлар, отнинг усти беҳишт, оғзи дўзах!

Роса қирқ кечаю қирқ кундуз деганда Тарлонни отхонадан етаклаб чиқдим. Уни энди совута бошлади. Ҳовли ўртасидаги қозикқа арқонини узун ташлаб қантардим. Тарлон бўйинини илондек гажек қилиб, қозикни айланаб чопди. Олд оёқларини кўтариб кишнади. Арқонини селкиллаб, дирк-дирк ўйнади. Тарлон маст!

Арқон етадиган ерларга оз-оздан хашак ёйдим. Тарлон қозикни айланаб, гоҳ у, гоҳ бу уюмдан хашак еди. Кунига биттадан хом тарвуз бердим. Тарвузни карсиллатиб-карсиллатиб еди.

Файзи сахар вақти енгил жабдуқлаб, миндим. Катга ҳўдада оҳиста-оҳиста қадамлатиб юрдим. Тонг оқариб,



хўрозлар қичқириб, итлар ҳурди. Кўча юзидаги радиокарнай нағма чалди. Ариқда жилдираб сувлар оқди. Саҳар еллари ҳур-ҳур эсиб, бизни силаб-сийпади. Тарлоннинг туёқ товушлари бир мақомда тикиллади: тик-тик-тик... Олдимиздан ариқ келди. Оёқ илдик. Тарлонни ариқдан сапчитмадим. Сапчитсам, ичидаги мойи узилиб тушади. Кейин бир йилча кўпкарида чополмайди.

Тарлонни сувладим. Изимизга қайтдик. Яна вазмин-вазмин қадамлар: тик-тик-тик...

Тарлонни қирқ кун совутдим. У бир ерда туролмай қолди. Туёқлари ерга тегар-тегмай юрди. Уйноқлаб-уйноқлаб самога сапчиди. Қуюндайин учгиси келди.

Пахта планлари бажарилиб, тўйлар бошланди. Биродарлар, от билмаган нарсая йўқ. От қор, ёмғир, довулни олдиндан билади. Айниқса, тўйни! Боиси, тўйда кўпкари бўлади-да!

Бизнинг Тарлон кечаси кўп пишқирди. Алағда бўлдим. Чопонимни елкамга ташлаб, ташқариладим. Ой ёруғ, осмон очик. Тарлон қозикни тинмай айланиб чопяпти. Ушлаб, ёлларини силадим. Бир ерда тўй бор-ов, дедим ўзимга. Қайтиб кириб ётдим.

Айтганим келди. Эртасига шундайгина ёнимиздаги Обшир қишлоғидан тўйхат келди.

Тарлонни қашиладим. Омборхонадан от абзалларини — терлик, беллик, чирги, боз, жаҳанник, жул, пуштон, қуюшқон, юган, кўпчик, узангичи, узангичи эгарни кўлтиқлаб келдим. Тарлонни эгарладим. Оғзига сувлиқни солиб, юганладим. Пешонасига дўлана шохидан қилинган кўзтумор илдим. Қаппайган хуржунни эгарга ташладим. Узангича оёқ солиб, эгар қошидан ошдим.

Обширга йигирма отлик бўлиб бордик. Сурнай навоси чиқаётган, осмонга қуюқ тутун ўрлаётган тўйхона остонасида оёқ илдик. Бизга Турди подачиникидан жой тегди. Теллагининг қулоқларини тушириб олган бир одам бизни тор кўчалардан эргаштириб, подачиникига олиб борди. Подачининг дарвозаси хийла паст экан. Оти мўминларимиз остонадан эгарга энкайиб ўтдик. Оти беқилиқларимиз ерга тушиб, етакладик.

Отимизни ёппасига яланғочладик. Эгар-абзалларни дарахт шохлари айрисига, супаларга, деворларга қўйдик. Отларни шамоллатдик.

Тарлонни ерга ағнатдим. У гоҳ ўнг, гоҳ чап ёғига ағнади. Ўзини ўзи қашиди. Яна оёққа турди. Оёқларини кериб, силкинди. Бадани, ёлларига илашган хас, чангларни қоқди. Устига гилам ташлаб, пуштонини салқи тортидим. Қозикни тепиб қоқдим. Сафар чавандоз қора тўригининг қозигини Тарлоннинг ёнидан қоқди. Ғашим келди:

— Сафар ака, биласиз, бизнинг Тарлоннинг тўригингиз билан сөзи келмайди. Вақтини топдими, жиққамушт бўлади. Холисроққа боғланг, барака топинг.

— Ҳеч нима қилмайди, ер кенг.

— Ерни қизғанаётганим йўқ. Бизнинг Тарлон оғир-карвон. Тўригингиз тегмасе тегмайди.

— Иккови бу кеча ярашиб кетади.

— Майли, ўзингиз биласиз. Лекин айтиб қўяй, тўригингиз ўзи ярамас.

Тўриқ бизнинг Тарлонга ёмон-ёмон қараб қўйди. Мен, ана, кўряписими, демоқчи бўлдим. Сафар чавандоз меҳмонхонага кетди. Изидан қўл силтаб, мен ҳам бордим. Турди подачининг ўзи йўқ. Аёли кўрпачалар тўшаб берди. Давра бўлиб ўтирдик. Тўйхонадан улуш — турли ноз-неъматли дастурхон, иккита шиша келди. Масаллиқни уй бекасига бердик. Бека қозон осиб, паловга уннади. Биз сабзи тўғрай бошладик.

Шу вақт отлар ачиқ-ачиқ кишнади. Тарлоннинг овозини дарров танидим. Чопиб чиқдим. Сафар чавандознинг тўриги олд оёқларини кўтариб пишқириб, Тарлонга ёпишяпти. Олисдан қўл силтаб Тарлонга дўк ўрдим:

— Бўлди, бас!

Тарлон ўзини кейинга олиб, олд туёқлари билан ер тирнади. Тишларини иржайтириб кишнади. Тўриқни огоҳ қилди. Яқинлашма, деди ўзича.

Тарлоннинг нўхтасидан ушлаб, тинчлантирдим:

— Бўлди! Так-так-так! Так, дейман! Сафар ака, айтмадимми, тўригингиз одам эмас, деб! Тарлоннинг кўнглини оғритди! Олинг энди! Мардон чавандоз билан жой алмашинг. Мардон аканинг жийрони бизнинг Тарлон билан ошна.

Отларимиз тинчиди. Палов еб, кечаси олишни томоша қилдик.

Эрталаб татилланиб, отландик. Лалми даштга йўл олдик. Дашт бир-бирига улашиб кетган адирлар оралиғида. Қунботарда кўнғир тусли қирлар. Дашт четларида йўғон-йўғон тутлар. Кўпкари томошага келганлар тут шохларида, деворларда чумқудайин тизилиб ўтирибди. Теварақдаги адирларда одамлар тўда-тўда бўлиб ёнбошлаб ётибди. Чавандозлар отларини яланғочлаб, кўпкарига шайлаяпти.

Биз ҳам адирнинг бир четини олдик. Мен Тарлонни яланғочлаб, юмалатдим. Эгар босдим. Оёғимга пайтава ўраб, хуржундаги кўпкари этигимни кийдим. Этгим баланд пошнали, така терисидан. Бутларининг икки ёғиям бир қаричча йиртиқ чолворимни кийдим. Уни атайин йиртганман. Боиси, кўпкарида бутимга бирон нима илашиб, чолворимни овигача айириб юборади.

Телпагимнинг қулоғини туширдим. Узангича оёқ илиб, эгар қошидан олдим. Даштга эндим. Чавандозлар теварақни айланиб чопиб, отларини пиштиди.

Бир пайт чавандозлар қишлоққа қараб қичқиришди: — Улоқ келяпти!

Қишлоқдан икки отлик чиқиб келди. Бировининг олдида қора улоқ. Шу улоқни олдимизга олиб келиб ташлади. Чавандозлар отларига улоқни исқатди. Теварақини айлантириб кўрсатди. Отлар тўда бўлди. Юзлари тандирдан энди узилган нондайин қип-қизил, мўйловли бир одам баковул бўлди. Улоқ бошига келди. Қамчи сопини боши узра кўтариб, жарангдор овозда айтди:

— Чавандозлар-ов! Гапимни ўнг қулоғинг билан ҳам, чап қулоғинг билан ҳам эшитиб ол! Чилвир солма — бир! Бир-бировининг ёмон гап билан сўкма — икки! Қамчи солма — уч! Йиқилган чавандознинг устига от солма — тўрт! От қочганда ушлашга ёрдам бер — беш! Ол ҳа, ол!

Баковул шундай деб, тўдадан четга чопиб чиқди. Тўдани айланиб чопди.

— Биринчи зотга бир рўмол, ўн сўм пули бор! Эшитмадим деманглар!

Чавандозлар отларини тўдага солди. Отларини қимтиб, тиззалари билан ниқтаб, қамчилаб улоққа ҳайдади. Улоқ сонсиз от туёқлари орасида қолди. Қўллар улоққа чўзилди. Ололмади.

— Ха-ха-ха!

— Чу-чу-чу!

— Бос-бос-бос!

Уринишлар фойда бермади. Улоқ ерда қолаверди. Улоққа ташланганларнинг ўзиям, отлариям хиёл ўтмай ғарқ терга ботди. Отлар, чавандозлар дастлабки шаштидан қайтди. Айримлари тўда четига чиқиб, пешоналарини артиб, томошабин бўлди. Энди тўда теварақда юрганлар ўзини улоққа урди. Мен ҳам қамчинни Тарлоннинг боши узра ҳаволатиб, ичкариладим. Отлар сиқувида туртиниб-суртиниб улоққа етиб келдим. Тарлон улоқни бир айланиб тўхтади. Қамчинни сопадан ташлаб, улоққа узалдим. Энди кўтарганимда бир от туёғи босиб, қўлимдан тушиб кетди. Тарлонни отлар тўдаси суриб юборди. Тарлон бир қалқиб, улоқнинг нарёғига гандираклаб ўтди. Четга чиқиб қолдик. Тарлоннинг шашти қайтмасин, руҳи тушмасин дея бир чакиримча ерга чопиб бориб келдим — гўё улоқни олиб чиқдик!

Улоқ ҳамон жойида ётганини кўрган баковул зотни оширди:

— Чавандозлар-ов, эшитмадим деманглар, устига яна бир гўсам серка қўйилди!

Отлар пишқирди, кишнади. Сағриларига қамчилар тарсиллаб тушди. Чавандозлар ҳайқириб, отларини улоққа чорлади. Ниҳоят, улоқ ердан кўтарилди. Тўда-

да жонланиш бўлди. Отларнинг қулоғи лик-лик этди. Тўда пастга силжиди. Баковул жар солди:

— Улоқ кўтарилди, улоқ кўтарилди!

Тўда аста-аста жонланиб, ёппасига чопди. Дупур-дупур-дупур... Бари улоқ теварагида чопиб боряпти. Барининг кўз-қулоғи улоқда.

— Улоқ кетди! Улоқ бурноч билан саманда!

Нимага бурноч от дейдиз? Боиси, бурноч отнинг пешонасида қашқаси, бурнининг учиди олеси бор. Бутлариям ола. Бурноч отнинг хили кўп. Кўк бурноч, қора бурноч, тўриқ бурноч, бўз бурноч, жийрон бурноч! Саман от бўлса сариқ, ёллари, думи қора. Ёл, қўйруғи оқлариям бор.

Бурноч билан саман қулоқлари қуён қулоқлари мисол чимирилиб, зинкийиб чопиб боряпти. Ораларида улоқ шавираб кетяпти. Улоқнинг бир бути бурночда, бири саманда. Чавандозлари ўз тарафларига чалқайиб, тортишиб боряпти. Теварагида ўнлаб қўллар улоққа чўзилади. Етолмайди. Етганлари юлиб ололмайди. Жами отлар уларни ўраб чопаётди: дупур-дупур-дупур...

— Улоқ бурноч билан саманда! Қўйма! Улоқ саманга ўтди, улоқ саманда! Бос!

Дупур-дупур-дупур... Дараҳақиқат, саманнинг чавандози эпчиллик билан улоқдан оёғини ошириб, тақимига босди. Унг ёғига қийшайиб, жиловни ўнгроққа бурди. Саман йўлини ўнган солди. Кўп чавандозлар талашиб бефойдалигини билиб, бирин-кетин орқада қолди.

— Ҳало-о-ол! Саманники ҳалол! Ташла, саман, ташла! Э баракалла-е! Саман, кел ҳақингни ол!

«Саман» улоқни ерга ташлади. Баковулга қараб юрди. Биз ерга тушган улоққа қараб юрдик. Яна ёпирилдик. Улоқ бу гал майдагина бир тўриқда кетди. Тўриқ от малла бўлади. Бўйни худди илон мисол гажак-гажак! Янагимиз менга насиб этди. Мен улоқдан умид қилмай тўда четига туриб эдим. Бир қизил-кўк от улоқни судраб чиқди. Бизнинг Тарлон бошини қизил-кўк ёнига бурди. Қизил-кўк шундайгина ёнимизга келганида чавандози улоқни от тиззаси бўйи кўтарди. Мен энқайиб, улоқни ушладим. Қадамни кўтараётиб, Тарлоннинг биқинига тиззамни нуқиб ҳайқирдим:

— Ҳа-а!

Тарлон бир юлқиниб, тўдадан узиб чиқди. Кетимдан чавандозлар от солди. Кўплари етиб олиб улоққа узалди. Тарлонга қамчи босдим. У жадаллаш ўрнига тобора секинлади. Ҳайрон бўлдим. Олдинга қараб, нима гаплагини билдим. Олдинда бир одам бўйи сой бор экан. Нима қилишимни билмай қолдим. Жиловни бургунимча сой лабига келдик. Изимиздан ўзгалар ҳам қолишмади. Тарлон сой ёқалаб чопди. Улоқ сой тарафда бўлди. Шу сабаблям унга биров келолмади. Бироқ, қўли узун чавандозлар Тарлоннинг сағриси, бўйни оша улоққа узалди. Мен улоқни бергим келмади. Тарлон-ку, мендан баттар! Сой ёқалаб борабердик. Баковулнинг овозидан дарак бўлмади. Жиловни қўйиб юбориб, тақимимдаги улоқни қўшқўллаб ушладим. Тарлон ўз билганича чопди. Соининг бўлса адоғи йўқ. Чавандозлар кетимиздан қолмай таъқиб этиб келяпти. Шунда, Тарлон сойга қараб зинкийди. Олд оёқларини кўтариб, сойга ташлади. Этларим жимирлаб, кўзларим отилиб кетаётгандай бўлди. Жиловга узалдим. Қўлим етмади. Оёғимиз ердан узилганини туйдим. Ўзимни муаллақ сездим. Кўнглимдан, ўлган шундай ўлар экан-да, деган гап ўтди. Кўзларимни чирт юмиб улоқни қўйиб юбордим. Ҷўр бир зарбдан қалқиб кетдим. Юрагим товонимга тушиб кетгандай бўлди. Ҳушим бошимдан учди. Жоңғолатда Тарлоннинг бўйнига ёпишдим...

Кўзларимни очсам, сойда чопиб боряпмиз. Тарлон оқисталади. Бир-бир босиб, тўхтади. Бошини эгиб, пишллаб нафас олди. Мен қадамни ростлаб, яна кўзимни юдим.

Юқоридан баковул овоз берди:

— Зот жойида! Зот жойида қолди!

Юқорига ўгирилдим. Қатор отлиқлар сой лабига тизилиб қараяпти. Узалиб, жиловни олдим. Юқорига

чиқадиған йўл қидириб сой ёқаладим. Юқоридан биров салмоқлаб гапирди:

— Одамнинг боши айланиб кетади-я. Шу Тарлоннинг юраги иккита! Бордию битта бўлса, ўзининг калласидай!

Баковул тайинлади:

— Тарлон-ов, улоқниям олиб чиқ!

Мен ўзимни эшитмасликка олдим. Улоққа қайтиб боргим келмади. Бир нишаброқ ердан юқориладим. Эгар-абзаллар олдига бориб Тарлонни яланғочладим. Тарлоннинг бор вужудини қараб кўрдим. Оёқларини силадим. Лат емабди. Ерга юмалатиб совутдим. Бош-адоқ қашиладим. Нўхталаб, қозигини қоқдим. Бўлди, Тарлонни бугунги тўдага солмайман. У голиб бўлди. Қолаберса, ўзимнинг ҳам араз феълим тутди.

Биродарлар, сизга бир нима айтишимми? Мен аразлашни яхши кўраман! Улайин агар-а! Ой туғиб, ўттизида тўлгунча бирон нимадан аразламасам, шу ойда кун кўрмагандай бўламан. Шу боисдан қилдан қийқ чиқараман. Ўзимни хўрланган деб биламан. Кўнглим чўкиб, отам бечорани ўйлайман. Одамлар мени сағирлигимни билиб хўрляпти, дейман ўзимга ўзим. Сағир бўпмиз, айбдор бўлпизми, дейман ичимда. Ундан кейин, калламдан ўпкалайман! Хўрланишимнинг боисини калламдан кўраман. Каллам кал-да, бўлмаса, мени шунчалик хўрлармиди, дея ўксинаман. Шунда, узанги йўлдошларим орага тушади. От жиловини ушлаб тавалло қилади. Бир марта шайтонга ҳай беринг, Зиёдулла чавандоз, дейди. Аразлашимни ана шу ерларга кўнглимга ёғдай ёқади! Қовоғимни уюб, олисларга қарайман. Миқ этмайман. Узанги йўлдошларим янада ғайрат қилади. Зиёдулла чавандоз сиз кўп улуг чавандозсиз, шу сафар бизни ўйланг, дейди. Аҳай! Жоннинг ҳузур-я! Мен мойиллик берган бўлиб, ўйчан бош ирғайман. Ўзимча, майли, юзларингиздан ўтолмадим, деган бўламан. Вужудим ҳузурланиб, от жиловини бураман.

Кўпдан буён бир аразлаш хумор қилиб юриб эди. Мана, яратганнинг ўзи суйган бандасига юборди. Қўлай вақт келди. Баҳонаям бинойидайгина: от инсонни деб жонини аямдади. Баковул бўлса, отнинг фидойилигини тақдирламади!

Мен аразлаб ўтирабердим. Бир жийрон от селдананг отиб, баковулнинг олдига келди. Жийрон — қизил от. Оёғи олапайча. Айримларининг қашқасиям бўлади. Бунда йўқ экан. Унинг соқолдор чавандозини танимадим. Чавандозининг овози ҳам аччиқ, ҳам раҳмли эшитилди:

— Ай баковул, мўйловинг бўлган билан инсофинг йўқ экан! Қара, Тарлон ўзини қаердан ташлади! От сендан, биздан қўрқанидан эмас, азбаройи одамзотни деб шундай қилди. Бундайн ботир отнинг бошидан зар сосанг ҳақинг кетмайди. Бер ҳақини!

— Улоқ қўлидан тушиб кетди!

— Берсанг бердинг, бермасанг шу Тарлонга уйимдан бир қўй олиб келиб бераман! Бўларини айт! Баковул бизга бир серка билан йигирма беш сўм пул берди.

Кўпқарини охиригача ёнбошлаб ётиб қарадим. Узанги йўлдошларим бир мартаям улоқ ололмади.

Жўна-жўна бўлдик. Узанги йўлдошларим кўпқаридан қўлини бурнига тиқиб қайтди. Мен уларга дил ёрдим:

— Энди қайси юз билан элга рўбарў бўлаемиз? Йигирмадай чавандоз-а! Олганимиз бор-йўғи битта серка. Уния тилаб олдик.

Бошлари эгик чавандозлар билмасак, дея елка қисди.

— Яхшиси, бундай қилсак. Йўлда оёқ илсак. Қишлоққа қоронғилатиб кириб борсак.

Қишлоққа бир адир қолганида баримиз отдан тушдик. Ёнбошлаб ётдик. Қоронғи чўкиб отландик. Биров дуч келади деган ҳадиқда мен олдинда юрдим. Олдимда серка бор — эл кўзи...

Айтганим бўлди. Тошлоқни ўтиб, бир қорага йўлиқдик. Йўлни буриб солдик. Қора овоз берди:

— Ҳай, ўша ёқда бир ола мол кўрмадиларингизми?

— Кўрмадик.  
— Зиёдулла чавандоз! Сенмисан? Кўпқаридан қай-  
диларингми?  
— Шундай.  
— Қалай, қуруқ қайтмадиларингми ишқилиб?  
— Эса-чи!  
— Билинмапти-ку?  
Мен олдимдаги серканинг жунини оғритиб-оғритиб  
тортдим. Серка узиб-узиб маъради.  
— Эшитяпсизми овозини?  
— Ҳа, яхши, яхши. Ишқилиб, бўш келманглар. Сиз-  
лар элнинг эътибори.  
— Мана шундай овозли жонлиқдан баримизда бор.  
Хуржундаги қат-қат тўнларни айтмасак ҳам бўлади!

Синога тўйга жўнадик. Ер билч-билч лойлигидан  
отларнинг думини тугиб қўйдик.  
Биродарлар, синоликлар қитмир эл! Бировга бир  
нима қиймайди. Узлари бўлмайди, бўлганни кўрол-  
майди. Бизнинг омадимизни камситида, ерга уради.  
Парокандалигимизни кўриб яйраб кулади. Вой бечо-  
ра-е, дейди. Начора, сўт билан кирган жон билан  
чиқади...

Бугунги кўпқаридаям айтганимиздай бўлди. Бойсун-  
дан Файзи чавандоз келди. Во уққагар, ана чавандоз!  
Беш кетдим! Остидаги оти қизбел! Сувилондай чопад-  
и! У улоқни кетма-кет икки бор айирди. Учинчиси  
менда кетди. Улоқ гоҳ бойсунликларда, гоҳ бизда, гоҳ  
вахшиворликларда юрди. Синоликларга тегмади.  
Файзи чавандоз улоқни учинчи бор узиб бораётганда  
синоликлар куйиб кетди! Бирови отининг жиловидан  
тортиб қолди. Яна бирови улоқни юлқиб тортиб, Фай-  
зининг қўлидан тушириб юборди. Файзи улоқни яна  
олиб жўнади. Қизбели тозидай чопди! Синоликлар қо-  
либ кетди. Фақат улкан бир айғир кетидан қолмай  
борди. Айғирнинг чавандози улоққа узалмади. Айғир  
Файзининг қизбелини кўкраги билан уриб ўтиб кетди.  
Қасдан қилди!

Файзи чавандознинг қизбели ўмбалоқ ошиб йиқил-  
ди. Файзи қизбелининг бошидан ерга айланиб тушди.  
Қизбел туриб, беш-олти одим қўйди. Чавандозига қа-  
ради. Файзи йиқилиш зарбидан сапчи туриб, қизбели-  
га қараб чопди. Э тавба-е, чавандоз ҳам одам, бир  
пахса девордан ағнаса, униям бир ери лат ейди. Хў-  
тиқдан йиқилса, хиёл вақт қимирламай ётади, лекин ўқ-  
дай бораётган отдан учиб кетсаям ҳеч нима кўрмаган-  
дай сапчиб туради.

Биродарлар, эшак йиқитса туёғини тўшайди, от —  
ёлини!

Файзи чавандоз қизбелининг олдида борди. Қизбе-  
лининг баданига ёпишган лойларни артди. Қорнига  
сидирилиб тушган эгарни ечиб, қайтадан эгарлади.  
Узининг уст-бошини қоқди. Тўдага от қўйиб келиб,  
улоққа қаҳрланиб ёпишди. Синоликларнинг бирови  
бу сафар улоқни отига бостириб қолди. Файзи улоқни  
туёқлар остидан тортиб ололмади. Тўдадан энтиқиб  
чықди:

— ...Сигса от мин-да, баччагар! Ул-э, шу кунингга-е!  
Бойсунга кўпқарига борганингни кўрайин! Тфу!

Файзи чавандознинг туپиги улкан айғир сағрисига  
сачради.

Файзи чавандоз аразлади. Изидан узанги йўлдош-  
лари жўнади.

Синолик чавандозлар улоқ ололмаслигини билиб  
қинғирлик йўлига ўтди. Улоққа чилвир солди! Чилвир —  
ярим қулочча ип. Йўғонлиги бошмолдоқдай. Учлари  
билак, эгар қоши сиғадиган қилиб тугилган. Чавандоз  
чилвирни улоқнинг кезанагидан ўтказиб, билагига  
ўраса бас, ундан улоқни тортиб олиб бўлмайди. Улоқ-  
қа чилвир солишини яна бир зўр хили бор. Сино-  
ликлар айна шу зўрини қўлади. Бирови амаллаб улоқ-  
ни ердан узди. Чилвирни кезанақдан ўтказиб, учлари-  
ни эгар қошига илди. Улоқни тақимга босиб чопди.  
Энди улоқни чавандозни эгар-абзали билан ағдариб  
ё отни йиқитиб олмаса, олиб бўлмайди.

— Чилвир! Чилвир солди!

— Ай баковул, тўриқ чилвир солди!  
— Ҳаром, тўриқнинг улоғи ҳаром!  
Баковул барини кўрди, эшитди. Бари бир, ҳалол,  
деди. Чавандозлар норози бўлди. Баковул елкасини  
қисиб талмовсиреди:

— Чилвир? Қанақа чилвир? Акун, меҳмони азиссиз,  
бўхтон қилманг. Тўриқ, кел, ҳақингни ол!

Гапларимиз бесамар бўлди. Кўлар кўпқаридан қў-  
лини ювиб қўлтиққа уриб кетди. Шўрчилик Ҳамдам  
чавандоз кетаётиб манавиндай деди:

— Ай баковул, шундай ҳақ олгандан кўра кўчадан...  
териб есаларинг бўлмайди? Бир мўмин банда ўзи  
емай-ичмай йиғиниб, элга тўй беряпти. Уйла-да, имон-  
сиз! Шу ҳаромлигинг ўзингга, ўзингга бўлмаса бла-  
чақанга уради, мана кўрасан!

Баковул гапидан қайтмади:

— Акун, чилвир солмагани ҳақиқат!

— Э тупурдим, шу ҳақиқатингга!

Ҳамдам чавандоз этагини қўқиб кетди.

Улар нимага этагини қоқиб кетяпти? Адолатга! Ни-  
мага тупуриб кетяпти? Адолатга! Кимдан аразлаб  
кетяпти? Адолатдан! Бир тўда номард, имонсизга ач-  
чиқ қилиб адолатни ўтга ташлаб кетяпти! Биродарлар,  
биз ҳаммиса адолат, адолат, деймиз. Тилдан қўймай-  
миз. Адолатсизликни кўриб хунибийрон бўламиз. Ҳа-  
ётдан, тақдирдан нолиймиз. Адолат йўқ, адолат ос-  
монда, деймиз. Биродарлар, адолат ерда! Оёқлари-  
миз остида! У тупроққа қоришиб ётибди. Уни ким  
бундайни хор қиялпти? Биз — ўзимиз! Мен, сиз, Файзи  
чавандоз, Ҳамдам чавандоз! Ана, улар қочиб кетди!  
Шу-да, адолат жафо чекаётганда қочамиз. Ундан юз  
ўғирамиз. Кўриб кўрмасликка оламиз. Бир имонсиз  
адолатни бўғаётганда йўлимизни чап соламиз. Ёмон-  
дан қоч-да қутул, ё, тон-да қутул, деймиз ўзимизга.  
Ёмон билан тенг бўлмайин, деймиз. Уйга келиб, фа-  
лоччини ноҳақдан айблади, ўзи ҳақиқат йўқ экан, дей-  
миз. Шунини ўртага чиқиб, ёмонларнинг юзига айтиб  
солмаймиз. Ўзимизни билмаганга олиб ўтираберамиз.  
Тилимизни тишлаймиз. Обрўйимиз кетиб қолишдан ё  
амалимиздан айрилиб қолишимиздан қўрқамиз. Ё,  
ўзимизга ғаним орттиргимиз келмайди. Бетгачопарлик,  
тўғри гап туққаннингга ёқмайди, керак эмас, дея қўл  
силтаймиз.

Ана, бари қочиб кетяпти. Қочиш бизнинг узанги  
йўлдошларгаям юқди. Юринг, кетдик, дедилар. Мен  
жеркиб бердим:

— Ҳеч қаёққа кетмайман! Кўпқари охиригача чоп-  
ман!

— Нима қиласиз шуларга тенг бўлиб? Буларнинг  
жазосини худо солади.

— Нимага энди бари нимани худога соласизлар?  
Узларингиз одам бўлиб нима қилиб юрибсизлар?!  
Худо бўлса, шундай имонсизлик бўлармиди!

Узанги йўлдошларим кўнглимга қаради. Бир сино-  
лик чавандоз ёнидагига шивирлади:

— Яхши бўлди, бари кетяпти. Энди ўзимизга қолади.

Қаҳрим баттар кўзиди. Тарлонни Самад чавандозга  
бердим. Ўзим унинг чеккагир кўксаманини миндим.  
Тўданинг гирдини пойладим. Бир синолик улоққа яна  
чилвир солди. Лип этиб ёнидан бордим. Улоқни бир  
бутидан ушладим. Улоқдан қўлимни олмадим. Охири  
синоликнинг оти ҳориди. Ўзиям ҳафсаласи пир бўлиб  
улоқни қўйиб юборди. Улоқ ерга тушди. Мен уни  
илиб қололмадим. Кўксаманни олисдан қайириб кел-  
дим. Пешонамни энгим билан артдим. Ёқамни кўтариб-  
кўтариб кўкрагимни шамоллатдим. Бир роҳатландим,  
бир роҳатландим-э! Таним яйради! Савоб иш қилган-  
дай бўлдим!

Яна тўда четига бориб турдим. Кўксаман вазини  
орқа оёғига ташлади. Энди бир жийрон отли синолик  
улоқни олиб чиқди. Кўксаманни ёнидан қўшдим. Бун-  
гаям бермадим. Буниси кўп чап бериб чопди. Қўйиб  
юбор, ҳақнинг ярмини бераман, дея шивирлади. Ўзим-  
ни эшитмаганга олиб, улоқни ушлаб чопабердим. У  
аламидан сўкинди. Охири улоқни ташлаб қутулди.  
Ишқилиб, улоқни бермадим!

Кейинги улоқни вахшиворлик Йўлдош чавандоз ол-

ди. Чилвирсиз, ҳалол айирди. Унга зиён бермадим.

Баковул ўзларининг чавандозларига яна улоқ тегмаётганини кўриб, қитмирнинг бориб турган қитмири қиладиган ишни қилди. Бутлари шалвираб қолибди, дея улоқни четга олиб чиқди. Хиёл ўтиб, яна тўдага олиб келиб ташлади. Улоқни кўриб, ёқамизни ушладик. Баковул улоқнинг бутларини, бўйинини тагидан қирқиб ташлабди. Бундай улоқни ердан кўтариб бўлмайди. Боиси, ушлайдиган ери йўқ. Жунидан ушлаб кўтарса юлиниб кетади.

Шундай бўлсаям чавандозлар ноумид шайтон, дея улоққа талпинди. Бироқ ердан узиб ололмади. Баковул бўлса шуни кутяпти. У кўпкарининг охирини айтди: — Эшитмадим деманглар, олган-олгани! Олган-олганига шу улоқнинг ўзи, бир кило ёғ, бир кило гуруч, сабзиси бор! Ол!

Бундай улоқни ердан олишнинг бир йўли бор. Лекин жуда қийин... Бахташ таваккал! Мен ўзимизнинг Тарлонни миндим. Узанги йўлдошларимга тайинлаб улоққа юрдим. Узалдим. Жунини эти билан кўшиб чангалладим. Бор кучим билан силаб кўтариб, эгарнинг қошига ўнгардим. Кўкрагим остига олиб, билакларим билан босдим. Қолгани Тарлоннинг иши бўлди! Тарлон тулкидай чопди! Кўпкарининг охири менда кетди. Мен зафар қозондим!

Биродарлар, ўзбек эли ўр келади, ўзи ўжар, зўр келади!

Рихсиев қишлоққа кўчиб келди. Уни биров урилиб келди деди, биров шаҳардан безор бўлиб ўзи келди, деди. Урилиб келдими, сурилиб келдими, ишқилиб, келди. Мактабда муаллим бўлди. Уйимизнинг адоғидати тоғасининг кўхна ҳовлисида яшай бошлади. Қиш бўлсаям ҳашар қилиб ҳовлини созлади. Ҳашарга мениям айтди. Айтган ердан қолиб бўлмайди. Бу ёғи ҳамсоячиллик. Қош бор, қобоқ бор. Бордим. Рихсиевнинг ўзи ишламади. Лойхона олдидаги супага кўрпача ташлаб, ёнбошлади. Биродарлар, Рихсиев қулоқ-мияни қоқиб қўлимга берди! Бидир-бидир, тинмайди! Оламда гап қолмади! Қаерда уруш бўляпти, қаерда сургун, қайси мамлакатнинг подшоши қаерга борди, нимага борди, нима деди, поездда бордим, самолётдами, мезбонлар билан қучоқлашиб кўришдимми ё қўл учидами — ҳеч нима қолмади. Бошим ғувиллаб кетди.

Шу вақт уйдан одам келди. Паловга қарамай, ҳадаҳалаб бордим. Уйимизда чакалоқ инга-ингалади. Биродарлар, мен ота бўлдим, ота! Ўғил! Хумор холаминиз ўғлимизга момо бўлди. Тонгни кўз юммай оқладим.

Эрталаб Тарлонни сувлатмадим. Емни камроқ бердим. Қишлоқ кунчиқаридаги чимзорга бордим. Отлар сийрак. Бари ўзимизнинг отлар. Меҳмонлар камчил.

Тарлонни шайлаб тўдага солдим. Жонивор қани улоққа юрса! Кейинига тисарилди. Сузлигини чайнаб, бошини сарак-сарак қилди. Тиззам билан бикинига ниқтаб, сағрисига қамчиладим. Сесканиб, жойида ер депсинди. Кўз кўрқитарга боши узра қамчи ҳавола этдим. Урсанг ур, дегандайин қулоқларини чимириб турибди. Билдимки, Тарлоннинг кайфияти йўқ. Шундай! Биродарлар, ҳар отнинг ўз феъл-атвори, кайфияти бор. От кайфияти йўқ кунлари инсонга бўйин эгмайди. Кўп ғашига тегабарсақ елкамиздан ғарчиллатиб тишлаб олишдан ҳам, қовуғимизга тарсиллатиб тепишдан ҳам қайтмайди. Бундай вақтларда айрим чавандозлар қамчи дастаси билан отнинг бошига уради. Шунда от жон аччиғида чавандозини йиқитиб қочади. От инсондан безади, қайтади! Узининг девлар ажодига тортади! Аждодларини кўмсаб адирларга қочади. Галага бориб қўшилади. Айғир, биялари билан кўришиб, искашади, суйкашади. Аждодларининг ҳавосини олади! Искашиб, инсондан нолийди. Дев бошим билан инсонга бош эгдим, таъзим қилдим, қўл бўлдим, лекин эл бўлмадим, дейди!

Йўқ! Кайфияти йўқ кўни отнинг кўнглига қараш лозим. Шу боисдан ҳам Тарлонни ошиқча зарбаламадим. Тўда теварағида айланиб, томошабин бўлдим. Чимзорда ерни ёриб чиққан чўқир тошлар кўплигидан чаван-

дозлар кўзига қараб чопди. Отларини қоқилишдан авайлади. Оқтуёқ отлар бир четда биздайин томошабин бўлди. Боиси, оқтуёқ отлар тошли ерда чополмайди. Тошлар туёғини уриб ташлайди. Кўпқари охирида баковул жар солди:

— Чавандозлар дейманов, бугун от кам келди! Узоқ-яқиндагилар тўйнинг икки кунидаям кўпқари бўлишини билмаган-да! Шу боисдан Қобил полвон эртага катта кўпқари беради! Армонда қолма!

Уйда Тарлонни илиқ сувда ювдим. Қашиладим. Хуфтон вақти тўйхона теварагини айлантириб, карнай-сурнайлар овозини эшиттирдим. Тўйнинг ҳавосини олдиридим. Ҳовли ўртасидаги қоқиққа боғладим. Ярим кечада Тарлон кишнади. Ташқарилаб, қарадим. Тарлон олд оёқлари билан ер тирнади. Қоқиққани айланиб чопди. Демак, Тарлон тушкун кайфиятдан фориғ бўлди. Тарлонни тўй ҳавоси кўзгади. Кўпқарига чорлади!

Эртасига отлар сероб бўлди. Отнинг кўплигидан бинойндай отлар тўдага тумшуғини тиколмади. Бир ош пиширим вақт ўтди, улоқ ердан қимирламади. Қимирласаям беш-ўн одим судралиб бориб қолаберди. Охири бир чўбир энлик кўкраги билан тўдани ёриб улоқни олиб чиқди. Тўда четида пойлаётган бир чеккагир чағир чўбирнинг ёнидан келиб, улоқни юлиб кетди. Катта кўпқариларда улоқ тўдадан пича чиқса ҳалол бўлади. Шу сабабляим чағир йигирма-ўттиз қадам қўйганда баковул қамчисини боши узра кўтарди.

— Ҳало-о-ол! Ташла, чағир, ташла!

Ҳай чеккагирлар-э! Улар тўда чеккасида гир бўлиб пойлаб юради. Шу сабабли уларни «чеккагир» дейдилар. Узлариям, отлариям чеккага ўрганган. Улар тўдадан улоқ ололмайди. Чеккада туриб, тайёр ошни пойлайди. Тўдадан чиққан улоқни тулкидай илиб кетади. Тўдадан олиб чиққан чавандоз меҳнатига куйиб қолади.

Мен улоқни минг азобда олиб чиқдим. Буниям шу чағир чеккагир юлиб кетди. Сонимга уриб қолабердим. Чағир чеккагир бошга битган бало бўлди. Шунда мен бир усталикни қўлладим. Улоқни олиб, кун тарафга от солдим. Кунга юзма-юз чопдим. Ёнимда келаётган чағир қолиб кетди. Боиси, чағирнинг кўзи кўк, кунга қараб чополмайди! Кўзлари шафақланади!

— Тарлонники ҳало-о-ол! Ма, ҳақинг! Чавандозлар, энди қоралик кўяман! Мана!

Баковул шундай дея бир йиртим қизил матони кўз-кўз этди. Уни ярим қулочча чўп учига илдириб байроқча қилди. Байроқчани чимзор четидаги каттароқ ўчоқдай чуқур лабига қадади.

— Мана шу чуқур — қоралик! Кимки улоқни шу чуқурчага олиб келиб ташлагани иккита қўй, эллик сўм пул, бир тўн олади-и-и! Қулоғи оғирлар бўлса яна қайтариб айтаман...

Қоралик — кўпкарининг энг мушқули, қийини. Шу сабабляим кўпкарининг ғурури, юзи! Қораликни ҳалоллаш чавандозгаям, отгаям фохр! Улоқни қораликка бир олиб бориб ташлаш тўдадан уч марта улоқ айришдан зиёд!

Кўпқари қизигандан қизиди. Шу вақт Жўра бобо от йўрттириб олдимга келди.

— Зиёдулла чавандоз, бизнинг тўриқиям бир кўринг, укам.

У шундай дея отдан тушиб, жоловни менга узатди. Тарлоннинг жоловини унга бердим. Бобонинг қора тўриғини миндим. На илож, Жўра бобонинг гапини ерда қолдириб бўлмайди. У олтишдан ошган чол. Бифарзанд. Икки бор уйланди. Икковидаям фарзанд бўлмади. Учинчисига уйланди. Бундан ҳам бўлмади. Қўйиб юборган аёллари бошқаларга тегиб, болалик бўлди. Шунда, Жўра бобонинг боши кўкрагига эгилиб қолди. Давраларда дастурхондан кўз олмади. Кўчаларда этиги учига қараб юрди. Овозини қўйиб гапиролмади.

Жўра бобо бир нимага эътибор этди: унинг номи элдан қолди. Эл ўзини ё уйини кўрганда уни эслади. Кўришганда бардаммисиз, Жўра бобо, деди. Бу уй Жўра бобоники, деди. Бошқаларнинг оти бўлса ҳамша эл эғзида. Айтайлик, ҳамсоясининг ўғли мактабга

боради. Муаллим йўқлама қилади. Муродов, дейди. Ҳамсоясининг ўғли сапчиб туриб мен, дейди. Синфга бир кунда олтига муаллим киради. Демак, ҳамсояси Муроднинг оти олти бор жаранглайди. Ҳамсоясининг жами саккиз боласи бор. Бари мактабга боради. Ҳар бирови отасининг отини кунига олти марта жаранглайди. Демак, ҳамсояси бир кунда қирқ саккиз бор эл оғзига тушади. Яна кўчаларда неча марталаб оти айтилади. «Бу кимнинг ўғли? Муроднинг! Бу кимнинг қизи? Муроднинг!»

Жўра бобо жонидан тўйди. Бир тушликда қора дори еди. Устидан совуқ сув ичиб, ёрилиб ўлмоқчи бўлди. Бир чинни коса сувни лабига тегизиб, бирдан айнади. Мардона, аччиқма-аччиқ иш қилиш феъли тутди. Сувни зарда билан отиб юборди. Коса чил-чил бўлди.

Жўра бобо моллари, қўйларининг кўпини сотди. «Жигули» олди. Рулни ҳамсоясининг тўнғичига берди. Мен айтган ерга миндириб бориб келсанг бўлди, деди. Мақсад — машинаси кўчани чангитиб кўрсин, одамлар бу — Жўра бобонинг машинаси, десин. Жўра бобонинг машинаси осмонранг, десин. Йўлда ГАИлар ушлаб ҳужжат кўрсин, унинг номини ўқисин...

Жўра бобонинг кўнгли тўлмади. Машинасини сотди. Пулига манави тўриқни олди. Фарзандлар насибасиниям шу тўриққа едирди. Уни кўпқариларга боқди. Узи улоқ чопмайди. Қариган. Шундай бўлса-да, қирчанги чавандоздай тўриқни кўпқарига шайлади. Чавандозларга эргашиб, олислардаги кўпқариларга борди. Бировнинг оти толса ё ярамаса, шу чавандозга тўриғини берди. Жўра бобонинг қайғуси ягона бўлди: тўриғи улоқни айирса, баковул улоқни Жўра бобонинг оти айирди, дея жар солса. Жўра бобонинг оти, кел, ҳақингни ол, деса. Номини тумонат одам эшитса. Қулоғи оғирлар ким айирди, дея сўраса, қабатидаги, Жўра бобонинг оти, деса.

Баковуллар, чавандозлар Жўра бобонинг дилидагини илғаб олди. Кўпқариларда унинг кўнглига қаради. Тўриғини атайин сўраб олиб чопди. Жўра бобо тўриғини марҳамат этса, чавандозлар йўқ демади.

Жўра бобонинг тўриғига қоралиқни кўрсатиб, искариб келдим. Хиёл ўтиб тўда гувиллаб қўзғалди. Улоқни бир чил от олиб чиқди. Чил отнинг бир ери оқ, бир ери кўк, яна бир ери қора. Шунинг учун ҳам чил-да! Чил йўлини чап солиб ўзиб кетди. Чағир чеккагирлар Чилга йўламади.

Баковул қамчисини боши узра силкиб, деди:

— Бекор, Чилники бекор! Қораликка тушмади!

Чин, улоқ чуқур лабида илашиб қолди. Ичига тушагини ҳалол бўлади.

Баковул улоқни қоралиқдан олисга олиб бориб ташлади.

— Чавандозлар, қўйилган зотлар жойида қолди! Ол!

Бояги Чил улоқни тагин олиб чиқаман, деяпти. Бир ҳавасим келди, бир ҳайратим. Нимага фақат шу Чил оляпти? Ҳатто чеккагирларниям доғда қолдирыпти? Фаросат солиб қарадим. Бир талай узанги йўлдошлари Чилнинг теварагини ўради. Чил улоқни хотиржам олди. Тўдадан суғурила бошлади. Узанги йўлдошлари ўзга отларни Чилга йўлатмади. Йўл бермади. Гўё улоққа талашаётган бўлиб, Чилни ўраб чопди. Сағрисига қамчилаб, мадад берди.

— Дарбанд, ҳайда, Дарбанд! Ғайрат қил, Дарбанд!

— Бос, бўш келма, Дарбанд!

Демак, булар дарбандлик чавандозлар. Чилнинг чавандози улоқни тақимига босиб, айириб боряпти:

— Охо-ҳай, охо-ҳай! Ҳай отам, ҳай отагинам-э!

Чил бу сафар улоқни дангал ташлади,

— Ҳало-о-ол! Чил, Чил дейман-ов, улоқни олган ерингга олиб бориб ташла! Чавандозлар, эндиги зотга қатта бир ҳўкиз қўйилди. Сўйсанг бир тўйни тўйдирди! Ол, армонда қолма!

Тўда яна қораликка қараб от қўйди. Улоқ бу гал «8-Март» колхозидан келган бир саманда кетди.

— Қўйма, «8-Март», қўйма!

— «8-Март», эҳтиёт бўл, кетингдан чағир боряпти!

— Бос-а, жонинг борми!

— «8-Март», отни қамчила!

Ҳўкиз «8-март»ликларда кетди.

Эндиги улоқни мен олиб чиқдим. Отлар олдимни олди. Йўлимни, ёнларимни ёпиб чопди. Отлар мени қораликка йўлатмади.

Биродарлар, ёлғиз отнинг чанги чиқмас, чанги чиқсаям донги чиқмас!

Аламиндан хуноб бўлиб, ўзимизнинг чавандозларга бақирдим:

— Жонларинг борми?! Келинлар-да энди!

Шундагина бизнинг чавандозлар ўзига келди. Гапни бир ерга қўйдик. Мен улоққа кирдим. Узалиб, улоқни ердан уздим. Жўра бобонинг оти юрди. Баковул жар солди:

— Улоқни Жўра бобонинг оти кўтаряпти, Жўра бобонинг!

«8-март»лик саман билан тортишиб тўдадан чиқдик.

— Улоқ Жўра бобонинг отида! Эшитмадим деманглар, Жўра бобонинг отида!

Узанги йўлдошларим теварагимни олиб чопди. Ўзга отларга йўл бермади. Жўра бобонинг тўриғини қамчилаб, ҳайоаракалла этди:

— Ха-ха-ха, бос!

— Ҳа, селкиллаган ёлингдан айланай, ҳайда-я!

— Йий-ий-ий-ий!

Дупур-дупур-дупур... Отлар пишқирди, отлар кишнади. Сувлиқларини шақирлатиб чайнади. Ёллари селкиллади. Думлари товус пати мисол ёйилди. Туёқлар остидан самога чанг ўрлади. Дупур-дупур-дупур...

Жўра бобонинг оти қораликка забтли келди. Чуқурдан салчиётганда улоқни қўйиб юбордим.

— Ҳало-о-о-ол! Жўра бобонинг тўриғиники ҳалол!

Жўра бобонинг тўриғи, кел, ҳақингни ол!

Ҳақни олиб, Жўра бобонинг олдига бордим. У жилмайди. Кўрдиларингизми, бизнинг отимиз айирди, деган бўлиб, теваракка ғолибона, ҳам хушвақт қаради.

Қиш охирлаб, тўйлар соб бўлди. Ҳавода кўклам иси аниқиб қолди. Бойчечаклар кетидан қоразошлар очилди. Кўкламни тўйиб-тўйиб искадик. Бағримизга босдик. Бир гап эшитиб, кўклам кайфиятимиз қиш бўлди. Кўклам рангимиз синди.

— Жамики отлар гўштга топширилар эмиш.

Колхоз радиоузелидан шундай деди. Бригадирлар уйма-уй юриб айтди. Важини сўрадик. Бригадир елка қисди. Кўрсатгич бармоғи билан шифтни кўрсатди.

— Бари юқоридан. Бизда гап йўқ.

Бригадир айтган юқоридан одам келди. Идоранинг олдида кўрдим. Ёнида иккита милиционериям бор.

Улар уйма-уй юриб от олди. Эл от бермайин деса, катталар! Ёқалашайин деса, яна яхшимас. Эл ноилж қолиб, остонагача отларига эргашиб борди. Элнинг дарди ичида бўлди.

Кечаси чалқанча ётиб ўйладим. Сахар вақти Тарлонни жабдуқладим. Обширга от солдим. Куюндайин учиб келдим. Обшир қишлоғининг кунботарида оқ тупроқли адирлар, тепалар кўп. Шу тепалар нишабида камарлар бор. Тарлонни шу қоронги камарларнинг бирига боғладим. Кун ёйилиб, олам мунаввар бўлганда уйга келдим. Татилланиб, подаётоққа бордим.

Оқшом вақти ўн кило арпани бир қоп сомонга аралаштирдим. Қош қорайганда қопни орқалаб жўнадим. Йўлда терлаб, дам олиб бордим. Қопни камарга суядим. Кафтимда гугурт қақдим. Тарлон кўрсин дея оловни юзимга олиб келдим. У емсираб, илтижولي пишқирди. Етаклаб, шу яқиндаги ариқдан сувлаб келдим. Тўрвасида ем осдим. Баданини қашидим. Қопни ичкари олдим. Кетимга қараб-қараб кетдим. Уйга қора хуфтонда келдим. Тамадди қилиб, чўзилдим. Кўзим илдинди.

Бир маҳал аёлимиз туртди. Туринг, биров чақиряпти, деди. Уйқусираб қўзғолдим. Чиқсам, олапар бировни дарвозадан ичкари қўймапти. Олапарга олисдан дўқлаб бордим. Олапар думини ликиллатиб ўзини четга

олди. Қарасам, кўчада раис, юқоридан келган одам, милиционерлар турибди. Кўришиб, сўрашдим. Раисмиз дўппили одамни кўрсатди.

— Бу киши район вакили. Район қишлоқ хўжалик бошқармасидан.

— Бинойи, бинойи. Қани, келингизлар.

Дўппили одам ичкарилади. Бошқалари изидан юрди. Чироқ ёруғига келганда уларнинг юзини айнан кўрдим. Дўппили одам ранги зарчанинг рангидай синик, мендайин бир кал экан. Ўзимиздан экан, дедим ичимда.

Вакил теваракка аланглади.

— От қани?

— Қандай от?

— От қандай бўлади? Тўрт оёқли, икки қулоқли.

— Менда ундай от йўқ.

— Топ, топ, каллани гаранг қилма. Ади-бади айтишиб ўтиришга вақт йўқ. Сенга ўхшаганларнинг сони мингта.

— Менда от нима қилади, катта? Ана, қарангизлар. Бўлса, олиб кетаберингизлар.

Вакил бармоқларини ўйнатиб, милиционерларга имо қилди.

— Тинтинглар.

Милиционерлар билакдай хитойи фонарларини ёқиб, молхона, отхоналарни тинтиб келди.

— Ўзи йўқ, тезаги бор экан.

Вакил менга юзланди.

— Ана, тезаги бор деяпти-ку?

— Мен сизга айтсам, катта, эшикли уй, меҳмонларнинг оти тезак ташлагандир-да. Ташлама, деб бўлмайди, меҳмон от.

— Фамилиянг нима? Хў-ўш, Қурбонов, та-а-ак, Қурбонов Зиёдулла! Мана, рўйхатда турибсан, отинг бор. Гап шу, эртага яна келамиз. Отни топсанг топдинг, топмасанг, ўзингдан ўпкала!

Вакил ўртада, милиционерлар ёнида шахдам одимлар отиб кетди. Раисимиз пилдираб гоҳ ёнида, гоҳ кетида юрди.

Шунда ичкаридан онамиз чиқди:

— Айт, улгу бериб кетсин.

Уларга дарвоза остонасида етиб олдим.

— Катта, уйда чақалоғимиз бор, отини Иброҳимбой дейдилар.

— Нима қилайин шунга?

— Чақалоқли уйга бемаҳалда келиб бўлмайди. Ма-бодо биров билмасдан келиб қолса, ундан улгу олиб қолиш лозим.

— Қаердан оласан?

— Бизга бари бир. Унгиригизнинг учидан майдагина ип бўлсаям майли. Аёллар чақалоқли уйда ипни исириққа қўшиб тутатади.

— Энди, шунгаям этагимни йиртайми?

— Йўқ, йиртиш даркор эмас, катта. Кийимингизга илашган биронта қил бўлсаям бўлади.

Вакил менга қўл силтаб, йўлига бурилди. Мен қайтиб келиб, бермади, дедим. Онамиз қарғаб-қарғаб ичкарилади. Тайпоқ тобоқда исириқ тутатиб, чақалоқли уйни уч айлантирди. Зиён-заҳматларни қувди.

Мен, катталар хўжақўрсинга лалми дўқ уриб кетди, дея ўйладим. Бироқ, улар эртасига яна келди. Отхонани қаради. Искаланиб, чақалоқли уйни кўрди. Уларнинг қилиги ҳамиятимга тегди. Тишимни тишимга зўрға босдим.

— Хўш, қани?

— Нима қани?

— От!

— Катта, сиз менга қайси бозордан от олиб бериб эдингиз? Деновнинг бозориданми ё Шўрчиникиданми?

— Тишингни кўп ёғирлатма, биз сендан кўрқмаймиз. Яхшиликча отни чиқар. Қўша-қўша мол, қўй, товуқ, от... бунча ҳайвонни нима қиласан? Ана, магазинда ҳамма нарса муҳайё. Гўшт дейсанми, сут, кефир дейсанми...

— Катта...

— Нима, ё капиталист бўлмоқчимисан? Кечириб

қўясан! Биз социалистик жамиятда яшаймиз. Тўғрим, ўртоқ раис!

— Тўғри, тўғри!

— Ё, от миниб босмачи бўлмоқчимисан? Кечириб қўясан! Ўзи, аждодингда босмачи ўтмаганми? Бир текшириб кўриш керак...

— Катта, ундай деманг. Менинг отам бечора совет тузумини деб қурбон бўлган. Отга келсақ, от йигитнинг йўлдоши, катта. Қолаберса, кўпкари чопамиз.

— Ия, сен ўзи қайси жамиятда яшайсан, мия? Шу пайтгача эшакнинг қулоғига танбур чертялманми? Кўпкаринг эскилик сарқити! Ёввойиларнинг ўйини!

— Катта, ўзи кал калла — калла эмас экан-да. Бир менинг каллам шундаймикин десам, сизникиям меникидан қолишмайди.

— Учир-э...

— Катта, энамни сўкманг. У бечора ичкарида неварасига қараб ўтирибди. Сизга бундайин бепошна гаплар эп бўлмайди.

— Учир дейман-э...

— Эса, мен ҳам...

Гапим охирига етмай қолди. Вакил қулочкашлаб жамиятга урди. Қўли аёлни қўлидай экан — оғрмади. Гапимни охирига етказдим. Вакил қорнимга тепмоқчи бўлди. Ўзимни четга олдим. У ўз шаштида супадан учиб кетди. Милиционерлар чопиб бориб, уни чуқурдан чиқариб олди. Вакил кийимлари лой, ҳансираб мени кўрсатди:

— Ушланглар уни! Бандитни ушланглар!

Милиционерлар ёнимдан келиб, қўлларимни кетимга қайирди. Вакилнинг изидан етаклаб колхоз идорасига олиб борди. Майда машинага босди. Йўлда қусдим. Биродарлар, мен бензиннинг исини ёмон кўраман. Бошимни айлантдириб, кўнглимни айнитади. Осмондан тушгандай бўлиб қоламан.

Районга келиб, орган олдида машинадан тушдик. Вакилга эргашиб чап тарафдаги ойнаванд хонага кирдик. Телефон олдида ўтирган милиционерлар ўрнидан турди. Вакил кийимларини кўрсатиб, дардини айтди:

— Коллегаларинг билан гўшт топширгани бордик. Мана бу типга отни бер, десам бермади. Мени тутиб сўқди. Онам ҳам қолмади, хотиним ҳам. Кейин бир уриб чуқурга ағанатиб юборди. Мана факт — лой! Коллегаларинг жонли гувоҳ. Ана, раис ҳам бор. Тўғрим, раис!

— Тўғри, тўғри! Чуқурга юмалатиб юборди!

Улар вакилнинг олдига қоғоз қўйди.

— Мана, рапорт ёзиб бошлиққа олиб кирибди. Бунга бир тикиб қўяйлик, қўзи очилсин.

Вакил қоғозни тўлғазиб, олиб кетди. Хиёл ўтиб яна қайтиб келди. Туш олдимга, деди менга. Олдига тушдим. Тор йўлакдан ҳовлига чиқдик. Кейин яна бир хонага кирдик. Хона тўрида бақалоқ бир одам ўтирибди. Ўтиришидан катта одам. Елкасидаги юлдузлариям катта-катта.

Вакил тўрдаги каттага мени кўрсатди.

— Мана бандит!

Тўрдаги киши вазмин овозда сўради:

— Нега раҳбарларни урасиз, ўртоқ Қурбонов?

Мен бўлган гапни қўшмай-олмай айтиб бердим. Тўрдаги катта энди нима дейсиз, дегандай вакилга қаради. Вакил ўрнидан туриб кетди:

— Ёлғон! У ўзини оқлаяпти! Биз раҳбарларга ишонасизми ё шунга ўхшаган қонунбузаргами?

— Раҳбарларга ишонаман. Раҳбарлар ёлғон гапирмайди.

— Бўпти-да.

Хўрлигим келди. Ўпкам тўлиб кетди-ю, ўзимни босдим.

Вакил раҳмат айтиб, кетди. Мени қоронғи, бадбўй ҳидли бир хонага қамаб қўйишди. Қундузлари ҳовли, кўчаларни супурдим. Ҳожатхоналарни тозаладим. Кечалари ухламай, Тарлонни ўйлаб ётдим. Онамиз билан аёлимиз овқат олиб келиб, йиғлаб-йиғлаб кетди. Уларга Тарлонни айтмадим. Аёл зотининг оғзи бўш, айтиб қўяди. Қолаберса, Тарлонни фақат ўзимга ўргатганман.

Узимдан ўзгани яқинигаям йўлатмайди, қўлидан ем емайди.

Роса ўн кун деганда озод бўлиб қишлоққа қайтдим. Уйга бормай тўғри Тарлоннинг олдида чопдим. Тепага ўрладим. Тарлон кишнамади. Кўнглимга баттар ҳадик тушди. Тарлондан умидимни уздим. Камар олдида серрайиб қолдим. Кетимга бир чалқайдим. Кўкрагим остида бир нима кўприб келди. Кўзларим отилиб кетадигандай бўлди.

Камарда тўрт таёқ устида бир нима турибди. Жони борми, йўқми, билинмайди. Иккита нима йилтирайди. Кўзларимикини?

Ичкари юрдим. Тарлоннинг бўйнига осилиб тўйиб-тўйиб йўғладим. Уни камардан етаклаб чиқдим. Тарлон пастга энаётганда олд оёқлари букилиб, йиқилиб кетайин деди.

Тарлонни ариқдан пича сувладим. Ариқ ёқалаб етаклаб, оёқларини ёздим. Қашилаб ювдим. Яна сувладим. Етаклаб камарга олиб келдим. Тўрвасида ем осдим. Қош қорайгунча камар оғзида ўтирдим. Тарлонга жон кирди.

Биродарлар, неча-неча қорабайрлар, бурночлар кетига қараб-қараб, кишнаб-кишнаб кетди. Неча-неча жийронлар, саманлар гўшт бўлди. Қишлоқда отлар кишнамай қўйди. Саҳарлари кўчада от туёқлари дукурламай қолди. Оқшомлари отлар тарсиллатиб ер тепилмай қўйди. Адирларда отлар айғирга эргашиб дупур-дупур чопмай қолди. Чавандозлар эмчақдоши урушдан қайтмаган бўзболадай мунғайиб қолди. Келинлар отда эмас, машинада келадиган бўлди. Оламни машина товуши бузди: дут-дут-дут...

Ора совиди. Қишлоқ тинчиди. Тарлонни уйга олиб келдим. Қишлоқда кўпкарининг оти ўчди. Кўп чавандозлар белига пул тугиб Обоқлига жўнади. От миниб қайтиб, ажаб гапларни топиб келди. От олиш кўпга келган тўй эмас экан. Обоқли тарафларда отларга қўл урмабди.

Бу гап қишлоқдаги беш-олти аризабознинг қулоғига етди. Аризабозларнинг қулоғи динг бўлди. Улар кечалари уйма-уй юриб ариза тўплади. Бир кеча бизникига келди. Аризабозларнинг султони бўлмиш Ботир мироб сирли овозда тайинлади:

— Дарвоза ичкаридан тамбалансин. Ҳовли чироғи ўчирилсин. Бола-чақа бу уйга яқин йўлатилмасин. Ичкари эшик зичлаб ёпилсин. Дераза пардалари туширилсин. Сўнг, қаршимизга келиб ўтирилсин.

Ботир миробнинг айтганларини бажариб, даврага ўтирдим. Улар бошимдан кечган савдони гапириб беришимни сўради. Сир бермай, талмовсирадим. Боиси, ўшанда ўн кун ётганим элга дoston бўлди. Эл орасида юрвусиз бўлдим. Мана, дostonим деярли унут бўлди. Кўнгилисиз дostonимни яна кўзгагим келмади.

— Ботир ака, бўлган иш бўлди, бўёғи синди. Қўйинг шу аризабозликни.

— Ия, ҳей, оғизга қараб гапирилсин! Ким аризабоз? Бизми? Биз ёзувчимиз, билиб қўй! Анави ғазал, роман... ёзувчилар яна нима ёзади, ўртоқ Ҳамидов? Қабатидаги адабиёт муаллими ўз улушини кўшди:

— Поэма, баллада...

— Ҳа-ҳа, поэма, баллада ёзувчиларинг ёзувчи эмас, биз ёзувчи! Мана, биз! Ёзувчиларингнинг асарларида факт йўқ, адрес йўқ. Масалан, ана ўзимизнинг Тоғай! Бўри бечоранинг ўғли! Олишни китоб қилиб ёзди. Энди кўпкариниям китоб қилаётган эмиш. Ёзишга ёзди. Лекин текширтирмади, чора кўрдирмади. Биздоям асар бор. Ана, сандиқда юзлаб шикоят асарларимизнинг копияси тахланиб ётибди. Иккинчи марта оғиздан аризабоз деган гап чиқарилмасин.

— Тавба қилдим, ака.

— Шундай бўлсин. Энди гапирилсин. Бошидан бошлансин.

— Шу, бир кечаси мендан бешбаттар ийғи чиққан бир кал келди. Ёнида иккита шапкаям бор...

— Менга қаралсин, нима, дунёнинг иши сенга кўпкарими? Кал дейилмасин! «Ўртоқ Фалончиев» деб айрилсин. «Шапкан» ким? Милицонер? Менга қаралсин, шапка инсон эмас! Шапка латта, картон қоғоздан

ясалган! Шапкани жавобгарликка тортиб бўлмайди! «Лейтенант Фалончиев», «сержант Фалончиев» деб айрилсин.

— Хўп. Ой ҳамсоямиз Қулмат полвоннинг теракла-ри тепасида турган эди...

— Уф-ф, мабодо шоир-поир эмасмисан? Бўлмаса, нега ойдан, юлдуздан гапирасан? Пастга тушилсин. Ердан гапирилсин. Судларда қатнашилганми? Унда, колхоз ҳисобот мажлисида менинг нутқ сўзлаганим кўрилганми? Худди мендай бўлиб гапирилсин.

Ботир миробнинг колхоз умумий мажлисида гапиршини ёдладим. Худди миробдай қўлларимни қорнимга қовуштирдим. Бошимни тик тутдим. Киприк қоқмай, барини айтиб бердим. Буниси қониқарли бўлди. Мироб олдимга қоғоз билан ручка қўйди.

— Энди қандай айтилган бўлса, шундай ёзилсин. Нимага? Бешинчи синф? Маълумотинг мендан бир синф юқори бўлатуриб ёзолмайсанми? Ҳа, майли. Ўртоқ Ҳамидов, сиз ёзинг, бу киши қўл қўйиб беради.

Аризабозлардан Денов қолмади, Термиз қолмади, Тошкент қолмади. Идорама-идора чопди. Аризабоз дегани ажабтовур эл экан. Бўлмаса, уларнинг отини олмаган. Уларга биров югур, ел, деб бир чақа бермаган. Уларнинг ёнидан чопгани чопган. Бир сафаргисиде мениям эргаштириб жўнади. Бошингдан ўтган савдонни ўз тилинг билан айтиб берасан, деди. Қарга боряпмиз, десам, айтмади. Ботир мироб кўрсатгич бармоғини лабига босиб, тиш-ш, деди. Утарни шергимга қолдириб, уларга эргашдим. Автобусда Душанбега бордик. Йўлда автобус деразасидан икки марта қўсдим. Душанбедан Москвага учдик. Умримда биринчи марта самолётда учдим. Самолёт бирдан пастлади. Юрагим тоvonимга тушиб кетгандай бўлди. Деразасидан қараб ҳайрон бўлдим. Шундай остимизда пахта уюлиб ётибди. Самолёт тегай деярли. Қабатимдаги Ҳамидов муаллимга эҳҳе, пахтаи қаранг, дедим. У қараб, кулиб юборди. Телпагимни олиб тақир калламга шапатилади. Калламни елкаларим орасига олдим. У телпагимни тап эткизиб бошимга кийгизди. Билсам, булар пахта эмас, оппоқ булутлар экан.

Москвага тушиб, аризабозларнинг кетидан эргашдим. Эҳҳе, машина кўп! Биттаям от йўқ!

Анграйиб, аризабозлардан кейинда қолдим. Улар хуноб бўлиб оёғимга қаради. Катта бир идорага кириб кетди. Мен остонадаги қоровул олдида ўтирдим. Аризабозлар ўргатган гапларни ичимда бот-бот қайтардим. Ниҳоят, аризабозлар чиқди. Катталар мени йўқламабди. Уларнинг гапига ишонибди. Яхши бўлибди. Катталарнинг салобати босиб, дудуқланиб қоламанми, дея кўрқиб эдим.

Эртасига Душанбега учдик. Бу сафар дадилроқ бўлдим. Ўтирганлар кўрсатгич бармоғини ликиллатиб, ўртада лайлакқушдай йўрғалаб юрган қизни имлади. Қиз уларга майда идишда сув олиб келди. Менинг бошқалардан қаерим кам? Каллам телпакиннинг остида кўринмайди. Узимни бир синаб кўрмоқчи бўлдим. Кўрсатгич бармоғини ликиллатиб, аёлни имлади. Сув, дея оғзимни кўрсатдим. Қиз бош ирғаб, сув олиб келди. Сувни бир ютишда йўқотдим. Бошқалардай бош ирғаб, ўлманг, дедим. Кўкрагимни кериб, бақалоғимни шишириб ўтирдим. Ойнадан пастга қарадим. Паст ўзимизнинг Вахшворсойга ўхшаб кўринди. Бировларнинг уйиниям кўргандай бўлдим. Майда-майда қоралар юрибди. Ҳамидов муаллимга, шу бизнинг қўйлармикин, дегим келди. Калламга шапатилашидан кўрқиб, индамадим.

Душанбега гурс этиб тушдик. Такси олиб, қишлоққа келдик. Қаерга борганимни айтиб, мақтангим келди. Кўчада вазмин-вазмин қадамлар босиб юрдим. Одамларга қуюқ-қуюқ саломлар бердим. Кўчанинг бошидан қайтдим. Дуч келганлар билан қалин-қалин сўрашдим. Қозон-тобоғигача қолмади. Ай, биродарлар-э! Ақалли бировгинаси кўринмай кетдингиз, Зиёдулла чавандоз, дея сўрамади-я! Одамлардан хафа бўлиб, уйга келдим. Чой ичиб, ёнбошладим. Унгимга ағдарилдим — бўлмади, чапимга ағдарилдим — яна бўлмади! Тарс ёрилиб кетгудай бўлдим! Москвадан олиб кел-

ган қандан қўйнимга бир сиқим солдим. Тарлонни миниб, Мамат ошнамнига бордим. Девордан бўйладим:

— Мамат! Мамат уйдаи, келин? Уйғот, гап бор! Ичкаридан уйқули кўзларини уқалаб Мамат чиқди. Теваракдагилар эшитсин, дея овозимни қўйиб гапирдим:

— Яхшимисан, димоғинг чоғми? Ма, ланави қандни невараларимга бўлиб бер, есин. Мозор босиб келган, табаррук.

— Қаерлардан сўраймиз?

— Москва!!!

— «Москва» колхозими?

— Колхоз? Қандай колхоз? Колхозингни кўрибсан! Мен Москва, шаҳри азимни айтяпман! Кун қиём вақти — қиём вақти уйининг устидан бир самолёт учиб ўтдими? Қанотларида паррагим бор?

Мамат сергак тортиди. Осмонга бир қараб олди.

— Учиб ўтгандай бўлди, нима эди?

— Улма! Шу самолётнинг ичида мен бор эдим!

— Аха-ҳай, ҳа кучингдан!

— Унг ёғида ўтириб учдим! Парракнинг шундай ёнида!

— Эҳ-э-э, ёрили-э, баччағар!

— Кўриб турибсан, чакана одам эмасман. Энди мен билан ўйлаб гапириш!

— Бўлди, бўлди, тараф йўқ.

— Яна бир гап. Самолёт осмонда варракка ўхшаган билан майда эмас экан. Ичи Обширнинг камаридай келади.

— Кир уйга, чой ичамиз.

— Йўқ, ишим зарил. Шундай ўтаётиб, бир аҳволлашиб кетайин дедим.

Жилонни қўйиб юбордим. Биродарлар, кўнглимни бўшатиб олдим.

Биродарлар, Москвадан одам келибди. Шляпаси бор эмиш! У, район катталарини йиғиб, кал каттани ўртага олибди. Жория бўлишчи, ҳукумат, ҳар ким ўз имкониятига яраша гўшт топширсин, дебди. Буйруқ районга келибди. Район катталари кал каттани бизга вакил қилиб юборибди. Кал катта бир зина юқорига ўсмоқчи экан. У гўшт топширишдан фойдаланмоқчи бўлибди. Қайси йўл билан бўлсаям гўшт топширишни муддатидан олдин ошириб бажариб, катталарга яхши кўринмоқчи, елкасига қоқтириб, шу йўл билан кўзлаган амалига минмоқчи экан. У ниятига авом элни зўрлаб, қўрқитиб етмоқчи бўлибди.

Катталар уни уришиб-уришиб амалидан олибди. Партиядан ўчирмоқчи бўлибди. Шунда, кал катта, йиғлаб қўяверибди. Кейин катталар, эркак одамнинг йиғлагани — ўлгани дейишиб, шафқат қилибди.

Биродарлар,

**Ҳақ сақласа, бало йўқ,**

**Ҳақ қарғаса, даво йўқ!**

Айни кунлари кал катта чойхонада ёнбошлаб, ҳақиқат йўқ, дермиш. Чойнағидаги чойи оқ эмиш. Ўзи кўйиб, ўзи ичармиш. Элга эрмак, халққа шалоқ эмиш.

Арзабозларга меҳрим тушиб қолди. Бозор оқшоми барини айтиб келиб, қўй сўйиб бердим.

Қишлоқ яна отларга тўлди.

Чавандозлар отини бойловга ташлади. Тарлонниям бойлаб боқдим.

Қорлиқда тўй бошланди. Шу тўйга йўл олдик. Тарлон йўлда тезак ташлаб-ташлаб борди. Ҳайрон бўлдим. Бундай қилиғи йўқ эди.

Бир муаллимнига тушдик. Қозиқни молхона ёнига қоқдим. Тарлоннинг қулоқлари тушди. Бошини эгиб, девор каватига мунис-мунис термилди. Ем ёмади. Иримига лабиниям тегизмади. Кўнглим ҳадиксиради.

Томоғимдан туз ўтмади. Деворда чўнқайиб ўтириб, Тарлондан кўз узмадим.

Узанги йўлдошларим ҳам оромини йўқотди. Қорлиқда отни зўр биладиган синчи чол бор экан. Шунини айтиб келдилар.

Чол Тарлонни айланиб кўрди. Энкайиб, кўзларига қаради. Узича бош ирғади. Тирсагимдан ушлаб, меҳмонхонага эргаштириб борди. Елкамга қўлини қўйди.

— Менга қара, эл чавандози, шу отни менга сотмайсанми? Йигирма қўй бераман. Гапнинг эркагини айт.

Зардам қайнади. Мен нима ғамда-ю, чол нима ғамда.

— Бова, ўзи нима гап, аввал айтнинг!

— Сен бўларини айт, эл чавандози. Кейин мен айтман.

— Йўқ! Қиёматдаям сотмайман! Бўлдимми?

— Ҳа, майли. Унда эшит, эл чавандози. Отинг зўр от. Кўргандан беш кетдим. Адашмасам, яқинда бир оғир дардни бошида кечирган дейман-ов?

Обширнинг камарида ўн кун оч ётгани хаёлимдан ўтди. Чолга сир бермадим.

— Ҳа, бир дардга чалинган. Кейин фориг бўлган.

— Балли, эл чавандози. От ҳозир шунини эслаб, эртага бўладиган кўпқарини ўйлаяпти. Дарддан аввалгидай чополаманми, йўқми, деган ғам отни ўйга солган. Мен буни кўзидан билдим. Мана, мениям айтди дерсан, эл чавандози.

Чол кетди. Бемаҳалгача гурунглашиб ўтирдик. Тарлоннинг қайғуси кўнглимдан кўтарилмади. Қайғу юзимга урди шекилли, уй хўжаси, кўп қайғурманг, чол синчи, билади, деди. Кейин, чолнинг кимлигини айтиб берди.

Эмишки, отлар бир йилда бир марта кавш қайтарди. От кавш қайтарганда ёнади! Баданлари товланиб, кўзни қамаштиради. Айниқса, кўзлари порлаб ёнади. От — дев-да! Отнинг кавш қайтариши фавқулодда ерда, фавқулодда вақтда кечади. Кўз очиб юмгунча бўлади. Отнинг кавш қайтарганини кўрган одам тебанамо ё шўрпешона бўлади. Бахтиёр ё доно, нуқтадон бўлади. Айтишларича, чол отнинг кавш қайтарганини кўрган эмиш.

Кўпқари экинсиз қолган катта қисирпояда бўлди. Қисирпояни айланиб чопиб, Тарлонни қизитдим. Тарлон бирдан ўзгарди. Бошини тик тутиб, дирк-дирк ўйнади. Сувлиқни шикирлатиб чайнаб, тўдага талпинди. Мени улоққа чорлади.

Айни қишининг илк кўпқариси бўлганидан от кўп йиғилди. Демак, кўпқари яхши бўлади. Боиси, оз отли кўпқарида улоқни ердан олиш мушкул. Сабаби, бари от ўзини зўр санаб, улоққа ёппасига ёпишади. Бир-бировига ҳалақит бериб талашади. От кўп бўлса, зўрларнинг зўри, отларнинг оти улоққа талпинади. Бундайроқ отлар тўда четда томошабин бўлади. Бордию улоққа интилар, тўдадаги зўр отлар йўл бермай, уларни кетиға суриб юборади. Шу сабаблиям кўп отли кўпқарида улоқни тўдадан олиб чиқиш осон бўлади.

Улоқ келди. Тарлонни гижинглатиб бориб улоқни исқатдим. Бутидан кўтариб-кўтариб кўрдим. Улоқ бир гана экан. Эллик-олтмиш килолар келади. Жиққа ҳўл. Боиси, кечаси сувга солиб қўйилган. Бунинг нафи — улоқ зилдай оғир бўлади. Тортқилаганда териси айрилмайди, бўлак-бўлак бўлиб кетмайди. Бўлмас, тортторта улоқ бутун қоладими!

Баковул зотларни айтди:

— Бир жуфт калиш, ўн сўм пули бор! Ол!

Тўда улоққа талпинди. Бир жийрон улоқни олиб чиқиб, узиб кетди. Кейинги зот қўйилди:

— Бунисида бир қўй, бир тўн, йигирма беш сўм пули бор! Зот каттарди, армонда қолма!

Тарлонни улоққа солдим. У пишқириб-пишқириб кимтинди. Улоққа мен ўйлаган, хоҳлагандан ҳам вақт-лироқ, осонроқ борди. Одатича улоқни бир айланиб тўхтади. Бировнинг ғашни келиб, Тарлоннинг сағрисиға қамчи урди. Тарлон бир сесканди. Лекин жойидан қимирламади. Икки кўзи улоқда бўлди. Товонимни узан-



тидан олмай, эгарнинг карсониға илдирдим. Улоқ тарәф узангидәги оёғимни бүкдим. Тиззамни Тарлоннинг биқиниға босдим. Тарлон менға кифт берди! Энкайиб, улоқни бир қўллаб ушладим. Қоматимни кўтараётиб, букилган оёғимни узангига тик тирадим. Бор оғирлик шу оёғимға тушди. Бусиз улоқни кўтариб бўлмайдди. Бироқ бир муғомбир от улоқни босиб қолди. Улоқнинг бутидан яна ушлаб, от тиззаси баравар кўтардим. Тарлон улоққа қараб-қараб олдинға юрди. Улоқни атайин ерда судраб бордим. Бирдан кўтарсам, пойлаб турганлар ёпишади.

— Улоқ кўтариляпти, улоқ кўтариляпти!

Хиёл очиққа келдик. Улоқни кўтаришға шайландим.

— Улоқ Тарлонда кетяпти, Тарлонда!

Улоқни зарб билан кўтардим. Кўтараётганимда Тарлон бир силкинди. Олға чопдик. Кўп отлар қолиб кетди. Лекин бир тўриқ биздан қолмади. Чавандози улоқнинг бир бутидан ушлаб, баравар чопди.

— Йўқ, тўриқ ҳам кўшилди! Улоқ тарлон билан тўриқда кетяпти!

Улоқни тақимимға босдим. Ёнимға чалқайдим. Жилонни қўйиб юбордим.

Улоқни қўшқўллаб ушладим. Баравар чопдик.

Кўп отлар аввал аста-аста чолиб, сўнг тезлайди. Бизнинг Тарлон турган жойидан кескин, бирдан отилиб чопади. Узга отлар бундай кескинликка ҳозирланмаган бўлади. Оқибат, улар ўзларини ўнглаб олгунарларича Тарлон ўзиб кетади. Ҳозир ҳам шундай бўлди. Тарлоннинг яна бир фазилати — бирор от етиб олса, шу от билан баравар чопади. Узиб кетмайди. Гўё охириги холи шудек, бир меъерда чопади. Қабатидаги от шу меъерға кўникади. Баравар бораётганидан қаноатланади. Шунда, Тарлон бирдан забт олиб, ўзиб кетади. Бунни ўйламаган ёнидаги от қолиб кетади.

Айни шу вазиятда чопяпмиз! Мендан Тарлонга бир сўз кифоя:

— Ҳа!

Тарлон тарлонлигини қилди. Фавқулодда юлқиниб, шиддатини бирдан оширди. Ёнида хотиржам келаётган тўриқ чавандозининг қўли улоқдан узилди. Тўриқ қолиб кетди. Тарлон шиддатини пасайтирмади. Мен жўшиб кетдим:

— Ҳу-у-уй, ҳу-у-уй, ҳу-у-уй!

— Ҳало-о-ол, Тарлонники ҳалол! Ташла, Тарлон, ташла!

Эллик-олтмиш килолик улоқни ердан қандай қилиб кўтариб олдим? Бир қулоч деворға миниб, ердаги шунча вазни кўтариб ололмайман. Олтмиш кило юкни қўшқўллаб кўтариб, эшакка кучана-кучана ортаман. Кўпқарида бўлса, отда энкайиб, олтмиш кило улоқни бир қўллаб кўтариб оламан! Бунинг сири нимада? Биродарлар, отнинг шамоли бор! Улоқни шу шамоли олиб кетади. Эътибор қилган бўлсангиз, от улоқдан кўз узмади, менға кифт берди! Яъни, қўлайлик яратди. Улоқ кўтарилаётганда эса юкни елкасига яхшироқ олаётган одамдәйин бир силкинди. Бу вақтда биров улоқни ушлаб, кўмак бериб юборса бўлди. Буниси чавандознинг иши! Биляпсиз, кўпқарининг саксон-тўқсон фоизи отнинг бўйнида. Шу боисдан ҳам кўпқарида чавандознинг эмас, отнинг номи айтилади. Кўпқарининг бошдан-адоғигача отнинг номи шарафли жаранглайди.

Тарлон эллик-олтмиш килолик улоқ, яна тағин мен билан қандай чопди! Айтайлик, олтмиш кило буғдойни отга ортиб минсак, шундай шиддат билан чопадими? Чополмайди! Улоққа қолганда қуондай учади. Биродарлар, улоқнинг ҳавоси бор! Отга ана шу ҳаво қувават беради, қанот беради!

Тарлон ғайрат кўрсатди. Улоқни яна икки бор айирдим. Ғуж одамлар орасида биров Тарлон, буюққа бир қаранг, деди. Борсам, кечаги синчи чол девор миниб ўтирибди. Чол кафтини пешонасига соябон қилиб илжайди.

— Энди қандайсиз, эл чавандози?

— Қуллуқ, қуллуқ.

— Энди менға қаранг, эл чавандози, отга дам беринг, ҳа. Бўлмаса, кўзиқтириб қўясиз.

Тарлон ҳалоллаган тўн, пулларни чолға бердим. Чол, олмайман, деди. Олдига ташлаб, кетдим.

Ҳамсоямиз Қулмат полдон бозорлаб келди. Девордан бўйлаб, нарх-навои сўрадим. Денов бозорида майиз ўн сўм бўпти. Регарда янаям қиммат эмиш. Майизнингиз бўлса армонда қолманг, деди. Майиз бизда бор-да! Олти унхалта! Саратондай сариқ майиз! Қўчқордай-қўчқордай ўғилларим бор! Катта бўлса отнинг Тарлонини минаман деяпти! Майизни шуларнинг тўйига босиб ётибман. Бу қиш кучим етмайди, янаги қишда катта тўй бераман. Насиб бўлса!

Шанба оқшоми оғбордан майизнинг бир халтасини судраб чиқдим. Супадаги гиламға ёйдим. Ғалбирда элаб, чангдан покиза этдим.

Тонг маҳали Тарлон икковимиз бозор жўнадик. Қизилсувага дохил бўлдик. Дарёдан кечиб ўтиб, юқорилдик. Мол бозори олдида тевараги сим билан ўралган ер бор. Бозорлаб келганлар от, эшакларини шу ерга боғлайди. Тарлонни шу ерга боғладим. Майизни орқалаб, бозорладим. Ярим букилиб, пўшт, пўшт, деб бордим. Димоғимға манти ҳиди келди. Бозорчилар қаторида халтани очиб, майизимни мақтаб-мақтаб ўтирдим. Ун сўмдан пастга тушмадим. Бир чипор галстукли одам майизни кафтига олиб кўриб, сал тушинг, деҳқонсиз-ку, деди. Нима, деҳқон майизни кўчадан топиб оладими, дедим. Галстукли, ток туққан неъматни ўн сўм деб ўтирибсиз-а, деди. Ноз-неъмат дегани — деҳқоннинг пешона тери дегани, дедим. Кўп миннат қилманг, шусиз ҳам ой битсаям, кун битсаям деҳқонга битиб ётибди, деди галстукли. Битади-да, дедим мен. Уст-бошларингдан тортиб еган-ичганларинггача бари деҳқоннинг пешона теридан келяпти, дедим. Идорада ўтириб қоғоз қоралаганларинг билан осмондан ёйдиган ё киядиган бирор нима тушмайди, дедим. Охирида, яна шуниям билинларки, деҳқон топганининг тўқсон фоизини сизларга жўнатиб, қолган ўн фоизинигина ўзи ёйди, дедим. Ишқилиб, галстуклидан қолишмадим!

Биродарлар, сочим бўлмасаям тароғим тиллодан!

Қарасам, савдонинг мазаси йўқ. Бор-э, етти сўмдан, деб юбордим. Бир майизжаллоб диконглаб келиб, кўтарасавдо қилди.

Халтани тиззамға уриб қоқдим. Буклаб-буклаб қўлтғимға қисдим. Бозор оралаб бозорлик қилдим. Ноз-неъматлар олдим. Жийдага бошқоронги аёлимизга хоразм жийдаси, ўғилларимизга Ҳўрозқанд, қоғозида кучукнинг расми бор қанд, тешиқкулча олдим. Барини халатага солиб орқаладим. Чойхонаға бордим. Остонадан ичкари мўралаб нафасим қайтиб кетди. Ичи лик тўла одам. Ҳавоси дим. Ташқаридаги сўрилардаям одам кўп. Бировлаб санаса юзлар бор.

Халтани сўри устунига суядим. Бўш жой изладим. Биров кетди. Халтани шу бўшаган ерга судраб бордим. Кетган одам бўшатган чойнакни олдим. Ёнимдаги одамға, сўраганларға бу жой эғалик денг, дедим. Чой, қулча олиб келдим. Кўчанинг нариги юзидаги балиқхонаға ўтдим. Бир шоп мўйлов одам катта қозонда балиқ қовурапти. Навбатға туриб, икки кило балиқ олиб келдим. Чордона қуриб, балиқни туширдим. Қилтиғи кўп экан, хуноб бўлдим. Кетимға қарасам, иккита дружиначи чой ичиб ўтирибди. Бир пайт ушла ўғрини, ушла, деган овоз келди. Бозор дарвозаси олдидаги ғуж-ғуж оломон орасидан бир бола чолиб кетди. Кетидан бир беқасам чопонли одам қувиб келди. Бола кўчани кесиб чопди. Юқоридан шиддатли келаётган қизил машинаға дуч келди. Машина шигиллаб тойиб тўхтади. Бола ўзини йўлнинг бу бетига отди. Қоп-қора сув оқаётган ариққа шалопплаб тушди. Лой бўлмаган ери қолмади. Қувиб келаётган одам машина кетидан ўтди. Боланинг лой ёқасини жуфтлаб ушлади. Бола тпирчиллаб, беқасам чопонлининг чангалидан чиқолмади. Чопонли, боланинг оёқларига қўшиб қоқиб, ерга юмалатди.

— Пулни чиқар! Қани пул!

— Мен эмас.

— Сен! Қўлингни киссамда ушладим-ку! Яхшиликча чиқар, бўлмаса энангни Учқўрғондан кўрсатаман!

— Мен эмас деяпман-ку!

— Унда, ўзим топаман. Торт қўлингни! Манави киссангни кўрсат!

Чойхонадагиларнинг кўплари бориб қаради. Уткинчилар оёқ илди. Одам тумонат бўлди. Мен сўрида тик туриб қарадим. Беқасам чопонли боланинг киссасини ковлади. Қўлтиғига қўлини тиқиб, бир даста пул олди. Боланинг тумшугига тиқди.

— Бу нима, энангнинг қалиними?

Бола бошини елкалари ичига олди. Юзини лой кафтлари билан пана қилди. Беқасам чопонли боланинг чаккасига қулочкашлаб солди. Бола балчиқ сувга шаллоп этиб тушди. Беқасам чопонли боланинг ёқасини жуфтлаб ушлаб, сувнинг оқишига қараб етаклади:

— Сенга киссавурлик қилишни кўрсатиб қўяман! Юр мелисага!

Бола оёғини тираб, гавдасини орқага ташлади. Шу вақт оломон орасидан иккита новча йигит суғурилиб келди. Икковиниям сочлари елкасига тушади. Уст-бош баданига чиппа ёпишган. Ботинкаларининг товони отнинг туёғидай қалин-қалин.

Улар беқасам чопонли одам олдига келди. Бирови унинг тирсагидан ушлади. Беқасам чопонли болани кўйиб юбориб, ўгирилди. Келганларнинг бирови унинг тумшугига сошлаб солди. Беқасам чопонлининг зуваласи пишиқ экан. Гандираклаб, йиқилмади. Энди унис солди. Оломон ҳайбаракаллачи бўлди:

— Ур, сол, тумшугига!

— Ур, мушт турганда муомала нима керак!

Беқасам чопонли бировини қўшқўллаб бир урди. Йигит чалпак бўлиб йиқилди. Бирови беқасам чопонлининг кетидан келиб биқинига тепди. У биқинини ушлаб энкайди. Шу вақт кичкина бир қора кучук вангиллаб келиб, ураётган йигитнинг бутига ёпишди. Йигит оёғини сермади. Кучукнинг изидан ҳалиги баллиқпаз келди. Кучугини уришиб-уришиб ҳайдаб кетди.

Чалпак бўлиб йиқилган йигит сапчиб турди. Беқасам чопонлининг қорнига тепди. Лойга беланганиям тепди. Беқасам чопонли юзлари буришиб бир қорнини, бир биқинини ушлаб, чўк тушди.

Мен хуноб бўлиб, кетимдаги дружиначиларга айтдим:

— Борсаларинг-чи ахир, ўлдириб қўяди!

Бирови бепарво қўл силтади:

— Бизга алоқаси йўқ. Бу ер бошқа бировнинг участкаси. Менинг участкам винзавод тараф.

Оломон яқун ясади:

— Тамом, нокдаун!

Йўқ, тамом бўлмади. Беқасам чопонли чўккалаб ўтириб-ўтириб, бирдан сапчиб турди. Биқинига тепганининг юзига калла қилди. Йигит юзини кафтлари билан ёпиб, энкайди. Бармоқлари орасидан қон сизиб чиқди. Шунда, яна бирови кафтига бир қора нимани кўйиб, чопонлининг пешонасига урди. Чопонли воҳ, ўлдим-э, деди. Пешонасидан қон оқди. Кўзлари юмилиб, кетига гандираклади. Ана йиқиламан, мана йиқиламан дейтганда, яна бирови худди тўп тепаётгандайин сапчиб кўкрагига тепди. Беқасам чопонли учиб кетди. Кўлларини ёзиб, қимирламай қолди. Иккови йиқилиб ётган чопонлини тепа бошлади. Калла еганиям келди. Уччови чопонлини ўртага олиб, бош-кўзига қарамай тепди.

Ич-ичимдан эзилиб кетдим. Кетимга қарасам, дружиначилар йўқ. Теваракка алангладим. Мени нимадир қўзғади. Нима бўлсаям ичимда, кўкрагимнинг остида. Кўкрагимнинг ости қизиб кетди. Қаҳрим тошди. Супадан таппа ташладим. Оломонни қулочларим билан ёриб, ўртага кирдим. Бировининг елкасидан ғижимлаб ушлаб силтаб юбордим. Бировининг сочидан ғижимлаб четга тортдим.

— Имонинг куйгурлар, бир мўмин бандани ўлдирансанми!

Сочини ғижимлаб турганим хотимга тепди. Эсанкираб қолдим. Қўлимнинг кети билан юзига солдим.

Машина сигнал берди. Сув оқаётган тарафдагилар

четланиб, йўлни очди. Беморхона машинаси кўринди. Ичидаги оқ кийимли одам кўзойнаги устидан қонга беланиб ётган чопонлига қаради.

— Нима бўлди бунга?

Хўрлигим келиб йиғлаб юбордим.

— Кўрмайсизми бечорани! Улар учов, бу бечора ёлғиз бўлса!

— Тушунарли. Дам олиш кунини деб ўзидан кетиб қолмай камроқ ичсин!

— Буни олиб кетинг, ўлиб қолади, биродар.

— Биз «визов»га кетяпмиз, заказ бор. Бошқа «скорий» чақиринглар. Кетдик, ҳайданг!

Упкам тўлиб, энгларимга йиғладим, чопонимнинг ёқаларига йиғладим, ўнгирларимга йиғладим. Оломонга алангладим.

— Ай биродарлар, одаммисизлар ўзи? Бир бечора инсон шундай ўлиб кетаберса яхшими? Уйда бола-бақраси бордир!

Биров овоз берди:

— Танишингиз экан, тезроқ олиб кетинг.

Кўча юзидаги майда машина эгасига ялиндим. Кўнди. Беқасам чопонлини судраб машинага солдим. Узим олдига ўтирдим. Бир йигит машинага шошиб келди. Шу одамнинг ўғлимикин, деган хаёлда деразадан юзини чиқардим. Йигит шу ердагилардан сўради:

— Нима бўлди-а?

— Зўр томоша бўлди! Учтаси биттасини шунақангиз солди. Пақ-пақ! Нокдаун!

— Эсиз, эртароқ келганимда томоша қилар эканман-а.

Беқасам чопонлини милицияга олиб бордик. Улар менинг кимлигимни, қаерданлигимни сўраб, ёзиб олди. Бўлган воқеани сўради. Мен оқизмай-томизмай айтиб бердим. Милиционерлар мендан бир қоғозга қўл қўйдириб олди. Биргалашиб, беқасам чопонлини экспорт деганига олиб бордик. Улар кўп текширди. Суратга олди, Беморхонага олиб бордик. Машина эгасига уч сўм бердим. У олмади. Мен унга қуллук, дедим. Милиционер, зарур бўлиб қолсангиз участкавойингиз орқали топамиз, деди. Баримиз йўлимизга кетдик.

Чойхонага борсам, халтам жойида йўқ. Чойхоначидан сўрадим. Билмайман, деди. У, беқасам чопонлининг ҳолини сўради. Олиб бориб жойлаштирдик, дедим.

Бозор оралаб, қайтадан бозорлик қилдим. Барини белбоғимга тугиб, Тарлоннинг олдига бордим. Тугунни эгар қошига илдим. Дарвоза олдида ўтирган чолга бир сўм бериб, бозордан қайтдим. Дунёни энди кўраётгандай, осмондан тушгандай бўлиб қолди.

Во дариғо, шундай кунлар бўлар экан!

Босган қадамимиз кетимизга кетади. Жамики ишларимиз чаппасига юради. Омад деганлари саломиниям бермайди. Оғзимиздаги ошимизиям олдириб қўямиз. Биродарлар,

**Насиб этса, келар Шому Ироқдин,**

**Насиб этмаса, кетар қошу қобоқдин!**

Хуррам солиқчининг кўпкарисидан шундай бўлди. Тўдага киролмадим, кирсам улоқни ололмадим. Олсам, биров олиб кетди ё ерга тушиб кетди. Тақимимдаги улоқларниям олдириб қўйдим.

Биродарлар, давлат ҳам эгиз, меҳнат ҳам эгиз!

Тарлон менга ҳайрон, мен Тарлонга ҳайрон. Ундай қилдим бўлмади, бундай қилдим бўлмади. Пуф сасиқ, дея кетиб қолмоқчиям бўлдим. Шайтонга ҳай бердим. Тарлонни қамчилаб тўдага солдим. Отлар ғиж-ғиж. Осмондан телпак ташласа ерга тушмайди. Тўдани ёриб улоққа келдим. Улоққа ҳар алвонда узалдим. Қўлим етмади. Янаям узалгани отлар қўймади. Қуюқ чангда аранг кўрдим, бир қўл улоқни ушлади. Тарлон улоқни ўнг туёғи билан таппа босиб қолди. Тарлон буни илкисдан қилмади. Билиб, кўриб қилди. Улоқни бергиси келмади. Билдимки, улоққа ҳавойи

ёпишабериш Тарлоннинг жонига тегди. Тарлон улоққа ташна!

Мен қамчини сопидан тишладим. Тарлоннинг сағрисиға шапатилладим. Тарлон бошини сарак-сарак этиб, теварагидаги отлар бошини ўзидан холислатди. Ўзига эркинлик яратди. Сўнг олд тиззаларини букди. Улоқ олдида чўккалади. Чангда кўзларимни аранг очиб, Тарлоннинг кўкраги олдидаги улоқни кўшқўллаб олддим. Улоқни олганимни кўриб, Тарлон силкиниб турди. Сонсиз отлар пойлаётган олдиға эмас, кетиға тисарилди. Кетиға тис бўлиб-тис бўлиб, тўдадан сўғурилди. Очиқликка чиққаннимизда ўзини ўнглаб, олдиға бурилди. Елдай учди. Кўрган кўриб қолди, кўрмаган армонда!

Тарлон қоралик чуқурчани ёнлаб келди. Улоқни тақимимдан қўйиб юбордим. Бироқ баковулнинг овозидан дарак бўлмади. Ажабландим. Қайтиб келиб, тиззамға урдим. Улоқ чуқурнинг ичигаямас, лабига тушибди! Аламимдан аразлагим келди. Барчаға, инчунун, баковулға эшиттириб айтдим:

— Биз кетдик! Бизға қачон ҳақ бериб эдиларингизки, энди берасизлар!

Тарлонға тарсиллатиб қамчи уриб жўнадим. Кетдик, Тарлон, одамлар биз сағирларға қайишмайди! Кетдик, Тарлон, кетдик, бизнинг калламиз кал! Биз калларға ҳақ йўқ!

Кетимға қарадим. Узанги йўлдошларим йўлдан қайираб дея умидландим. Тарлонни имиллатдим. Яна ўгирилиб қарадим. Изимдан биров ҳам келмаяпти. Деворда тизилиб ўтирган одамларни ёнлаб юрдим. Бирови йўлдан қайираб дея ўйладим. Шунча одамнинг олдидан ўтдим, қани бировгинаси миқ этса! Ақалли йўл бўлсин, демади! Шулар ҳам одам бўлди-ю! Суф-э!

Энди томошабинлардан ҳам аразладим. Кўр бўлиб ўтираберинглар, мен уйда маза қилиб ётаман, дедим ичимда.

Кишлоққа борадиган кўчадан юрдим. Кўчани кесиб ўтадиган ариқ бўйида оёқ илдим. Тарлон сувға талпинди. Сув ичирмадим. Шокирқулнинг томидан чиқиб турган дастак учига боғладим. Уст-бошимни қоқдим. Юзларимни ювдим. Кўшқовучлаб сув ичдим. Энтикиб, сувға термилдим. Ариқ бўйида сувға кулча ботириб еб ўтирган болага кўзим тушди. Яхшилаб қарасам, иштони хўл.

— Кимнинг ули бўласан?

— Отамнинг.

— Отанг ким?

— Шокирқул.

— Ҳа-а, отинг нима? Карим? Улма! Бу, иштон хўлку, алмаштирмайсани?

— Энам тўйда.

— Ҳа-а, ўзим киёлмайман де. Биздан сўрасанг, биз кўпқаридан қайтдик. Кўпқарида адолат қолмади, неварам. Бари ошна-оғайнигарчилик бўлиб кетди.

— Кўпқари тамом бўлдими?

— Йўқ, ҳали бўляпти.

— Унда, боринг-да.

Мен сергак тортдим. Болага эътибор бериб қарадим.

— Бир нима дегандай бўлдингизми, Каримбой?

— Кўпқарига боринг.

— Бормасам, деган эдим, Каримбой. Бизға ҳақ йўқ.

— Бормасангиз адо бўлади.

— Кўп қўймадингиз-қўймадингиз-да, Каримбой. Борсам борай. Садқан суҳанингиз.

Тарлонни ечиб, миндим.

— Каримбой, сизнинг сўзингиздан ўтолмай қайтпаман. Бўлмаса, қайтмасдим.

Қайтшишда томошабинларни қоралаб юрдим. Уларға хўмрайиб қараб, сенлар ҳам одам бўлдинг-у, ана, ҳақиқий одам Каримбой экан, дедим ичимда. Тўда четида турдим. Баковул менга ажабланиб қаради. Билдим, баковул ичида, итга ўхшаб ўзинг кетиб, ўзинг келдинг, деяпти. Биламан, бошқалар ҳам ичида шундай дейди. Мен нима десам экан? Каримбой қайтарди, десам, қайси Каримбой, десалар-чи? Шокирқул-

нинг иштони хўл ўгли, дейманми? Йўғ-э! Суриштириб боряптиларми? Бордию суриштирсалар, Карим муаллим, дейман.

Барчаға эшиттириб, Самад чавандоз узанги йўлдошимға айтдим:

— Йўлда Каримбой жиловни ушлади. Қайтинг-чи қайтинг, дея қўймади. Одамнинг юзи иссиқ экан, юздан ўтолмадим.

Утар адирда ёйилиб ўтлади. Тўдалагунимча кеч бўлди. Уйға қош қорайганда келдим. Учаскавойимиз бир парча қоғоз бериб кетибди. Эртаға соат ўнда органда бўлсин, дебди. Шеригимнинг уйиға бориб узримни айтдим. Эртаға қўйни сен боқ, зарил ишим чиқиб қолди, бирор кун қайтараман, дедим.

Саҳармардонда Тарлон икковимиз шаҳарға, милицияхонаға жўнадик. Тарлонни кўча юзидаги бир дарахта боғлаб, ичкари кириб бордим. Эшик олдида ўтирган милиционерға қўйнимдаги қоғозни олиб кўрсатдим. У мени эшигиға чарм қоқилган хонаға эргаштириб борди. Тўрда ўтирган йигит ўрнидан туриб, келинг, келинг, деди. Мен билан кўришиб, ўзини капитан Рўзиев, деди. Мени эргаштириб келган милиционер кетди. Капитан ручкасининг учи билан менга жой кўрсатди. Мен ўтирдим. Капитан қоғоз титкилади.

— Хўш-хўш, фамилиянгиз Қурбонов, а? Нега кечикиб юрибсиз, ака? Соат ўн икки бўлди-ю?

— Мен сизға айтсам, капитан катта, Тарлоннинг оёғиға қарадим.

— Хўш-хўш, Тарлонингиз ким?

— Бизнинг отимиз-да, капитан катта.

— Ҳали отда келдингизми? Шунча техника туриб-а?

— Эса-чи. Техника бизға бўлмайди, капитан катта. Бензиннинг исини хуш кўрмайман.

— Хўш-хўш, бандитларни излапмиз, ака. Шубҳали тилларни жабрланувчиға юзма-юз қилдик. Булар эмас, деди. Сиз эса келмадингиз. Энди бошқа кун чақирамиз.

Тарлон билан кишлоққа қайтдик. Кечқурун телевизорға қараб ўтириб эдим, Рихсиев келди. Болишни буклаб ёнбошлаб, дамини узун олди.

— Аҳа, радиоузел орқали ўқиган докладимни эшитдингизми, ўртоқ Қурбонов?

— Йўқ, қачон ўқидингиз?

— Ана холос, ҳозиргина ўқидим-ку. Йигирма минут, қирқ секунд!

— Мен телевизорға қараб қолибман. Нимани ўқидингиз?

— Аҳа, халқаро аҳвол темасида.

— Ҳа-а, оламда нима гап экан?

— Аҳа, халқаро аҳвол чатоқ, ўртоқ Қурбонов, жуда чатоқ. Вазият тобора кескинлашиб боряпти. НАТО мамлакатлари Европада қанотли ракеталар жойлаштирапти. Сальвадорда қонли жанглар бўлмоқда. Никарагуада вазият тобора мураккаблашяпти. Фаластин халқининг аҳволи аянчли. Аҳа, ҳаммасиға АҚШ империалистлари айбдор, ўртоқ Қурбонов. Империализм провокация билан шуғулланыпти...

Гапининг бировиғаям тушунмадим. Телевизорға қараб, ҳа, ҳа, дея ўтирдим.

Икки кун деганда участкавойимиз қоғоз олиб келди. Тарлон икковимиз азонда йўл олдик. Бу сафар қичаб ҳайдаб, вақтида келдик. Капитан тўртта ўспиринни беморхонаға олиб бориб, беқасам чопонлиға юзлантириб келди. Кейин менга рўбарў қилди. Булар эмас, дедим бошимни чайқаб. Уларнинг сочи узун-узун эди, дедим. Капитан кулди.

— Хўш-хўш, эслай олмайсизми, ака, уларнинг юзида бирон жароҳат изи йўқмиди?

— Эса-чи. Изиям гапми, яранинг ўзи бор эди, капитан катта.

— Қанақа жароҳат?

— Икковининг юзидан қон оқди. Беқасам чопонли калла қилиб эди-да.

— Э, шунга эртароқ айтмайсизми, ака. Ана бу бошқа гап.

— Кейин, бир майдароғининг уст-боши лой бўлди, капитан катта.

Капитан катта ёза-ёза бош чайқаб кулди. Нимага кулди — фаросатим етмади.

— Хўш-хўш, айтинг-чи, ака, воқеани кўрган одамларнинг ақалли биронтасини танийсизми?

— Мен сизга айтсам, капитан катта, лоф бўлсаям юздан ошиқ одам бор эди. Қайси бирини танийман. Ҳатто иккита дружиначиям бор эди.

— Ким, ким? Дружиначи?

— Эса-чи, капитан катта. Улар шундай кетимда ўтириб чой ичди.

— Хўш-хўш, улар ҳам воқеани кўрдими?

— Эса-чи. Барини кўриб турди, капитан катта.

— Хўш-хўш!

Капитан темир сандиғидан бир катта қалин қоғоз олиб ёйди. Ичи тула гиж-гиж сурат.

— Қаранг-чи, ака, шунинг ичида сиз кўрган кишилар борми?

Суратларга бармоғини югуртириб қарадим. Охири, кўрганларимдан бировини танидим. Пешонасига бармоғини нуқидим.

— Ҳайла, анави!

Капитан катта энкайиб қараб, бош ирғади. Суратларни тахлаб, сандиғига солди. Ташқарилаб, қайтди.

— Хўш-хўш, сиз ака, мана бу хонага кириб туринг. Ўзим чақираман.

Ён хонага кириб ўтирдим. Хона эшиксиз экан. Капитан бахмал пардани туширди. Биров мумкинми, деди. Капитан сўради:

— Хўш-хўш, сиз йигирма тўртинчи январь якшанба кунни соат ўн иккиларда қаерда эдингиз?

— Винзавод атрофини назорат қилиб юрган эдим.

— Демак, заводда эдингиз?

— Ҳа, заводда.

— Хўш-хўш, шу кунни чойхона олдида бўлган воқеадан хабарингиз бўлмадими?

— Қанақа воқеа?

— Уша ерда тўполон бўлган.

— Улимдан хабарим бор, бундан хабарим йўқ.

— Хўш-хўш, буёққа бир қаранг, ака.

Уларнинг олдида чиқдим. Келган йигит худди ўша кетимда чой ичган дружиначининг бирови! У мени кўрдию ранги оқариб кетди. Капитан мени унга кўрсатди.

— Шу одамни бирон марта кўрганмисиз?

— У менга тикилиб туриб-туриб, елкасини қисди.

— Эслаёлмаман.

Кулгим келди. Балки танир дея чойхонани эслатдим. У шипга қараб ўйлаб-ўйлаб, кўрсатгич бармоғини чеккасига нуқиди.

— Э, ҳа, бўлди, бўлди! Энди эсладим. Уша ердан участкамга ўтиб кетаётган эдим. Кўчада одамлар тўпланиб турган экан. Бирон нима сотаётган бўлса керак, деб ўйладим.

— Эб-эй, эб-эй, икковимиз гапиришдик-ку, ука. Мен сизга...

— Мен билан-а? Бекорни айтибсиз! Тухмат! Соқолнингиз бор, оғзингизга қараб гапиринг. Сиз мени бошқа одамга адаштиряпсиз.

Капитан менга қаради.

— Хўш-хўш, ана, бўлмаганман деяпти-ку?

Мен ёқамни ушладим.

— Ё тавба, ё тавба!

— Сизга рухсат, ўртоқ Қодиров. Яна бирон кишини эслай олмайсизми, ака?

— Эса-чи. Шу ишларни чойхоначиям кўрди.

— Чойхоначи? Хўш-хўш, яна?

— Кейин, балиқпаз ҳам билади.

— Хўш-хўш, балиқпаз. Бугунча бўлди, ака, қолганини бошқа кун гаплашамиз.

Янаги қоғоз келишида бормадим. Важи, Доно момо бандалик қилди. Жанозага бордим. Момони ўраб-чирмаб, йиғлаб-йиғлаб қўйиб келдик.

Уйда азали кайфиятда ёнбошлаб ётиб эдим, осмон-

дан тушгандай Рихсиев пайдо бўлди. Аёлимизга, чой кўйинглар, дедим.

— Аҳа, нега кайфиятингиз йўқ, ўртоқ Қурбонов?

— Доно момони қўйиб келдик.

— Аҳа, Доно момоси ким? Қаёққа қўйиб келдингиз?

Шунда, унинг жанозага бормаганини билдим.

— Доно момо оламдан ўтди, шуни айтяпман.

— Аҳа, дафн қилдик, денг. Қўйиб келдик, деганингизга бирор предметни қўйиб келибдими, дебман.

Юзимни ўгириб, кўзларимни юмдим. Ўзимни бо-солмадим. Яна ўгирилдим. Биринчи марта Рихсиевга оқсоқолчилик қилишга журъат этдим:

— Рихсиев ака, сиз ўқиган одамсиз, оламдаги бор гапни биласиз. Сизга ўргатиб бўлмайди. Ҳеч қачон элдан қолманг, ака. Хусусан, икки вақт элнинг ёнида бўлинг. Бири — тўйида. Элнинг тўйини белингизни беш жойидан бойлаб хизмат қилиб, ўйнаб-кулиб, хуш-хушвақт ўтказиб беринг. Тўй кўпники, ҳа. Яна бири — азасида. Йиғлаб-сиқтаб элнинг қайғусига ҳамдард бўлинг. Улим қайғусини бир одам кўтаролмайди. Оғирлик қилади. Шунда сиз ёнида бўлиб, қайғусига шерик бўлинг. Одам шу икки вақтда одамлигини билдиради.

— Аҳа, мен ундай момони танимайман, ким ўзи у? Қандай лавозимларда ишлаган?

— Ўзимиздай одам. Фақир бир момо. Умри колхозда ишлаб ўтди. Қариган чоғида магазинда қоровул бўлди. На қизи бор, на ули, бечораҳол момо эди. Йиғлайдиганлариям бўлмади. Ўзимиз «момом»лаб, «холом»лаб йиғлаб жўнатдик. Эл кўмди.

— Аҳа, қулоғимга бир чалингандай бўлди. Мен мактабга дарсга кетаётган эдим, кимдир, биров ўлибди, деди. Эйтибор бермабман.

— Ана шу-да. Шу сабаблям жанозада одам камчил бўлди. Кўнглим ярим бўлиб қайтдим. Одамзотнинг қадри энди шу бўлдими, дедим ўзимга ўзим. Рихсиев ака, бир кун келиб биз ҳам кетамиз. Улим баримизнинг бошимизда бор савдо. Шундай кунда бир-бировимизнинг кунимизга ярамасак, одам бўлиб нима қилиб юрибмиз...

— Аҳа, ҳамманинг бориши шартми, ўртоқ Қурбонов? Қариндош-уруғлари борса бўлди-да.

— Рихсиев ака, одам ит эмас, оёғидан судраб бориб, чуқурга ташлаб келабергани. Одам ўз номи билан одам. Одамдан улуг жонзод борми...

— Ҳа энди, бир кампир экан-да. Бор-йўғи қоровул!

— Рихсиев ака, одамнинг катта-кичиги бўлмайди. Бариям одам. Бир одам яхшими-ёмонми бир умр яшади. Қўлидан келганча тирикчилик қилиб, ўзини одам санаб юрди. Биз билан бетма-бет бўлди, елкама-елка бўлди, даврма-давр бўлди. Энди қайтмас бўлиб кетяпти. Бир банда қайтмас бўлиб кетаётганда бормаган одам одамми?!

— Аҳа, кампирларнинг ўлими маҳаллий гап, ўртоқ Қурбонов. Эйтиборга молик эмас. Ана, халқро аренада қанча трагедиялар содир бўлмоқда. Аҳа, Эрон шоҳи Паҳлавий яширин буйруқ бериб, бир кинотеатр-ни ёқиб юборибди. Ичида беш юз инсон бор экан. Аҳа, трагедия деб буни айтади. Даҳшат! Мен Эрон халқига чуқур таъзия билдираман. Мен халқро аҳволдан ташвишдаман, ўртоқ Қурбонов. Қаттиқ ташвишдаман! Халқро вазият кун сайин кескинлашиб борапти...

Эртасига эрталаб участкавиймиз келди. Салом йўқ, алик йўқ, қўли орқасида, остонадан сиёсат қилди:

— Совет органи сизга ўйинчоқми?

— Биз нима қилдик?

— Нега чақирган вақтда бормайсиз?

Зардам қайнаб кетди.

— Боргим келмади! Аёлимиз билан кинога бордик! Бўлдими?

— Машинага чиқинг!!!

Ҳайрон бўлдим. Девордан бўйласам, дарвозамиз олдида милициянинг машинаси турибди. Этим увишиб кетди.

— Участковой биродар, бу ишинг бўлмайди, машинагни эшикдан тез ол!

— Нима, елкангизда кўтариб турибсизми?

— Биродар, ҳеч банданинг эшигига дўхтиринг ма-

шинаси билан мелисанинг машинаси келгулик қилмасин! Тез кет, биров кўрмасин...

— Бўлинг, бўлинг, фалсафа сотманг.

— Мана, отиб ташла, мелисанинг машинасига чиқмайман! Жуда зарил бўлса, автобусда бораман.

— Унда, тез изимиздан етинг.

Улар кетди. Милициянинг машинасини биров кўр-мадимикин деган ҳадиқда девордан кўчага қарадим. Бовужуд, кўчада одам йўқ.

Шаҳарга автобусда бордим. Йўлда деразадан кўсдим. Органга бориб, чарм қолланган эшикни очдим. Капитанга Доно момони айтдим. У бош ирғаб, ҳамдардлик билдирди.

Хонага бир бегона милиционер кирди. Капитаннинг олдида борди.

— Айримлар «Коммунизм» кўчасида турадиган Мўминдан кўряпти, ўртоқ капитан.

— Хўш-хўш, қаерда экан шу бола?

— Кўринмаяпти. Билдирмай, ҳамсояларидан суриш-тирдим. Уйда юзларига дори суртиб ётган эмиш.

— Ҳозирча кўз-қулоқ бўлиб туринг, ҳидланмасин. Мен айтганда олиб келасиз. Ҳозир бориб бозорнинг оғзидаги чойхоначи билан балиқпазни олиб келинг.

Хиёл ўтиб, кетган милиционер келди.

— Олиб келдим, ўртоқ капитан, кирсинми?

— Олиб кириг.

Остонада чойхоначи билан балиқпаз кўринди. Чойхоначи эгилиб салом берди. Капитан қаламининг учини чойхоначига ниш қилди.

— Хўш-хўш, аввал сиз кириг. Сиз эса коридорда ўтириб туринг.

Чойхоначи капитан билан кўришмоқчи бўлди. Қўллари кўксида, гиламдан пилдираб юрди. Капитан бошини кўтармай, қаламининг учи билан чойхоначига жой кўрсатди. Чойхоначи довдираб, қаламни қўшқўллаб ушлашига бир баҳа қолди. Қўлларини тез тортиб олиб, қалам уч тарафга ўтирди. Менга рўбарў бўлди. Мен билан бош ирғаб сўрашди. Капитан бир даста қозонинг у ёғига қаради, бу ёғига қаради. Чойхоначига юзланди. Унинг кимлигини ёзиб олди.

— Хўш-хўш, энди бизга чойхонангизда бўлган муштлашувни гапириб беринг, Сатторов ака.

— Қанақа муштлашув?

— Хўш-хўш, йигирма тўртинчи январь яқшанба кунини бўлган муштлашувни.

— Қанақа муштлашув? Туш маҳали? Э, ҳа-а, бўлди, бўлди! Бу воқеа бизнинг чойхонадаямас, кўчада бўлган, капитан ука.

— Хўш-хўш, ишқилиб, чойхонангиз олдида бўлган.

— Энди, капитан ука, бозор кунини одам кўп бўлади. Қўлим қўлимга тегмайди. Қўлоғим ҳам эшитмайди.

— Оддий чойхона шовқини билан ур-тўполон шовқинининг фарқига борарсиз, ҳар ҳолда?

— Бормайман, капитан ука, бормайман. Гап шунда. Мана шу қўлоқларим ости ғув-ғув этади. Ким гапиряпти, нимани гапиряпти, фарқига бормайман. Сизга ёлғон, менга чин, манави бармоқларим билан санаб айтаман: овозларнинг ичида чолниқиям бор — бир! Ёшникиям — икки! Момоникиям бор — уч! Қизникиям бор — тўрт! Чақалқоникиям бор — беш! Хў-ўш, бешта бўлдимми? Энди бошқалариниям санаймиз. Булардан бошқа кўчадан ўтаётган «Жигули»никиям бор — бир! Бозордан қайтган сигирникиям бор — икки...

— Бўлди, бўлди. Сиз менга кўрган воқеангизни гапириб беринг.

— Ия, эшитмагандан кейин қандай қилиб кўраман, капитан ука?

— Хўш-хўш, кўзингиз бор-ку, ана.

— Тўғри, кўзим бор. Яратганинг ўзи бизга ҳам кўз берган, кўриб турибсиз. Лекин биласизми, капитан ука, чойхонамизнинг бир пиёла чойи ясиб этганда, кўзингиз тушгандир, самовар чойхонанинг ичида, ҳа! Ларёкниқидайин майдагина туйнуғи бор. Мана шунча! Шу туйнукдан чой бераман. Туйнук кўкрагим баравар келади. Мана бундай энкайиб қарамасам, ташқарини кўрмайман. Эгилавериб-эгилавериб белларим оғриб кетади, капитан ука.

— Хўш-хўш, шу воқеадан сал бўлсаям хабарингиз бордир?

— Бор, капитан ука. Бир эгилиб қараб, кўча юзида одамларнинг тўдалашиб турганини кўрдим. Бошқа ҳеч нимани кўрмадим.

— Бўпти, боринг. Зарил бўлса яна қақирамиз. Ҳамрохингизга айтинг, кирсин.

Чойхоначи қўллари кўксида, капитанга қараб бош ирғади. Гўё биров қувиб келаётгандай пилдираб эшикка юрди.

Балиқпаз кирди. Капитан унинг ҳам кимлигини ёзиб олди. У ёйилиб ўтириши, эшитамиз дегандай капитанга қошларини чимириб қарашидан димоғдор, кўпни кўрган одам. Мен шу одамдан умид қилдим.

— Хўш-хўш, энди сиздан эшитамиз, Шукуров ака? Балиқпаз пинагини бузмади. Мижжасиниям қоқмади.

— Нимани эшитасиз?

— Хўш-хўш...

— Эшитдим, участкавой айтди. Мен ҳеч нимани кўрганим йўқ. Шу! Ёзиб беришим ҳам мумкин. Шу! Кетсам майлими? У ёғда иш қолиб кетяпти. Шу!

— Гап энди бошланди, шошилманг. Урнингизга одам қўйиб келгандирсиз?

— Уғлим қолган. У ҳали ёш, хўрандаларни ранжитиб қўйиши мумкин. Шу!

— Хўш-хўш, кўп шушуламанг! Гапга жавоб беринг! Бир инсон тақдири ҳал бўляпти! Тушундингизми?

— Сиз ҳам мансаб стилингиздан фойдаланиб халққа бақирманг. Шу!

— Мен халққа эмас, сизга гапиряпман!

— Халқ бир қийдан бошланади. Шу! Мен халқнинг биттасиман, бақирманг. Шу!

— Бақираётганим йўқ, гапиряпман.

— Бақиряпсиз. Шу!

— Хўш-хўш, ана, бақирмадик. Ўзи бугун чап ёғингиз билан турганга ўхшайсиз, Шукуров ака. Боринг, сизга рухсат, яна қақирамиз.

— Ихтиёрингиз. Бари бир шу гапим — гап. Шу!

Балиқпаз ғўдайиб чиқиб кетди. Капитан менга ҳам жавоб берди. Яна келасиз, деди.

— Капитан катта, уйда ишларим қўқиб ётибди. Буёғи, кўпқарилардан қолиб кетяпман. Бошимни қашигани фурсатим йўқ...

— Хўш-хўш, мен нима қилай, ака? Бу ишга ўзи гувоҳнинг кераги йўқ, ана, медицина экспертизаси бор. Сизлар фақат жиноятчиларни аниқлашга ёрдам берсаларингиз бўлди. Ҳалиги иккови шахарлик. Бу ишни қилган болалар ҳам шубҳасиз, шахарлик. Балиқпаз билан чойхоначи жиноятчиларни танийди. Уларнинг гапини эса эшитдингиз...

Йўлнинг четидан юрдим. Ўша гап бўлган ердан ўтдим. Оқ халат кийган одам йўлимни кесиб тўхтади. Қарасам, балиқпаз. У тирсагимдан тутиб, балиқхонасига етаклади. Қозондан холисроқдаги узун ўтиргичга чўкдик. Балиқпаз тиззамга кафтини қўйиб сўради:

— Мени сиз чақдингизми, ака?

— Чаққаним йўқ.

— Чақибсиз-да. Шу! Чақиш бундан зиёд бўлади-ми!

— Мен кўрганимни айтдим, биродар.

— Ака, чақиш аёлнинг иши. Шу! Сиз бинойида эркаксиз-ку. Кўрганимни айтдим, дейсиз. Нимани кўрдингиз? Хўш, қани?

— Энди, биродар, мен сизга айтсам, ўзингиздан ҳам ўтди-да. Кўриб туриб бормадингиз-а. Ит боши билан кучингиз чопиб келди-я.

— Энди у — ит. Шу! Ўз оти билан ит. Бўлган-бўлмаганга аралашиб, ҳуриб ётади. Бўлмаса, биров билан нима иши бор? Ўзини билиб ётмайди. Итлигига боради-да. Ахир, сиз билан биз одамиз-ку. Итга тенг бўлмаслигимиз керак. Шу! Ўзи, қариндошингиз ажаб одам экан. Болалар уриб йиқитади, яна туради, яна йиқитади, яна гандираклаб туради.

— Нима қилсин бўлмаса?

— Ётаверсин. Шу! Уч йигитга ёлғиз ўзи бас келаринди. Мен бўлганимда биринчи мушт келиб туш-



дими, ўзимни ерга таппа ташлардим. Қайтиб жойимдан турмасдим. Шу! Турсам, бари бир яна уради-да. Улар кетгунча ўзимни беҳушиликка олиб ётардим. Қарабсизки, бир мушт билан қутулиб қолардим. Бирон ерим ҳам шикаст емасди. Шу! Ана, оқибат, қариндошингиз чалажон бўлиб касалхонага кетди. Ҳолидан хабар олиб турибсизми? Қалай энди?

— Борганим йўқ.

— Ия, нега?

— Мен уни танимасам, билмасам.

— Ия, ҳали танимайсизми?

— Эса-да.

Балиқпаз юзимга энкайиб қаради.

Гапим жиддийлигини билиб, тиззасига уриб кулди.

— Э ака-е, э ака-е! Афанди экансиз-ку!— Балиқпаз ёғоч панжара олдида ётган кучугига ўйчан қаради. Бошини чайқаб, яна кетди. — Э ака-е! Қариндошингиз бўлмаса, ақалли танишингиз бўлмаса, сизга нима? Қипқизил Афанди экансиз! Ё ундан бирон нима ундирдингизми?

— Нима ундирардим, биродар.

Балиқпаз бармоқларини бир-бирига ишқаб кўрсатди.

— Пулми? Ундай деманг, биродар, ундай деманг.

— Бўлмаса, нимага бунча куйиб-пишасиз? Э ака-е!

Афанди! Ҳали яна борасизми? Унда, бундай ака, сиз мени кўрганингиз йўқ, мен сизни. Агар яна чақсангиз, қаттиқ хафалашамиз. Шу!

Автобусга ўтирдим. Кўзим илиниб-илиниб кетди. Биродарлар, бошим оғрияпти.

Назир жувозкаш кўпқарига байтал миниб келди. Узиям байталмисан байтал! Сағрилари билқиллайди.

Тарлоннинг кўзи байталга тушиб, бир бошқа бўлиб қолди. Улоққа солдим—байтал тарафга юрди. Жилонни тортдим—байталга қараб талпинди. Улоқли от кетидан қўйдим—байтал тарафга чопди. Нима қиларимни билмадим. Назир жувозкашга айтгичимни айтдим:

— Ай биродар, шу байталингизни кўздан пана қилинг, жон ака!

Чавандозлар кулиб, менга шўхчан гаплар отди. Назир жувозкаш кўпқаридан кетди. Шўқр қилиб, Тарлонни улоққа солдим. Тарлон яна тайсаллади. Бўлмаса, кайфияти яхши. Тоқатим тоқ бўлди. Зардам қайнади. Қамчи дастаси билан Тарлоннинг бошига солдим.

— Падарингга лаънат, мана сенга, мана!

Тарлон олд оёқларини кўтариб фалакка сапчиди. Бўғилиб кишнади. Олисларни айланиб чопди. Ғарқ терга ботди. Пешонасидан оқаётган терлар балиқ оғзидай очилиб ёпилаётган бурнига сизди. Тўда олдида келди. Чоти аралаш қамчи солиб, улоққа қўйдим. Яна ўзини кейинига олди. Қамчи дастаси билан қулоқлари орасига, юзларига урдим.

— Ҳали камми? Мана бўлмаса, мана! Еганинг бурнингдан чиққур!

Қамчи остига олиб, четга чиқдим. Биродарлар, жаҳл келганда ақл кетади! Тарлоннинг эгар-абзаллини, юганини шилиб олдим. Бошига бир урдим.

— Кет, ҳайвон, кет! Қазисан-қартасан, ахир аслингга тортасан! Тортдинг аслингга!

Тарлон, ёллари селкиллаб қочди. Чавандозлар ушлаб бергани хезланди. Қўл силтаб, қўйинглар, дедим. Кўпқарининг охирига қарамадим. Эгар-абзалларни қўлтиқлаб уйга келдим. Аёлимиз алағда бўлиб, Тарлонни сўради.

— Сўрама, аёл, сўрама. Термизнинг артистлари келиб, клубда театр қўйгани эсингдами? Шу театрда Алишер Навоий нима деб эди? Ҳайвонни қанча тарбия қилма, ит бўлади, эшак бўлади, асло одам бўлмайди, деб эди. Навоий ҳақ экан, аёл! Кўкайим қуриб от боқдим. Ўзим емадим, ичмадим. Тарлонга бердим. Болаларнинг ризқидан ҳам уриб едирдим. Тарлон бари бир одам бўлмади. Уриб-уриб ҳайдаб юбордим. Баҳридан ўтдим. Тарлон насл-насаблариникига кетди. Тарлон кўр бўлади, тузим кўр қилади, мана кўрасан.

— Бекор қилибсиз-да, кўп пуллик мол эди.

— Э-э, пули бошимдан садақа! Аёл зотининг бош-адоғи зарга ўралган билан ўзи ёмон бўлса кимга кераги бор? Ундай аёлни зари билан қўшиб, уч талоқ қўйиш керак! От ҳам шу-да! Ёмон от ёмон аёлдай гап. Эркакни эл орасида шарманда қилади. Мана, Тарлон юзлаб чавандозлар олдида юзимни ерга қаратди!

Кўнглимда нимадир майда-майда ушоқ бўлиб кетди. Ичимда Тарлонга раҳмим келди.

Кечаси бемаҳалда катта дарвоза дўқиллади. Ким бўлди экан, дея елкамга чопон ташлаб чиқдим. Ким у, дедим. Овоз бермади. Дарвозанинг занжири шилдиради. Бориб очдим. Ё пирим-э, останада Тарлон турибди. Бир ўзи! Тумшугини қўзиб, илтижоли пишқирди. Тарлонга гап қўшмадим, юзига қарамадим. Ичимда, сен ҳам одам бўлдинг-у, дедим-да, юзимни тескари бурдим. На илож, эшикдан келган одамни кет, деб бўлмайди. Миқ этмай отхонага юрдим. Тарлон эргашиб келди. Уни отхонага қамаб, устидан занжирладим.

Эртасига эшитсам, Тарлон ўша кетишда Назир жувозкашникига борибди. Жувозкаш байталини яланғочлаётган экан. Тарлонни кўриб ҳайрон бўлибди. Тарлон дарвозадан кишнаб кирибди. Жувозкаш индамабди. Нимаям дейди? Эшикдан эгилиб келган куёвга бир нима деб бўладими! Куёвни пайғамбарларимиз ҳам сийлаган!

Бизнинг Тарлон байтал билан тумшугини тегизиб искашибди. Ўзларича нималардир дейишибди. Кўнгил бериб, кўнгил олишибди...

Жувозкаш бир маҳал уйғониб қараса, «куёв» йўқ эмиш.

Самад чавандоз кўпқарининг олган-олганини—охирини олди. Қайтишимизда баримизни уйига айтди. Уйининг олдида келганимизда ўйланиб қолдим. Мендан бўлак чавандозларнинг уйи яқин. Улар отларини боғлайдию келади. Бизники хийла олсда. Тарлонни уйга боғлаб келгунча қозон икки қайнайди. Булар менинг йўлимга қараб ўтирмайди. Гўштни еб қўяди. Эриниб, келолмаслигим ҳам бор.

Ўйлаб-ўйлаб, қоладиган бўлдим. Нафс қурғур ёмон-да.

Тарлонни дарвоза устунига боғладим. Кўпқаридан олган гилам, тўнларни эгардан олаётсам, кўчада кенжа қайнимиз Қорақул келяпти. Йўл бўлсин, дедим қайнимизга. Сизникига, деди у. Ма, Тарлонниям ола кет, дедим. Оёғидан олиб, отга миндирдим.

Самад чавандозникида ёнбошлаб, тана илик сўрдик. Утган кўпқарининг гурунгини қилдик. Чавандозлар, отларга таъриф бердик. Ўзимиздан ўтган хатоликларни бетимизга айтдик. Яхшиликларимизни ёдлаб, елкаларимизга қоқдик. Эй яша-е, дея тиззаларимизга урдик. Бир-бировимизга ақл бўлдик.

Самад чавандоз миҳда осигли, дўмбирасини олди. Тингиллатиб, созлади. Чертиб бошлади. Хаёлларга ғарқ бўлдик. Гал менга келди. Мен чордона қуриб ўтирдим. Билагимни тутдим. Дўмбирани созимга солдим. Ҳаққалабосим нағмалардан чалиб, чавандозларнинг кўнглини қитиқладим. Самад чавандоз ўтирган ерида елкаларини қоқиб ўйнаб қўяберди. Ҳа, гардакам, деди ўзича. Мен, сўзни сўзга чўқиштириб, гапни гапга уриштириб, нағмаларга отни солдим. Отлар ашула бўлди! Аҳай!

**Бул сағрингга қарайман**

**Куёвли қиз ётгудай,**

**Бурнингдан чиққан дамингга**

**Каррак босса ёнғудай,**

**Қулоқларинг орасидан**

**Қўштегирмон сўв ўтгудай.**

Биродарлар, ашуланинг ичидаги от бор-ку, ўша ўзимизнинг Тарлон, ҳа! Ана, Тарлон дирк-дирк ўйнади. Бепоён Вахшвор адиқларига қараб кишнади. Залворли адиқлардан акс-садо келди. Ё сизнинг отингиз

хам бизнинг Тарлондайми? Унда, сизнинг отингиз ҳам ашула бўлибди-да! Аҳай!

Ҳадеб отни ашула қилабериш бўлмас. Энди чавандозларга утайин. Кимни ашулага солсам экан? Шу бурчақда ўй суриб ўтирган Одина чавандозни ашулага солсаммикин? Уттизни уриб қўйди, ҳалиям уйланмайди. Бир қитиғига тегайин, зора йигитлик гурури ва-ража қилса! Аҳай-аҳай!

**Қидириб чиқсанг бирор кун**

**Кенг кўнғиротнинг тўйини,**

**Олиб ётсанг, жўражон,**

**Қора уйнинг тўрини,**

**Олиб қучсанг, найлайин,**

**Бурни кулган пария —**

**Шу чиқарар куйган юрак черини!**

— Ҳа, дў-ў-ўст!

— Қўйма, Зиёдулла чавандоз!

Чавандозлар гап қаёққа бораётганини билди. Гап эгасиям ўзини таниди! Дастурхонга қараб, бош ирғаб кулди. Мен эндиги гапимни нағмаларсиз айтдим:

— Одина чавандоз дейман-ов, йигитнинг боши икки бўлмагунча моли икки бўлмайди. Уйлан-да энди, биродар. Оғзингга талқон солгандай миқ этмай юрасан, айт-да, ўзи нима гап? Биз сенга узанги йўлдош. Яхши кунингга, ёмон кунингга яраймиз.

Чавандозлар гапимни қувватлади. Охири Одина чавандоздан садо чиқди. Одинаси қурғур бизнинг қайсинглимизни кўз остига олиб юрибди экан. Ана гап! Бир сафар совчи қўйса, қайнонамиз йўқ, дебди. Мен, бизнинг қайсинглимиздан ўзгаси бўлмайми, дедим. Йўқ, деди Одина. Одина чавандоз оламда бизнинг қайсинглимиздан ўзгасини тан олмас эмиш. Қайсинглимиз оламда яккаю ягона эмиш. Йўғ-э, дедим. Ҳа, деди Одина. Чинингни айт, дедим. Чиним, деди Одина. Биродарлар, дил кетган эмиш! Аҳай! Ай, Одина чавандоз, унда қўлни бер, ўзим совчи бўламан, дедим. Қайсинглимни сенга олиб бериб божа бўлмасам, Зиёдулла чавандоз отимни бошқа қўяман, дедим. Шу кундан эйтиборан икковимиз божа, дедим. Ай, нарироқ ўтир, божа божани кўрса... дедим!

Биродарлар, ёш болага иш буюр-у, изидан ўзинг югур, дегани ҳаққаст чин экан. Қайнимиз нима қилибди денг? У уйимиз олдида оқадиган ариққа келиб, Тарлонни сувга қўйибди. Фарқ терга ботган Тарлон тўйиб сув ичибди. Кейин қайнимиз уни отхонага олиб кириб боғлабди.

Эрталаб Тарлонни отхонадан етаклаб чиқсам, қорин этлари дир-дир, пир-пир учади! Биродарлар, отга сув тушса шундай бўлади! Тарлонга сув тушибди! Ай, қайним-э, ай, калла-е! Энди сенга нима дейин? От фарқ терга ботганда сув ичириб отхонага боғлаб бўлмайди, дейинми? Мабодо ичирганда хийла йўл юриш лозим бўлади, бўлмаса, отга сув тушади, дейинми? Кейин от кўпқарига ярамай қолади, дейинми? Мактабда комсомол комитетининг секретари бўласан-а, шуниям билмайсанми, дейинми? Биттаям тўрти йўқ аълочи Қодиров Қорақул бўлатуриб шунга фаросатинг етмадими, дейинми? Омон сурнайчининг қизи билан партаинг остидан хат олишиб туришга етган ақлинг шунга етмай қолдими, дейинми? Мендайн бир кал бўлсанг экан, ақли сочи билан тўқилиб кетган десам, калланг тўла соч бўлса, дейинми?..

Демайин, демайин! Қайнига илкис гапириб бўлмайди. Опаси бизда!..

Тарлонни миниб, сувини тушириш билан машғул бўлдим. Кўп кўпқариларга миниб бормадим. Борсам ҳам чопмадим. Бировларнинг отида чопдим.

Вахшивордаги бир кўпқаридаям шундай бўлди.

Мағрибдаги анави оқ тоғнинг оти — Керагагоф. У Ҳисор тоғларининг давоми. Харитада уни Бойсунтоғ дейилган. Қайним айтди. Керагагоғни яқин деб бўлмайди. Улканлигидан бир кадам бўлиб кўриняпти. Ун-

даги маида-майда олачипорлар — арча. Аслида улар майда эмас, олисдан шундай кўринади. Арчалар улкан-улкан, бўйи қайрағочдай. Бели одамнинг белидай.

Қирлар, адирлар қор. Адирлар ўнгиридаги Қорбосди даштиям қор, этик юзини кўмади. Қорда жониворларнинг излари. Излар теварагида товуқ патлари сочилиб ётибди. Булар тулкининг иши. Беш панжали излар бўриники.

Осмоғнинг юзи покиза. Бошимизда кун ёняпти. Куннинг бетига қараб бўлмайди. Балиқ тангасидай қор учқунлари йилтираб, кўздан ёш оқизади. Теварак мо-яқдайн равон, оқ. Қаер чуқур, қаер ўр — билиб бўлмайди.

Кўнглимга ҳадиқ тушди. Улоққа оёғим тортмади. Азза-базза келдим, чопайин, дедим ўзимча. Жўра бобонинг отида чопишни азм этдим. Тарлонни унга бердим. Кўзингга қараб чоп, деди Жўра бобо. Кўнглимга яна ҳадиқ тушди. Телпагимни қошимгача бостириб, кўзимни кундан пана қилдим. Ичимда калима қайтардим. Сурпдай оқ даштда уймалашаётган қоп-қора тўдага юрдим. Чавандозлар, отларнинг нафаси буғланиб-буғланиб ёйилди.

Улоқ икки бор кўтарилди. Отларнинг чопишни кўриб ҳам раҳмим келди, ҳам кулгим. Отлар оёғини қордан зўрға олади. Майда одим отади. Тўхтади, яна чопади. Гўё йўрғалаб бораётгандай. Отлар қорда забтли чополмайди. Оёғи қорга ботади, қор кўзини шафқлатади.

Улоққа киргим келмади. Кўнглим чопмади. Четроқда томошабин бўлдим. Бир чавандозга кўзим тушди. Оти майдагина, каттароқ ҳангидай келади. Сариқ жунлари бузоқниқидай узун-узун. Узангиси йўқ шекилли, чавандознинг оёқлари шалвираб, қорга тегяпти. Кулгим келди. Чавандознинг бетига қараб, анграйиб қолдим. Кўнглимдаги кулгиларим учиб кетди. Уша қатрон кал! У буёқларда нима қилиб юрибди?

Тўданинг нариги ёғида турган Жўра бобонинг олди-га бориб сўрадим. Жўра бобо қўл силтаб жавоб берди:

— Тўй хўжаси билан ошначилиги бор, дейишдими. Дарров танидингми?

— Калладош бўлгандан кейин таниймиз-да.

Қабатимдаги бирор гапга аралашди:

— Шу, бошқарманинг эски бошлиғими? Ўзим ҳам айтдим-а, бир гап бор деб.

— Нима бўлди?

— Кал деганимни кўнглингизга олманг-у, Зиёдулла чавандоз, бу калнинг юзи қурсин. Ана, халқнинг қарғиши урди. Кўчада итдай тентираб қолди.

— Нима, сизларга келганми?

— Эҳа, сиз сўраманг, мен айтмайин. Отларни қийратиб кетди. Шу тўйнинг хўжаси ошнаси бўлади, буниям оти қолмади. Бечора ўшанда отининг кетидайн йиғлаб қолди. Кал энди тўйига келиб ўтирибди. Билмайман, қайси юз билан келди. Ўзи, калласи билан юзининг фарқи йўқ экан. Тап-тақир!

— Унга отни ким берди?

— Ўзи сўради. Яна тагин нима дейди, денг? Бунча от нима керак, кўпқарини эшакда чопса бўлмайми, дейди. Отларни қазиб қилиш керак, дейди. Ўзи дир-дир қалтирайди. Ботинкасини ботинкасига уради. Фирт маст! Ҳожиқулбой ҳам боллади. Ҳурмат қилган бўлиб, эшакдай бир хахирни топиб берди. Сиз каттасиз, яқинроқдан бориб кўпқарини назорат қилиб турунг, деди. Бечора ишонди! Кўпқарига раҳбарлик қилгани келди. Ишқилиб, отлар уриб юбормаса эди.

Чавандозлар отини зўр бериб ниқтади. Сағрисиға қамчи босди. Ҳайқириқлар бериб улоққа чорлади. Баковул тўдани айланиб, ҳайбарақаллачи бўлди:

— От қўй, ҳа, от қўй!

Қатрон кал, ҳайқираётган, чорлаётган чавандозларни тартибга қақирди:

— Шовқин, ўртоқлар, шовқин! Шовқин камроқ бўлсин!

Бир чавандоз оти улоққа борабермагач, қамчи остига олди.

— Ҳе, падар лаънат! Мана, бўлмаса!



Қатрон кал чавандозга огоҳлантириш берди:

— Сўкинманг, ўртоқ чавандоз! Бу ер жамоат жойи! Чавандоз эшитмади. Баковул эшитиб, қатрон калга хўмрайиб қаради.

Кўнглимда армон пайдо бўлди. Тарлон яхши бўлганда улоққа солардим. Узгаларга улоқ бермасдим. Тарлонни қатрон калга бир кўрсатиб қўярдим...

Жўра бобонинг тўриғи гижинглади. Жиловни силкиб, улоққа талпинди. Улоқ айиргиси келди. Бундай вақтда отни йўлдан қайириш инсофдан бўлмайди. Отни сувга олиб бориб қуруқ қайтариб келиш бўлади. От ёмон ўрганади. Улоқдан, чавандоздан кўнгли қолади.

Жўра бобонинг тўриғи жиловни яна силкиганда тўдага солдим. Улоқни бир саман бурноқ билан барабар олиб чиқдик. Саман бурноқ абжирроқ экан, йўлини буриб солди. Ушлашиб бордим. Совқотган қўлим улоқдан чиқиб кетди. Жўра бобонинг тўриғи бурноқдан қолмади. Улоқ билан орамиз бир қулочча бор. Кетимиздан отлар келяпти. Бундай вазиятда улоққа узалиш қалтис. Боиси, кетимиздан келаётган отларнинг абжирроғи орага ёриб кириб, узалган қўлни синдириб юбориши мумкин. Шу сабаблиям улоққа қўл узатмадим. Жўра бобонинг отини буриб кетдим.

Мен энди қизийбошладим. Баданим жимирлаб, ваража қилди. Эндиги улоққа ғайрат қилдим. Улоқни бир буйра от кўтараётганда мен ҳам қўшилдим. Жунлари қўзичоқнинг жундай жингала, кўзлари олмадай-олмадай отни кўриб эдингизми? Улманг! Буйра от ана шу! Буйра от — олмакўз! Мен буйра отдан кейинда қолабашладим.

Чавандоз зоти ўзи ўрганмаган отда чопиши қийин. Яна қўлим чиқиб кетди. Бу сафар Жўра бобонинг тўриғи улоққа жипсроқ чопди. Улоқдан бир қадамча кейинда қолдим. Буйра отнинг сағриси барабар чопди. Бундай вазиятда улоққа узалиш ўта, ўта қалтис! Боиси, бордию улоқни юлиб олсам, улоқ келиб отимнинг кўкрагига, кейин тиззаларига зарб билан урилади. Оқибат, от қоқилиб йиқилади. Бундай улоқни олишнинг энг яхши йўли, ўзиб кетаётиб, улоқни юлиб кетиш лозим. Мен шундай қилмоқчи бўлдим. Улоқни узалиб ушлаб, Жўра бобонинг отига қамчи босдим. Бироқ, Жўра бобонинг оти бизнинг Тарлондайин олғаямас, ёнига буриб солди. Улоқ менинг қўлимга ўтди. Даст кўтариб ололмадим. Улоқ Жўра бобонинг тўриғи кўкраги, кейин олд оёқларига забтли урилди. Жўра бобонинг тўриғи бир мункиди. Яна мункишида олдига эгилди. Қўлим улоқда, от бошидан ошдим...

Уйкудан уйғонаётгандай бўлдим. Ғўнғир-ғўнғир овоз эшитдим. Кўзимни очиб, осмонранг оламни кўрдим. Яхшилаб қарасам, осмоннинг ўзи экан. Хайрон бўлиб, теварагимга алангладим. Теварагимда Жўра бобо билан беш-олти узанги йўлдошларим турибди. Оёғим тарафда отлар бор. Узанги йўлдошларим жонланди:

— Кўзини очди, хайрият-э!

— Узига келди, бетига яна қор суртинглар.

— Зибдулла чавандоз, қалай, суяклар энгилми?

Шундагина нима бўлганини билдим. Урнимдан турмоқчи бўлдим. Улоқ ушлаган ўнг қўлим қимирламади. Гўё жони йўқдай. Бор кучим билан интилдим. Унг қўлим зириллаб оғриди. Кўзимнинг олди хираланиб, қор қорайиб кетди. Қорга яна чалқанча ташладим.

— Тураман, деяпти, турғазинглар.

Узимга келиб, кўзимни очдим. Оёқ тарафимдаги отлиқларнинг бирови қатрон каллигини билдим. Қатроқ калнинг бетига синчиклаброқ қарадим. Унинг юзлари хушвақт, бир оз табассумиям бор. Мастлигинданми ё менга куляптими?

Қатрон кал теварақдагиларга қараб гапирди:

— Мен бундан кўп йиллар муқаддам айтганман, кўпқари эскилик сарқити, саломатлик душмани, ҳаёт учун хавфли, деб! Мана исботи! Мана шу отини гўштага бермай, мен билан қонунашган. Мана оқибати! Гўштага топшириб юборганда бунақа сулайиб ётмасди. Хайрият, ўлмади! Бари бир инвалид бўлди, тамом!

— Яхши отдан йиқилса, ёмон таъначи бўлади!

Буни Жўра бобо айтди. Бобо бир ўқ билан икки

қуёни урди: менинг кўнглимни кўтарди, қатрон кални чимчилаб олди.

Оғзимда қўланса бир нимани туйдим. Жағларимни қимирлатдим. Бир нима гижирлади. Тилимнинг учи тишларим орасига кирди. Бармоғимни оғзимга солиб кўрдим. Бармоғим қон бўлди. Ёнимга яширдим. Унгиригимга артдим. Билдим, оғзимдаги қўланса ис — қон, лунжларимда гижирлаб ўйнаётган — тишим, тилим учи кириб чиқаётган ковак — тишимнинг ўрни.

Кўнглимда нимадир қўзғолди. Кучаниб, бор вужудимни таранг этдим. Унг қўлим зир-зир оғриди. Чап тирсагимга суяниб, қўзғолдим. Узанги йўлдошларим қўлтигимдан олди. Мен бошимни чайқаб, ҳожати йўқ, дедим. Бир амаллаб турдим. Бошим айланиб, кўз олдим зим-зиёланди. Тишимни тишимга қўйиб кучаниб, тош бўлдим. Олам яна аслига келди. Оғзим қонга лиммо-лим тўлди. Озгина ҳаялласам, оғзимдан отилиб кетади. Қаерга тупуришимни билмадим. Теварақ оппоқ. Тупурсам, қор қип-қизил бўлади. Қатрон кал бўлса мендан кўз узмайди. Менинг кўзим қатрон калда, қатрон калнинг кўзи менда. Бўлмади, бўлмади! Қатрон кал кетмади. Мен оғзимдаги қонни тишим билан қўшиб, ичимга ютиб юбордим! Яна бир ютиниб, қолган қонларниям ютдим. Қатрон калдан кўзимни узмадим. Кипригимни қоқмадим. Қатрон кал важоҳатимни кўриб, юзидеги табассумидан асар қолмади. Менга ҳадиксираб қараб-қараб, жиловни бурди.

Мен Жўра бобонинг тўриғига қараб юрдим. Унг қўлимни қимирлатмадим. Чап қўлим билан эгар қошидан олиб отландим. Унг қўлим ёмон оғриди. Жиловни чап қўллаб ушлаб, тўдага юрдим. Қатрон кал менга кўз остидан қаради. Улоғини бериб қўйган чавандоз мендан кўнгли сўради:

— Қалай, чавандоз, бирон ерингиз лат емадимми?

Кулимсираб, соғ қўлимни силтадим. Қатрон калга эшиттириб айтдим:

— Мижкамгаям келмади. Уст-бошимга пича қор илашди, холос.

Зирқ, зирқ! Ух, вой қўлим-э! Тагин, юзларимдан билинмасин, дея четга қарадим. Унг қўлимни авайлаб, қўйнимга солдим. Бир оз ором олдим. Қарасам, қатрон калнинг икки кўзи ҳалиям менда.

Улоқ кўтарилди. Тўда кетидан чопдим. Беихтиёр қўлимни қўйнимдан олдим. Зирқ, зирқ! Ух!

Улоқ кимда кетди, билмадим. Отларнинг кетидан шунчаки чопиб бордим. Қўлимни қўйнимга солдим. Жўра бобонинг тўриғини улоққа ниқтадим. Тўриқ тўдани ёриб кирди. Ич-ичимдан зил кетди. Улоқни қандай кўтараман? Отлар қўлимга тегиб юмалаб тушсам? Нима қиларимни билмай гангиб қолдим. Бовужуд бир саман йўлимизни ёпди. Жўра бобонинг тўриғи улоққа боролмади. Шундагина кўнглим тинчиди. Енгил нафас олдим. Саманга қараб, борингга шукур-э, дедим ичимда. Зирқ, зирқ!

Бошқа вақтлари шундай қараб турсам улоқ мен тарафга келмайди. Келиб-келиб шу вақтда менга қараб юрса бўладими! Улоққа зормидим, дардим улоқимди!

Ана, улоқ келди. Барча қараб турибди. Айниқса, қатрон кал! Мен тишимни тишимга қўйиб, оғриқ қўлимни улоққа узатдим. Бутидан бор кучим билан чангаллаб ушлаган бўлдим. Аслида бармоқларимни жунига шунчаки тегизиб турдим. Зирқ, зирқ!

Гўё улоқни олиб кетмоқчидай, Жўра бобонинг тўриғига айқириб қамчи босдим:

— Ҳа жонивор-а!

Жўра бобонинг тўриғи забтли чопди. Улоқли от кейинда қолди. Мен хўжакўрсинга бош ирғадим. Қамчили қўлимни аламли силтадим. Гўё, омад кулиб боқмади, дедим. Омаддан нолиган бўлдим. Зирқ, зирқ!

Ниҳоят, олган-олгани қўйилиб, кўпқари охирлади. Дуо берилди. Отлар жабдуқларига тизилиб йўл олди. Мен ҳам Жўра бобонинг тўриғи эгариде гўдайиб келдим. Маниб, уйга қайтдим. Фельдшерни қақиринглар, дедим аёлимизга. Фельдшер бир қутича кўтариб келди. Оғриқ қўлимнинг енгини силкиб тортиди. Инграб юбордим! Зирқ, зирқ! Енгим суғурилмади. Фельдшернинг қўлига пичоғимни бердим. Фельдшер енгимни

пичоқ солиб айирди. Қарасам, тирсагимнинг йўғонлиги соғ тирсагимга учов келади. Тирсиллаган шил! Фельдшер бор чайқаб, машина чақиргани кетди.

Мени «Ҳазорбоғ» совхозининг беморхонасига олиб борди. Врачлар шишган қўлимни бир аппарат остига қўйиб кўрди. Гипсга солди. Кўп қўрқманг, тирсақдан чиқибди, холос, деди. Қўрқармидим-а! Қўлимнинг чиққанини отдан йиқилганимдаёқ билиб эдим!

Биродарлар, оғзинг қора қон бўлсаям, ғанимнинг олдига тупурма!

Шу ётишда йигирма кун ётдим. Врачлар гипсни олиб, уйга жавоб берди. Келсам, участкавой икки марта йўқлабди.

Кўнгил сўрагани келганларга қўлимни яланғочлаб кўрсатдим. Ҳасан бобо қўлимни айлантириб кўриб, э, қийшиқ-ку, деди. Эйтибор бериб қарасам, қўлим чиндан ҳам тирсагимдан қийшиқ. Ҳасан бобо, Қурбон табибга бор, нима гаплигини айтади, деди. Эрталаб Тарлонни миниб, Куйбишев колхозига йўл олдим.

Бир вақтлари Қорахонда Хидир дегич бор эди. Биз уни Хидир мироб дер эдик. Мироблик қиларди-да! Узиям отнинг қўлинг ўргилсинини минарди! Бари ери бир текис, тўр, кўкрақдор, хушрўйгина қорабайири бор эди. Хидир мироб чиққан-синган суякларни довларди. Шу одам кетди! Қаёққа бўларди, қиёматга-да! Шундай одам ҳам ўларкан-а! Одамнинг ишонгиси келмайди. Мен, бундай одамлар дунё турғунича туради, дея ўлардим. Кейин-кейин билсам, ҳеч ким бу дунёга устун бўлолмас экан.

Шу одамдан Қурбонназар, Абдуназар деган ўғиллар қолди. Абдуназари газетачи эмиш. Қурбонназари отасининг қўлини олиб қолибди. Отаси оғзига тупурган бўлсаям ажаб эмас. Узи раис! Лекин, мен раисман, деб ўтирмайди. Каттагаям бир, кичиккаям бир.

Шу одамнинг дарвозасини қамчи дастаси билан тақтақ урдим. Ичкаридан бир заифа чиқди. Сўрасам, ишдалар, деди. Келинг, ўзлариям келиб қолади, деди. Отни боглаб, Қурбонназарнинг меҳмонхонасида жойлашиб ўтирдим. Келин дастурхон ёзди. Чойни ўзим қуйиб, ўзим ичиб ўтирдим.

Қурбонназар укамиз қелди. Қучоқлашиб кўришдик. Таомлардан кейин дардимни айтдим. Қурбонназар дастурхонни тоқчага қўйиб, қани, ечинг, деди. Қўлимни яланғочлаб тутдим. Қурбонназар қўлимнинг у ёқ-бу ёғини кўрди. Елкамдан бошлаб, бармоқларим учигача силади. Бўғинларимнинг қўшилиш ерида сабр қилди. Тирсагимда кўпроқ тўхтади. Бармоқлари учини ниқтаб-ниқтаб кўрди. Хаёлимда Қурбонназар бир нимани эшитаётгандай бўлди. Сўнг, тирсагимдан бармоқларини олди.

— Бекор овора бўлибсиз-да, пича лат еган экан, яхши бўлиб кетибди. Врачларнинг гипси тузатибди.

— Мен сизга айтсам, келмас эдим, Ҳасан бобо қўймади, борчи-бор, деб.

— Ҳа, майли. Келганингиз яхши бўпти. Шу баҳона меҳмон бўлиб кетасиз. Қани, ётинг, бир муолажа қилиб қўяй. Иккинчи лат емайдиган бўлади.

Мен кўрпачага чўзилиб, ёстиққа бош қўйдим. Қурбонназарга қўлимни бериб, шипга қараб ётдим. Қурбонназар бармоқларим учидан бошлаб уқалади.

— Кўзингизни юминг, яхши бўлади. Ҳа, ана. Пинакка кетинг. Гўё ухлаётган бўлинг. Қўлингиз пишиқ суяк экан. Илгарилариям отдан йиқилиб, лат еганмисиз?

— Йўқ.

— Нимага келиб-келиб энди шундай бўлди?

— От ўзимники эмас эди. Жўра бобонинг оти менга тушунмай, мен отга тушунмай, шундай бўлди.

— Ҳа-а, ўзингизнинг отингиз қаерда эди?

— Бизнинг Тарлонга сув тушиб эди.

— Отга сув тушинини-ку биламан. Отнинг оёғига ем тушди, дегани нима?

— Отнинг оёғига ем тушса, оёғи қотиб қолади. Пайларди дириллаб учади.

— Ҳа-а, ҳар икковидаям кўпкарига чопиб бўлмайди-я?

— Эса-чи.

— Қора от яхши бўладими, ёмон?

— Ёмон. Қора отнинг феъли ўжар, қаҳрли бўлади. — Ҳа-а, Сетон-Томпсон ҳам шундай ёзган. Демак, чин экан-да.

— У чавандоз қаердан?

— У чавандоз эмас, канадалик ёзувчи. «Мустанг йўрға» деган китобида шундай ёзган.

— Ким бўлсаям отни билар экан.

— От хомлаб қолди, дейди, у нима дегани?

— Унда от мой ташлайди. Кейин кўпкарига ярамай қолади. Боқилган отни билиб-билмай чопиб қўйсангиз ҳам ичида мой тўлиб қолади. Буниям бир йилгача кўпкарида чопиб бўлмайди.

— Ҳа-а, от одамни босмайди, нимага шундай?

— Боиси, от одамзотни улуғлайди. Одамзотга вафо қилади. Ҳайвонларнинг ичида от билан ит шундай. Пишакниям! шундай дейишади, мен бу гапга қўшилмайман. Пишак суюқоёқ аёлдай гап. Ким қорнини тўйгазиб, бошини силаса, эргашиб кетаберади. Кейин, от жойида таққа тўхтаётлади. Энг яхши машина қайси? Шунинг тормозига қарагандаям отники яхши ишлайди. Олда одам борлигини кўрдими, таққа тўхтаётлади. Бордию довлараб қолса, одамнинг устидан ошиб ўтади.

— Ҳа-а, айтишларича, аёл боққан от яхши бўлар эмиш. Шу чинми?

— Эса-чи. Боиси, от салкам одамдай гап. Қониди пичагина девнинг қони бор, холос. Отга ем бергани борсак, у ҳаммаша бизга суйканади, эркалик қилгиси келади. Бизни искайди, думи билан елкамизга уради. Шунда биз уни тек тур-э, сабил қолгур, дея қамчилаймиш. Бу қилигимиз отга малол келади. Аёл бизга нозланиб суйкалса, уни жеркиб ташласак, қандай малол келади? От ҳам шундай. Отнинг кўнгли аёлнинг кўнглидай нозик. Аёллар бўлса отни урмайди. Унинг эркалигини кўтаради. Аёлнинг мулоим табиати отга хуш келиб қолади. Аёл боққан отнинг яхши бўлишига яна бир сабаб аёл ҳаммаша уйда бўлади. Ичкари кирари, ташқари чиқади. Отнинг кўзи эртадан-кечгача аёлга тушиб туради. Аёл от кишнаганда дарров емини беради, сувини беради. Биз эркаларнинг бўлса уйда бордигимиздан йўқлигимиз кўп бўлади. А-а-ай, ўлдими-э!

Тирсагимда бир нима қирс этди. Вужудим қизиб, пешонамдан тер чиқди. Қурбонназарга қарадим. У кулимсиди.

— Ана энди қўлингиз яхши бўлди.

Шундагина Қурбонназар мени авраб, гапга алаҳситганини пайқадим. Хийла ётдим. Оғриқ тиниб, турдим. Қурбонназар қўлимни ипга ўтказиб, бўйнимга осди. На укол қилди, на дори ичирди, на расмга туширди.

— Агар келмаганингизда қўлингиз ҳадеб қўзғалабериб-қўзғалабериб, ўйнама бўлиб қоларди. Энди бутунлай битиб кетади, аслида бўлади. Оз-оздан мўмиё танавзул қилиб турунг, суякка мадад бўлади.

Оқшом кўнгулгача гурунглашиб ўтирдик. Мен отланиб кайтдим. Қайтаётганимда Қурбонназар бот-бот тайинлади:

— Тағин, қўлингизни солганимни врачларга айтиб юрманг. Яхши бор, ёмон бор...

Участкавойимиз келиб, қўлингиз тузалган бўлса боринг, сўрапти, деди. Қўлим бўлса ҳалиям бўйнимда. Душман кўзи қилиб, ипни олдим. Қўлимни қўйнимга солдим. Отланиб, бордим. Ичкариласам, таёқ еган беқасам чопонли одам ўтирибди. Юзининг яраси ҳалиям битмабди.

У мени танимади. Капитан таниттирди. Беқасам чопонли мени бот-бот бағрига босди. Киприклари нам бўлди. Биқинма-биқин ўтириб дардлашдик. Зот-бобарақотимизни, мазгилимизни сўрадик. Жданов колхозидан экан, оти Раҳмон экан. Раҳмоннинг кўнгли бузилиб, овози қалтираб чиқди:

! Пишак — мушук.

— Ула-ўлғунимча сизга таъзим қилиб ўтаман, ма-на кўрасиз.

— Ундай деманг-э, нима каромат кўрсатдимки, менга таъзим қиласиз.

Капитан қўлимни сўради. Яхши, дедим. У ишларини айтиб берди. Ишлар деярли ҳал бўлибди. Безориларни ушлаб, Раҳмонга юзма-юз қилибди. Раҳмон, шулар эди, дебди. Лекин безорилар тониб, айбини бўйнига олмаётган эмиш. Гап менда қолибди. Ҳозир безориларни олиб келади, деди капитан. Айтганидай, бир милиционер безориларни ҳайдаб келди. Бирови ўтирмақчи бўлди. Капитан унга тур, дея бақирди. Йигит қўлларини қовуштириб қотиб қолди. Манави одамни танийсизларми, деди капитан уларга мени кўрсатиб. Танимаймиз, деди бирови менга сигирқараш қилиб. Шуларми, деди капитан менга уларни кўрсатиб. Шулар эди, дедим мен бошимни ирғаб. Олиб кетинг буларни, деди капитан милиционерга. Милиционер уларни ҳайдаб кетди. Капитан менга жавоб берди.

— Хўш-хўш, сизга катта раҳмат, ака. Тергов туга-гач, делони судга оширамиз. Суд куни, бордию чақирсалар, боринг.

— Мен сизга айтсам, капитан катта, шунча кун ма-зам бўлмади. Шеригим менинг навбатимдаям кўй боқ-ди. Одамнинг юзи чидамаяпти...

— Тушунаман, ака, тушунаман. Сиз судда бўлма-сангиз ҳам бўлади. Лекин анави тирриқлар кўп ишларини бўйнига олмаслиги мумкин. Иш яна ланж бўлади. Сиз судда савол туғилганда ҳа ё йўқ, деб турсангиз бўлди. Сиздан бошқа жонли гувоҳ йўқ. Мана шу биродарингиз учун яна бир келинг.

Капитан жон жойимдан ушлади. Билибми, билмай-ми, биродарингиз учун, деди. Шу гап бўғинимга сингди, кўнглимни олди. Раҳмон биродаримизни деб, йўқ дея олмадим.

Раҳмон биродаримиз билан ошхонада мантхўрлик қилдик. У мени уйига етаклади. Мазам йўқроқ, бошқа вақт борарман, дедим. Унда, бирор кун ўзим уйингиз-га бораман, тўн ёпишиб оға-ини бўлаемиз, деди. Шундай ҳам оға-ини, биродаримиз, дедим мен. Уй-уйимиз-га кетдик.

Милициянинг машинаси эшигимизга келганини эл билибди. Дув-дув гап бўлибди. Эл ажабланибди, ҳа-диксирабди.

Хуфтон вақти узанги йўлдошларим, ҳамсоямиз Рих-сиев кўнги сўраб келди. Аёлимиз дастурхон ёзди. Бўлғуси божамиз Одина чавандоз аёлимиздан нам тортиб, ерга қараб ўтирди. Узанги йўлдошларим гапни нимадан бошлашини билмай, истиҳола қилди. Рихсиев гапни индаллосидан бошлади:

— Сизни милициянинг машинаси уйингиздан олиб кетибдим, ўртоқ Қурбонов? Тинчликми?

— Бекор гап-э!

— Ана, ҳамма шундай деяпти-ю?

— Олиб кетгани йўқ, айтиб кетди. Мен автобусда бордим.

Фаросат этсам, эл оғзида кўп гап бўлибман. Элга бир гап тегмасин. Чибиндай гапни туядай қилиб гапи-ради. Эл оғзига элак тутиб бўлмайди. Энди бор гап-ни айтишим.

Айтдим. Бир гапниям қолдирмадим. Узанги йўлдош-ларим, хусусан, Одина чавандоз бошини ирғаб, ишим-ни маъқуллади:

— Биноий, кўп бинойи иш қилибсиз. Мен бўлган-нимдаям шундай қилардим.

Рихсиев болишдан гавдасини кўтариб, Одина ча-вандозга сигирқараш қилди.

— Аҳа, нимаси яхши? Хўш, нимаси яхши? Узи қўли чиқиб юрибди, яна тагин терговга қатнайди. Қанчадан-қанча оворагарчилик, сарсонгарчилик!

— Сарсонгарчилиги борми, шу баҳона Гарлон икковимиз шаҳарни сайил қилиб келяпмиз.

— Аҳа, у фалсафангизни бошқаларга ўқинг, ўртоқ Қурбонов. Сайил эмиш! Бундай ишлар турган-битгани

галва, ҳа, сарсонгарчилик. Сиз энди кўраётгандир-сиз-а? Аҳа, мен шаҳарда яшаганимда бундай ишлар-нинг бир нечасига дуч келганман. Сиздан яхши била-ман, оқибати нима бўлишини. Ишонмасангиз, сизга бир воқеани айтиб берайми? Аҳа, эшитинг. Бир дам олиш куни бизни Турсунқулов номли колхозга пахта-га олиб борди. Узингиз биласиз, бир кунликка борган ҳашарчилар пахта термайди. Ичиб, кайф-сафо қилиб қайтиб келади. Мен ҳам этагим қуруқ бўлмасин деб, икки килоча пахта тердим. Пахта четидаги қалин тут-лар орасига кириб, этагимдаги пахтага ёнбошлаб ёт-дим. Шундай пастдан бир дарё сув оқяпти. Суви лой-қа. Мудраб ётиб эдим, дарёнинг нариги бетида икки-учта қора қўринди. Кўзимни катта очиб қарадим. Аҳа, бизнинг ҳашарчилар эмас. Шу ернинг йигитларига ўх-шайди. Улар мени кўрмади. Узларича бир-бирларини турткилади. Мен аввал уларни ҳазиллашаётгандир, деб ўйладим. Жиддий эътибор берсам, аҳа, улар уришяп-ти экан. Яна тагин иккитаси биттасини ўртага олиб ур-япти. Ётиб томоша қилдим. Аҳа, таёқ еяётгани ўрта-дан қочиб чиқди. У дарёни ёқалаб қочди. Қолганлари изидан қувди. Аҳа, дарёнинг устидан бир ингичкагина қувур ўтган экан. Қочаётгани шу қувурдан йўл солди. Қувурнинг ўрталарига келиб мувозанатини йўқотди. Гоҳ ўнг, гоҳ чап қўлини кўтариб тебраниб, сувга ту-шиб кетди. Бошқалари қочди. Бола сув юзида гоҳ қў-риниб, гоҳ йўқолиб оқиб жўнади. Боши кўринганда додлаб бақирди.

— Сиз кўриб турдингизми?

— Аҳа, шундай оёғим остидан оқиб ўтди. Пастга оқиб кетди. Сузишни билмас экан шекилли-да. Бўлма-са, сув жуда секин оқяпти. Бемалол сузиб чиқса бўла-ди. А? Йўқ, пестроқда бир оператор йигитимиз овози-ни эшитиб қолиб, ўзини сувга ташлабди. Судраб олиб чиқиб, оёғини осмонга кўтарибди. Бари бир кеч бў-либди. Бола вафот эттибди. Ишонасизми, ўртоқ Қурбо-нов, шу оператор йигитимиз бир ойдан ортиқ район органларига қатнаб сўроқ берди! Она сути оғзига кел-ди. Сўзимнинг якунида хулоса қилиб айтаманки, ўртоқ Қурбонов, ўзингизни билинг, ўзгани қўйинг.

— Ҳа-е, тақдир-пешона экан-да. Оламда нима гап-лар бўляпти?

— Аҳа, оламда гап кўп, ўртоқ Қурбонов. Халқаро вазият тобора кескинлашиб боряпти. Тинчлик хавф ос-тида.

— Ким хавф соляпти?

— АҚШ империалистлари! Буни халқаро панорама-да ўртоқ Зорин ҳам айтиб ўтди. Аҳа, «За рубежом»да ҳам ёзибди. Мана, фактларга мурожаат қиламиз. АҚШ маъмурияти 1983 йилда 810 миллион доллар миқдори-да химия-бактериология қуроли ишлаб чиқаришни планлаштирибди.

— У қандай милтиқ?

— Милтиқ эмас, заҳарли ингредиент.

— Узимизнинг деҳқончасига гапиринг. Биз бир ий-ги чиққан кал бўлсак, ундай гапларни қаердан била-миз.

— Аҳа, ингредиент бу, икки хил суюқ моддадан ташкил топган заҳарли дори. Нервни парализ қилиб ташлайди. Аҳа, ўн-ўн беш минут ичди вафот этасиз.

— Шунинг инсон ўйлаб топганми? Одамзотни қирга-ними? Ё тавба! Бизникилар нима деяпти?

— Аҳа, бизнинг ҳукуматимиз тинчлик посбони бў-либ келган, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади! Улар уй-уйига кетди. Аёлимиз дастурхонни йиғиш-тиргани келди. Кенжамизни қўлимга берди.

— Манавини пича ушлаб туринг, қозон-тобоғимни ювиб олайин.

Кенжамизни тиззамга олдим. У дастурхонни олиб кетаётган онасига қўлини чўзиб ингиллади.

— Бўлди, бўлди, энанг ҳозир келади. Ҳай анави су-ратдаги ким? Ака-я? Ака, де.

Кенжамиз овулмади. Ингиллайберди. Уни тиззамда тебратиб суйдим:

Жоним болам от чопсин

Отига бахмал ёпсин.

**Хуйё солсин отаси**  
**Орқасидан ёл топсин**  
**Хуйё, болам, хуйё.**

— Бўлди-е, энағар! Оғзим бор деб ингиллаиверасанми! Оғиз бир сенда борми? Мана биздаям бор! Нимага биз ингилламаймиз? Иззатингни бил-да! Ё, отига бахмал ёпсин, қўйларини боқсин, деганимга ўзингдан кетяпсанми? Қани ўша отинг, қўйларинг? Ҳовлидагини айтяпсанми? Эб-эй, улар сенинг бовангдан қолган эмас. Бари менинг отамдан қолган. Улар меники, билдингми?

**Хуйё-хуйё, хуйёнг қани!**  
**Бобонг берган туянг қани!**  
**Бобонг берган туянг бўлса**  
**Боқиб юрганларинг қани!**  
**Боқиб юрган туянг бўлса**  
**Адир ҳам чўлларинг қани!**

— Ана бўлмаса, уккағарнинг ули! Мард бўлсанг жавоб бер, уккағарнинг кенжаси! Ана, овозинг чикмай қолди-ку! Ингиллайсан-а, ингиллайсан! А? Ҳа-ҳа-ҳа! Шўхлашдим, уккағарнинг кенжаси, шўхлашдим! Шўхлашишним билмайсанми. Улим, манави уйлар ҳам, кўтондаги қўйлар ҳам, осмондаги ойлар ҳам, кўпчиб ётган ерлар ҳам, бари-бари сеники! Ол-э! Тарлонниям бердим! Бор-э!

**Хуйё қилай, хуйёдада**  
**Отинг солгин тўдага**  
**Хуйё қилсам ухлагин,**  
**Отанг сендан садага**  
**Хуйё, болам, хуйё-и-и-и!**

— Улим, фақат бир нимани эсингдан чиқарма. Гагариндай бошинг осмонга етсаям, олим бўлиб етти иқлимни сўрасанг ҳам, сен аввало инсонсан, одамсан. Шундай экан, авваламбор одам бўл. Сен Зиёдулла чавандознинг улисан, менинг улимсан! Шундай экан, мендай бўл! Мендай бўласан-а, айт, бўласан-а!..

Суддан қоғоз келди.

Оёғим яна узангида — орган йўлида. Бора-боргунимча яратганинг ўзига сизиндим. Шу юришимни бўлди қил, мени бунча жонхалак қилма, дедим.

Судда одам сероб бўлди. Бир тарафда урган йигитлар, бир тарафда Раҳмон биродаримиз ўтирди. Катталар юқорида. Бўлди сўроқ, бўлди жавоб! Урганлар айбини бўйнига олмай, бир-бировига тўнкади. Шунда мен асқотдим. Юқоридаги катталар мендан сўраб, даъволарини маъқуллашиб олди. Сўз оқловчига, деганда бир катта Раҳмон биродаримизни сўроққа тутди:

— Айтинг-чи, нега вояга етмаган болани урдингиз?

— Урганми йўқ, калла қилдим.

— Бари бир, урган ҳисобланади. Юзида жароҳат бор. Пулингизни ўғирлаган экан, яна тағин ушлаб олибсиз экан, милицияга топшириш керак эди.

— Кучим етмади.

— Уришга етган куч, милицияга етаклаб боришга етмадимми?

— Учбирдай йигитга қандай қилиб кучим етади?

— Унда, милицияга телефон қилинг эди. Ёки, одамларни ёрдамга чақиринг эди. Ана, кўча тўла одам!

— Одам? Қандай одам? Қани одам?..

Катталар, бир соат танаффус, деди. Ўзлари суд ҳукмини кенгашига кетди. Қорним очқаб, чойхонага бордим. Чой ичиб қайтсам, одамлар суддан чиқиб келяпти. Демак, суд тамом бўпти. Суднинг оқибатини сўрайин, дея Раҳмон биродарларимизни қидирдим. Шунда, бир тўда момо, аёлларга рўбарў келдим. Мо-

молар тўдалашиб, сел-себор йиғлади. Пешонаси, тиззаларига уриб бўзлади. Билдим, улар урган йигитларнинг уруғлари. Мен уларга қараб қолдим. Шу кўз ёшларнинг оқишига ўзимни айбдор билдим. Уларнинг кўзёшга беланган юзларига қараб туролмадим.

Кетимга қайрилдим. Тарлоннинг олдида бордим. Тарлон икковимиз қишлоққа қайтдик. «8-Март» колхозидан ўтиб Ҳайрондарага дохил бўлди. Теварак майда-майда адирлар. Йўл арғамчидайин — бир юқорилайди, бир адоқлайди.

Оқшом вақти бўлди. Оламга қўнган оқшом менинг кўнглимгаям кўнди. Кўнглим оқшомдайин ғира-шира, мунис бўлди. Беихтиёр кетимга қарадим. Бир қизил машинага кўзим тушди. Биз йўл четидан юрдик. Адирга ўрладик. Адирнинг қоқ устида кетимга яна қарадим. Машина қорам-қора келяпти. Биз адирдан эндик. Адир хийла тиккароқлигидан Тарлон оғирлигини орқа оёқларига ташлади. Олд оёқларини оғир-оғир босди. Адир адоғига тушдик. Машина адир устида имиллаб қолди. Ҳайрон бўлдим. Машина дегани тез юрарди, буниси хийладан буён бир отдан ўтолмайди. Ё бирор ери носозмикин?

Йўлни кесиб ўтган ариққа келдик. Ариқдан лойқа оқибди. Ичи қип-қизил лой. Отнинг тиззасига келади. Тарлонни ариққа солмадим. Чамалаб, ариқдан ҳатлатирмоқчи бўлдим. Ниятидан дарров қайтдим. Важи, ариқнинг ёқалариям лой. Тарлоннинг оёғи тойиб кетади.

Ариқни ёқалаб, юқориладик. Саёзроқ ер қидирдик. Машина куйига энди. Ариқ бўйида тўхтади. Ўтолмаслигини билди шекилли, бизнинг изимиздан юрди. Биз торроқ ердан чўпчиб ўтдик. Машина биз ҳатлаган ерда тўхтади. Билдимки, улар бу йўлдан биринчи марта юряпти. Уларга қамчи сопи билан юқорини кўрсатдим.

— Яна пича юрсаларинг юқорида ёйилма бор! Ушандан машина ўтади!

Йўлимга бурилдим. Шунда, кетимдан овоз келди:

— У, шеф! Тормоз!

Овозни танимадим. Нима деяпти, тушунмадим. Ким бўлсам бир инсон овоз беряпти, борайин, дедим. Ариқ ёқасига келдим. Машинадан тўрт одам тушди. Иккови олисроқдан чошиб келиб, ариқдан ҳатлаб ўтди. Тарлон хуркиб, кейинига тисарилди. Қарасам, иккита ёш йигит. Қолган икковиям келди. Барининг кўзида қора кўзойнаги бор. Кўзлари кўринмайди. Соқлари елкасига тушган, қулоқлари сочи остида. Кийимлари ажабтовур. Бировининг соқоли бор. Уни ўзимиздай ўрта ёшли одаммикин, дея синчиклаб қарадим. Йўқ, ўттизлардаги йигит.

— Чақиргандай бўлдиларингизми, биродарлар?

Улар менга қараб миқ этмади. Соқолдори олдинга юрди.

— Отдан тушинг-чи, шеф!

— Айтиберишлар, қулогим қар эмас.

— Туш, дегандан кейин туш!

Уларнинг сенсираси кўнглимга тегди. Туша-туша кўнглимни айтдим:

— Сенсираманг, биродар, салкам отангиз қатори ман-а.

— Ҳе, сендай отам қаторининг...

Қўлимда жилов, серрайиб қолдим. Қаҳрим келди. Қамчи сопини маҳкам ушладим.

— Отингни боғлаб, бу ёққа юр!

— Нима гапингиз бор, биродар, шу ерда айтаберинг.

— Юр, дегандан кейин юр!

Улар ариқ ёқалаб юқорилади. Мен Тарлоннинг қозигини ариқ бўйига телиб қоқдим. Уларнинг олдида бордим. Бировиям кўзойнагини олмади.

— Ўзи кимсизлар? Кимнинг боласи бўласизлар? Ўзларингни танитинглар-да, ахир, биродарлар!

Бирови тўнғилади:

— Ҳали танишиб кўямиз.

Улар худди ёввойи одамни томоша қилаётгандай менга тикилди. Тавба, буларнинг менда нима иши бор экан? Эртароқ айтмайдими, кеч бўляпти.

— Ай, биродарлар, зарил гапларинг бўлса айтинглар. Бўлмаса кетайин, бола-чақа хавотир олади.

— Кетасан, кетасан, шошилма. Қайтмайдиган бўлиб кетасан.

Зардам қайнаб, кетимга бурилдим. Уларнинг бирови йўлимга ғов бўлди. Бирови бу ёғимга ўтди, яна бирови у ёғимга. Уртада қолдим. Икковининг оралиғидан ўтмоқчи бўлдим. Унг ёнимдагиси елкамдан ушлади. Унинг қўлини уриб ташладим.

— Қўлингизни олинг, биродар.

У, иягининг остига ўхшатиб бир урди. Кетимга гандираклаб, ўтириб қолдим. Ногирон қўлим зирқираб оғриди. Қамчининг ўрмини қўлимга ўрадим. Туриб, орган йигитнинг бўйин томирини мўлжаллаб қучоқлашладим. Орқамдагиси қамчини ушлаб, зарбли тортиди. Яна ўтириб қолдим. Энди қамчини тортишга қараб юрдим. Бирови кетимдан келиб, белимга тепди. Юзтубан йиқилдим. Ногирон қўлим зирқираб оғриди. Туриб ўтирдим. Теваракка алангладим. Одам зоти йўқ. Шаҳар ўнг ёғимдаги адири ортида қолди. Кўринмайди. Узимизнинг қишлоғимиз чап ёғимдаги адири ортида. Буям кўринмайди. Керагатоғ юқорида. Қуйида совхоз. Осмон бошимда. Бари олисда. Одам овози етмайди.

Хўрлигим келди: ай, ёлғизлиги курсин-а! Кўнглим бузилди: ай, ногиронлиги курсин-а!

Мен уларга қўйнимдаги ногирон қўлимни чиқариб кўрсатдим. Овозим димоғимдан чиқди:

— Биродарлар, Жўра бобонинг отидан йиқилганимда қўлим чиққан, мана...

Улар хоҳолаб кулди. Узаро гапиришди:

— Бу ўзи унга ким бўлади?

— Ҳеч ким!

— Ҳеч ким? Йўғ-э? Ҳали шундай де? Демак, бу ўзича мардлик қилмоқчи бўлган-да?

Мен шундагина уларнинг кимлигини билдим. Қўлимнинг ногиронлигини айтиб, йўғамсираганларимга минг-минг пушаймон бўлдим. Бошимни эгдим. Қўлимни қўйнимга солмадим. Соғлом қўлимдайин ерга тирадим. Ногирон қўлим зирқиллаб оғриди. Ерга қараб, тишимни тишимга босдим. Юзларим ловиллаб қизиди.

Ўрнимдан кўзғолдим. Улар теварагимни ўраб келди. Бирови жағимга урди. Кетимга тисарилиб, бунисига урилдим. Буниси елкамдан суяб, бошимга урди. Гандираклаб, унисига бордим. Ундан иягимга едим. Бир айланиб тушдим. Зангори осмон айланди. Қоп-қора бўлди. Яна турдим. Далбанглаб бориб, бировининг бўйига осилдим.

— Биродарлар, мен сизларга нима қилдим?..

Уни жонимнинг борича қучоқладим. У қорнимга кўрмушт урди. Нафасим ҳиқиллаб бўлинди. Ичимда бир нима эзилди. Қўлларим бўшашиб, унинг елкасидан сидирилиб тушди. Оёғимда мажол қолмади. Узимни ерга чалқанча ташладим.

— Биродарлар, айбимни айтинг, айбимни...

Белимга учли алланима зарбли тегди. Кейин биқинимга. Зарб ҳар текканда жоним ҳалқумимга келиб кетди.

— Биродарлар, мен ҳам одамман-ку...

Шунда, Тарлон зорланиб кишнади. Кўзим остидан қараб зўрға кўрдим. Тарлон арқонини тортиб бизга талпинди. Қозинғини айланиб чопди. Яна талпинди.

Учли зарбнинг бири чап тиззанинг кўзига тегди. Чинқириб юбордим. Кўзимнинг олди қоп-қора бўлди. Бошим қизиди. Тепамдагиларнинг бирови бировига айтди:

— Тепиб ўтирасанми, биқинига тикиб ол, кетдик.

— Э-э, от, от! Қоч, от келяпти!

Ҳушим ўзимга келди. Кўзимни очдим.

Тарлон арқонини судраб, уларни қувди. Тумшугини чўзиб, қулоқларини чимириб, зинкийди. Уларнинг бирини қўйиб, бирини қувди. Улар ариқдан ҳатлаб қочди.

Машинасига кирди. Бирови Тарлондан қутулолмади. Ердан нимадир олиб, Тарлоннинг бошига урди. Тарлон бошини бир силкиб тўхтади. Унисиям ариқдан ўтди. Тарлон ҳам ариқдан ўтди. Машина олдига келди. Ерни олд туёқлари билан тирнаб кишнади. Машина ғизиллаб кетди. Тарлон машинанинг кетидан чошиб, яна қайтди. Ариқдан ўтиб, олдимга келди. Оёқларимга тумшугини тегизди. Узиб-узиб кишнади. Юзларимни искади. Мен Тарлоннинг нафасини туйдим. Тарлон улоқ айиргандай антикиб нафас олди. Унинг тумшугини қўшқўллаб қучоқладим. Жағлари, пешонасини силадим. Қўлим ҳўл бўлди. Кўзимга олиб келиб қарасам, қон. Тарлоннинг юзига синчиклаб тикилдим. Қулоқлари остидан қон оқяпти. Тарлоннинг қонли жағига юзимни қўйдим. Упкам тўлиб келди. Хўнграб йиғладим. Упкамни босайин дедим, босолмадим...

Қош қорайди. Одам одамни танимайдиган бўлди. Бир амаллаб чап ёнбош бўлдим. Ногирон қўлим билан Тарлоннинг оёғини қучоқладим. Қўлимни юқори чўздим. Сирганиб келди. Тарлоннинг тиззасига пешонамни қўйдим. Яна қўлимни чўздим. Тарлоннинг саврисига шапатилладим. Тарлон елкамни искади. Тиззасидан пешонамни олдим. Тарлон олд оёқларини аста-аста букди. Тиззалади. Мен чап қўлим билан эгар қошидан ушладим. Эгарга кўкрагимни бердим. Тимдаланиб, эгарга бел бўлиб ётдим. Нафасимни ростладим. Қимтиниб, соғ оёғимни эгардан оширдим. Узангига солдим. Оёғим ёмон оғриди. Қўзларим тиниб, Тарлоннинг бўйинини қучоқладим. Узимга келиб, қаддимни ростладим. Жиловни ушладим. Шамол бошимни ялади. Шунда, бошланглигимни билдим. Телпагим ерда қолибди. Тушайин десам, яна минишимни ўйладим. Телпагимга қўл силтаб, жилдвни силкидим. Тарлон катта йўлга юрди. Йўлда жилловни тортидим. Белбоғимни ечиб, юзимни артдим. Бошимни тангиб боғладим. Бўлмаса, машина чироғи ёруғида уят бўлади.

Йўл четидан юрдик. Қоронғи бор бўлганича тушди. Адириллар қоп-қора соядай бўлди. Эгарда чайқалиб, кўнглим шу тундай зим-зиё бўлиб, ўксиб-ўксиб бордим...

Тарлон-ай, нима кунларга қолдик? Тушда бўляптими, ўнгдами? Сен фарқламасанг, мен фарқлаёлмай қолдим, Тарлон. Ҳалигилар қандай жонзод эди, Тарлон? Оёқлари икков, кийимлариям бор. Син-симбати одамга келбат беради. Одамга менгзаб гапиради, қулади. Билмадим, Тарлон, билмадим. Сен билмасанг, мен билмадим. Мен сени биламан, Тарлон. Улар менга бегона...

Аё Тарлон, сен менинг укамсан. Бўлди, мен энди уларни укам демайман. Менинг укам сенсан. Сен менинг укамсан, Тарлон. Узиям менга ўхшайсан. Ука акасига ўхшайди-да. Тарлон укам-ов, энди нима қиламиз? Энди бола-чақага бориб нима деймиз? Эл сўраса-чи? Раҳмонга-чи?

Аё Тарлон, сен менинг жиянимсан. Бўлди, мен энди уларни жияним демайман. Менинг жияним сенсан. Сен менга тортидинг. Жиян тоғасига тортмасан, кимга тортади? Тарлон жияним-ов, ё йўлда йиқилдик, деймизми? Кўзларинг бор эди-ку, десалар-чи? Ариқ лой экан, тойиб кетдик, деймиз. Бинойими, Тарлон жияним? Бўлмаса элга эрмак, халққа шалоқ бўламиз...

Аё Тарлон, сен менинг акамсан. Бўлди, мен энди уларни акам демайман. Менинг акам сенсан. Ука деса дегулик мендайин уканг бор, ака деса дегулик сендайин акам бор, нима ғамим бор?

Аё Тарлон, сен менинг биродаримсан. Бўлди, мен энди уларни биродарим демайман. Менинг биродарим сенсан...

Аё Тарлон, сен менинг қиёматлик биродаримсан, қиёматлик биродарим...

Денов

# Куз руҳи

Шовиллаган хазон ҳиди, кузнинг хазин шивири  
 Уйчангина туйғу бўлиб юрагимга чўкдилар.  
 Куз шамоли қаршисида боғлар тушиб титроққа.  
 Энг охирги баргларини битта-битта тўкдилар.  
 Мен у барглар шивирида заифгина оҳ сездим...  
 Ой жунжикар кечалари хазонларни ёритиб,  
 Юлдузларнинг нури япроқ бандларида синади.  
 Кенгликларга ёйилганда биллурдек соф куз тонги,  
 Мудроқ босар ҳорғин ойни, хаёллари тинади.  
 Мен юлдузлар жилвасида сирли бир нигоҳ сездим...  
 Олтин барглар оқиб кетар лойқа сувга қоришиб,  
 Хаёлларга сингиб ёмғир шивалайди бетиним.  
 Туйғуларим оловига интиқу зор, энтикиб  
 Деразадан ўйларимга қулоқ тутар аллаким.  
 Хувиллаган юрагимда негадир паноҳ сездим...  
 Тушларимга кириб чиқди ям-яшил япроқчалар,  
 Кимсасиз боғ этагидан мени чорлар кимдир:—  
 Ҳуувв...

Югураман, ўша садо жаранглайди шеър  
 бўлиб,  
 Туйғуларим тўкилади япроқчалар мисли дув...  
 Мен беаянч қўшиқ номли содиқ бир ҳамроҳ  
 сездим...

\* \* \*

Мен шеър битолмаган тун юлдузлар сўниб қолди,  
 Ойнинг сувдек қўйилган шуъласи тиниб қолди.  
 Биллурий ёғдуларнинг энг нозик қирралари  
 Игна мисол кўзимга, кўзларимга ботдилар,  
 Ҳисларимни сезгувчи нурга фарқ япроқчалар  
 Бепарвою бешивир тунда ухлаб ётдилар.  
 Ой бўзарди шу кеча.

Юрагимдаги қанча-қанча ҳисларга бу кун  
 Мен бепарво қолибман.  
 Сукутли тун қўшиғин  
 Сеза олмасдан наҳот, наҳот танҳо қолибман!  
 Мен бенаво қолибман,

Бетасалло қолибман,  
 Оҳ, мен танҳо қолибман.  
 Қайларгадир,

қайларга сингиб кетган қўшиғим,  
 Юрагимнинг зорини енгиб кетган қўшиғим,  
 Тилагига гоҳ етмай,

гоҳ етган қўшиғим,  
 Сени қаро зулматдан,  
 юлдузлардан,  
 шамолдан,

Орзуларим  
 титраган  
 тонгдан — оппоқ хаёлдан

Излай-излай толибман,  
 Оҳ, мен танҳо қолибман.  
 Мен шеър битолмаган тун бир юлдуз  
 учиб тушди,

Юрагимнинг қатидан қўшиғим  
 кўчиб тушди.

Беқуй қолдирма, тақдир...



ДУРДОНА  
 ХУДОЙБЕРГАНОВА

\* \* \*

Қисматли бу муҳаббатнинг теварагида  
 Айланамиз икки оташ сайёра мисол.  
 На ҳижронни туйиб бўлмай бу сукут аро,  
 На қалбларга умид солмай сеҳрли висол.  
 Юрагингда ўртанади бир ҳис яширин,  
 Жим ёнаман ҳароратга беролмасдан тоб.  
 Бу ҳолатнинг англаб бизга ноён сирин,  
 Уртамизда куйиб борар ягона офтоб.  
 Бу не ҳиским, на висолга этолмай журъат,  
 Бу не ҳиским, на бош эгмай аччиқ фиरोққа.  
 Қуёш сари йўлатмайди сирли бу қудрат,  
 Бош ҳам олиб кетолмасмиз лекин йироққа.

\* \* \*

Чексиз зулмат аро митти чироқдай  
 Балки миллиард йиллар олмасдан ҳеч тин —  
 Кезиб юрган улкан жисмлар аро  
 Собит мувозанат — энг олий ҳоқим.  
 Олам айланади. Замин айланар  
 Тинимсиз борлиқнинг чархпалагида.  
 Одамлар айланар — ким ўзгаларнинг,  
 Ким фақат ўзининг теварагида.  
 Майда туйғулардан баланд турмоққа  
 Инсонга етишмас гоҳида сабот.  
 То қалқиб тураркан мувозанатда  
 Ҳақиқат элчиси — буюк Эътиқод.  
 Худбин манфаатлар, биқиқ истаклар,  
 Чекининг! Очилсин кенг ҳаётга йўл.  
 Юрагим, заминнинг дардкаши бўлгин,  
 Юрагим, дунёнинг қўшиғига тўл.  
 Майлига, қуюндек айланса ҳам бош,  
 Дилда собит бўлсин лекин шу тилак.  
 Вужуд кўррасига Ер ўқи мисол  
 Мен ўз юрагимни қўймоғим керак.



Буюк сўз санъаткори Абдулла Қодирийнинг ижодий мероси бениҳоя бой ва ранг-барангдир. Адиб кўпгина бадий баркамол асарлар билан бир қаторда адабиёт ва санъатнинг турли масалаларига бағишланган талай мақолалар ҳам яратганки, улар илмий-бадий қимматини ҳанузгача сақлаб келади. Атоқли олим ва ёзувчи Иззат Султон таъкидлаганидек, адабиётни социалистик революция ва социализм галабасига бўйсундириш, бачкана мавзулару формалистик найрангбозликлардан қочиш, юксак партиявийлик ва бадийлик — Абдулла Қодирий ижодининг муҳим хусусиятлари бўлгани каби, унинг адабиёт, кино, театр, сатира ҳақидаги мулоҳазаларига ҳам асосий маъз бўлиб қолади.

Қуйида Абдулла Қодирийнинг ижодий меросидан икки мақолани эълон қилаётирмиз. «Ўқиш-ўрганиш» деб номланган биринчи мақолада А. П. Чеховнинг «Хамелеон» [«Буқаламун»] ҳикояси сўз қўллаш жиҳатидан таҳлил қилинади. Бу таҳлилни нақадар ҳассослик билан амалга оширилганини кўрсатиш мақсадида А. П. Чеховнинг 1954 йили ўзбек тилида нашр этилган «Танланган асарлар» китобидан мазкур ҳикояни ҳам кўчириб босаётимиз. Мақоладаги ҳикоядан олинган парчалар эса Абдулла Қодирийнинг ўз таржимасидан келтирилган.

«Ёзишғувчиларимизга» деб номланган иккинчи мақолада, қўлга илк бор қалам тутган ҳаваскорларга бадийят илмидан дастлабки йўл-йўриқ берилади. Бу икки мақола ёш ижодкорлар учун маҳорат йўлида бир сабоқ бўлиши шубҳасиз.

Мақолалар адибнинг «Кичик асарлар» тўпламидан [Тошкент, 1969] кўчириб босилмоқда.

АБДУЛЛА  
ҚОДИРИЙ

## ЎҚИШ- ЎРГАНИШ

*(Майда ҳикоялар ёзганда  
сўзни қандай тежаш керак)*

Майда ҳикоялар устаси Чехов сўз тўғрисида келганда ҳаддан ташқари хасис, ортиқча сўзлар сарф қилиш у ёқда турсин, керакликларидан ҳам мумкин қадар юлишга ҳаракат қилади. Узи айтади: «Майда ҳикоялар ёзганда сўзни ортиқча исроф қилгандан кўра керакликларини ҳам мумкин қадар озроқ ишлатиш керак». Унинг ҳикояларида сўз исрофгарчилигига сабаб бўладиган ортиқча деталлар ҳам бўлмайди. У бутун деталларни ўзи айтган асосда ишлатади. «Биринчи кўринишда милтиқ бўлса, шу милтиқ учинчи ёки тўртинчи кўринишда албатта отилиши керак, йўқса милтиқ тўғрисида сўзлашнинг ҳожати йўқдир».

Унинг «Буқаламун» ҳикояси ҳам бошқа ҳикояларидай «журналимизнинг 10-сонида «Чинovníкнинг ўлими» номи билан бир ҳикояси ҳам босилган эди» ғоят сиқик, куюқ ёзилгандир.

Унинг сўзга хасислиги ўқувчига малол келмайди. Яъни, айтмоқчи бўлган фикрининг тушунлишини оғирлаштир-

майди. «Буқаламун»да воқеа йилнинг қайси фаслида бўлаётгани айтилмайди, аммо бундаги сўзлардан фаслни аниқлаш мумкин [Албатта, бу сўзлар йилнинг фаслини билдириш учунгина келтирилмайди]. «Пальтомни еч-чи, Елдириш... Кун жуда исиб кетди... ёмғир ёғса ҳам ажаб эмас».

Қуйидаги сўзлардан воқеа тушки овқатдан кейин бўлаётганини ҳам биллиб бўлади:

«Теварак жим. Майдончада ҳеч ким кўринмайди. Дўкон ва қовоқхоналарнинг эшиклари очиқ. Ҳувиллаб туррадилар. Бу эшиклар ёнида гадоё у ёқда турсин, бир зог ҳам кўринмайди».

Мана булар икки мақсад кўзда тутилиб айтилган сўзлар бўлиб, иккинчи мақсад мантикий равишда биринчидан келиб чиқади.

Деталлар [воқеани ташкил этган воқеачалар] ҳам ёлғиз қолиб, кераксиз сўз бўлиб қолмайди. Масалан, ҳикоянинг бошида «Очумелов янги шинель кийган», дейилган экан, бу нарироққа бориб, шинелнинг ечилиши, яна кийилиши билан боғланади.

Хрюкиннинг ўнг қўлини юқорига кўтариб, халойиққа қонанган бармоғини кўрсатиши, унинг: «Энди, шу мажруҳ бармоғим билан эҳтимолки бир ҳафта ишга ярамасман», деган арзи Очумеловнинг: «Сен аҳмоқ, қўлингни тушир! Айб ўзингда!», деб қичқириши билан боғланган.

Ҳикояни «серсув» [кўп сувли] қиладиган нарсалардан бири кўрсатиш ўрнига сўзлаб беришдир. Агар Очумеловнинг «Буқаламун» эканини унинг сўзлари орқали кўрсатилмаса, автор томонидан таърифланса, дунё-дунё сўз кетар эди. Чехов бунини ўзи айтиб бермасдан, Очумеловнинг ўз сўзи билан кўрсатади.

Очумеловнинг дастлабки фикри:

— «Итни ўлдириш керак, қутурган бўлса ҳам ажаб эмас».

Ит генералга қарашли, дейилгандан кейин:

— «Ит нозик, сен ҳўкиздай, бўйинга қара!»

Яна, ит генералники эмас, дейилгандан кейин:

— «Генералнинг итлари қимматбаҳо нарсалар эди. Бу бўлса, эгасиз дайди итга ўхшайди. Эпақалик юнги ҳам йўқ. Шундай бемаъни итни ҳам сақлайдими киши!»

Яна, ит генералники, дейилгандан кейин:

— «Балки қимматбаҳо зотли итдир».

Ошпаз, ит генералники эмас, дегандан кейин:

— «Бу эгасиз дайди ит».

Ит генералнинг укасига қарашли экани маълум бўлганда:

— «Яхшигина ит кўринади. Улгунча югурдак кўринади».

Мана бу диалогларга авторнинг ҳеч қандай изоҳи керак эмас. Бу диалоглар ҳам воқеани силжитади, ҳам ҳикоя қаҳрамони Очумеловни характерлайди.

Чехов услубидаги айрим хусусиятни сезган Л. Толстой бундай деган эди: «Чеховнинг импрессионистларга ўхшаган ўзига хос формаси бор... Яқиндан қарасак, худди ҳар бир тўғри келган ва бир-бирига алоқаси бўлмаган бўёқларни фарқ қилмасдан ишлатганга ўхшайди, аммо

узоқроқдан қарасанг, бу бўёқлардан ажойиб бир манзара вужудга келганини кўрасан».

Толстойнинг бу сўзи Чеховнинг ўз сўзига жуда мос келади. У дейди: «Табиатни тасвир қилишда майда бўлақлар олиш ва буларга шундай тартиб бериш керакки, ўқиб кўзингни юмганингда кўз олдинга бир манзара келсин».

«Буқаламун» ҳикоясининг бирон сўзини чиқариб ташлаш ёки бирон сўзни қўшиш мумкин бўлмаганлиги, сўзга нақадар диққат қилинганлигини кўрсатади.

## Ёзишғувчиларимизга

«Муштум» ўзининг ёзишғувчиларининг самимиятини, дардини яхши билади. Чунки дард бўлмаса, самимият бўлмаса, биз подачини кўлида калтаги билан кўрмас эдик.

Биз бу ўринда шу самимий йўлдошларимизга, кўлдошларимизга, бир-икки оғиз гап сотмоқчи бўламиз: сиз бир муҳитда яшайсиз, яъни қишлоқда, шаҳарда ёки кўйда. Шу ўзингиз яшаган муҳитда, шубҳасиз, дағаллик бор, кўполлик бор, қинғирлик бор, қийшиқлик бор. Шу аносири арбадан қайси бўлса бўлсин, мутаоқиб сизнинг ижтимоий руҳингизга ўзининг чучмал таъсирини бермай ва нафратингизни уйғотмай қўймайдилар. Албатта, шу вақт «Муштум»ни ўйлаб кўлингизга қалам олмасиз. Аммо шу қалам олишдан илгари бирмунча андиша лозимдир; шошмаслик керак. «Шошган қиз эрга ёлчмас» мақолини балки эшитганингиз бордир. Ун карра ўлчаб, бир мартаба кесмоқ яхши:

1) сиз олган мавзунинг ижтимоий ва сиёсий манфаати; 2) қош қўйиб, эвазига кўз чиқармайсизми; 3) масала замирида шахсий манфаатингиз, яъни олди-берди жанжалингиз йўқми... Бу жиҳатдан қаноатингиз том бўлса, энди навбат қаламниқидир.

Яхши билиш керакки, қалам — ўқлоғи, матбуот — кетмон бозори эмас. Йўсинсиз равишда хотирага келган ҳар бир сўздан жумлалар тўқимоқ фазилат саналмайди. Сўз — қолип, фикр унинг ичига қуйилган ғишт бўлсин, кўпчилик хумдонидан пишиқ чиққач, янги ҳаёт айвонига асос бўлиб ётсин!..

Сўз сўйлашда ва улардан жумла тузишда узоқ андиша керак. Ёзувчининг ўзигина тушуниб, бошқаларнинг тушунмаслиги катта айб. Асли, ёзувчилик — айтмоқчи бўлган фикрни ҳаммага баробар аналата билишда, орага англашилмовчилик солмасликдир. Бундан бошқа, фикрнинг ифодаси хизматига ярамаган сўз ва жумлаларга ёзувда асло ўрин берилмаслиги лозим. Шундагина иборанинг тузатиб босилишига йўл қўймаган ва мустақил услуб ва ифодага эга бўлиб, ўзингизнинг қаламдаги истиқболингизни таъмин қилган бўласиз. Кишига ишониш ва беҳуда кучаниш маъқул гап эмас, бировга орқа қилиб, ўзингизда бўлган талантинг руҳига фотиҳа ўқий кўрмангиз! Бир соатда эмас, ўн соатда ёзиш, бир қайта эмас, ўн қайта тузатиш кишининг ёрдамига термулишга қараганда ҳам фойдалиқ, ҳам умдлйдир.

А. П. ЧЕХОВ

## Хамелеон<sup>1</sup>

ҲИКОЯ

Абдулла ҚАҲҲОР таржимаси

Устида янги шинель, кўлида тугунча, полиция назоратчиси Очумелов бозор майдони ўртасидан юриб келмоқда. Унинг орқасидан кўлида мусодара қилинган крижовник<sup>2</sup> тўлдирилган ғалвир кўтариб афти-ангори сапсарик городской<sup>3</sup> қадам ташлаб келаётир. Теварак жимжит... Бозор майдонидида қимирлаган жон кўринмайди... Дўкон ва қовоқхоналарнинг эшиклари оч йиртқичнинг оғзидай очилиб, мунғайиб турар эди; уларнинг олдида ҳатто гадоё ҳам йўқ.

Очумеловнинг қулоғига бирдан:

— Сен ҳали одам тишлайсанми, малъун! Биродарлар, қочиб юборманглар! Ҳозир бировни тишлашга ижозат йўқ! Ушла! А... э! — деган товуш эшитилди. Кучук вангиллади. Очумелов атрофига аланглаб, савдогар Пичугиннинг ўтинхонасидан бир ит уч оёқлаб, орқа-ўнгига қараб, қочиб чиқиб келаётганини кўриб қолди. Кучукни чит кўйлақ кийган ва желеткасининг тугмалари ечилган бир киши қувлаб келмоқда эди. У кучукнинг кетидан чопаркан, ўзини ерга ташлаб кучукнинг кейинги оёғидан ушлаб олди. Кучук яна вангиллади ва «қочириб юборманг!», деган овоз эшитилди. Дўконлардан мудроқ босиб ўтирган кишилар каллаларини чиқазиб қарашди ва бир дамда ўтинхонанинг олдида, худди ер остидан чиққандек, халойиқ йиғилди.

— Жаноби олийлари, бу тартибсизлик... — деди городской.

<sup>1</sup> Хамелеон — калтакесақнинг бир хили. Хамелеон терсининг рангини тез ўзгарта олади ва шу билан яшаб турган жойининг рангига кириб олади.

<sup>2</sup> Крижовик — мева.

<sup>3</sup> Городовой — миршаб.



Очумелов сўлга бурилиб, одамлар йиғилган жойга қараб юрди. Утинхона дарвозаси олдида, юқорида тасвир қилинган, желеткасининг тугмалари ечилган киши ўнг қўлини кўтариб, қонга бўялган бармоғини одамларга кўрсатарди. Унинг ширакайф башараси гўё: «Сени қараб тур, лаънати!», деб турар ва бармоғи ҳам ғалаба туғига ўхшар эди. Очумелов бу кишини таниди: у заргар Хрюкин эди. Уртада олдинги оёқларини кериб, вужуди титраб, тўполоннинг сабабчиси — тумшуги узун ола този турарди. Унинг ёшланган кўзлари жавдирарди.

Очумелов одамлар орасига ёриб кираркан:

— Нимага йиғилдиларинг, нима гап? Бармоғингга нима қилди? Ким қичқирди?— деб сўради.

Хрюкин муштумини оғзига қилиб, йўталиб қўйиб сўз бошлади:

— Мен, жаноби олийлари, ўз йўлимга кетаётган эдим... Митрий Митрич билан ўтин тўғрисида гаплашмоқчи эдим, бирдан мана бу малъун бармоғимни тишлаб олди. Сиз мени кечиринг, мен иш қиладиган одам. Менинг ишим майда иш, менга товон тўласинлар, чунки ким билади, балким бу бармоғимни бир ҳафта қимирлатолмасман. Жаноби олийлари, законда мундақа махлуқ кишига озор берсин, дейилган эмас... Агар ҳар нарса тишлайверса, у вақтда дунёда турмаслик яхшироқ...

— Ҳм... Ҳм... яхши...— деди Очумелов жиддият билан йўталиб ва қошларини қимирлатиб,— яхши... Кимнинг кучуги? Мен буни шундай қўймайман! Мен сизларга кучукларни бўш қўйиб юбориш нима эканини кўрсатиб қўяман! Қарорларга итоат қилишни хоҳламаган жанобларга диққат қилиш вақти келди. Бу аблаҳга штраф солинса, у вақтда кучук ва бошқа тентираб юрадиган ҳайвон нима эканини билиб қўяди! Мен унга кўрсатиб қўяман! Елдириш,— деди назоратчи городскойга қараб,— сен бу кучукнинг эгасини топиб протокол ёз! Кучукни йўқотиш керак. Тездан! Қутурган кучук бўлса эҳтимол... Бу кимнинг кучуги ўзи!

— Генерал Жигаловники шекилли,— деди кимдир.

— Генерал Жигаловники? Ҳм... Ҳм... Елдириш, қани менинг пальтомни ечиб ол: жуда ҳам кун исиб кетди! Ёмғир ёғса керак!.. Лекин мен бир нарсага тушунолмадим, у сени қандай қилиб тишлаб олди?— деб Очумелов Хрюкинга мурожаат қилди.— Қандай қилиб бармоғингга бўйи етди? У кичкина, сен бўлсанг кап-катта одамсан! Сен балки бармоғингни миҳ билан тешгандирсан, ундан кейин кучукни баҳона қилиб товон олиш фикри бошингга келгандир. Сенинг ким эканинг ҳаммага маълум. Мен сиз лаънатиларни биламан.

— Бу, жаноби олийлари, кулги учун, ёниб турган папиросни кучукнинг тумшугига тутди, кучук ҳам аҳмоқ эмас, ғирч этиб тишлаб олди... Бу одамнинг ўзи тентак экан, жаноби олийлари.

— Ёлғон айтасан, кўр! Кўрмаганингдан кейин нимага ёлғон гапирасан? Жаноблари ақлли одамлар, ким ёлғон гапирганини, ким худо олдида тургандек рост айтаётганини — ҳаммасини биладилар... Агарда мен ёлғон гапирган бўлсам, суд ҳукм қилсин... Унинг законда айтилганки... Ҳозир ҳамма баравар... Менинг биродарим жандармда ишлайди... Агар билгингиз келса...

— Тилингни тий!

— Йўқ, бу генералнинг кучуги эмас. Генералнинг бунақа ити йўқ: унинг итлари овчи итлар,— деди городской маънолик қилиб.

— Сен буни аниқ биласанми?

— Аниқ биламан, жаноби олийлари.

— Узим ҳам биламан. Генералнинг итлари қимматбаҳо зотли итлар, шу ҳам итми? Бунинг афтини қара... Расво бир нарса... Шуни ҳам ит деб сақлайдими киши?! Сизда ақл борми ўзи? Бунақа ит Петербург ёки Москвада кўриниб қолса, биласизларми, нима бўлар эди? Шу ерда законга қараб ўтирмасдан, ўлдириб қўяқолар эдилар. Сен Хрюкин, жафо кўрибсан, бу ишни шундай қўйиб кетаверма!.. Адабини бериш керак! Вақт келди.

— Эҳтимол генералникидир...— дея городской овозини чиқариб қўйди.— Унинг тумшугига ёзиб қўймаган-ку!.. Бир кун генералнинг ҳовлисида шундай итни кўрган эдим.

— Албатта, генералники бўлса керак,— деди кимдир.

— Ҳм... Ҳм... Елдириш, биродар, пальтони елкамга ташла... Шамол тургандек бўлди... Баданим увишиб кетди... Сен итни генералнинг олдида обориб сўра, итни мен топиб юборганлигимни айт... Кўчага чиқармасинлар. Айтиб қўй. Балки у қимматбаҳодир, ҳар бир тўнғиз унинг тумшугига папирос теккизаверса, ит айниб қолади. Кучук деган нарса нозик махлуқ бўлади... Сенга айтаман, лақма, қўлингни тушир! Аҳмоқлик қилиб, бармоғингни кўрсатиб туришга ҳеч ҳожат йўқ! Айб ўзингда!..

— Генералнинг ошпази келяпти, ўшандан сўраймиз... Ҳай, Прохор! Азизим, қани бу ёққа кел! Итни кўр-чи... Сизларникими?

— Шу ҳам гап бўлдимми?! Биз ҳеч қачон бунақа ит тутганимиз йўқ!

— Бу бизники эмас,— деди ошпаз,— бу генералнинг яқинда келган укасиники. Бизда бунақа итни ёқтиришмайди. У кишининг укалари бунақа итни яхши кўради...

— У кишининг укалари келдимми? Владимир Иванович— деб сўради Очумелов, ийиб кетиб оғзи қулоғига етди.— Уни қара-я. Мен билганим йўқ, меҳмон бўлиб келдилар, дегин?

— Меҳмон бўлиб келдилар.

— Уни қаранг... Акаларини соғиниб қолиптилар-да... Мен билганим йўқ эди. Бу ўша кишининг итлари дегин? Кўп хурсандман... Ол, ити тушкур, ёмон эмас, зийраккина... Ол, мана бунинг бармоғини тишла, ҳа-ҳа-ҳа... Нега титрайсан? Ол, киш-киш! Кўрдингни, жаҳли чиқади-я...

Ошпаз Прохор итни чақириб олиб кетади... Тўп-ла-ниб турган одамлар Хрюкинни масхара қилиб, қаҳқаҳа урадилар.

— Шошмайтур, мен сенга кўрсатиб қўяман!— деб Очумелов Хрюкинга дўқ қилади ва шинелини ёпиниб, бозор майдонидан йўлда давом этади.



АКБАР  
ЮНУСОВ

## ТУНУКАСОЗЛАР

ҲИКОЯ



умини қувлаган тулкидек югургилаб юрган прораб чордоқ эшигини очиб ичкарига кирганда биз учовлон ҳар хил ҳолатда бекор, беташвиш ўтирар эдик. Одамга алам қилади-да: иш йўқ, лекин уйга кетиш ҳам мумкин эмас. Бунини прорабининг ўзи ҳам тушунади.

— Йигитлар, бугун тушдан кейин тунука келмаса, эртага албатта ўзим бориб олиб келаман... Кейин сизларга ёрдамчи ҳам берамиз.

Эндигина мудраган эканман, ҳушёр тортдим.

— Бекорчиларга ёрдам бериш — инсоннинг эзгу хислати, — дедим пичинг аралаш.

У ҳозир жанжал бошланади, деб ўйладими, зипиллаб чиқиб кетди.

Мен яна мудрай бошладим. Герман балиқ қилтаноғини сўрганча газетасини ўқийверди. Вася амаки тунука қайирадиган дастгоҳ устида қўларини биқинига тираб ўтирарди.

Зинада оёқ товушлари эшитилди. Яна ким бўлди экан?

— Мистер Герман, хонимлар ташриф буюришганга ўхшайди, — дедим. Одатда биз у билан доим китобий тилда сўзлашардик.


Қураётган иморатимизнинг олди холироқ, хилват жой бўлгани учун талаба қизлар чеккани кўпинча шу ерга чиқишади. Биз улар билан бирга тутун қайтаришиб, аёлларнинг чекишига одамлар нима сабабдан салбий қараш борасида гап сотамиз. Қизларни айблаб бўладими, кўнгли қолади. «Қалби чинни пиёла», ичмасанг, нима қиласан дарз кеткәзиб?

Йўқ, талабалар эмас экан: эшик шаҳд билан очилиб, остонада қуюқ сочларига оқ оралаган, билаклари пайдор, миқти, пешонасида тўрт энлик кўкиш тиртиғи ҳам бор, қиррабурун бир йигит пайдо бўлди.

— Салом, моҳир тунукасозлар! — деди у ичкарига кириб, қўлидаги ёғоч тўқмоқ билан темир қайчини ерга қўяркан: — Костас! Грекман. — Вася амаки билан кўришиб бўлиб, бизнинг олдимишга келди. — Костас!

— Аҳмад. Ота-онасининг хусусий фарзанди. Судланмаган, маълумоти — тўлиқсиз олий. Қалби дарвишона, муҳаббат гадоси, — дедим мен ҳам ўзимни «таништириб».

Расмини Ҳ. СОЛИҲОВ чизган



— Герман Штелин. Немис фарзанди. Ёшим йигирма учда. Қирқ иккинчи қолипчи пойабзал кияман.

Костас бизга бош қимирлатиб, яна Вася амакининг олдига борди.

— Иш йўқми?

— Бор, табелда. Ё ҳужжатга ишонмайсанми?— деди Вася амаки тўнғиллаб.

— Нега энди? Ҳужжатга ҳам ишонмай бўларканми?— деб кулгига олди Костас.— У қалбаки бўлса ҳам ҳеч қачон тонмайди!

Герман иккаламиз сергак тортдик, Костасни кузата бошладик. Роса файласуф экан-ку, худди бизнинг дидимиздагидек. Биз Герман иккаламиз ҳам ҳаёт ҳақида фалсафий мушоҳадалар юритишни хуш кўрар, шанба кунлари менинг бир хонали квартирамга қизларни таклиф қилиб адабий кечалар уюштирар эдик. Умар Хайёмни, Байронни ўқирдик, «Оқ мусаллас» билан таббосди қилардик. Ана энди Костас ҳам бизга улфат бўлади!

— Ҳужжат— бир сўзли нарса. Бошида мақтаб, кейин сўкиб ёзсанг ҳам, ҳеч бало қилмагандай тураверади.— Герман бармоғини юқорига, сўнг чордоқнинг қоронғи бурчагига ниқтади.

Костас ҳам қолишгиси келмади шекилли, дарров сўз қотди:

— Ҳужжат— инсонлик қиёфаси, ЗАГС қоғози эса— тақдир.

Герман ҳамон балиқ қилтаногини сўрар, Костас бўлса тезроқ биз билан иноқлашиб кетишни истар эди. Кимлигини ишда кўрамиз— пайтавамисан ё этик.

— Бекор ўтираверамизми?— деди у.

— Начора, тақдирингдан кўр. Бизга ёрдамлашасан.

— Нима, бу ер сенларга дам олиш уйими: хоҳласанг, бадминтон ўйнайсан, хоҳласанг, пианино чаласан!..

— Қаёққа?— деб сўради Вася амаки Костаснинг ўрнidan турганини кўриб.

— Дўконга.— Костас чўнтагидан беш сўм чиқариб ўртага ташлади.— Ким чиқиб келади?

Ичимизда энг ёши Герман билан мен эдик. У кечаси мириқиб ухлаган, мен эса Галя билан аразлашиб қолганим учун тун соат иккигача деразадан мўлтираб чиққанман. Шунинг учун бу ишни тезроқ бўйнимдан соқит қилмоқчи бўлдим:

— Сэр Герман, жамоатчилик олдадаги масъулиятни сезиб, ушбу арзимас юмушни қойиллатиб келишингизга ишончимиз қомил.

— Аҳмад ибн Тунукачи аъло ҳазратлари! Минг афсуски, иложим йўқ. Агар газетани сўнгги нуқтасигача ўқиб чиқмасам, руҳий очлик мени ҳалок қилади... Сигара.

— Гавананикими ёки...

— «Жаҳон Обидова»ниқидан.

Қутидан бир дона «Прима» олиб, Германга улоқтирарканман, шарт ўрнимдан турдим:

— Жентельмен, рад жавобингизни ҳақорат ҳисоблайман. Фақат яккама-якка олишувдагина номусингизни ҳимоя қиласиз.

— Қабул қиламан. Қурол танлаш менинг ҳуқуқим бўлгани сабабли сўз билан жангга кираман.

— Яшавор! Сўз қалбини ярадор қилади, Суд экспертизаси эса бунини исботлаёлмайди. Тоза топдинг-ку...

Вася амаки бизнинг даҳанани жангимиздан безиб юзи тундлашди. Жаҳл билан пулга қўл чўзган эди, иккаламиз ҳам сапчиб туриб кетдик.

— Биз бориб келамиз.

Йўқ, хижолатдан эмас. Вася амаки кейинги кунларда ортиқча гап кўтаролмайдиган, жиззаки, қандайдир димоғ-фироқли бўлиб қолган. Сал гапга ҳам ёниб кетади, ичидаги алами исёнга айланиб, жанжал қилади, сўкинади.

Биз-чи? Индамаймиз. Руҳи майиб, қалби ярадор инсонга раҳимимиз келади-да. Асли айб хотинида. Биттаси билан юриб кўйган. Вася амаки бунини билса ҳам, ҳеч нарса дея олмайди: қаттиқ севса керак...

Узи ҳам аёлмисан, аёл-да!.. У Вася амакининг ик-

кинчи хотини, ёш. Билмадим, табиат қобусномаси бу жувонни айблайдим-йўқми, лекин маҳалламиздаги кўнгли ёш мўйсафидлардан бири: «Муҳаббат ғазалининг поёнига етиб, унинг хулосасини айтадиган одам йўқ — умр камлик қилади» деган эди...

Магазиндан бир шиша вино, колбаса олиб, яна чордоққа чиқдик.

Вася амаки сигарета тутатди. Алёр айтиш бошланди: хирургияни ўйлаб топан греклар доноси учун ва унинг қўлига тушмаслик учун; Сергей Эйзенштейннинг саломатлиги учун; Костас учун; Герман Дон Педро учун...

Вася амаки хатомизни тўғрилади:

— Дон Пётр. Дон деган дарё бор. Пётр — исм.

— Ҳа, майли, бизга бари бир эмасми, ичкилик етса бўлди.

Таббосдига колбасани тушириб, Герман иккаламиз чекишга ўтдик.

Вася амаки ичган сари тундлашиб борар, Костаснинг эса юзлари қизариб, руҳи кўтарилаётган эди.

— Келинглар, ашула айтаемиз...

Костас мўйловини силади, кўзлари жиддийлашди. Аста-секин, бўғиқ товуш билан ашула бошлади.

Ярим қоронғи, чанг босган кенг чордоқ оғир, ҳазин оҳангларга тўлди. Костас муҳаббат ҳақида куйларди. Вася амаки хўмрайди.

Гурунг бошланди: эркинликка интилган муҳаббат, ошиқлар тарихи, инсоннинг пайдо бўлиши...

Костаснинг фикрича, инсон дельфиндан пайдо бўлган эмиш. Грек худолари ҳам денгиз кўпигидан чиққан экан, демак, энг олий ҳайвон — дельфин!

— Одам одамдан пайдо бўлган, бунга ҳаммамиз далил, — деб тушунтирди Герман.

Вақт пешиндан оғиб қолган, тунука ҳамон келмаяпти. Демак, мен Германнинг курс ишига ёрдам беришим керак. Аммо... Галянинг олдига бормасак бўлмайти, деб ўйладим-да, баҳсга чек қўйдим.

Герман иккаламиз кетдик. Вася амаки билан Костас шишада ортиб қолган винони эрмак қилиб қолишди.

Тунука эртасига келди. Ҳаммамиз ҳам зерикиб қолган эдик, ишга тушдик. Томдаги чириган тунукаларни кўчириб ташлаб, янгиси билан қоплаймиз, ишимиз шу.

Кузнинг ўрталари. Осмонда тўсатдан булут пайдо бўлади. Костаснинг боди кўзиди чоғи, афти бужмайди, лекин айнан қаери оғриётганини билмай, яна тунукаларни қайиришга тушди. Вася амаки аламини шундан олмоқчидек, ишга қаттиқ шўнғиган.

Эски тунукалар остидаги чирик тахталардан чанг кўтарилиб, томоққа киради, йўталтиради, аммо иш жадаллашиб кетган эди. Пастдаги залда пардозлаш ишлари тугаб қолган, биз эса уч кун бекор ўтирдик. Мабода чакка ўтса борми, тамом!..

Қўлларимиз тунука мойидан қорайиб, болға дастасидан қадоқ бўлиб кетган, ҳатто тунука тилиб кетса ҳам парво қилмаймиз. Томдан йиқилиб кетишдан чўчимамай, илдам ишлаймиз. Гоҳида пича нафас ростлаймиз. Кузнинг мусоффо ҳавосида тиниқ кўринган олисдаги тоғларга тикиламиз. Олтинранг баргларнинг учиби тушишини, пастдаги шошалоқ одамларни томоша қилиб чекишамиз-да, яна ишга!

Шу пайт пастда прораб кўриниб қолди. Нимадир дегиси келди-ю, индамади, каловланди. Сўнг бари бир тепага қараб қичқирди:

— Йигитлар, индинга ёмғир бўлар экан. Прогноз шундай. Ишни тезлатинглар!

Тилинган жойларимиз ачишиб, қўлларимиз зирқираб ишлаётган эдик, жаҳлимиз чиқиб кетди.

— Нима, биз писта чақиб ўтирибмизми?

Айниқса, Вася амакининг хуноби ошди:

— Айб биздами? Аввал ўзларинг шошмайсанлар, кейин эса чопачоп...

Ҳаммамиз прорабга ёпиша кетдик. Мен ўтган йили кам мукофот олганимни эслаб:

— Буйруқ беришга устасиз, ака. «Ёмғир ёғмасин!», деб ҳам буйруқ чиқаринг! — дедим.

Прораб ҳовридан тушиб, кетди. Аламмимизни олганимиз яхши бўлди. Иш ҳам анча тезлашди.

Рост-да, ялинадиган жойимиз борми! Мен хоҳласам ЖЭКга ишга киришим мумкин, ўша ерда ҳам шу пулни топанам. Вася амакини тунукачилар цехи ишга чақиряпти. Костас докторга борса, «бюллетень»га чиқади, юз фоиз пулини олиб ётаверади...

Роса сўкинди, аммо иш чиндан ҳам тезлашди. Томни ким ёпарди? Биздан бошқа ҳеч ким! Вася амаки айниқса қаттиқ сўкиниб-сўкиниб ишлар эди — осмонда булут қалинлашиб борарди.

Костаснинг «барометри» сезгир: боди кўзгалганидан оёқларини чўзиб ўтириб ишлайди. Ун қаторини ёпдик, кейин, қоронғи тушиб тунука чоклари кўринмайдиган бўлгач, Вася амаки ўчиб қолган сигаретини иргитиб:

— Асбоблар жойида қолаверсин. Эртага вақтли чиқинглар, — деди-да, бизларни чордоққа бошлади...

Эртасига Костас ишга чиқмаса керак, деб ўйлаган эдим, йўқ, чиқди. Герман иккаламиз чокларни бирлаштиришга тушдик. Том битай деб қолганда, чиндан ҳам ёмғир уриб берди! Ёмғир томчилари тунука устидаги чанглари ювиб пастга оқиза бошлаганда, биз охириги чокларини бирлаштираётган эдик.

Терлаган баданга совуқ шамол тегиб, дийдирашиб қўйди. Чордоққа кирдик. Жомакорларни ечиб, баданларимизни қизартириб артиндик. Пардозчилар бригадири икки шиша ароқ билан нон олиб чиқди. Ичмадик. Лекин Костас шишани очди ва ароқни оёғига суртиб ўтирди. Чордоқни бир зумда бадбўй ҳид тутиб кетди.

Эртасига офтоб чарақлаб чиқди. Ишга келганимда Вася амаки дастгоҳи устида ўтирарди. Остига жомакорларимиздан ўрин солиб, шу ерда тунаганга ўхшайди. Намиқиб қолган жомакор устида, шамол ғувиллаган чордоқда...

Яна бирон гап бўлган кўринади. Кўзлари киртайган, соч-соқоли ўсиқ, кийимлари ғижим. Юзида алам. Бадани сескантириб жомакорларни кияётганимизда, Герман секин шивирлади:

— Василич хотинини Виктор билан ушлаб олибди...

— Ким айтди?

— Света.

Ҳаммаси тушунарли. Лекин нима ҳам дея олардик? Кийиниб асбобларни олдик-да, ишга тушдик. Вася амаки ўтирган ерида қолди. Костас кеча оғриққа чидаёлмай грекчасига сўкиниб юборган эди; бод ётқизган-ов, келмайди.

Тушки овқатдан сўнг маошга боришимиз керак. Шунинг учун жадал ишлаётган эдик, томда бирдан Вася амаки пайдо бўлди. Маст эмас-у, оёғида зўрға турибди. Тўхтатиш, орқасига қайтариш лозим. Йўқ, у олдимизга келмоқчи шекилли, бир интилдию томда ётган узун тунукага туртиниб, лапанглай-лапанглай бирдан сирғалиб кетди. Ортидан отилдик — улгурмадик. Вася амаки жонҳолатда тўсиққа — панжарага тармашди. Панжара ғишт устунларига маҳкамланган эди, тагтуги билан ўпирилиб тушди. Вася амаки озгина судралиб борди-да... пастга қулади...

Икки кундан сўнг кўмиш маросими бўлди. Вася амакининг хотини мотам либосида ҳам гул-гул очилиб кетган, дам йиғлаб, дам илжайиб юрибди. Уни кўрган сари ғазабимиз кўзийди. Улдирди! Суд қилиб ҳам бўлмайти лаънатини!

— Сен Света билан юрасан-а? — деб сўрадим тўсатдан Германга юзланиб.

— Ҳа.

— Эри борлигини биласанми?

— Ҳа, расмини ҳам кўрганман. Уйига кирсам, осиглик экан. Светанинг эса унга қараб виждони қийналади.

— Сени ҳайдаб юбормадимми?

— Йўғ-эй.. расмини тескари қилиб қўйди.

— Демак, сен ҳам қотил бўлишинг мумкин!

— Нима?... Германнинг ранги оқариб кетди.

Шу вақт эшикдан яқиндагина бўёқчилар бригадаси-

га ишга қабул қилинган дуркун гавдали Виктор кириб келди, у ёқ-бу ёққа аланглаб рўларамизга келиб ўтирди. Сўхбат бўлинди, ҳаммамиз энди Викторга ўқрайиб қараб қолдик. Наҳотки, ўзи ўлдириб ўзи... Сурбет!

— Яхшимисан... Ҳа, бу, кечга қолдинг?— деб сўз котди кимдир.

Виктор кимнидир қидирарди. Ғазабимни зўрға босиб турибман. Калтакламасам, кўнглим ўрнига тушмайди. Важ топш керак.

— Василийнинг хотираси учун ич,— деб стаканни тўлдириб узатдим.— Эҳтиёт бўл, тиқилиб қолмасин.

Виктор стаканни оларкан, менга қараб ўқрайди.

— Гапинг бўлса, марҳамат, чиқ, ялтиллаган кўзингдан ўргилдим!— дея баттар авж қилдим.

— Тарбиясиз экансан-ку, чиқ, дегандан кейин чиқ,— деди Герман ҳам ўрндан туриб. Костас ҳам Викторга қараб ўқрайди.

Виктор сал ҳовридан тушиб, жимиб қолди. Лекин «суд» давом этарди. Вася амакининг хотини ҳам саросимага тушди.

— Сизларга нима бўлди? Аҳмадчик, тўполон қилма, яхши эмас, ахир...— У жазманига қараб, «Ви-итя», дея хумор кўзларини тиккан эди, Виктор шартта ўрндан турди.

— Йўк, кетиб бўпсан!— дедим-да, даҳанини мўлжаллаб бир туширдим. Кимдир мени маҳкам қучоқлаб олди. Юмшоқ кўллар... бурнимга атир ҳиди урилди.— Вася амакининг хотини. Лекин Герман менинг ўрнимга Викторнинг адабини берди. Тўс-тўполон кўтарилди:

— Тўхта, ушла, уят эмасми?!

— Тўхтанглар, келишиб оламиз!

Ҳаммамиз яна стол атрофига ўтирдик. Виктор кўринмайди — нариги хонада чўзилиб ётган бўлса керак.

— Бировнинг мотамида бировга кўл кўтариш... Яна шогирди эмиш!..— дея чийиллади Вася амакининг хотини.

Ғазабимни зўрға босиб ўтирибман. Костас грекчалаб сўкди. Маъносини билмасам ҳам, талаффуздан маълум.

Хонадан чиқиб кетдик. Тўғри чордоққа бордик.

Изғирин шамолда жунжикканча индамай чекишиб ўтирдик. Ниҳоят, мен ўрнимдан турдим, газетани ёзиб, коржомаларимни ўрадим.

Ҳамма кетишга тайёр. Лекин Вася амакининг миҳда осиеғлиқ турган кийимларини кўргач, бирортамиз жойимиздан қўзғалолмай қолдик. Яна сўзсиз жойимизга ўтирдик. Ҳа, бир инсон дунёга келди, яшади, севди, курашди, кетди. Ундан ўнлаб иморатлар қолди, тайёр уй-жойи билан чиройли хотини қолди... Тўсатдан миямга бир фикр келди: Вася амакининг кийимлари ва асбобларини олиб ўртага ташладим. Асбобларни Костас бўлди.

— Сен шогирдисан,— деб қайчи ва болғаларни менга берди. Ўзи ёғоч тўқмоқни, Герман эса омбирни олди.— Унга энди булар керак эмас,— деди у хомуш тортиб.

Тўрт киши кириб чиқадиган чордоқдан уч киши чиқиб, эшикни қулфладик.

Бекатда шериклар билан хайрлашиб, уйимга жўнадим.

Автобус катта йўлга тушиб узоқлашганда, орқада кеча ёпилган том кўзга чалинди. Ёмғир сувлари ярқиратиб ювган совуқ тунукалар кўзимга иссиқ кўринди. Том устида елкалари хиёл букчайган Вася амаки кулимсираб тургандек эди...

## Кўклам эртаклари

Юрагимга кириб келар самоларнинг тиниқлиги, Ялпиз ҳидли ҳаволарнинг мўътадил бир илиқлиги, Сарҳад билмас бир тугёна айланади туйғуларим, Байтларимга тўкилади юлдузларнинг кулгулари. Оқ булутнинг уқпарлари ўрикзорга қўнибди-ку, Тоғлар қори қирга тушиб пола бўлиб унибди-ку, Камалакнинг турфа рангин ўғирлабди она замин. Тонг насими куртакларга янги эртак сўйлар майин. Куртакларнинг шивирига тўлаётган боғлар суюк, Борлиқ ёғду ичра сархуш кулаётган чоғлар суюк. Деразамга кўл узатган наъматакнинг япроғига, Ариқларнинг яшилланиб бораётган қиргоғига, Сездирмайин битмиш кўклам сирли-сирли эртакларин, Излар этиб она ерга ёруғ, қутлуғ истакларин. Еллар қанотида келган дилхуш-дилхуш наво билан Дилга куйлаш иштиёқин солган жўшқин садо билан Юрагимга кириб келар самоларнинг тиниқлиги.

ВЕНЕРА  
ИБРОҲИМОВА

\*\*\*

Учиб кетай узоқларга, йўлимга ғов бўлмангиз, Уфқларнинг алвон ранги юрагимга жойланди. Муддаоси не экан деб ниятимдан кулмангиз, Ёшлиқ, журъат туйғулари юрагимга бойланди. Мен учарман, қанотларим темирден ҳам мустаҳкам, Орзуларим чизиб берган чизиқлардан қолмасан. Томиримда кезган қонда чавандозлар руҳи бор, У учмоққа ундамоқда, демак асло толмасман. Бўронларда, довулларда саботимни синайин, Машаққатни енгмоқ учун етар мендаги тўзим! Гўзал олам рангларини туйғуларда сезайин, Нафис-нозик жилоларга тўлсин иккала кўзим. Мен учайин қайтишимда дўстлар кутсин интизор, Ушал куннинг келишига дилда қатъий ишонч бор...

МАТЛУБА  
АҲМЕДОВА

## Ҳисларим...

Ҳисларим!

Мен сизни тутмоқчи бўламан.

Боладай қочасиз...

Кўлимга ушлайман қаламни —

Тўсмоқчи бўламан — тутмоқчи бўламан.

Қочасиз...

қийқириб бир ширин...

Азоблар сочасиз...

Интиқман кўзларим жовдираб,

Нафасим ичимга ютаман.

Тўкилиб кетманг деб бағримдан,

Оқ қоғоз тутаман...



НОДАР  
ДУМБАДЗЕ

17



# АБАДИЯТ ҚОНУНИ

РОМАН

Рус тилидан  
Низом КОМИЛОВ  
таржимаси

Бачана купега кирганида, у ерда икки йўловчи ўтирар ва нима ҳақдадир қизгин баҳслашишар эди. Улардан бири қишлоқдан экани яққол кўриниб турарди, иккинчиси, ёшроғи эса шаҳарлик йигит эди. Бачана улар билан саломлашди, сумкасини юкхонага жойлади-да, газета ўқишга тутинди. Унинг кўзи газетада бўлса ҳам, қулоғига буларнинг суҳбати эшитилиб турарди.

Қишлоқлик киши овозини кўтариб гапирарди:

— Йўқ, ҳурматли Роланд, бизга милтиқли киши билан йиглаб турган она керак эмас! Бизга шундоқ ҳайкал ясаб берингки, ҳар қандай тошбағир одам ҳам кўрганда юраги эриб кетсин!

— Унақа бўлса, Леонардо да Винчи ёки Микеланжелони қидиринг, ҳурматли Хута!— деб жавоб қайтарди йигит.

— Марнеулидаги «Бўлажак қаҳрамонлар» ҳайкалини ясаган киши Микеланжело эмас-ку! Аммо қанақанги ҳайкал ясаб қўйибди! Қилич кўтарган икки нафар яланғоч болакайни кўрганда, ишонинг, кўзимдан ёш чиқиб кетди! Сиз ҳам шунга ўхшаган бирор нарса ясаб беринг, мана, бизнинг Леонардо да Винчимиз, деб бошимизга кўтарайлик!

— Ҳайронман... Эскизимни кўриб, ўзингиз маъқуллаган эдингиз-ку, ё нотўғрими?— деди йигит хафа бўлиб.

— Тўғри, маъқуллаганман, лекин сиз ўшанда уни қайта ишлашга ваъда бергансиз, шунинг учун маъқуллаганман. Акс ҳолда, сизга ҳақ тўламаган бўлардиқ... Ваъда бергандан кейин устидан чиқиш лозим!... Милтиғу кўзёшларнинг бизга кераги йўқ!..

— Қуриган дарахтларга осилган қўнғироқлар керак эмас! Арслонга миниб турган яланғоч ўспирин керак эмас! Яраланган бургут керак эмас! Этиги билан илоннинг бошини эзғилаётган солдат керак эмас! Нима керак сизга ўзи?!— Роланд қўлларини икки ёнга ёзди.— Ватан уруши ва ҳалок бўлган жангчилар мавзуини яна қандай тасвирлаш мумкин?!

— Уруш пайтида неччи ёшда, эдинг?— деб сўради Хута.

— У пайтда мен умуман йўқ эдим!— деб жавоб берди Роланд.

— Ҳа, баракалла. Мана шуни тасвирла!

— Нимани?— Роланд тушунмади.

— Уруш деган нарсани билмаслигингни-да!

— Ҳазиллашяпсизми?

— Ҳазили йўқ... Яқинда кенжа неварам Хута фронтда кийиб юрган каскамни топиб олиб... биласанми, нима қипти... ичига сийибди, ярамас! Қулоғини узиб олай дедим, кейин қилмишимдан ўзим уялдим... Кечаси билан ухлаёлмай чиқдим!..

— Кечирасиз-у, ер юзида бунақа ҳайкал йўқ... Умуман, бирорта ҳайкалтарош келиб, сизга маккажўхори экишни ўргатганми? Бўлганми шунақаси?

— Бунақаси бўлган эмас, лекин маккажўхорига ақли етадигач ҳайкалтарош бўлса, нима учун ундан ўрганмаслигимиз керак?.. Нима дедингиз, биродар?— Хута бирдан Бачанага мурожаат қилиб қолди.

Бачана газетани бир четга қўйди.

— Узр, нима гаплигига тушунмаяпман.— У ёлгон гапирди. Бахшлашаётган томонларнинг ҳеч қайсиси чекинмаслигини сезиб турарди, шунинг учун аралашгиси келмади.

— Гап шундаки...— дея сўзга киришиб кетди Роланд,— мен булардан буюртма олган эдим... Яъни, колхоздан... Сакициаодаги колхоздан... Бу киши, ҳурматли Хута Шелия — колхоз раиси... Улуғ Ватан урушига бағишланган мемориал яратишим керак эди... Иш бошланиб, олинган пул сарф қилиб бўлинган пайтда янги вариантини талаб қилишяпти! Бу қанақаси, ахир?! Булар ажратган маблағга ундан ортиғини қуриб бўлмайди! Марҳамат, пул беришин — мен буларга Эйфель минорасини қуриб берайин! Ҳаммаси пулга боғлиқ! Леонардо да Винчи ҳам азбаройи шу пулни деб, дунёдаги энг палид одам — Чеваре Боржиа билан ҳамкорлик қилган. Биласизларми, у одам туққан онасини ҳам, синглисини ҳам...

— Бўлди! Бас қил!— Хута олдидаги столчага ёпишди.

— Нима гап?— деди Роланд ҳайрон бўлиб.

— Бунақа сўзларни оғзингга олма!— деди Шелия ўзини аранг босиб.

— Қанақа сўзларни?

— Шунақа нарсаларни. Ватан уруши ҳақида гап кетганда нопок нарсалар тўғрисида гапириш у ёқда турсин, ҳатто ўйлаш ҳам гуноҳ!

— Нима дедим, ахир?— Роланд қизариб кетди.

— Айтолмайман, сен ҳам гапирма!— Хута сигарета тутатди.

— Кечиринг!— Роланд ўрнидан туриб, купедан чиқиб кетди.

— Ҳурматли Хута,— дея раисга мурожаат қилди Бачана,— ростдан ҳам, мемориалга кам маблағ ажратилган бўлса, у бечора нима қилсин?

— Исм-фамилиянгиз нима, биродар?

— Бачана Рамишвили.

— Гап пулдами, ҳурматли Бачана? Биз ундан баҳайбат иншоотни талаб қилаётганимиз йўқ... Майли, кичкина бўлса ҳам, яхши мемориал бўлсин, деяпмиз. Тиллани рангига қараб эмас, тозалигига қараб баҳолашди!

— Балки уддасидан чиқолмаётгандир? Бошқа одамга буюрақолинг!— дея маслаҳат берди Бачана.

— Шунақа денг? Халққа нима деб жавоб бераман? Пул сарфлаб қўйилган-ку!.. Мана, энди ўзини қишлоққа олиб кетяпман, қани, нима хунар кўрсатаркин! Барн бир айтган нарсамизни қуриб беришга мажбур қиламан! Йўқ дейдиган бўлса, чойзорга обориб, бурнини ерга ишқаб, эшакдай ишлатаман! Олган пулини қайтармагунча қўймайман! Ҳе, бунақаларнинг кўпини кўрганман! Ҳатто Тараси Дараселиянинг ўғлини ҳам полугини пасайтириб қўйганман у ёғини сўрасангиз... Эҳ-ҳэ, қанақа бола эди, ерга урсанг, осмонга сапчирди!..— Хута Шелия ўша воқеани эслаб қулимсираб қўйди ва Бачанага сигарета тутди. Бачана сигаретани олди-ю, аммо чекмади.

— Сизга қанақа мемориал керак ўзи?— деб сўради у.

— Шундоқ бўлиши керакки, ҳайкалнинг ёнидан ўтган одам, бу нима, деб сўрамасин, ўз-ўзидан, беихтиёр тўхтаб, ўйга толсин. Бизга ана шунақа мемориал керак!

— Ҳа, ҳақиқатан ҳам оғир вазифа!— деди Бачана қулиб.

— Тўғри, оғир. Лекин осонини ҳам кўрганмиз! Яқинда чорвачилик фермаси қурдик. Бир рассомни чақириб, бинонинг ичини безаб беришни илтимос қилдим. Нима қипти, денг? Бутун деворга чўчка, сигир, қўй, эчкиларнинг расмини солиб ташлабди. «Нима ўзи бу?», десам, «Уй ҳайвонларини танимайдиган колхоз раисини энди кўришим!», дейди. «Ҳо, баччағар, бино ичидаги ҳайвонлар етмагандай, тагин деворга расмини ҳам чизасанми?!», деб роса сўқдим. «Нимани чизай бўлма-сиз?», деб сўраган эди, «Олдин чизганларингни ўчирасан,— дедим,— у ёғини кейин гаплашамиз!»

— Хўш, кейин нима бўлди?

— Нима бўларди... Қип-яланғоч бир бола билан қизалоқнинг суратини чизишни буюрдим. Уларнинг қўлида биттадан стакан. Ям-яшил ўтлоқ, Турфа хил гуллар. Яйловда бир сигир ўтлаб юрибди. Болақайлар стаканларини чўзганча сигирдан сут сўрашяпти. Шу, холос.

— Сигир нима деб жавоб беради?— деди қулиб Бачана.

— Аввал менга ўт опкелинглар, кейин сут бераман, дейди сигир!— Хута ҳам қулиб жавоб қайтарди.— Лекин расм зўр чиқди. Биласизми, баъзан атайлаб шу расмни томоша қилгани бораман. Қўлингдан келар экан-ку, хумпар! Нима қиласан, Леонардо да Винчининг аралаштириб! Майли, кўнглинг буюрганидай қилиб чиз, аммо-лекин мен хоҳлаган нарсани тасвирлаб бер! Ё гапим нотўғрими, ҳурматли Бачана?

— Эҳтимол, тўғридир... Лекин рассомнинг ҳам ўз мулоҳазалари бўлиши мумкин... Санъат — мураккаб нарса...

— Мен ҳам шуни айтяпман-да! Санъат ҳақида гапиряпман... Сигирнинг суратини солишдан осон нарса борми! Буни менга иккинчи синфдалигимдаёқ Антон Гугунава ўргатган. Расм ўқитувчимиз... Узи сигирнинг суратини чизганда оғзимиз очилиб қоларди, чунки росткам сигирга ўхшатарди, бориб соғиб олгинг келарди! Энди манови... Роланд бўлса... Милтиқ кўтарган киши дегани деган! Агар менга милтиқ кўтарган киши керак бўлса, тирик бир одамни турғизиб қўйиб, қўлига ҳақиқий милтиқ ушлашиб қўяқолардим! Қишлоқда бекорчилар оз дейсизми!— Хута сигарета буруқситди, Бачана ҳам чека бошлади.

Йўлақда туриш жонига теғдими ёки хафагарчилиги тарқалдими, Роланд купега қайтиб кирди-да, индамай жойига ўтирди.

— Ҳа, нима гап, ўғлим, хафа бўлдингми? Ёмон гап гапирганим йўқ-ку! — Хута қаварган кафти билан Роланднинг бошини силади, кейин Бачанага қараб давом этди:— Ҳозирги ёшлар тэйёрига ўрганган! Уғлим мактабни битириб, икки болали аёлга уйланди! Ҳатто ўша ишни ҳам ўзи қилгиси келмади! Дарвоқе, болалар нечта, ҳурматли Бачана!

— Уйланмаганман.

— Э-э-э, яхши бўлмабди, ҳурматли Бачана!

— Сизда-чи?

— Битта, ҳалиги айтганим... Лекин менинг айбим йўқ. Хотиним раҳматли эрта кетди. Фрондан қайтсам, оламдан ўтган экан... Уғлим эслида ёмон бола эмас, лекин шу масалада гапимиз сира тўғри келмайди. «Шу икки бола сеники, аммо, пушти камарингдан бўлган эмас улар, ўзинг ҳам лоақал битта фарзанд кўришинг керак. Ҳайвон ҳам сендан дуруст!— дедим бир кунин.— Ана, эчкимиз учта бола туғди!» Шунақа десам, нима деб жавоб берди денг: «Эчкининг ташвиши йўқ: фақат ўт ейди, кийим-кечак керак эмас унга — болаларини ҳам тайёр пўстинда туғади. Мен болаларимни қанақа қилиб боқаман, битта жинси қўлда икки юз сўмдан ортиқ турса?!», дейди.

— Тўғри айтибди!— дея суҳбатга аралашди Роланд. — Ёнини олишини қаранг! Узингнинг нечта боланг бор?— Хута Роландга ўгирилди.

— Ёшим ўттизда, ҳурматли Хута, учта болам бор, хотиним тўртинчисини кутяпти!— деб жавоб берди Роланд виқор билан ва деразага қараб олди.

— Яша!— Хута қарс этказиб кафтларини бир-бирига урди.— Мана бу бошқа гап! Қаҳрамон ота экансан! Сени сал хафа қилиб қўйдим, кечир!

— Ҳечқиси йўқ...— Роланд қўл силтади.

— Узр, ўғлим, кечир мени!— деб такрорлади Хута.

— Э, қўйсангиз-чи...— деди Роланд хижолат бўлиб ва мавзунини ўзгартириш мақсадида Бачанага мурожаат қилди:— Қаёққа кетяпсиз, ҳурматли Бачана?

— Сухумига, командировкага...

— Эҳадингиз бор экан... Маъза қилиб денгизда чўмиласиз...

Бачана жилмайиб бош ирғаб қўйди.

— Бизнинг ишимиз нима бўлади энди, азизим Роланд?— дея яна эски гапини бошлади Хута.

— Қайси иш?

— Ёдгорлик-да.

— Ҳал қилдим, ҳурматли Хута, ҳал қилдим! Фақат сиз ўйлагандай эмас, ўзим ўйлагандай ҳал қилдим!— деди Роланд зарда билан ва яна дерезага қараб олди.

— Қанақа экан у?— Хута ҳушёр тортиди.

— Мана бундоқ! Солдат! Бошида каска, қўлида милтиқ! Унга ёшгина жувон — она ёпишиб олган! У оёқяланг! Онанинг атрофида қўрқувдан кўзлари жавдираган тўрт нафар норасида, яланғоч бола! Ёдгорлик мана шундай бўлади!— Қип-қизариб кетган Роланд, худди ёқалашига ҳозирланган одамдай, муштумини столчага қўйди.

— Мен сенга нима дедим?!— Севиниб кетган Хута ўрнидан сапчиб туриб, Роланднинг пешонасидан ўпди.— Айтдим-ку сизга, ҳурматли Бачана! Ёшларимиз дангаса бўлиб кетишган! Тайёрига югуришди! Агар сал миясини ишлатса борми, тоғни ағдаради булар! Ишонгандирсиз энди!?

Бачанани редакциянинг иши билан командировкадан шошилич қақиртириб олишди.

Меҳмонхонага Марказий Комитет инструктори қўнғироқ қилди:

— Секретарнинг кўрсатмаси шу: эртага эрталаб соат ўнда унинг ҳузурига келишингиз керак!

— Нима масалада?— деб сўради Бачана, лекин трубкадан қисқа гудок эшитилди.

Марказком секретари билан суҳбат жуда қисқа бўлди. Тўғриси, буни суҳбат дейиш ҳам қийин — секретарь гапирди, Бачана жим қулоқ солиб ўтирди. Нима ҳам дея оларди? Ниҳоятда хунук воқеа содир бўлган эди: куппа-кундузи унинг ходими редакция биносида пора олиб, қўлга тушган!

Кундузи соат иккида Бачана шошилич партия мажлисини қақиртирди. Редколлегия аъзолари ва редакция ходимларидан ташқари, мажлисда Марказком инструктори билан Ички ишлар министрлигининг ҳалиги жиноятни фош этган ходими иштирок этишди.

Мажлисни партком секретари очди:

— Масалани муҳокама қилишга киришишдан олдин, мен ўртоқ Шалва Хелаядан бўлган воқеани батафсилроқ гапириб беришини илтимос қиламан.

Хелая бир йўталиб, қора галстугини тўғрилади, сўнғ гап бошлади:

— Бундан икки ой муқаддам бизнинг бўлимга редакциянгиз ходими Шота Цуладзе граждандан Калояндан пул таъма қилаётгани тўғрисида сигнал тушди. Бу сигналдан сал олдинроқ Калоян устидан редакцияга хат келган экан...

— Уртоқ Хелая, сигнал тушганига икки ой бўпти-ю, бу ҳақда менга энди гапирасизми?— деди Бачана жаҳли чиқиб.

Хелая бир оз чайнаиб турди-ю, кейин давом этди:

— Биласизми, ҳурматли Бачана, биз сигналнинг қанчалик тўғри-нотўғрилигини текшириб кўришимиз керак эди, шунинг учун ҳам сизга индамадик, подадан олдин чанг чиқармайлик, редакция коллективини, қолаверса, шубҳа остига тушган одамни бекорга безовта қилмайлик, дедик.

— Хозир ўша «шубҳа остига тушган одам» қамоқда ўтирибди, редакция бадном бўлди. Бу, сизнингча, яхшими?— деди Бачана.

— Ҳмм... Шубҳа бўлди... Лекин фактдан кўз юмиб бўлмайди: Цуладзе жиноят устида қўлга тушди...

— Уртоқ Хелая, сиз нимадан кўпроқ манфаатдорсиз — порахўрликнинг олдини олишданми ёки айбдорни турмага тиқишданми?— деб сўради Бачана ўзини аранг босиб.

— Уртоқ редактор, мен сизни жудаям ҳурмат қиламан, лекин нима сабабдан порахўр ходимингизни ҳимоя қилаётганингизга тушунолмаганман?— деди Хелая.

— Мендан бошқа ким уни ҳимоя қилади?— деди таажжубланиб Бачана.

— Бегуноҳларни ҳимоя қилиш керак!

— Цуладзе қанчалик айбдор бўлмасин, сиз нотўғри иш тутансиз!

— Уртоқлар, назаримда, сизлар мени ахборот бериш учун таклиф қилгансизлар. Агар Цуладзенинг ўрнига партиядан мени ўчириш ниятларингиз бўлса, тўғриси яна айтиб қўяқолинглар!— деди Хелая хафа бўлиб.

— Узр, мен сал қизишиб кетдим...

Хелая папкасини очиб, уздан бир варақ қоғоз олди: — Мана, редакцияга, сизнинг номингизга келган имзосиз хат, Бачана Акакиевич!

— Сизнинг қўлингизга қанақа қилиб тушиб қолди?

— Цуладзенинг ёнидан чиқди. Порани олиб бўлгандан кейин у бу хатни Калояннинг кўзи олдида йиртиб ташлаши керак экан.

— Бу ёққа беринг-чи!— Бачана қўлини чўзди.

— Марҳамат!— Хелая хатни узатди.

— Овоз чиқариб ўқинг, илтимос,— деди редколлегия аъзоларидан бири.

Бачана хатга кўз ташладию уни дарров таниди, чунки хатнинг тепасида ўзининг ёзуви ва имзоси бор эди. Мактуб қисқа бўлиб, катта-катта босма ҳарфлар билан ёзилган эди. Қаттиқ асабийлашгандан Бачана хатни ўзи ўқиёлмаслигини тушуниб, уни партком секретарига узатди:

— Ўқи!

«Ҳурматли редактор!— деб ёзилган эди мактубда.— Урбнели кўчасида бемаза ишлар содир бўляпти. 571-уйда яшовчи Гайоз Константинович Калоян (магазин мудир) ва ўша уйда турувчи унинг ўйнаши Ксения Гавриловна Вартагава (магазин кассири) Калояннинг хотини Лили Герасимовна Аманатидзени ўлдириш мақсадида унинг овқатида турли пайтларда, турли миқдорда, турли-туман захарли моддаларни қўшиб беришмоқда. Ҳозирги пайтда аёл шўрлик захарланиб, касалхонада ётди. Ҳурмагли редактор! Қачонгача беҳаё нобакорлар тупроғимизни таққирлашади?! Қачонгача бу қабиҳ иш ёпиқлигича қолади?! Шошилиш керак! Ўткир қаламингиз билан бу ифлос қотилларни фош қилиб ташлашингизни сўрайман! Ҳурмат ила — Гуманист».

— Хатда редакторнинг резолюцияси борми?— деб сўради редколлегиянинг ҳалиги аъзоси.

Партком секретари ўқиди:

«Урт. Ш. Цуладзе. Хатни Ички ишлар министрлигига жўнатишингизни сўрайман. Б. Рамишвили».

Орага жимлик чўқди. Бачана секретардан хатни олиб, Хелаяга қайтариб берди.

— Цуладзе хатни министрликка жўнатмаган!— деди Хелая таъкидлаб.

Бачана индамади. У ҳаммасини тушунган, воқеанинг бундан кейинги ривожини ҳам кўз олдида келтириб бўлган эди. Хелая эса гапида давом этарди:

— Шота Цуладзе хатни министрликка жўнатмаган. Ўзи Калояннинг уйига бориб, уни хатнинг мазмуни билан таништирган. Калоян, табиийки, ҳаммасини қатъиян рад этган. Вартагава ҳам хатдаги фактларини бўйнига олмаган. Шунда Цуладзе, редакция бу ишни шундоқ қолдирилмайди, дегану чиқиб кетган. Калоян шармандагарчиликдан қутулиш учун Цуладзегга беш юз сўм таклиф этган, хатни йўқ қилиш шарти билан, албатта. Цуладзе кўнмаган. Калоян яна шунча ваъда қилган. Цуладзе эса икки минг сўм сўраган. Шунча пул, афтидан, Калоянга оғирлик қилган бўлса керак, у бизга мурожаат этди. Хатида, редакция ходими Цуладзе пул ундириш мақсадида мен билан ходимимга тўхмат қиялпти, деб ёзган... Дарҳол оператив группа ажратилди, Цуладзегга бериш учун Калоянга икки минг сўм пул тутқазилди. Пуллар, албатта, ҳалигидақа эди... Цуладзе эса кузатув остига олинди.— Хелая папкасидан яна бир қоғоз чиқариб, давом этди:— 17 сентябрь кундузи соат учда «Паҳлавон» универмаги жойлашган бинонинг 2-йўлагида Калоян билан Цуладзе учрашишди. Калояннинг айтишича, Цуладзе пулни олмаган. Редактор, ишни тек-



шириб, газетада материал эълон қилинган, деб талаб этапти, деган.

— Кечирасиз, ҳурматли Шалва, Калояннинг сўзлари ҳақиқатдан йироқ эканини билармидингиз?— деб сўради редакциянинг масъул секретари.

— Йўқ, у пайтда редактор резолюция қўйган хат қўлимизда эмас эди.

— Демак, ўшангача редакторнинг ўзи ҳам шубҳа остида бўлган?

— Йўқ, мутлақо ундай эмас. Ахир, Цуладзе, ишни текшириб кўришни айнан редактор талаб қиляпти, деган-ку.

— Сизнингча, Цуладзе нима учун бундай йўл тутдидикин?

— Нарҳини ошириш учун.

Масъул секретарь индамай қолди. Хелая давом этди:

— Орадан ўн кун ўтгач, экспериментни яна қайтардик. Бу гал учрашув Тошбақа кўли яқинида, этнографик музей биноларидан бирида, очик жойда тайин қилинди. Цуладзе яна пулни олмаган, тагин ўша баҳона билан... Лекин, хатни Ички ишлар министрлигига жўнашига редакторни кўндиришга уриниб кўраман, деб Калоянга ваъда берган. У ёғига Калояннинг ўзи югуриши керак бўлган, албатта... 27 октябрда, редакторнинг командировкада эканлигидан фойдаланиб, Цуладзе дадилроқ ҳаракат қилади, деган мўлжал билан экспериментни такрорладик. Тахминимиз тўғри чиқди. Эрталаб соат ўнда, редакция биносига Цуладзе Калояндан пулни олди!

— Исботи борми?— деб сўради Марказком инструктори.

— Бор. Цуладзедан пул қайтариб олинди. У айбига икром бўлди. Лекин кеча, аввал берган кўрсатмасидан тониб, пулни қарзга олганман, деб туриб олди.— Хелая папкасини ёпди.

Бачана бу гаплардан ҳангу манг бўлиб, миқ этмай ўтирарди.

— Ҳурматли Шалва,— деди у ниҳоят тилга кириб,— гапингизга қараганда, Цуладзе пулни олишдан икки марта бош тортиб, фақат Калоян билан учинчи марта учрашгандагина олган. Айтинг-чи, ўша экспериментни уч марта такрорлашнинг нима зарурати бор эди? Балки, у эс-ҳушини йиғиб олгандир, хатосини тушуниб, жиноятга қўл уришдан воз кечгандир? Бу томонини ўйламадингизми?

— Сиз бизнинг ишимизни билмайсиз, шунинг учун бу масалага нуқул олижаноб туйғулар билан ёндашмасиз. Лекин иш сиз ўйлаганчалик эмас. Агар Цуладзе аввал-бошданок Калоян билан савдолашмаганда эди, эҳтимол, биз унинг виждонли одам эканлигига ишонган бўлардик. Лекин, у кўпроқ пул олиш мақсадида ишни атайлаб орқага судраган!

— Ахир, Калоян биринчи учрашувдаёқ айтган пулни олиб келган-ку? Нима учун Цуладзе олмаган?

Хелая ўтирган жойида бир қимирлаб қўйди.

— Ҳар ҳолда, Цуладзе кўпроқ пул олмоқчи бўлган. Шунинг учун ҳам уч марта синаб кўрдик.

— Синаш деганда сиз нимани тушунасиз — билмадим-у, лекин бу — йўлдан уриш, менингча.

— Бизнинг мақсадимиз жиноятчиликка қарши курашишдан иборат!— деди Хелая қатъий.

— Мен, мақсадингиз йўлдан уриш эмас, фош қилиш, деб ўйлардим!— деб жавоб берди Бачана.— Агар ўз вақтида шуни менга маълум қилганингизда, мен Цуладзени ишдан ҳайдардим, жиноятнинг ҳам олди олинган бўларди.

— Ҳурматли Бачана, порохўрларнинг бошини силаб ўтиришга вақтимиз ҳам, имкониятимиз ҳам йўқ!

— Калоян-чи?

— Калояннинг иши билан бошқа группа шуғулланяпти... Агар имзосиз хатдаги фактлар тасдиқланса, унинг ҳоли нима бўлишини биласиз...

— Ахборотингиз учун ташаккур, ҳурматли Шалва!— деди Бачана ўрнидан туриб.

Хелая ҳамма билан хайрлашиб, кабинетдан тез чиқиб кетди.

— Хўш, нима дейсизлар, ўртоқлар?— Партком секретари ўтирганларга мурожаат қилди.

— Мумкинми?— Редактор ўринбосари қўлини кўтарди.

— Марҳамат!

Ўринбосар жойидан туриб, олдидаги қоғозларни титкилади. Афтидан, сўзга чиқишга олдиндан тайёрланиб юрганга ўхшайди, лекин бари бир қаттиқ ҳаяжонда эди.

— Махлисимизда Марказий Комитет вакили иштирок этапти, бинобарин, коммунист сифатида ҳамма нарсани очик-ойдин гапиришга мажбурман. Бугун биз Цуладзени партия сафидан ўчираемиз, албатта, лекин унинг редакторимиздай қалин оғайнисини ва кучли ҳомийсини бўлмаганда, бу ишни анча илгарироқ қилган бўлур эдик... Цуладзе совет журналисти деган муқаддас номга доғ туширди! Бутун редакциямиз жамоатчилик кўзи олдида шарманда бўлди! Шунинг учун яна такрорлайман: юз берган воқеа учун бутун масъулият ўртоқ Рамишвили зиммасига тушади. Рамишвили оғайнисини Цуладзени редакцияга ўзи ишга опкелди, гарчи-ҳеч қандай хизматлари бўлмаса ҳам, охири кунга қадар уни ҳимоя қилиб келди, агар сезган бўлсаларингиз, бугун ҳам унинг ёнини олмоқчи бўляпти... Фақат редакторнинг мана шунақа «тарбиявий» фаолияти туфайлигина биз ҳозир мум тишлаб ўтирибмиз... Хўш, Цуладзе ким ўзи? Ёмон ўртоқ, — лекин мен унинг ўртоқлари сафида бўлмаганман, — ёмон фарзанд, ёмон ака, ёмон ота, лаёқатсиз адабиётчи, қолаверса, энг муҳими — порохўр! Мана, сизга Цуладзенинг ҳақиқий қиёфаси! Мен унинг редакцияга ишга келишига ҳаммавақт қарши бўлганман, борди-ю, мен редактор бўлганимда, у бу ерга қадамини ҳам босмас эди... Цуладзенинг порохўрлиги ҳақида ўз вақтида Марказий Комитетга ҳам, Ички ишлар министрлигига ҳам хабар қилганман. Бинобарин, ҳар қандай жавобгарликни бўйнимдан соқит қилиб, масъулиятни батамом ўртоқ Рамишвили зиммасига юклашни талаб этаман!

Ўринбосар чўнтагидан оппоқ рўмолча чиқариб, терлаб кетган бўйни ва пешонасини артди, кейин рахи бузилмаслиги учун, бармоқ учлари билан шимининг почаларини авайлаб кўтариб, жойига ўтирди.

Ўринбосар гапирар экан, Бачананинг кўз олдида студентлик йиллари ўтди. У ўзи, ҳозирги ўринбосари ва Цуладзенинг бир тўгаракка қатнаб юрган пайтларини, университет клубидаги йиғилишларни, «Фан» ресторани» деб аталмиш студентлар ошхонасида сўнгги бурда нонни бўлашиб еганларини, Удзо ва Шиомгвима<sup>1</sup> экскурсияга боришларини, уловлари бир қизни яхши кўриб юрган дамларини эслади... Шуларни эсладию бирдан ўпкаси тўлиб, йиғлагиси, йиғлаганда ҳам буларни ёшлигидан биладиганларнинг ҳаммаси эшитадиган қилиб, ўкириб-ўкириб йиғлагиси келди...

— Яна ким гапирди?— деб сўради партком секретари.

— Ўртоқ Гивига саволим бор!— деди адабий ходим.

— Қанақа савол?— дея ажабланди ўринбосар.

— Ҳозиргина, Цуладзенинг порохўрлигини билардим, дединг. Неччи йилдан бери билардинг бунини?

— Беш-олти йилдан бери!— деб жавоб берди ўринбосар ўйлаб ўтирмай.

— Шунақа экан, нега ўтган йили унга партияга кириш учун тавсиянома ёзиб бердинг?

Ўринбосарнинг ранги оқариб кетди, қуруқшаган лабларини ялаб, ғудранди:

— Бунинг масалага алоқаси йўқ... Биринчидан, кимга қачон тавсиянома берганини эслаблайман. Иккинчидан, партияга киришга ва чет элга боришга тавсияномалар одатда расмий юзасидангина берилади...

— Гиви Давидович, жиддий гапирисизми ёки ҳа-

<sup>1</sup> Удзо, Шиомгвима — Тбилиси яқинидаги қадимий ибодатхоналар.

зиллашяписизми?— деб сўради Марказком инструктори хайрон бўлиб.

— Нима, партияга кимларни тавсия қилганингизни ўзингиз эслай оласизми?— дея ўз навбатида унга савол ташлади ўринбосар.

— Албатта! Бўлмасам-чи!— Инструктор қўлларини икки ёнига ёзди.

— Менда савол бор, — деди партком секретари. — Айтайлик, Цуладзегга қачон тавсиянома берганингизни эслолмайсан. Лекин нима учун, унинг порахўр ва муттаҳамлигини билатуриб, бир ой муқаддам у билан командировкага бординг?

— Редакторнинг топшириғини рад этолмайман-ку! — Редакторни аралаштирма! У пайтда редактор отпускарда эди! Ўзингга ҳам, Цуладзегга ҳам командировка қўғозини ўзинг ёзгансан!

— Тўғри, бирга борганман, ножўя хатти-ҳаракат қилишига йўл қўймаслик учун бирга борганман!— деб ўзини оқлашга уринди ўринбосар.

Адабий ходим ҳаҳолаб кулиб юборди. Секретарь қалами билан столни тақиллатди.

— Яна битта савол, — дея сўз олди редколлегия аъзоси. — Гиви Давидович, Цуладзенинг ножўя хатти-ҳаракатлари тўғрисида ўз вақтида Марказкомга ва Ички ишлар министрлигига хабар қилганман, дедингиз. Бу ташкилотлар сизнинг сигналингизга нима учун эътибор бермаганини қандай тушуниш мумкин?

— У пайтда эски раҳбарлар эди... Уларнинг кўпчилиги ҳозир олдинги лавозимларида ишламайди, айримлари эса оламдан ўтиб кетган.

— Нега янги раҳбарларга айтмадингиз?

— Бунақа саволнинг нима кераги бор? — деди ўринбосар зарда билан.

— Шунинг учун керакки, азизим, янги раҳбарлар ҳам шу ишлардан хабардор бўлатуриб, эътибор беришмаган бўлса, бизнинг гуноҳимиз маълум даражада енгилашади. Мана шунинг учун керак!— деб жавоб берди редколлегия аъзоси.

— Менинг ҳеч қандай айбим йўқ ва бировнинг ҳимоясига муҳтож ҳам эмасман!— дея чўрт кесди ўринбосар.

Музокара дэвом этарди. Юз берган воқеадан ҳамма қаттиқ таассуф билдирар ва Цуладзени партиядан ўчиришни яқдиллик билан талаб қилар эди.

Навбат Бачанага келди. У ўрнидан туриб, ниҳоятда хотиржам, лекин титроқ овозда сўз бошлади:

— Дўстларим, бу ерда айтилган гапларнинг деярли ҳаммаси — ҳақ гаплар. Шота Цуладзе — менинг дўстим, болалигимиздан бери дўстимиз у билан. Университетда бирга ўқиганмиз, Ваке ва Верэда бирга сайр қилганмиз... У ҳаммавақт ҳақиқий ўртоқ, фарзандларига меҳрибон ота ва падару волидасига баодоб ўғил бўлган... Мен уни дўстим бўлгани учун эмас, зукко инсон ва ниҳоятда талантили журналист бўлгани учун редакцияга ишга таклиф қилганман... Лекин унга таъсир кўрсатишга, унинг хатти-ҳаракатини кузатиб, кўз-қулоқ бўлиб туришга менда тажриба ҳам, қобилият ҳам, обрў-эътибор ҳам етишмаганга ўхшайди... Очиғини айтсам, Цуладзе қилган ишни мен унинг табиатига зид нарсга деб биламан. Жавобгарликдан қочмоқчи эмасман. Уринбосаримнинг фикрига қўшиламан — бутун масъулият менинг зиммамга тушиши керак, мен бунга тайёрман...

Бачана аста жойига ўтирдию сув сўради...

...Оғриқ ўнг елкадан бошланди. Кейин аста-секин кўкрак томонга сурилиб, чап тўшнинг аллақайси бир тўбига жойлашиб олди. Сал ўтмай, кимнингдир қаварган, дағал бармоқлари кўкрак қасасини ёриб кириб, юракка чангал урдию уни худди бир бош узумни эзгилагандай аёвсиз эзгилай бошлади. Эзгилаганда ҳам шошмасдан, ҳафсала билан эзгиларди: бирикки, икки-уч, уч-тўрт... Ниҳоят, обдан мижиқланган юракда бир қатра ҳам қон қолмагач, яна ўша қўллар уни бамайлихотир улоқтириб ташлади...

Ўша куни ҳазрат Иорамнинг олдига бир одам келди. Уларнинг сўхбати қисқа, мужмал ва даҳшатли бўлди.

— Ҳазрат,— деди ҳалиги одам салом-алиқдан сўнг,— ўша кеча ҳаётингизни сақлаб қолган дўстларингиз, агар уларнинг исми шарифларини унутсангиз, сиздан бағоят миннатдор бўлишадил!

Нотаниш киши Бачанага орқа ўгириб ўтирганидан башараси кўринмасди. Аммо ҳазрат Иорамнинг чехрасига қараб, келган одамнинг жиноятчи эканини Бачана дарров фаҳмлади.

— Хочни ҳам унутишим керакми?— деб сўради ҳазрат Иорам.

— Адресни ҳам!

— Лекин адресни «Тез ёрдам» билади,— деди ранги оқариб кетган руҳоний.

— «Тез ёрдам» сизни кўчадан олиб кетган, унга эса автоматдан кўнғироқ қилишган.

— Бундан чиқди, ҳаммаси олдиндан режалаштирилган экан-да?

— Ҳа.

— Хоч-чи?— деб сўради ҳазрат Иорам.

— Хоч-почингизни билмайман.

— Биласиз!

— Сизга айтган гапларимдан бошқа нарсани билмайман!

— Сизнингча, шаҳар бедарвоза экан-да? — дея заҳарханда қилди руҳоний.

— Йўқ, нега энди, ҳазрат, шаҳарнинг дарвозаси бор, пўлат дарвозаси бор!

— Ўша аблаҳдан хочни қанчага сотиб олдингиз?— Ҳазрат Иорамнинг овози титраб кетди.

— Гапнинг очиғи, хоч ҳақидаги сўзларингизга тушунмапман. Агар бу беморлик аломати бўлса, сизга ёрдам беролмайман. Борди-ю, хоч сотиб олиш ниҳоятингиз бўлса, ёки аксинча, уни сотмоқчи бўлсангиз, тўғрисини айтиб қўяқолинг, ёрдам беришим мумкин. Тортинманг, биз пулнинг бетига қарамайдиган одамлармиз...

— «Биз» деганингиз ким?— деб сўради ҳазрат Иорам.

— Биз!— дея қисқа жавоб қилди нотаниш киши.

— Ўзингиз кимсиз?

— Мен ўртада турган одамман.

— Сиз билан гаплашишни хохламайман!

— Мен ҳам...

— Унақа бўлса, хайр...

— Қайта учрашимиздан фойда йўқ, деб ўйлайман. Шунинг учун сиз билан хайрлашаман...— Нотаниш киши ўрнидан турди.

— Кўрқитмоқчи бўляписизми мени?— деди ҳазрат Иорам, лекин ҳозирнинг ўзидаёқ кўрқиб кетгани овозидан сезилиб турарди.

— Йўқ, огоҳлантириб қўйяпмиз!

Бачана ўзига мутлақо тушунарсиз, ғалати бу сўхбатга шу пайтгача индамай қулоқ солиб ётган эди, аммо нотаниш кишининг охириги гапидан қони қайнаб кетди.

— Йигитча, илтимос, бу ёққа келинг!— деди у. Бачана бу сурбет одам билан гаплашиш иштиёқида эмас, балки унинг башарасини эслаб қолиш ниҳоятда эди. Нотаниш киши шошмасдан Бачана томонга юзини бурди ва сохта мулоимлик билан:

— Менга гапиряписизми?— деб сўради. Унинг овози истеҳзога тўла эди.

Бачана титраб кетди. Нотаниш кишининг башараси йўқ эди! Бир қараганда, ҳамма аъзолари жой-жойида — кўзи, қулоқлари, бурни, лаблари, ияги... ҳаммаси бор. Лекин, шунга қарамай, бу одам қиёфасиз эди, унинг юзига на бирор ифода, на бирор маъно бор эди. Бачана бундай одамни эслаб қолиш мумкин эмаслигини, бунақа нусхалар ўзларига керакли кишини ўзлари қидириб топишларини тушунди. Шуни ту-

шундию кўзларини бир лаҳза юмиб, бу антиқа одамнинг қиёфасини хаёлида тиклаб кўришга уринди, аммо уддасидан чиқолмади — нотаниш кишининг шаклу шамойили худди арвоҳдай ғойиб бўлган эди.

Бачана кўзларини қайта очганда, у палатадан чиқиб кетган эди.

— Ким у?— деб сўради Бачана тили айланмай қолган руҳонийдан.— Юзи бу қадар маъносиз одамни умримда биринчи кўришим!

— Одам эмас у. Арвоҳ у...

Ҳазрат Иорамни касалхонага ётқизиб қўйган дард, ҳисоб бўйича, иккинчи инфаркт эди. Муҳтарам китобхон, бу оғир дард Ортачала черковининг нозирини ўлмас «Декамёрон»ни ўқийётган пайтида ёнги авлиё Даниил томонидан авлодларга мерос қолдирилган Валтасар саройидаги базм тасвирини мутулаа қилаётган маҳалида қулатибди, деб эинҳор ўйламасин.

Ҳазрат Иорам ўзи учун мутлақо қутилмаган воқеанинги қурбони бўлди.

1970 йили Парижда муҳожирликда яшаётган грузин князи Саурмаг Амурежиби тўқсон ёшида вафот этди. Князь ёзиб қолдирган васиятномасида жасадини Грузияга олиб бориб, Ортачала черковида жаноза ўқитишни ҳамда ўлимига қадар бўйнига осиб юрган, зумрад терилган тилла хочни ўша черковдаги Биби Марям сиймосига атаб совға қилишни сўраган эди.

Амурежибининг звараси — Кетеван Андроникашвили-Миролубская катта бобосининг васиятини бажо келтирди. Князь Кукия қабристонига дафн этилди. Хоч эса, васиятнома ва тегишли ёрлик билан ҳазрат Иорамга топширилди.

Ёрликда хочнинг тавсифи ва баҳосидан ташқари, унинг Вахтанг Горгасалнинг<sup>1</sup> синглиси Гурандухтга тегишли экани ҳамда ўн олти яшар Горгасал аланлар билан ҳазарлар қўшинини тор-мор келтириб, синглисини тутқунликдан халос этгани ва мазкур хочни ўз қўли билан унинг бўйнига осиб қўйгани ҳақида ёзилган эди.

Бу маълумотларнинг қанчалик тўғри ёки нотўғрилиги ва хочнинг қай йўсинда Амурежибилар хонадонининг табаррук мулкига айланиб қолгани тўғрисида бир нарса дейиш қийин. Аммо у чиндан ҳам қимматбаҳо эди, айниқса, амал-тақал қилиб кун кўраётган Ортачала черкови учун бебаҳо тортиқ эди. Шунинг учун ҳам ҳазрат Иорам уни оллонинг улуғ марҳаматидай қабул қилди.

Ушандан бери ҳар йили Биби Марям кунда ҳазрат Иорам пўлат сандиқда, оппоқ шоҳи ёстиқча устида турган хочни ихлос билан қўлига олиб, Биби Марям сиймоси ёнига келтириб кўярди.

Ибодатга келганлар бешинчи аср қаъридан ўзларига термилиб турган зумрад кўзларга камоли эҳтиром билан лабларини босишар, ҳазрат Иорам билан мунши Авель Аржеванидзе эса уларни энтиқиб кузатишар, зеро, кучли эътиқод туфайли ҳеч ким тарихий ёдгорликлар бўйича француз мутахассислари 250 минг долларга баҳолаган бу муқаддас хочни олиб кетишни хаёлига ҳам келтирмас эди.

Бу аҳвол 1973 йилгача давом этди.

Шундан бир йил олдин, Биби Марям байрамининг иккинчи ҳафтасида ҳазрат Иорам ўз ҳужрасида унсиз ёш тўкиб, гўзал Юсуф ва унинг акалари қиссасини юзини бор қайта ўқиб ўтирган пайтида, бирдан эшик шаҳд билан очилиб, ҳужрага худди осмондан тушгандай, мунши Аржеванидзе кириб келди.

— Салом, Иорамжон!— деди у ўз нозирига тиржайиб ва бир-ҳийқ этиб қўйди.

Кейин, ҳангу манг бўлиб қолган руҳонийнинг елкасига шапатилаб, қилиқ кўрсата бошлади. Аввал боши-

даги қалпоғини ечиб, тош ётқизилган ерга улоқтирди, сўнг ридосини ҳам ечиб ташлади, ундан кейин бўйнида осилиб турган каттақон кумуш хочни олиб, ҳазрат Иорамнинг юзига отди-да, жазова билан кула бошлади.

— Йўқол, иблис!— ўтақаси ёрилган ҳазрат Иорамнинг тили базўр калимага келди.

— Ҳозир кетаман!— деди Аржеванидзе ва руҳоний бирдан оғирлашиб қолган қўлини базўр кўтариб чўқинаётган пайтида бутун христиан оламини бўраллаб сўка кетди:— Ҳаммаларингга минг лаънат! Сенга, ҳам, поп, падарингга ҳам, фарзандларингга ҳам, азиз-авлиёларингга ҳам, моғор босган черковингга ҳам минг лаънат! Тупурдим сизларга! Узимнинг қўланса қалбимга ҳам тупурдим! Мана, бир маза қилинлар!— Мунши шундай деб, олдин чуқур нафас олди-да, кейин хириллаб ўпкасидаги бор ҳавони чиқарди. Ҳужрани тамаки ва ароқнинг бадбўй ҳиди тутиб кетди.— Олинлар, ҳаммасини сизларга бердим!.. Мен кетаман, манови рўдапо сарполар ҳам сизларга тортиқ!— У, ерда ётган қалпоқ билан ридога тупурди-да, оёғининг учига илиб осмонга иргитди.— Манови бир пудлик хочни бўйнингга осиб, ўзингни Курага ташла, сояда, тубидаги тошларнинг ҳавога етсанг!

— Эсингни йиғ, тентак! Худонинг қаҳрини кўзгатма! Куфрона сўзларингни олло эшитса — тилинган айрилсан, касофат!— дея ҳазрат Иорам қутуриб кетган муншини тинчлантиришга уринди.

— Йигирма йилдан бери эшитмаган олло энди эшитадими?! Худонинг қулоғи қар, ҳазрат, қулоғи қар! Арши аълога чиқволади, нуқул чиранади! Ундан кўра, ерга тушиб, Ҳечинашвили клиникасига борса, қулоғи очилиб кетармиди!.. Сенга ҳам маслаҳатим шуки, ҳазрат: манови жандаларингни ташлаб, танангни ўйла! Сенинг руҳингдан кўра тананг азизроқ!.. Сизларни тарк этаман! Ҳеч кимдан қарзим йўқ! Менинг руҳим керакми? Марҳамат, олақолинглар!— Аржеванидзе яна ўпкасини тўлдириб, ҳавога пуфлади.— Танамни эса олиб кетаман!.. Омон бўлсинлар! Арриведерчи!..

Мунши бармоқларининг учини лабига теккизиб, руҳонийга узоқдан туриб бўса йўллади, кейин қалампир ва ичимликдан шишиб кетган тилини биттама-битта санамлар сиймосига чиқазиб кўрсатди, сўнг қўлларини чўнтақларига солди-да, қувноқ бир қўшиқни хиргойи қилганча ҳазрат Иорамнинг ҳужрасидан чиқиб кетди.

Ҳазрат Иорамни ўз ҳужрасидан беҳуш ҳолда топилди. Лекин бу ҳали инфаркт эмасди. Руҳонийнинг бақувват юраги аёвсиз дилозорликка бардош беролган эди.

Инфаркт бир йилдан кейин, Биби Марям байрами арафасида юз берди. Ҳазрат Иорам пўлат сандиқни очиб, шоҳи ёстиқчани қўлига олди-ю, унда машҳур хочни эмас, ачиган редискани кўрди. Биби Марям азбаройи имонни ва ўзига бўлган ихлосни сақлаб қолиш учун бундан кўра енгилроқ мўъжизани ўйлаб топса ҳам бўларди-ку, деган ўй ўтди ҳазрат Иорамнинг кўнглидан ва шу оннинг ўзида у гурсиллаб йиқилди. Бу энди ҳақиқий инфаркт эди.

Ҳазрат Иорам биринчи инфарктга гирифторм бўлганидан кейин, табиийки, Аржеванидзени қамоққа олишди. Аммо иш судгача бориб етмади. Жабрланувчи билан гумондор илк марта юзлаштирилгандан кейин, ноқ тергов тўхтади. Ҳазрат Иорам касалхонадан чиққанидан сўнг бир ҳафта ўтгач, терговчи Аржеванидзени унинг уйига олиб келди. Кузатиб келган милиционерни хонадан чиқариб юбориб, терговчи собиқ муншини руҳонийнинг каравоти ёнига ўтқазди, ўзи эса столга мук тушиб, протокол тузишга киришди.

— Граждан Канделаки, гумон қилинаётган Аржеванидзеге саволларингиз борми?— деб сўради у.

Ҳазрат Иорамнинг ияги титриб, кўзлари жиққа ёшга тўлди.

— Гапир, касофат, иблисдан тарқаган, табаррук хочни кимга сотдинг?— деди у Аржеванидзеге.

<sup>1</sup> Вахтанг Горгасал (502 йилда вафот этган)— Грузия подшоҳи, Тбилиси шаҳрининг асосчиси.

— Муҳтарам терговчи, ҳозир бизнинг черков тилида айтилган сўзлар сизнинг тилингизда энг хунук сўкинишдан ҳам баттар! Бинобарин, бу... коммунистик ғоялар қўпорувчисининг хатти-ҳаракатини майда безорилик сифатида қайд этишингизни сўрайман!— деди Аржеванидзе ўзини иззат-нафис таҳқирланган одамдек кўрсатишга уриниб.

Терговчи Аржеванидзенинг талабига қулоқ ҳам солмади ва ўзи унга савол ташлади:

— Айтинг-чи, Аржеванидзе, хочни сиз ўғирлаганингизга гувоҳингиз борми?

— Гувоҳим — худо!— дея хитоб қилди у қўллари осмонга чўзиб.

— Худога тил теккизма!— Рухоний ўрнидан туриб кетаёзди.

— Аржеванидзе, майнавозчилик қилманг!— деди терговчи собиқ муншига.— Биз худони гувоҳликка чақиролмаймиз, бирорта тирик одамни айтинг!

— Марҳамат: ҳазрат Иорам Канделаки!

— Мен-а-а?— Ҳазрат Иорам каравотдан қулаб тушишига сал қолди.

— Албатта!— деди Аржеванидзе. Собиқ муншининг сурбтелигидан ҳазрат Иорамнинг тили айланмай қолди, у эса давом этди:— Муҳтарам терговчи, бу тухматчидан сўранг-чи, мен черковдан кетганимдан кейин хоч йўқолгунга қадар орадан қанча вақт ўтганини кини?

Терговчи руҳонийга мурожаат қилди:

— Хоч йўқолганини қачон билдингиз?

— Қарийб бир йилдан кейин... Ахир, мен уни пўлат сандиқдан фақат Биби Марям кунига олардим-да... Лекин бунинг аҳамияти йўқ! Олдинроқ ўғирлаган бўлиши ҳам мумкин!

— Энди пўлат сандиқнинг калитини қаерда сақлашини сўранг.

Терговчи саволни қайтарди.

— Мана бу ерда!— Ҳазрат Иорам бўйнида осилиб турган ингичка занжирни кўрсатди.

Терговчи ёзиб кўйди: «Пўлат сандиқнинг калити ҳаммавақт жабрланувчининг бўйнида осилғиқ турган». Кейин янги савол берди:

— Сандиқни қай аҳволда кўрдингиз? Яъни, у очик эканими ёки қулфлоқими?

— Сандиқ берк эди...

— Ўзингиз уни очдингиз?

— Ҳа, ўзим...

— Аржеванидзегга калитни ҳеч берганмидингиз?

— Ҳеч қачон!— деди ҳазрат Иорам ва тергов шу билан тугаганини тушунди.

— Яхшилаб ўйлаб кўринг, отахон... Балки мазангиз қочаётгандир? У ҳолда суҳбатимизни кейинга қолдирамиз.— Терговчининг руҳонийга раҳми келди.

— Мен рози эмасман!— Аржеванидзе ўрнидан туриб кетди.

— Айтинг-чи, отахон,— дея давом этди терговчи,— калит ҳамма вақт ёнингизда бўлганими?

Ҳазрат Иорам фақат бош силкиди: у ҳатто ҳаммомда ҳам калит осилган занжирни бўйнидан ечмас эди.

— Балки бирортаси нусха кўчириш учун калитни ўғирлагандир?

Ҳазрат Иорам шундай бўлиши мумкинлигини ҳам биларди. Лекин бунга ишонмасди, шунинг учун индамай кўяқолишни афзал кўрди. У Аржеванидзени охириги марта инсофга чақирмоқчи бўлди:

— Озгина имонинг қолган бўлса, ростини айт, иблис: хочни кимга, қанчага сотдинг?!

— Иблис ўзингсан!— деб дўқ ўрди собиқ мунши.

— Глданид... иморатни қайси пулингга кўрдинг? Мен черковнинг томидаги иккита сополни алмаштиролмайман, бу бўлса...

— Уй қайнатамга қарашли. Черков масаласига келсак, сендай бир қароқчининг қўлида шу пайтгача бусбутун турганига ҳайронман!

Рухоний гезариб кетди. Терговчи Аржеванидзегга пўписа қилди:

— Яна шунақа гап оғзингдан чиқса, мен сени...— У ўғрилиқда шубҳаланиб қамоққа олинган кишини яна нима қилиш мумкинлигини билолмай, бармоғини силкитиб кўяқолди.

— Уйнинг ҳужжатларини ўзингиз текширгансиз-ку, шундайми?— деб сўради Аржеванидзе. Терговчи бош ирғади.— Бўлмаса нима учун мени кўрқитялсиз? Нимага софдил бир одамни ҳимоя қилиш ўрнига, хурфот ботқоғига ботган кишининг ёнини оляпсиз?!

Терговчи додираб қолди.

— Машина-чи?— дея гапга аралашди ҳазрат Иорам.

— Граждан Канделаки!— деди унга терговчи.— Терговда ишга алоқадор ҳамма масалалар синчиклаб ўрганиб чиқилган... Шунинг учун бошқа гапларни аралаштирманг!

— Машинанинг ишга алоқаси йўқми?— деди руҳоний ранжиб.

— Йўқолган хоч бўйича тергов кетяпти, машинанинг бу ишга алоқаси йўқ, қолаверса, машина граждан Аржеванидзенинг қайнағасига тегишли.

— Менинг бошқа саволим йўқ!— Ҳазрат Иорам чуқур уҳ тортди ва валидол идишининг қопқоғини очишга тутинди.

— Сизда-чи?— деб сўради терговчи Аржевадзе.

— Саволми?— Аржевадзе ўрнидан турди.— Мен, ўз хоҳиши билан диндан алоқасини узган киши ҳамда атеистлар жамяти президиумининг аъзоси сифатида,— дарвоқе, суратим жамятимизнинг Ҳурмат таҳтасига осиб қўйилган,— қатъиян ва расмий равишда талаб қиламан: биринчидан, сурбетларча тухмат қилгани учун бу маърифат душмани бошқаларга ўрناق бўларли даражада қаттиқ жиноий жавобгарликка тортилсин. Иккинчидан, ўзбошимчалик ва тухматнинг бегуноҳ қирбони сифатида мен дарҳол озод қилинишим керак. Ниҳоят, учинчидан, ноиложликда ишдан қолганим туфайли мен кўрган зарарни қоплаш мажбурияти жиноятчи Канделаки зиммасига юклансин! Шу билан гапим тамом!— Аржеванидзе лабларига сачраган кўпикни артиб, жойига ўтирди.

— Кимнинг зиммасига нима юкланишини одил суд ҳал қилади, мен сиздан бунга сўраётганим йўқ! Агар граждан Канделакига саволингиз бўлса — беринг!

— Хўп бўлади!— Аржеванидзе яна ўрнидан турди.— Мен бу шайтон ва жоҳил одамдан бир нарса ни сўрамоқчиман: грузин халқининг мулки, ноёб ёдгорлик бўлган малика Гурандхутнинг хочини у қаёққа яширган?

Терговчи руҳонийга савол назари билан қаради. Шунда ҳазрат Иорамнинг хотирига ёшлигида юз берган бир воқеа келди...

...У ўнинчи трамвайда стадионга кетаётган эди. Трамвай бозор бекатига етганда кимдир унинг чўнтагига қўл солди. Иорам киссавурнинг қўлидан маҳкам ушлади, аммо оғиз очишга улгурмасидан, киссавур унинг юзига тарсаки тушириб, ўдағайлаб кетди:

— Уялмайсанми, йигитча?! Кўринишингдан туппагузук, маданиятли болага ўхшайсан, ҳойнаҳой, бамаъни оиладан бўлсанг керак! Чўнтагимга тушиб ўтирибсан-а! Уят эмасми!!

Трамвайдагилар ёппасига Иорамга ёпиша кетишди. Иорамнинг юриб кетаётган трамвайдан сакраб тушиб қолишдан бошқа иложи қолмади...

Ҳазрат Иорам шу воқеани эсладию юзи чўғдай ёниб, кўзларига ёш келди.

— Хўш, бунга нима дейсиз, отахон?!— деб сўради терговчи.

Ҳазрат Иорам аста каравотдан тушди-да, оёқланг, фақат ички кўйлақда нариги хонага кириб кетди. Бобосидан қолган каттакон ханжарни осилғиқ турган жойидан олиб, бир чўқиниб кўйди, кейин уни қинидан суғурди-да, икки қўллаб боши узра кўтарганча важоҳат билан, терговчи ва Аржеванидзе ўтирган хонага чиқиб келди.

— Даф бўл, иблис!— деб қичқирди руҳоний ва кучининг борича Аржеванидзенинг бошига ханжар билан туширди. Собиқ мунши ўзини аранг четга олди, ханжар шувиллаганча ҳавони кесиб ўтиб, стул суянчиғини иккига бўлиб ташлади.

Ҳазрат Иорам ханжарни бир четга отди.

— Кетинглар!— деди у бўғиқ овоз билан ва ўзини полга ташлаб, ҳўнграб йиғлаб юборди.

Терговчи бундан кейин сўроқни давом эттириш ва протокол тузишдан фойда йўқлигини тушунди. У дарҳол чиқиб кетмаса, санамлар билан безатилган ушбу хонада қон тўкилиши мумкин эди. Терговчи шунини тушунди гумон остидаги кишини етаклаб, ўғри урган Ортачала черкови нозирининг уйини шоша-пиша тарк этди...

Ҳазрат Иорамни қулатган ва ҳозир Бачана билан ёнма-ён ётқизиб қўйган иккинчи инфаркт яқинда — бунда икки ой муқаддам юз берди. Уша кунини тунда у кўпчиликка таниш бир раҳбар ходимнинг қазо қилган қайнатасига жаноза ўқий учун яширинча унинг хонадонига таклиф этилган эди.

Ҳазрат Иорам ҳатто тобутга яқинлашишга ҳам улгурмади — оstonадан ҳатлаши билан уй бекасининг ўйма ёқали кўксида ярқираб турган хочга... шоҳ Вахтанг Горгасалнинг синглиси Гурандухтга қарашли хочга кўзи тушдию гуппа ағдарилди.

«...Тез ёрдам» замбилида ҳушига келган ҳазрат Иорам ўзи интизор бўлган табаррук хочни эмас, оппоқ қутичага чизилган каттакон қизил хочни кўрди. Кейин йўл бўйи, то касалхонага етгунча, ўзига таниш бухўр исини эмас, кўнгилини айнитувчи нашатир ва камфара бўйини ҳидлаб кетди...

Биринчи инфарктдан кейин «кўзи очилган» ҳазрат Иорам бу гал нима сабабдан дардга чалингани тўғрисида бировга чурқ этмади. У қисматини олло ихтиёрига топшириб, одил суддан юз ўғирган эди. Эртами-кечми, гуноҳкорлар худонинг ғазабига учрашига у астойдил ишонар эди.

Ҳазрат Иорамни фақат бир нарса қийнади: нима учун олло таоло бошқа бировга эмас, айнан унинг бошига мусибатлар соляпти? Нима учун шунча азобу уқубатлар бошқа кимсага эмас, унинг чекига тушяпти?

Ҳазрат Иорам шулар ҳақида ўйларди-ю, ўйининг охирига етолмас эди.

Бачана ҳазрат Иорамни таажжубланиб кузатарди. Анови ғалати киши келиб кетганидан кейин руҳоний таниб бўлмас даражада ўзгариб қолди, ҳатто гапирмай ҳам қўйди. Бунга сабаб лоқайдликми, хафаконликми, қўрқувми — буни Бачана у ёқда турсин, ҳатто ҳазрат Иорамнинг ўзи ҳам билмасди. Аммо ўзига хос бир мўъжиза юз бергани аниқ эди: руҳоний ўша хонадоннинг адресини ҳам, хўжайинларининг исми шарифларини ҳам тамоман унутган эди. Шу даражада унутган эдики, гўё қиёфасиз нотаниш киши ҳазрат Иорам миясининг ўша даҳшатли тун хотиралари сақланаётган бўлагини пичоқ билан шартта кесиб олиб ташлаган эди...

Ётиб қолганининг асл сабабини Бачанага ҳазрат Иорам касалхонадан чиқишига бир ҳафта қолганда гапириб берди. Аммо Бачана қанчалик уринмасин, қанчалик ялиниб-ёлвормасин, ҳазрат Иорам хочни бўйнига осиб олган ўша аёлнинг фамилиясини айтмади. Бундан қатъиян бош тортиди.

Тбилисида грипп касаллиги тарқалди. Касалхонада йигирма кунлик карантин эълон қилинди. Профессорнинг буйруғи билан беморларнинг олдига таниш-билишлар у ёқда турсин, ҳатто яқин қариндош-уруғларни ҳам киритмай қўйишди. Коридорларда оғзига доқа

тутган касалхона ходимлари худди шарпадай изғиб юришарди. Профессорнинг шаҳсан ўзи палаталарни кунига уч мартадан айлиниб чиқарди. Касалхона ҳатто пашша ҳам киролмайдиган қамални эслатар эди. Бинобарин, бир кун эрталаб палата эшиги ланг очилиб, останада болаликдаги дўсти Вахтанг Амбокадзе жилмайиб турганини кўрган Бачана донг қотиб қолди.

— Вахо!— дея қичқириб юборди у ўрнидан хиёл кўтарилди.

— Соддаларнинг султони, азизим Бачога саломлар! Амбокадзе каттакон тугунни столга қўйди-да, Бачананинг ёнига келиб, бесўнақай қўллари билан уни бағрига босди, кейин ёстиққа оҳиста ётқизиб, дангал буюрди:

— Ёт, қимирлама! Профессор сени қимирламасин, деди. Салом!— У ҳазрат Иорамга ўгирилди.

— Саломат бўлсинлар!— деб жавоб берди руҳоний.

— Қанақа қилиб кирдинг бу ерга?— Бачана ҳамон ўз кўзларига ишонмасди.

— Гапингни қара-ю! Одамлар банкка кириб пулни олиб чиқиб кетишади! Сенинг ёнингга кириш ҳам иш бўлтимми?— Амбокадзе кулди.

— Қайси шамол учирди?— дея яна саволга тутди оғайнисини Бачана.

Амбокадзе ҳазрат Иорамга бир қараб қўйди.

— Дарвоқе, танишинглар,— деди эсига тушиб Бачана,— бу менинг минг йиллик дўстим Вахтанг Амбокадзе, бу киши палатадош дўстим, Ортачала черковининг нозирини — ҳазрат Иорам Канделаки.

— Ие, руҳонийлар ҳам инфаркт бўларкан-да? Ахир, уларни худо ўз паноҳида асраши керак эди-ку?— Амбокадзе очиқ чеҳра билан жилмайиб, ҳазрат Иорамнинг қўлини маҳкам қисди.

— Қани, ўтир, гапир! Қаёқларда юрибсан? Мени нечук эслаб қолдинг?

Амбокадзе стулни Бачанага яқин суриб ўтирди-да, бошини чайқаганча унга бир оз тикилиб турди, сўнг жавоб берди:

— Юрибман-да... тупроқдан ташқари дегандай... Келувдим. Болаларни кўрдим. «Бачо хайр-маъзурни насия қилмоқчи», деб қолишди

— Хайр-маъзуринг нимаси?— деб сўради тушунмай Бачана.

— Яъни, ўлмоқчи, дейишди. «Нега ўлар экан?», десам, «Ким билади, қаттиқ инфаркт бўлган экан, қўллари кўксида чалкаштирганча ўлимини кутиб ётибди», деб жавоб беришди. «Бўлмаган гап! У ярамас сенларни лақиллатган! Мен билан хайрлашмасдан ўлиб бўпти!», дедим уларга. Кейин бу ёққа қараб жўнадим. Малхазни ҳам бирга келди, лекин уни киритишмади, қаққайиб турибди кўчада.

— Сени қандай киритишди?

— Тўппа-тўғри профессорга учрашдим. «Муҳтарам профессор! Рамишвилининг олдига киришга рухсат беринг, ўн беш йил бўлди кўрмаганимга!», дедим. «Ўзингиз кимсиз?», деб сўраб қолди профессор. «Ҳеч ким эмасман, оддий одам», дедим. «Агар оддий одам бўлсангиз майли, кириш, рухсат бераман!», деди. Қойилман! Умрим бино бўлиб, букўжа яхши профессорни энди кўришим!

— Алдаясан! Яна нима дединг унга?

— Нима дердим! Бахтиқаро етимчаман, дедим...

— Товламачисан!— Бачана кулиб юборди.

— Тўғри... Қани, гапир, тузукмисан? Юрагинг қалай?

— Қутулиб қолдим шекилли.

— Демак, бирга қутулибмиз... Менга қара, профессор атиги уч минутгина вақт берган... Мана бу ерда дорилар бор...— Амбокадзе столдан тугунни олди.

— Шошма, дорини кўятур!— дея унинг гапини бўлди Бачана.— Ўз ҳисобимдан яна уч минут вақт бераман. Гапирмоқчи, қаерда эдинг, нима ишлар қилдинг, яна қанча турасан, бу ёғига нима қилмоқчисан? Балки бирор ёрдамим керакдир?

— Менга сенинг соғлигинг, тинчлигингдан бўлак



ҳеч нарса керак эмас! Ваҳтанг Амбокадзеге ёрдам берадиган одам ҳали онадан туғилмаган...

— Ҳа, яна озгина ўтир, дийдорингга бир тўйволай!..

— Бўпти, тўйсанг тўяқол, лекин профессорга ўзинг жавоб берасан!— деди Амбокадзе.

— Хўп!— Бачана рози бўлди.

— Оббо, сен-эй... Дарвоқе, анови ишдан хабаринг бор-а?— Амбокадзе яна ҳазрат Иорамга кўз қирини гашлади.

— Гапиравер, гапиравер, ўзимизнинг одам!— деди кулиб Бачана.

— Ҳа... Лоткин тоғида! туннель қазиган пайтларимни биласан...

Бачана бош силкиди.

— Қаерда у?— деб сўради ҳазрат Иорам ҳайрон бўлиб. У Тбилисида туғилиб ўсган бўлишига қарамай, бунақа туннелни сира зшитмаган эди.

— Э-э, сизнинг черковингиздан кўринмайди, отахон!— деди Амбокадзе ва сўзида давом этди:— Уша иш учун олти мингдан ўн икки минггача мукофот олишимиз керак эди. Биз икки киши бўлганимиз учун— мен билан Бажажгана— олтитадан тегди, бунинг устига Архангельска йўлланма ҳам беришди... Тўрт йил ўша ерда бўлдим. Ўзинг биласан, бекор қирилмайман. Ярим тайгани қирқиб, ёғочсозлик саноатига катта ёрдам кўрсатдим. Кейин олисга чопиш мусобақасида қатнашдим. Ун киши эдик. Архангельскдан то Қарағандাগача...

— Яёвми?— деб сўради ҳазрат Иорам ишонқирамай.

— Гоҳ яёв, гоҳ поездда...

— Бари бир зўр экансизлар!— дея мақтаб қўйди руҳоний.

— Орқага шалағи чиққан вагонда қайтдик. Маррага атиги уч киши етиб борди. Бунинг учун яна икки мингдан беришди. Олтига иккини қўшсак — саккиз... Кейин Москвага келдим. Оғайниларим туннель қазиш бўйича йирик мутахассис сифатида мени яна катта бир ишга таклиф қилишди. Ажойиб туннель қазидим-у, лекин охирига етай деганда ўпирилиб тушди... Уч киши ҳалок бўлди. Ёлғиз мен омон қолганим учун етти минг ўзимга тегди. Сведрловска йўлланма ҳам... Етти билан олдинги саккиз — ўн беш. Тўғрими?

— Тўппа-тўғри!— деди Бачана.

— Ҳозир Тбилисидаман. Келганимга уч кун бўлди. Ҳозирча бекорчиман, бироқ айтишларича, менбоп иш тиқилиб ётганмиш бу ерда... Аммо-лекин, пенсияга чиқсаммикан, деб турибман. Етар, а? Дам олайин энди. Чарчадим, оғайни, жуда чарчадим...— Амбокадзе оғир хўрсинди.

— Мана бу бошқа гап!— Бачана севиниб кетди.— Албатта, пенсияга чиқиш керак! Тўғри ўйлабсан! Мендан нима лозим бўлса, ҳаммасини қиламан! Ўл десанг ўламан, фақат гапингдан қайтма! Утиниб сўрайман! Уйинг йўқми? Меникида тур! Вахо, азизим, пенсияга чиқаман, деб сўз бер!— Бачананинг овози титраб кетди.

— Нималар деяпсиз, Бачана Акакиевич, пенсияга бало борми? Отни урса ўлдиради бу одам ҳали!— деб хитоб қилди ҳазрат Иорам.

— Касбим жуда оғир, отахон,— деди синиқ жилмайиб Амбокадзе.— Қирқ бешга кирган бўлсам, шундан ўттиз йилини ёпиқ хоналарда ёки ер остида ўтказдим...

— Тўғри,— дея унинг гапини маъқуллади руҳоний,— туннель қазиш осон эмас, лекин савоб иш!

— Жон деб касбимни алмаштирган бўлардим сиз билан!— Амбокадзе кулди.

— Вахо, бу гапни иккинчи марта айтяпсан!— деди Бачана.

— Бўлди, тамом! Чарчадим! Етим Гуржи айтгани-

дай, ўзим туғилиб ўсган Тбилисимда ўлмоқчиман! Эсингдами?

Она шахрим Тбилиси, салом сенга юракдан, Саёқ ўғлинг бағрингдадир, келдим яна

йироқдан!

— Демак, гап битта, Ваҳтанг!

— Бўлди, Бачо, гапим гап!— Амбокадзе ўрнидан турди.— Дарвоқе, дори!— У тугунни ечиб, Бачананинг каравотига бир талай ампула, таблетка ва порошокларни тўқди.— Мана бу атероид, мана бу интен-саин, мана бу панангин, булар кордарон, перитрат, персантин, мана булар эральдин, пульснорма, сустак, бу эса жиниларнинг дориси — валиум!

— Эсинг жойидами, Вахо! Шунча дорини қаёқдан олдинг?— дея ҳайратдан Бачананинг оғзи очилиб қолди.

— Эшитдингизми, отахон? Умрим бўйи шу! Ҳамма фақат шу аҳмоқона саволни беради — қаёқдан олдинг, қаёқдан олдинг? Қаёқдан олган бўлсам, олдим-да! Узумини егин-у, боғини суриштирма!

— Ахир, бу дорилар жуда қиммат туради. Жудаям қиммат!— деди Бачана ўйчан ва порошок ҳамда ампулаларни худди бебахо марвариддай биттама-битта қўлига олиб кўра бошлади.

— Бу ҳақда пулини тўлаган одам ўйласин, сенга нима?— дея ҳазиллашди Амбокадзе.— Сиз ҳам инфаркт бўлганмисиз?— деб сўради у руҳонийдан.

— Ҳа, инфаркт, кейин дунёда қанақа касаллик бўлса, ҳаммасидан бор!— деди ҳазрат Иорам хўрсиниб.

— Унақа бўлса, модомики бирга яшаб, битта нонни биргалашиб еяр экансизлар, бу бойликнинг қоқ ярмиси ҳурматли отахонга тегишли. Қонун ҳамма учун бир!.. Хўп, мен кетдим, вақтим тугади! Гриппингга тулурдим!— Амбокадзе Бачанани кучоқлаб, маҳкам бағрига босди.— Хайр, отахон!— деди ҳазрат Иорамга юзланиб ва тез эшикка қараб юрди. Остонага етганда орқасига ўгирилиб, Бачанани ниҳоятда мулоийм ва маъюс нигоҳ ташлади. — Улишни хаёлингга ҳам келтирма, Бачо!

Амбокадзе қаттиқ хахоллади-да, палатадан чиқиб кетди.

— Бу олийҳиммат христиан ким эди, ҳурматли Бачана? Миннатдорлик билдиришга ҳам улгуролмай қолдим!— деди ҳазрат Иорам.

— Ўғри бу, отахон! Уччига чиққан ўғри!— деб жавоб берди Бачана ва қўйилиб келган кўз ёшини базўр тийди.

19

Бачана машинани йўл четида тўхтатди.

Самадло! даласи ва тепаликлари оппоқ қор кўрпасига бурканган эди. Теварак-атрофда тирик жон кўринмайди. Олис қишлоқдаги уйларнинг муриларидан кўтарилаётган оқиш тутун буралиб-буралиб юқорига ўрлар ва беғубор осмонда ғаройиб шакллар ҳосил қилар эди. Яккам-дуккам яланғоч дарахтлар учрашиш иложи йўқлигидан адойи тамом бўлган ва бир-бирларига қўлларини чўзганча тош қотган ошиқ-маъшуқларга ўхшарди.

Бачана машинадан тушди-да, гилдиракларни кўздан кечириб бошлади. Мария ҳам пўстинини ечиб, машинадан чиқди ва Бачанани ҳеч нарса демай, қор босган далага қараб чопиб кетди.

— Қаёққа?— деб қичқирди унинг орқасидан Бачана.

Мария жавоб бермади. У тиззасига қорга ботиб, чопиб борарди. Оёғига қўнжи узун қизил этик кийиб, елкасига каттакон гулдор рўмол ташлаб олган Марианингни ўзи ҳам улкан гулни эслатарди. Бачана қор устида сузиб кетаётган бу жонли гулга қалби тўла қувонч ва ғурур билан қараб турарди, зеро бу гул бошқа бировга эмас, фақат унга тегишли эканини яхши биларди.

Мария бирдан тўхтаб энгашди-да, иккала қўли билан қорни ҳовучлаб, бошидан сочди.

— Бачана, бу ёққа кел!— деб чақирди.

1 Лоткин тоғи — Тбилиси яқинидаги жой.

1 Самадло — Тбилиси яқинидаги жой.

Бачана почапўстинини ечиб машинага ташлади ва Мариянинг изидан кетди. Бирдан унинг чопгиси, тўйиб-тўйиб қорга думалагиси келди. Мариянинг ёнига бориб, уни даст кўтарди-да, чирпирак қилиб айлантира бошлади, кейин икковлари бараварига йиқилиб, қорга кўмилиб кетишди. Кўзларию қулоқларигача қорга беланган Мария билан Бачана қийқириб, ҳарсиллаб, яна анча маҳалга умбалоқ ошишди. Ниҳоят, қолдан тойгач, чалқанча тушганча жим бўлиб қолишди. Мария қулочини кенг ёзиб ётар, кўкиштоб қора сочлари қор устига ёйилиб кетган, таранг кўкраклари кўтарилиб-кўтарилиб тушар эди. У ҳозир овчилар таъқибдан қоча-қоча қор устида йиқилиб қолган оҳуни эслатарди.

Бачана Мариянинг латиф чехрасига узоқ ва энтиканча тикилиб турди, охири чидаёлмай, унинг музлаб кетган, чучварадай-чучварадай қулоқларини кафтлари орасига олиб, қайноқ лабларига лабини босди.

Энди улар бир одамдай нафас олишар, бир хил эҳтиросга фарқ бўлишган эди. Икковлари ҳам юракларининг бетоқат уришига қулоқ солган кўйи анча маҳал қимир этмай ётишди.

— Тур!— деди Мария бирдан Бачанани кўкрагидан итариб.

Бачана ўрнидан турди.

— Тескари қара!

Бачана тескари қаради. Салдан кейин яна аёл томонга ўгирилди-ю, кўзларига ишонмай қолди: рўпарасида Мария бамисоли фариштадай, вужудидан нур ёйилиб, қип-яланғоч бўлиб турарди.

Бачана кўзларини бир юлиб, яна очди. Мария энди қор устида худди уйқуга кетгандай ётарди. Бачана шошиб тиз чўкди-да, билагини унинг елкаси остидан ўтказиб, сийнасига лабларини босганча пичирлади:

— Нима қилганинг бу, тентак, шамоллаб қоласан!  
— Мен бу кунни икки йил кутдим, азизим... Мана, ниятимга етдим. Энди қуёшим ўз ёнимда... Шамоллашинг нимаси?— Шундай деб, Мария Бачанани бағрига тортди.

...Кейин офтоб ерга тушди. Самадлонинг қор босган даласи бўйлаб айланиб, Одам Ато билан Момо Ҳавонинг икки фарзанди устига оппоқ, иллик тўшак ташлади, уларнинг ёнига ёнбошлаб, то ширин уйқуга кетгунларича узоқ алла айтди, кейин яна мусоффо осмон гумбазига кўтарилди.

...Бачана сапчиб ўрнидан туриб, офтобда ярқираб ётган бўм-бўш далага ҳадиксираб назар ташлади. Улар ёлғиз эдилар — Мария, Бачана ва офтоб.

Бачана машинага қараб югурди, пўстинни олиб, яна Мариянинг ёнига қайтди, уни пўстинга ўради-да, кўлида кўтариб, машинага олиб келди.

Сал ўтмай улар кимсасиз йўлдан пастга, Тбилисида қараб жўнашди. Бачана Шавнабада черкови ҳовлисида Мария ўқиган шеърни эслади:

Эх, офтобжон, офтобжон,  
Тоғ ортига беркинма.  
Қалтирайди қиз шўрлик,  
Тафтингни дариг тутма.  
Қучоғингга ол уни,  
Айт севги ашуласин.  
Кутмайди соҳибжамол —  
Топиб кетар бошқасин!

Мария орқа ўриндиқда ўтирган кўйи йиғларди. Аммо бу — камситилган, таҳқирланган аёлнинг йиғиси эмасди. Бу бутунлай бошқача йиғи, аниқроғи — Бачанага нотаниш, мавҳум ва тушунарсиз аллақандай хотиралар билан абадий видолашув эди. Бачана буни ич-ичидан ҳис қилиб борар ва, бинобарин, йиғлаб кетаётган Марияга тасалли беришга ошиқмас эди.

Сумкаларини орқалаб Кокжор интернатидан қайтаётган болакай билан қизалоқ ғалати манзарани кўриб, таққа тўхтаб қолишди.

— Қарагин-а, Натил!— деб хитоб қилди болакай кўлини чўзиб.

Самадло даласига ястанган қордан тип-тиниқ, мовий аланга кўтариларди.

Бачана эшик тутқичига қистирилган хатни олди. Редакторлик сезгиси ўзини кўрсатди — имзосиз бўлса керак, деган ўй ўтди кўнглидан. У хатни чўнтагига солди-да, эшикни очиб, хонага кирди, бориб ёзув столи ёнига ўтирганидан кейингина конвертни очди.

Хат ростдан ҳам имзосиз эди, бунинг устига, конверт ичидан бир талай беҳаё суратлар ҳам чиқди.

Бачананинг кўлидан юзлаб имзосиз хатлар ўтган, лекин бу қадар безбетлик ва қабоҳат билан ёзилган хатни у ҳали учратмаган эди.

«Ҳурматли Бачана Акакиевич!

Эшигингиз тепасида қизил фонус пайдо бўлгани билан табриклайман. Машҳур фоҳиша, Тбилисидаги жамики бузуқ хотинларнинг устози сизнинг сиймонгизда ўзига яна битта соғин сиғир топибди (афсуски, сизни буқа деб бўлмади). Барча таносил касалликларини ўзида жамулжам этган бу аёл сизни ўз «муҳаббати»дан ўта сахийлик билан баҳраманд этаётганига ажабланмаса ҳам бўлади! Чунки унинг учун муҳаббат шундай бир озуқаки, бу озуқа билан чорвачилик фермаларида кўпроқ сут олиш мақсадида сиғирларни боқишади. «Сут»ингиз тугаганидан кейин, ҳурматли Бачана Акакиевич, уйингизни безаб турган ва ҳозир сиз ёруғида мазкур имзосиз хатни ўқиётган қизил фонусни олиб ташлашдан фойда йўқ! Гарчи хат имзосиз бўлса ҳам, лекин уни сизга астойдил ичи ачийдиган бир одам битган. Обрўйингизга доғ туширманг!»

Бачана хатни бир четга суриб, пешонасига тизилган совуқ терни ёртди. У мактубни ўқиркан, қулоғи остида таниш, жуда ҳам таниш бир овоз жаранглаб турди. Гарчи хат аёл кишининг кўли билан ёзилган бўлса-да, ундаги ҳар бир сўзни эркак кишининг бақувват кўли Бачананинг миясига миҳлаётганга ўхшарди. Миҳлаганда ҳам хотирадан умрбод суғуриб олиб ташлаб бўлмайдиган қилиб миҳларди. Лекин овоз-чи? Қачон, қаерда эшитган эди бу овозни? Эслаш керак, эслаш керак!... Аммо, Бачана ҳарчанд уринмасин, бунинг урдасидан чиқолмади, сўнг ноилож суратларни кўздан кечири бошлади. Бундан ортиқ жирканч ва уят нарсани тасаввур қилиш мушкул эди. Аини пайтда... суратларнинг ҳақиқийлигидан шубҳаланиш қалбаки ишнинг буюклигини тан олиш билан баробар эди... Бачананинг кўз олди қоронғилашиб, чанкалари зирқираб кетди. Гўё осмон босиб тушайтгандай бўлиб, ўзини қўйишга жой тополмай турган пайтида бирдан жаҳаннам қаърида зиғирдеккина умид учқуну милтиллаб қолди. Суратлардан бирда у... қип-яланғоч Мария ни кўрди. Худди мана шу сурат Бачананинг жонига ора кириб, қаллобни шафқатсиз фош этди: Бачана Мариянинг баданини танимади. Суратдаги чехра Марияники бўлса ҳам, лекин у аслида Мария эмас эди!

Бачана суратни столга ташлади... Кейин у Мариянинг Биби Марям сиймоси қаршисида тиз чўкиб турган пайтини, оппоқ қорга бурканган Самадло даласини эслади, шуларни эсладию бирдан дунё кўзига қоронғи кўриниб кетди... Юраги бўм-бўш бўлиб қолган Бачана ўртоқларидан бирортасига кўнгиноқ қилиб, дардлашиш ниятида телефон трубкасига қўл чўзди. Аммо бирорта ҳам номерни эслай олмади, ҳатто бирорта дўсти бор-йўқлигига ҳам ақли етмай қолди... Шундан кейин Бачана трубкани жойига қўйди.

Уша имзосиз хат олинганидан сўнг орадан бир ҳафталаб ўтгач, Бачана билан Мария Соғанлуғ ресторанининг мўъжазгина хонасида ўтиришарди. Стол устида икки шиша вино ҳамда Мариянинг севимли таоми — қовурилган картошка ва ёнғоқ мағзи турарди.



Бачана камгап эди. Қосагулликини ўз қўлига олган Мариянинг эса вақти чоғ бўлиб, шеърят, тарих, санъат ҳақида, ҳайвонлар, дельфинлар, юлдузлар, учиб юрувчи тарелкалар тўғрисида, муҳаббат, боқийлик ва фонийлик хусусида тинмай гапирарди. Бачана нуқул вино хўпларди. Агар Мариянинг фикрига қўшилса, бош силкиб кўяр, қўшилмаса — баҳслашиб ўтирмасди. У Мариянинг меҳр ва муҳаббат чақнаб турган шахло кўзларига тикилганча индамай ичарди. Мария Бачананинг хомушлигини сезиб турган бўлса ҳам, ундан ҳеч нарсани сўрамас ва аҳён-аҳёндагина савол ташлаб кўяр эди:

— Гапимни эшитяпсанми, азизим?

Бачана бош силкири, Мария эса яна давом этар эди. Аммо-лекин Бачана ўз хаёли билан банд эди, у Мариянинг ўтмиши ёки келажаги, унинг самимияти ва садоқати, чиройи ва ақли ҳақида эмас, бутунлай бошқа нарса тўғрисида ўйларди. Ҳозир ички чўнтагида турган ва вужудини лаҳча чўғдай куйдираётган имзосиз хатни Марияга кўрсатсинми-йўқми — уни яққаш мана шу даҳшатли фикр азобларди.

Мария стаканга вино тўлдиргач, бирдан сўраб қолди:

— Нега менинг ўтмишимни сўрамайсан?

Бачана сесканиб кетди.

— Нима дединг?—У саволга жавоб бериш учун вақтдан ютмоқчи эди.

— Наҳотки, ўтмишим сени қизиқтирмасе? Уч йилдан бери бир-биримизни севамиз, лекин сендан олдин қандай яшаганим тўғрисида шу пайтгача бирор марта ҳам сўрамадинг...

— Қизиги йўқ менга, шунинг учун сўрамайман,— деб жавоб берди Бачана кўзини олиб қочиб.

— Елғон... Жудаям қизиқасан, лекин сўрамаяпсан! Нима учун? Чунки ўзим гапириб беришимни кутяпсан. Шундай эмасми?

Бачана бошини эгди.

— Қўрқасан, азизим. Тўғри қиласан... Узим ҳам кўрқаман... Мария бир қултум вино хўплаб, ҳаяжондан қуруқшаб кетган лабларини хўллади,— сендан кўра кўпроқ кўрқаман... Утмишни эслашдан эмас, сендан айрилиб қолишдан кўрқаман.

— Ке, кўй, Мария, ўтиришимизни бузмайлик...— дея илтимос қилди Бачана.

— Аллақачон бузилиб бўлган... Эрталабдаёқ... Гапир, азизим, нима бўлди ўзи? Ҳаммасини сезиб турибман-ку...

— Онт ичаман, ҳеч нарса бўлгани йўқ!

— Осонгина онт ичавераркансан-да!— Мария жилмайди. У стаканни кўтариб, ичимлик орасидан чироққа қаради, кейин аста сўз қотди:— Қайси биримиз олдин ўлсак, ўшанинг учун ичамиз!

— Мария, илтимос, кечамизни азага айлантирма... Кайфинг чоғ эди-ку, нима бўлди сенга?

— Ич!

Бачана ичиб юборди. Мария яна қўйди.

— Энди гапимга қулоқ сол... Мен ҳаётимда беш марта ўлиб, беш марта қайта тирилганман. Биринчи марта кўрқув ичида ўлиб, ёлғиз яшаш учун тирилдим... Иккинчи марта ёлғизликда ўлиб, муғомбир бўлиб тирилдим... Учинчи марта муғомбирликда ўлиб, бепарво бўлиб тирилдим... Тўртинчи марта бепарволикда ўлиб, нафрат билан тирилдим... Бешинчи марта нафрат билан ўлиб, муҳаббат билан тирилдим... Мана ҳозир улкан, беадад муҳаббат билан яшяпман, шуки яхши биламанки, энди муҳаббат билан ўламан. Бу менинг сўнги ўлимим бўлади... Бу ўлимдан кейин ҳеч қачон қайта тирилмайман. Мен боқий муҳаббат бағрига сингиб кетаман... Улимдан кўрқмайман... Шу қадаҳни олтинчи ва сўнги ўлимим учун ичаман!

Мария стаканни бўшатиб, Бачананинг кўзларига қаради.

Бачана бу ажойиб аёлга тикилиб турар ва нима деб жавоб қайтаришни билмас эди. Орага узоқ, ноқулай жимлик чўкди. Бачананинг назариде ўтирган хоналари иккига бўлингану Мария бир томонда, унинг

ўзи иккинчи томонда қолгандай эди. Мария ўтирган томон соф ҳавога, ҳароратга, ҳаёт ва муҳаббатга тўла бўлса, Бачана даҳшатли, юракни орзиқтирадиган, ҳавоси йўқ бир бўшлиқда ўтиргандай сезарди ўзини. Бўғилиб ўлмаслик учун у тез ўрнидач турди-да, столни айланиб ўтиб, Мариянинг ёнига ўтирди ва елкасидан қучиб, гўё ҳамиша навқирон умр дарахтига суянгандай, бошини унинг кўксига қўйди... Мария Бачананинг сочларидан ўпиб, жуда хотиржам оҳангда сўради:

— Айтсанг-чи, нима азоб берапти сенга?

Бачана ички чўнтагидан имзосиз хат билан беҳаё суратлар солинган конвертни чиқардию титраб-қақшаб Мариянинг олдига қўйди. Мария конвертга узоқ тикилиб турди, сўнг учи очди. Аввал суратларни обдан кўздан кечирди, кейин хатни ўқий бошлади.

Аёлдан кўз узмай ўтирган Бачана унинг чеҳрасида бирон бир ўзгариш сезмади. Аммо, Мария хатни ўқиб бўлиб, катта-катта кўзларини унга қадаганида, қанчаллик машъум хатога йўл қўйганини Бачана тушунди. Мариянинг нигоҳида у ғазаб ёки нафратни эмас, балки икки тубан одамга, яъни имзосиз хат муаллифи билан ўзига нисбатан қаттиқ ачиниш ифодасини кўрди.

Мария ўрнидан турди.

— Аёл кишини ёлғизлик йўлдан оздиради, азизим. Эракни ҳам. Шунинг учун ҳеч қачон ёлғиз бўлиб қолмасликка ҳаракат қил...

Бачана бир соат кутди, икки соат кутди, уч соат кутди ҳамки, Мария қайтиб келмади. Бу ғалати аёлнинг ғурури Бачана ўйлаганидан кўра ҳам баландроқ бўлиб чиқди.

— Э-э... ҳамроҳингиз кетиб қолганига анчагина бўлди... деди ниҳоят официант журъат этиб.

— Ҳа, ҳа, биламан,— деди гарангсиб қолган Бачана.

— Маъзур тутасиз... Ресторан бекиляпти... Агар йўқ демасангиз...

— Албатта, албатта... Қанча беришим керак?

Бачана узатилган қоғозга ҳам қарамай ҳисоб-китоб қилди. Официант кетди.

Бачана хат билан расмларни парча-парча қилиб йиртди-да, кулдонга ташлаб, зажигалка тутди. Олдин сурат парчалари ёна бошлади. Бачана қиймаланган инсон танасининг аввалига шижинқиараб, сўнг эриб кулга айланишини бир зум кузатиб турди. Кулдон унга жажжигина дўзахни эслатди. Аданга имзосиз хатни чуллаганда Бачананинг қулоғи остида яна таниш овоз жаранглади. У тошдай қотиб қолди: хатдан Сандро Маггларперидзенинг овози эшитиларди.

20

Ҳазрат Иорамга душанба куни касалхонадан чиқишга рухсат беришди, аммо у, эртага кетаман, дея оёқ тираб туриб олди.

Уша кунги тун Бачананинг хотирасида бир умрга муҳрланиб қолди.

...Ярим кечага яқин ҳазрат Иорам аста ўрнидан турди-да, оёқ учида юриб, Бачананинг қаравоти ёнига келди. Бачана ўзини ухлаганга солиб ётаверди.

— Бачана Акакиевич!— деб чақирди руҳоний шиврлаб.

Бачана миқ этмади. Унинг уйқуга кетганига ишонч ҳосил қилган руҳоний қаравот ёнига тиз чўкди.

— Э парвардигори олам!— деди ҳазрат Иорам ва бир чўкиниб олди.— Исо алайҳиссалом! Авлиё Биби Марям! Мана, олдингида банди оғиз Бачана Рамишвили ётибди, у сизларнинг зурриётингиз, бир бўлагингиз, шафқату мурувватингиз меваси эканини ўзи ҳам билмайди... Сизларнинг хоҳишингизни ўзгалар номидан бажо келтираётгани учун ундан дарғазаб

бўлманглар. Қаҳрингиз кўзғамасин, илло у ўзи ишонган худо сизларнинг хоҳиш-иродангиз туйғайли дунёга келганидан беҳабардир... Э қодир эгам, уни ўз паноҳингда асра, мурувватингни дариг тутма, даргоҳингда қақирмасиндан олдин унга кўпроқ умр бер, зеро бу дунёда у қанча кўп яшаса, ўзинг яратган заминда эзгулик ва меҳр-оқибат уруғини шунча кўп сочади. Ахир, ер юзида тинчлик, адолат, имон ва эзгулик ким томонидан барқарор этилмоғи сен учун бари бир эмасми? Борди-ю, тақдир тақозоси ила исми табарруннинг рад этилсаю қилган ишларинг боқийликка юз тутса — шунга рози бўл... Э парвардигор, нечун ерга ҳаёт уруғини сочиб, инсонга ўлмас руҳ ато этдинг? Ахир, фақат ўзингни ўйлаб, ном чиқариш учун, шон-шухрат учун қилмагансан-ку бу ишни! Наҳотки, Одам Ато билан Момо Ҳаво авлодининг дили ҳам ўзгариб кетганини рад этсанг?.. У хизматини қилаётган худонинг қудрати чексиз, зеро ўзингни бағишлаган ишинг ҳақлигига оллонинг иродасисиз инонмоқ мушкулдир... Мана у, Бачана Рамишвили, кўз олдингда ётибди, мен бўлсам оёғининг гарди, ҳадсиз-худудсиз мурувватингнинг бир заррасиман, тиз чўкиб илтижо қиламан — исён кўтарган қўлингнинг гуноҳидан ўт!.. Мабодо, қазосини тайин этган бўлсанг, ўрнига менинг жонимни олақол, сабабки мен унинг кўнглига бошқа худони жо қилолмадим, уни сенинг йўлингга солишга қурбим етмади!

Ҳазрат Иорам ўрнидан туриб, Бачанани уч марта чўқинтирди, кейин бўйнидаги жажжигина хочни олиб, Бачананинг ёстиғи остига астагина қўйди-да, бориб ўрнига ётди...

Бачана анча вақтгача ухлай олмади. Эрталаб кўзини очиб қараса, ҳазрат Иорам палатада йўқ. У тонг қоронғисиде касалхонадан чиқиб кетган эди...

Бир ҳафтадан сўнг Бачана касалхонани тарк этди. Медицина ходимлари билан хайрлашув жуда таъсирли бўлди. Палата врачлари билан ҳамшира Женя, гўё соғайиб, касалхонадан чиқиб кетаётган одамга ичлари ачигандай, йиғлаб ҳам олишди.

Бир кун олдин палатага Женя кирди. У гулдонга уч дона чиннигулли солди-да, стулга қимтинибгина ўтирди. Бачана Женяни, хайрлашгани кирди, деб ўйлаб, кулимсираганча унинг сўз бошлашини кутиб турди. Аммо Женядан садо чиқмасди.

— Гапиралоқ, Женя!

Женя ерга қаради.

— Бўлмаса, мен бошлайман!

Бачана ўрнидан туриб, ҳамширанинг ёнига борди-да, унинг қўлини ўпди.

— Азизим Женя, инсоф билан айтганда, бу гулларни сенга мен тақдим этишим керак эди, аммо шафқат ҳамшираси ўзининг бефаросат ва ношукр беморининг бу одобсизлигини кечиради, деб умид қиламан.

— Бачана Акакиевич,— дея унинг гапини бўлди Женя,— сиз касал ётган вақтингизда бу ерга ҳар кунни бир аёл келиб турди... Жудаям чиройли аёл... Фақат, сизнинг соғлигингизни сўрарди...

Бачананинг юраги ҳаприқиб кетди.

— Қанақа аёл, Женя?— деб сўради у, гарчи ким ҳақида гап кетаётганини сезиб турган бўлса ҳам.

— Айтманг, деб қаттиқ тайинлаган.

— Исми нима?

— Билмайман... Ҳар кунни келиб йиғларди... Кимлигини ўзингиз билмайсизми?

— Биламан, Женя...

— У сизни жудаям севади... Битта хат қолдириб, касалхонадан чиқадиган кунни берасиз, деб илтимос қилган эди... Мана...

Бачана хатни олди-ю, ҳаяжонини сездирмаслик учун чиннигулларга қўл узатди.

— У сизни жудаям яхши кўради, Бачана Акакиевич!

— Раҳмат сенга, Женя!

— У жудаям яхши, жудаям чиройли, Бачана Акакиевич!

Женянинг сурма тортилган кўзларига ёш қалқди.

— Узинг ҳаммадан яхши, ҳаммадан чиройлисан, азизим Женя! — Бачана ҳамширанинг қўлини яна ўпди.

Женя сапчиб туриб, палатадан чиқиб кетди.

Бачана каравотга ёнбошлаб, титроқ қўл билан конвертни очди.

«Азизим!

Арзи додим худого етиб, бугун сени менга қайтариб берган экан, заррача ҳам шафқат ва кечирим сўрамасдан, тўлиб кетган кўнглимни бўшатиб олмоқчиман. Юрагимдаги дард-аламларим инсониятнинг борки мусибатлари жо бўладиган сандиққа ҳам сиғмас керак, деб ўйлардим, қарасам, бунинг учун шу бир вараққина қоғоз кичфоя экан...

Йигирма йил бурун ер юзида мендан кўра ақллироқ, мендан кўра чиройлироқ ва... мендан кўра ёмон тарбия топган норасида йўқ эди... Ота-онам ўзларининг миллион сўмларини мени бадбахт қилиш учун сарфлашди... Мен ҳеч қачон бировнинг ҳомийлигини тан олмаганман, мактабга бориб-келишда ҳам, кўча-кўйда ҳам бирор кимсанинг ҳамроҳлигига муҳтожлик сезмаганман. Бир кунни хира «қузатувчи»ларнинг машинасига ўтирдиму ана ўшанда... ҳаётим барбод бўлди, бўйнимга бир умрлик тавқи лаънат осилди... Шундан кейин рўй берган воқеаларни сўзлашга тилим бормайди... Мен буни биринчи марта гапиряпман, худонинг олдида ва сенинг олдингда гапиряпман... Мени Цивгомбор ўрмонида чорчўпга михлашди, ёшлигим ҳали ҳам ўша ерда, жизғанақ бўлиб кетган чорчўпда осилиб ётибди...

...Кейин ўйнаб-кулиб яшадим... Ва мана шу кунга етиб келдим. Сўнг бирдан кўзим очилди. Худони эслаб, қайта-қайта чўқиндим. Ҳозир эса қаршингда тиз чўкиб турибман, ялиниб-ёлвораман: шунча йиллар сенга талпиниб, дўзах азобларини тортган қалбимга оёқ босма... Мен бу дўзахни тавоф қиламан, зеро сенинг ҳузурингга элтувчи йўл шу дўзах ичидан ўтган экан...»

Башарти, врачлар мана шу дақиқада Бачанани юрак уришини ўлчашганда, у яна аллақанча вақт касалхонада қолиб кетиши турган гап эди.

Бачана икки дона седуксен ичиб, юрагига таскин тилади. Сўнг кўз олдини яна пуштиранг туман қоқлаб, уйқуга кетди. Бу гап, касал бўлганидан бери биринчи марта туш кўрмай, тинч ухлади.

Эрталаб Бачана ҳамма билан хайрлашиб, профессорнинг хонасига тушди. Профессор каттакон ёзув столи ёнида ўтириб, лупа орқали ниманидир диққат билан кўздан кечирарди. Бачана аввалига профессор нима иш билан машғуллигини тушунмади, тушунганидан кейин эса аъзойи бадани музлаб кетди: профессорнинг олдида, стол устида турли ранг ва турли шаклдаги бир нечта... сунъий юрак ётарди. Бачананинг мазаси қочиб, шоша-пиша эшик ёнида турган стулга ўтирди. Профессор бошини кўтариб, Бачанага таажжубланиб қаради. Уни танигач, пластмассадан ясалган юракни столга қўйди-да, ўрнидан туриб, Бачананинг ёнига келди.

— Сизни кўрганимдан бағоят хурсандман, Бачана Акакиевич! Бунинг устига, ўз оёғингиз билан юриб келганингиз нур устига нур!

Улар қўл қисишиб сўрашишди.

— Нима бўлди сизга?— Профессор ҳушёр тортди.— Қўлингиз музлаб кетибди!

Бачана стол устида ётган моделлардан кўз узолмасди. Профессор буни пайқаб, шошиб стол ёнига борди-да, сунъий юракларни қўли билан ғаладонга суриб туширди.

— Валерьянка, агар мумкин бўлса...— деди Бачана базур.

Профессор шкафдан валерьянка шишчасини олиб, стаканга озгина томизди-да, сув аралаштириб, Бачанага узатди:

— Манг, ичинг, худо ҳаққи, ҳеч нарсани ўйламанг! Профессор Бачананинг томир уришини санаб кўради.

— Кўрқинчли жойи йўқ, ҳозир ўтиб кетади!

Бачана аста-секин ўзига келди.

— Нима ўзи у, профессор?— деб сўради ниҳоят.

— Ҳеч нарса эмас... Узингизни қандай сезяпсиз?

— Раҳмат, ўтиб кетди...

— Жуда соз... Марҳамат, мана бу ёққа, креслога ўтиринг. Яхши гаплардан гаплашайлик.

Профессор Бачанани чуқур ва юмшоқ креслога ўтқазди. Бачана бир оз индамай ўтиргач, яна сўради:

— Шу бор гапми, профессор? Сунъий юрак дега-ни?

— Бор гап... Мана тўрт йилдики, бир бузоқ сунъий юрак билан яшапти... Бундан сиз ранжимаслигингиз, аксинча, хурсанд бўлишингиз керак... Гап шундаки, табиий юракни кўчириб ўтқазиб қутилган натижаларни бермади. Сизнинг касалингиз — юракнинг ўзидан кўра ҳам кўпроқ қон томирлари фаолиятининг бузилиши билан боғлиқ. Шундай экан, маълум муддат ўтгандан кейин кўчириб ўтқазилган ҳар қандай соғлом юракдаги қон томирлари ишдан чиқиб, миокард инфарктига айланиши мумкин... Сунъий юрак — ҳозирча энг ишончли тадбир. Буни Кристиан Барнардининг ўзи ҳам тан олган. Хўп, бу ҳақда кейин гаплашамиз!— дея қўл силтади профессор.— Ростини айтсам, мен билан хайрлашмасдан кетиб қолдингизми, деб ўйлаб сал хафа ҳам бўлган эдим...— деди у кулиб ва Бачананинг тиззасига уриб қўйди.

— Шунинг учун кирдим-да олдингизга. Энг аввало, менга кўрсатган ғамхўрлигингиз ва эътиборингиз учун чексиз миннатдорлигини қабул қилсангиз, профессор. Қолаверса, каравотим ёнида ўтказган уйқусиз тунларингиз учун кечирим сўрамоқчиман. Ниҳоят, сизнинг касбингиз ва олтин қўлларингизга қасидалар айтгим келзди!— Бачана юзи сал дағалроқ, аммо ҳорғин кўзларидан меҳр ва ақл ёғилиб турган бу олижаноб одамни қучоқлаб ўпишни хоҳларди.

— Миннатдорлик билдиришининг ҳожати йўқ, мақтовларингиз учун эса раҳмат!

— Қилган яхшилигингизни қандай қайтаришни ҳам билмайман. Сизнинг муруватингизни ҳеч нарса билан қийслаб бўлмайди... Шунинг учун ўз акамдай, кадрдон одамимдай эъозлашга ижозат берсангиз...

— Раҳмат!— деди профессор Бачананинг сўзларидан ҳам таъсирланиб, ҳам хижолат бўлиб.— Раҳмат!— деб такрорлади ва у беихтиёр стол ғаладжини тортиди, бироқ Бачананинг ҳалиги ҳолатини эслаб, яна ёпиб қўйди.

Бачана хаҳолаб кулиб юборди.

— Ана, кўрдингизми, дарров кўникиб қолдингиз!— деди профессор ҳам кулиб.

— Иложим қанча?— Бачана қўлларини икки ёнига ёзди.

— Агар кўрсатмаларимга қатъий риоя қилсангиз, сизга бу нарсанинг кераги бўлмайди!— деди профессор столга залворли қўлларини ташлаб.

— Қулоғим сизда!— деди Бачана мутелик билан.

— Чекмайсиз! Ичмайсиз! Серёғ овқат емасиз! Тунги бедорликка чек қўясиз! Хотинларга айланишмайсиз!

— Шу ҳам ҳаёт бўлдимиз!— Бачананинг руҳи тушиб кетди.

— Миокард инфарктдан мана шу нарсаларни олиб ташласак, ҳаёт бўлади!— Профессор Бачананинг бундан кейинги турмуш тарзини ана шундай белгилаб берди.

— Қачонгача мунақа қилиб юраманг!— деб сўради Бачана, худди чўқаётиб хасга ёпишиб олган одамдай.

— Дастлабки икки йил — мажбурий, кейинги икки йил — матлубий, ундан кейингиси — ихтиёрий... Сизни кўрқитаётганим йўқ, Бачана Акакиевич, тушунинг:

сиз миокард инфарктининг оғир шаклини бошдан кечирдингиз, у билан ҳазиллашиб бўлмайди... Яхши парвариш кўрган юрак ўз фаолиятини яна батамом тиклаб, шу пайтгача қанча хизмат қилган бўлса, сизга яна шунча хизмат қилиши мумкин. Юракни авайлаш, ардоқлаш керак... Юрак ардоқлашни яхши кўради...

— Тушунарли, профессор... Энди хайрлашишга рухсат этинг!— Бачана ўрнидан турди.

— Хайр, Бачана Акакиевич! Касалхонамизни қайтиб кўрманг, илойим, менга ҳеч қачон ишингиз тушмасин! Даволаш маъносида, албатта!— дея қўшиб қўйди профессор.

— Бениҳоя мамнуният билан чиқиб кетяпман... Шу икки ой, Нодар Григорьевич, мен учун бутун умрга тенг!

— Тушунмадим...

— Ҳар қандай одам умрида лоақал бир марта бўлса ҳам оғир дардни бошидан ўтказиши керак. Бу нарса унга босиб ўтган йўлига хотиржам назар ташлаб, ҳаётига ҳолисанлилло баҳо беришга имкон туғдиради. Шу маънода, касалхонада ётганим менга беқийс бир сабоқ бўлди.

— Менинча, сизнинг ҳаёт йўлигини тафтиш қилиш ва қайтадан баҳолашга зарурат йўқ.

— Шунақа деб ўйлайсизми?— Бачана жилмайди.

— Ҳар ҳолда, четдан қараганда шундай туюлади!

— Касалхонангизда ўтган икки ой мен учун ажойиб кашфиётлар палласи бўлди!

— Хўш, нималарни кашф қилдингиз?

— Абадият қонунини!

— Нимани?!— деди профессор ҳайрон бўлиб.

— Абадият қонунини!— деб такрорлади Бачана.

— Ҳм... У ҳолда бу қонуннинг формуласи ҳам бўлиши керак, шундай эмасми?

— Албатта!

— Балки мени ҳам таништирасиз ўша формула билан? Кўнглингиз тўқ бўлсин, Бачана Акакиевич, кашфиётингизни ўзимники қилиб олиш ёки унга шерик бўлиш ниятим йўқ!— дея ҳазиллашди профессор.

— Бу қонуннинг моҳияти шундан иборатки, Нодар Григорьевич... Инсоннинг юраги унинг танасидан юз баравар оғирроқ... Шу даражада оғирки, уни бир киши кўтаролмайди... Бинобарин, биз — одамлар, токи тирик эканмиз, бир-биримизга ёрдам беришимиз, бир-биримизнинг юрагимизга мадад бўлишга ҳаракат қилишимиз керак: сиз — менга, мен — унга, у эса — бошқа бировга, шу тарикқа узлуксиз давом этиши лозим... Токи ўлим ҳаётда бизни ёлғизлик балосига гирифтор қилиб қўймасин...

Профессор Бачананинг сўзларига ҳайратланиб қулоқ солиб турди.

— Аммо-лекин, мураккаб қонун кашф этибсиз, Бачана Акакиевич!— деди у узоқ сукутдан кейин.

— Тўғри, мураккаб!

— Шунинг ҳаётда рўёбга чиқаришга умид боғляпсизми?

— Умид боғламасам, яшашнинг нима кераги бор? Акс ҳолда, ҳозир мен нариги дунёда ётган бўлардим.

Бачана профессорга қўл узатди, у яқинлашганида Бачана ўзини туюлмади, профессорни қучоқлаб, маҳкам бағрига босди.

— Ҳа...— деди профессор энтикиб.— Сизга сунъий юрак тўғри келмайди... Сунъий юрак билан сиз яшай олмайсиз... Сиз бошқачасиз!

Профессор вазмин кафтлари билан унинг елкасига қоққанида, Бачана абадият қонуни кучга кирганини тушунди...

Бачана ўзига жўнатилган машинага рухсат бериб юборди.

Клара Цеткин кўчасидаги трамвай изини кесиб ўтиб, 25 февраль кўчасига чиқди, ундан Плеханов проспектига тушди.

Икки ой касалхонада ётиб, шаҳар шовқинини унутанган Бачананинг андак боши айланиб, тиззалари қалти-

рай бошлади. У эҳтиёт бўлиб, жуда секин одим ташларди. Тбилиси эса ўзи билан ўзи овора, гувуллар, қичқирар, антикар, инграр ва қаҳқаҳа отар эди.

Плеханов проспектида икки томонга, худди икки анҳордай, одамларнинг иккита оқими ўтиб турарди. Оломон оқизиш учун дарёга ташланган ёғочларга ўхшарди. Одамлар бир-бирлари билан тўқнашиб кетишар, бир-бирларини тўхтатиб, алланималар ҳақида гаплашишар, қўл силташиб баҳслашишар, кейин яна жўш уриб оқаётган оқимга қўшилиб кетишар эди.

Бачана проспектни кесиб ўтдию ўзи ҳам ана шу оқимга тушиб қолди. У қадамини тезлатмай одамларни четлаб ўтишга ҳаракат қиларди. Проспектдан Маржанишвили кўчасига бурилган эди, уни улкан оломон дарёсининг янги ирмоғи суриб кетди. Бачана кўча ҳаракатидан узиллиб қолган юрак уришининг аста-секин унга мослашаётганини, ўзи ҳам шаҳарнинг умумий мақомига сингиб бораётганини ҳис этди. Ниҳоят, юраги йўқотган суръатини топиб олиб, оқимда бошқалар би-

лан баб-баравар суза кетди — эҳтиёт бўлиб, аммо дил ва ишонч билан суза кетди.

У Маржанишвили номидаги театр афишаси олдида тўхтади. Эртага театр янги мавсумини дўстининг «Дўзахга тушган авлиёлар» пьесаси премьераси билан бошламоқда эди. Бачананинг, дили алланечук ёришиб, вужудига оромбахш бир илиқлик югурди. «Дўзахга тушган авлиёлар!», дея такрорлади ичида у ва бир жилмайиб қўйди.

Кўприкка етганда Бачана ҳорғинлик сезди, аммо бу кўрқувга соладиган, вазмин ҳорғинлик эмас, балки энгил ва ёқимли ҳорғинлик эди. У такси тўхтатиб, орқа ўриндиққа ўтирди.

— Қаерга?— деб сўради ҳайдовчи.

— Мариянинг ёнига,— деди Бачана.

— Қаерга?! — Ҳайдовчи таажжубланиб орқасига қаради.

— Мариянинг ёнига!..

САОДАТ  
ДОНОБОВА

## Ширин туш

Шабнамлар шуълада ялтираб,  
Ялтираб кетади ҳисларим.  
Мовий кўк сўнгида қуёшдан  
Уфқлар кетади қизариб.  
Капалак учади, капалак,  
Туйғумга ўхшайди қаноти.  
Ногаҳон сукутни титратиб,  
Кишнайдди қўшнимнинг оқ оти.  
Зиллол сув оқади ариқда,  
Ўйларим сув билан оқади.  
Дугонам қизғалдоқ баргидан  
Сочига сочпопук тақади —  
Бир ширин туш кўрдим шекилли...

ДИЛМУРОД  
ЖАББОРОВ

## Ўн учинчи дарвоза

Меҳмон кутиш бизга одат,  
Меҳмон келса, кўп соз-а.  
Меҳмон учун азалдан бор  
Ўн иккита дарвоза.  
Боболар ҳам меҳмон кутган,  
Анъанага содиқмиз.  
Аждодларнинг урф-одатин,  
Ёд этган ҳар ўғил-қиз.  
Гўзал шаҳрим, билсангизлар,  
Обидалар маскани,  
Мадрасалар, миноралар,  
Лол қолдирган барчани.  
Меҳмон бўлинг, Бухорога —  
Номи элга овоза.  
Истаган уй сизнинг учун  
Ўн учинчи дарвоза!



ҚАЛДИРҒОЧ

АНВАР  
ТОҒАЕВ

## Садоқат

Мақсад-ла йўл олди олисга сайёҳ,  
Тақдир-да, йўллари тушди йироққа.  
Бир буюк ҳис уни қийнади узок,  
Қайтиб бошин қўйди она тупроққа.  
Шу онда бир лаззат кирди танига,  
Қайтиб келган эди у Ватанига!  
Бу тупроқ, бу ҳаво бизларга мерос,  
Ватанга садоқат фарзандларга хос.

Бир йигит қайтмади жанг майдонидан,  
Бевасини кўзида қолмади нури.  
Ёлғизлик ўтса ҳам жони-жонидан,  
Унинг васли билан ўтди гул умри.  
Ёрсиз ўтганига қилди у тоқат,  
Сени шарафладим шунда, садоқат.  
Кел, ёрим, мен сени кўтарай баланд,  
Севайин бетақроқ муҳаббат билан.

Кимдир пешанамга отган эди тош,  
Чўп ҳам суққан эди ғойибдан кўзга.  
Шундай пайт мен уни айлай олдим фош,  
Тоққа таянгандай таяниб дўстга.  
Кимнинг дўсти бўлса бор сводати,  
Азиздир менга ҳам дўст садоқати.  
Ғар азиз бошинга тушиб қолса ғам,  
Мен етиб боргайман, ишон, дўстгинам.

Бир қарвон мисоли ўтар умримиз,  
Бир кун у етгайдир албат манзилга.  
Қалбдаги самимий оташ кўримиз.  
Ошён қура билсин ҳар яхши дилга,  
Яқин биродарлар бўлганида жам,  
Бор бўлсак бор эрур садоқатинг ҳам.  
Гулларга буркансин бу она замин,  
Биз ҳам садоқатни айлайлик таъмин.



ОЛМОС

# ОВ

ҲИКОЯ

**К**ейинги вақтда дадам негадир асабийроқ, чарчаган кўринадилар. Ишлари кўпайиб кетганидан бўлса керак, неча кундан бери уйга кеч келадилар. Мен баъзи кунлар у кишини кута-кута ухлаб қоламан. Эрталаб турганимда дадам ишга жўнаган бўладилар.

Ниҳоят, жума куни дадам ишдан анча эрта қайтиб: — Уф, мана энди бир-икки кунга озодмиз, — дедилар. Бу гапни эшитиб ҳаммамиз севиниб кетдик. Чунки дадамни жуда соғиниб қолган эдик-да.

Онам дастурхонга турли ноз-неъматлар қўйиб ҳаммамизни овқатга таклиф этдилар.

Музыка эшитганча маза қилиб овқатлана бошладик. Мен суҳбатга жимгина кулоқ солиб ўтирдим.

— Лойиҳам тасдиқланди, — дедилар дадам.

— О, зўр-ку! Мукофоти ҳам бўлар? — деб сўрадилар онам.

— Албатта! — деб кулиб қўйдилар дадам ва менга қараб: — Ҳўш, Санжар, эртага овга борамизми? Агар хоҳласа, ойингни ҳам олиб борамиз, — дедилар.

— Йўқ, мен боролмайман, ишим кўп, Сизлар бориб келинглар. Санжар сизни жуда соғинган. Неча кунлардан бери кўрмайди, бола бечора, Ота-бола бир яйраб келинглар.

— Юрақолинг, ойинжон, — дедим ялиниб.

— Ҳеч иложим йўқ-да, бўлмаса... Қаерга бормоқчи-сизлар?

— Сирдарё бўйига. Бир кеча тунаймиз ҳам.

— Балиқ ҳам тутамиз-а, дада?

— Албатта.

— Ов қанақа бўлади ўзи?..

— Зўр бўлади. Э, йигит одам ов нималигини билмаса чатоқ! Бўпти, ҳаммасини кўрсатаман сенга! Кечқурун етиб борамиз-да, чайлада тунаб қоламиз.

Овга тайёргарлик бошланиб кетди. Мен қармоқларни тайёрладим, чувалчанг тердим. Онам эса гўшт, қази, тухум пиширдилар, сумкамизга помидор, бодринг, патир нон солиб бердилар.

Кечга яқин иссиқ кийимларни, милтиқ, қармоқ, ўқдон ва бошқа нарсаларни олиб, машинага чиқдик.

Машинада анча юрдик. Ниҳоят, кун ботай деганда бир қишлоққа етиб келдик. У ерда бизни бир амаки кутиб турган экан. Машинани ўша ерда қолдириб, қамишзор оралаб кетдик. Кеч кириб қолган, қамишлар шитирлар эди. Бир оз юргач, кичкина бир кўл бўйига келиб тўхтадик.

Бизни бошлаб келган амаки:

— Мана чайла. Чойнак-пиёла, қозон-товоқ, керосин лампа — ҳаммаси бор, — деди.

— Қачон овга чиқамиз? — деб сўрадим дадамдан.

— Қараймиз-да, оғайни. Қирғовул қачон келади ўзи?

— Қирғовул азонда бўлади. Урдак, қашқалдоқ кечқурун ҳам чиқаверади, — деб тушунтирди амаки. — Ҳозирча балиқ тутиш мумкин. Кўрпа-ёстиқни ҳозир олиб келаман. — Амаки шундай деб қайтиб кетди.

Атрофда қушларнинг чуғури ва сув шовқинидан бўлак товуш эшитилмайди. Ёйилиб оқаётган сувнинг у ер-бу ерида қум оролчалар кўриниб турарди.

— Дада, бу Сирдарёми?

— Ҳа. Чиройли-а, тўғрими?

Сув бўйидаги қумда изимиз қолар, салдан кейин уларни сув қоплар эди.

— Ҳавонинг тозалигини қара, ўғлим. Шаҳарда бунақа ҳавони топиш қийин. Тўйиб-тўйиб нафас ол. Сени тез-тез шунақа жойларга олиб боришим керак-ку, вақт масаласи чатоқ-да...

— Дада, ов қанақа бўлади?

— Эртага кўрасан. Бугун иккаламиз гулханда овқат пиширамыз. Чой қайнатамыз. Худди қадимги замон одамларидек табиат қучоғида тунаймиз. Маъқулми?

Мен бош ирғаб қўйдим. Дадам қўлларини икки ёққа кериб овозларининг борича:

— Уҳ-ҳў! — деб қичқирдилар. Бир гала қушлар париллаб ҳавога кўтарилди. Теварак шундай шовқинга тўлиб кетди-ки!..

— Акс садони қара, ўғлим...

Бир оздан сўнг мени чивин чақа бошлади. Қамишдан тимдаланиб кетган оёқларим сув теккан сари жизиллаб ачишарди. Бояги амаки ўрин-кўрпа олиб келиб чайлага қўйди-да:

— Домла, қўрқмай-сизларми? Ёки мен қолайми? — деб сўради.

— Йўғ-э, нимадан қўрқамиз? Уғлим бор-ку, — деб дадам кулдилар.

— Майли, бўлмаса, эрталаб хабар оламан. Бемалол дам олинглар. Агар керак бўлсам, ҳўв анови кўрғондан топасизлар, — деб ҳалиги келган ёғимизга ишора қилди. Мен бўйимни чўзиб, уввало оёқ учига қарасам ҳамки кўрғонни кўрмадим.

Қоронги туша бошлади.

Чивин ҳамон аёвсиз чақарди. Охири чидаёлмай: — Дада, сизниям чивин чақяптими? — деб сўрадим.



Расми Б. ТОЖИЕВ чизган

— Вой-бўй, сени шишириб юборибди-ку! Юр, чайлага кирайлик, — дедилар дадам. — Озгина олов ёқсак кетиб қолади. Чивиннинг тутунга тоқати йўқ.

Чайланинг ичи кенгина экан. Ерга ўт-ўланлар тўшалган, супача ҳам бор. Супага шолча солинган. Лой ўчоқ, тоқчада чойнак-пиёла.

Дадам дарров ўчоқ олдиға чўккалаб олов ёқа бошладилар. Бирпасда тутун бурқсиб кетди, унга чивин эмас, одам ҳам чидай олмасди. Мен йўтала-йўтала ташқарига чиқиб турдим. Яна чивин чақа бошлагач, ичкариға қочиб кирдим.

— Қорнинг ҳам оғандир, кел, овқатланамиз, — дедилар дадам. — Ҳозир чироқ ёқаман Сен бунақа чироқни ҳеч кўрганмисан? Ана шунақа, бирпасда қанча

кўрмаган нарсаларингни кўриб олдинг. Қани, қарайлик-чи, ойнаг бизга нималар берган экан. Сумкадан ол-чи. Ҳозир чой қайнайди, ўтир.

Лампа нурида дуд иси келадиган чойни ичдик.

Атрофдан менга нотаниш овозлар эшитилар эди. Узоқ-узоқдан итларнинг ҳуриши, аллақандай жониворларнинг увиллаши келарди.

Ҳаммаёқ ваҳимали... гўё бутун дунёда дадам иккомимиз ёлғиз қолгандек, барча биздан беҳабардек туюларди.

Чарчаган эканман, мени уйқу босди.

— Дада, келинг, ухлайлик, — дедим уларнинг пинжига суқулиб.

— Вой, уйқучи-ей, қачон қараса ухлайсан-а, — деб кулдилар дадам ва транзисторнинг қулоғини бурадилар. Ёқимли куй тарала бошлади, дадам унга жўр бўлдилар...

Энди бояғи кўрқувдан асар ҳам қолмади.

Назаримда, гўё табиат билан қўшилиб кетгандекман. Мана шу дарё, қум, ўтлоқ, қамишзор, чириллаётган чигиртка, ҳув олисда хураётган ит, шамолда шилдираётган қамиш япроқлари, ўчоқдаги чирсиллаётган олов, чайлага тўшалган ўт-ўланларнинг хушбўй, тоза иси менга аллақандай сирли туюларди.

Шу зайлда қачон кўзим илинганини сезмай қолибман. Қаттиқ бир овоздан чўчиб уйғондим. Кўзимни очсам, яна ўша овоз қайтарилди. Худди уруш киноларида эшитиладиган «визз-виз... тах-тарах»ларга ўхшайди.

Урнимдан турдим. Дадам чайлада йўқ эдилар. Қора қумғон қайнаб ётибди. Чайла қамишлари шитирлайди.

Ташқарига чиқсам, куёш ёйилиб, қирғоқдаги қумларни қиздириб юборибди.

Дадам ҳув нарида сувға қармоқ ташлаб ўтирибдилар. Мени кўриб:

— Ҳа, уйқучи, турдингми? Сени овға олиб келадиган экан-ку! Ов тугаганда уйғондинг, — деб кулдилар.

Яқинроқ борсам, олдиларидаги қум ҳовузчада уч-тўртта балиқ типирчилаяпти. Сувсизликдан бўлса керак, оғизларини катта-катта очиб нафас олади. Кўзлари аланг-жаланг нажот сўраётгандек... Уларға раҳим келиб кетди.

— Дада, буларни нима қиласиз?

— Қовурамиз, балиқ шўрва қиламиз. Уйға ҳам олиб кетамиз.

Уларнинг гапларини эшитгим келмай қолди.

— Кўйиб юборайлик, тирик-ку бечоралар, — дедим.

— Зўрға тутдим-ку, афанди... — деб дадам. Яна кулдилар. — Ана, ёввойи ўрдаклар келяпти. Ҳозир... қараб тур! Эҳ, ов зўр бўлади! Сенга ҳам милтиқ отишни ўргатаман, хоҳлайсанми? — Дадам шундай деб милтиқни олиб, бирдан осмонга ўқ уздилар...

Милтиқнинг овози жуда хунук бўларкан, оғзидан чиқадиган тутун аралаш ис ҳам роса қўланса.

Дарёнинг саёз бир жойига алланарса шалоп этиб тушди-да, типирчилай бошлади.

— Бор, ўлжани олиб кел! — дея дадам илжайиб яна милтиқни ўқлашға киришдилар.

Мен сув кечганча ўлжанинг олдиға чопиб бордим. Қарасам... кичкина ўрдакча, тумшуги ялтироқ, патлари қон, кўзи очиқ, юраги қинидан чиққудек бўлиб жонхонлатда типирчилаяпти. Уни учириб юбормоқчи бўлиб осмонга отган эдим, шалоплаб яна сувға йиқилди. Сув қип-қизил тусға кирди. Менинг қўлларим ҳам қон... ҳаммаёқ қип-қизил қон. Юрагим ўша ўрдакчаникдек гурс-гурс ура бошлади, кўнглим алланечук бўлиб кетди...

Бир пайт ўзимға келиб қарасам, дадам пешонам, юз-кўзимға сув сепаб ўтирибдилар.

— Э, ўғил бола ҳам шунақа бўладими! Овнинг ҳам белиға тепдинг-ку! Нимадан кўрқдинг? Ё бирор жойинг оғриятими? — деб сўроққа тутдилар.

— Дада, кетайлик бу ердан. Бошқа милтиқ отманг, — дедим ялиниб.

Дадам менға ғалати назар билан тикилиб турдиларда, апил-тапил йиғиштириниб, қайтишға ҳозирландилар.

ЭРКИН  
БОЗОРОВ

# Ёшларнинг Ғамхўри ва мураббийси

XV аср Ҳирот адабий муҳитининг юзага келиши ҳамда маданий тараққиётида Алишер Навоий даҳоси таратган нур ҳали жуда кўп асрларга намуна бўлгуликдир. Бутун ҳаётини ижод ва халқ хизматида бағишлаган шоирнинг илму қалам аҳлига кўрсатган бетимсол ғамхўрлиги ҳурмати — ҳозирги кунда ҳам сўз санъатига, халққа садоқат билан хизмат қилиш ниятида қўлига қалам олган ҳар бир ижодкор уни ўзининг бобокалон устози, деб билади.

Совет адабиёти ривожланишининг дастлабки кунлариданоқ, ёш талантларни тарбиялаш, уларга ғамхўрлик иши М. Горький, С. Айний сингари жонкуяр адиллар ижодий-ижтимоий фаолиятининг ажралмас қисми бўлиб қолди. Бу қутлуг анъана авлоддан-авлодга кенг қанот ёзиб ўтиб келмоқда.

Ёш муаллифлар қўлёзмаларини ўқиб чиқиш, уларга асарлари юзасидан маслаҳатлар бериш, маъқул келган асарни вақтли матбуотда эълон қилдириш ёхуд унинг нашрига ёрдамлашиш, талантли қаламкашларни Союз аъзолигига тавсия этиш Ойбек, Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Мақсуд Шайхзода, Миртемир каби машҳур адилларимизнинг кундалик ишига айланган эди. Атоқли ўзбек совет адиби, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин мукофоти лауреати, йирик партия ва давлат арбоби Шароф Рашидович Рашидовнинг бу соҳадаги фаолияти алоҳида диққатга сазовордир.

Шароф Рашидов адабий фаолияти бошиданоқ, бу майдонга ўзи билан кириб келган авлод ижодидан кўз-қўлоқ бўлиб турди. 1940 йилда у ўзбек совет адабиётининг қалдирғоч шоирларидан бири Раъно Узоқованинг тақдири тарихдан ҳикоя қилувчи «Раъно» очеркини ёзди. Бўлғуси адабиёт мураббийси мазкур очеркида талантли қаламкаш тарбияси учун сув ва ҳаводек зарур бўлган бетакрор меҳр тимсолини кўрсатган эди. 1947 йили эса

у «Янги ижодий изланишнинг тўғрич меваси» мақоласини ёзиб, Мирмуҳсиннинг ўз даврида машҳур бўлган «Уста Ғиёс» поэмасига жамоатчилик эътиборини қаратган эди. Ш. Рашидов 1955 йилда ёзилган «Халқлар дўстлиги байроғи остида» адабий-публицистик мақоласида Мирмуҳсиннинг «Абдулла Набиев» поэмасини, шунингдек, И. Раҳимнинг «Ҳаёт булоқлари» романини, бу асарлар ҳар қанча актуал мавзуларда яратилганлигига қарамасдан, бадий талаб даражасида бўлмаганлиги учун қаттиқ танқид қилади Бинобарин, бадий мезон мавзу актуаллиги ёхуд «замонавийлик»да эмас, балки санъаткорликдадир.

Шароф Рашидовнинг талантли адиб, публицист ва адабиётшунос, партия ва давлат арбоби сифатидаги бутун ижодий, ижтимоий фаолиятида ижодкор ёшлар билан ишлаш масаласи марказий ўринни тутди. У дастлаб «Ленин йўли» ва кейинчалик «Қизил Ўзбекистон» газеталарига бош муҳаррирлик ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар союзига раислик қилган даврларидаёқ, ёш ижодкорлар асарларини эълон эттириш ишига, уларнинг ижод майдонига дадиллик билан кириб келишларига бевосита ҳолийлик қилди. Юқори раҳбарлик лавозимларга кўтарилгач бу иш партиявий фаолиятнинг таркибий қисмига айланди. Зеро, унинг учун «ёш ёзувчилар билан ишлаш масаласи — бутун адабиётни ривожлантиришнинг асосий масаласидир, унинг порлоқ истиқболи учун кураш масаласидир». Ижодкор ёшларга муносабат масаласида талантли адиб ва партиявий раҳбарнинг асосий принципи ана шундай.

«Ўзбек совет адабиёти 25 йил ичида» [1949 й.] мақоласида у чорак аср ичида республикада Ёзувчилар союзи аъзолари сони 25 тадан 110 тага етганлиги ҳақидаги қизиқарли фактни келтиради. Шароф Рашидов фикрича, ижодкорлар сафи доимо иқтидорли ёшлар ҳисобига бойиб борсагина улкан адабиёт юзага келиши мумкин. Ўзбек адабиёти ҳамма вақт ана шундай иқтидорли ёшлар билан бойиб борган ва бу жараён узлуксиз давом этаверади. 1956 йилда ёзилган «Бадий ва ғоявий юксаклик сари» мақоласида муаллиф бу фикрни яна бир қарра таъкидлайди ва теранлаштиради: «Тажриба шуни кўрсатадики, — деб ёзади у, — ёзувчилар сафи янги ёш кучлар ҳисобига ўсиб боргандагина адабиётимиз юксалишида катта ва мустаҳкам ютуқларга эришиш мумкин. Бошда кўринар-кўринмас бўлган ирмоқлар тобора жўш уриб, тўлқинланиб оқгани, катта дарёлар ҳосил қилганидек, ҳозирча ҳеч кимга сезилмаган ёш ёзувчилар ҳам куч-қувват тўплаб, адабиётимизни бойита борадилар».

Шароф Рашидов мақолада ҳар бир тажрибали ёзувчи, кекса авлод вакилини ёш талантлар билан ишлашда Максим Горькийдан ўрнак олишга чақиради. Ёш ижодкорлар билан унумли иш олиб боришнинг конкрет тадбирларини тавсия этади. Ўзбекистон Ёзувчилар союзи қошидаги, айрича ўртоқлар «ташаббуси» билан тарқатиб юборилган ёшлар билан ишлаш комиссиясини қайта тиклаш, уни ёшларга етакчилик қила оладиган, ҳар томонлама етук, обрўли кекса авлод вакиллари билан мустаҳкамлаш зарурлигини уқтиради. Маҳорат билан ёзилган ёшлар асарларини дадил нашрга тавсия этиш, улардан энг қобилиятлиларини кечиктирмасдан союз аъзолигига қабул қилиш кераклигини таъкидлайди. Шунингдек, ёш қорақалпоқ адабиётини жадал ривожлантириш учун Ёзувчилар союзи олдида конкрет тадбирлар ишлаб чиқиш вазифасини кўяди.

Адабиёт майдонига кириб келаётган ёш талантлар мавжуд ижобий тенденцияларни давом эттирибгина қолмасдан, уни янгилликлар билан бойитадилар, ижод уфқларини янада кенгайтирадилар. Давр талабларини чуқур англаш, ҳаётимизнинг янада кўркама, фаровон бўлиши йўлида жасорат кўрсатаётган замондошимизнинг ёрқин

образини яратиш ҳар бир ижодкорга катта масъулият юклайди. Шароф Рашидов «Замонавийлик — адабиёт ва санъатнинг қалби» (1961 й.), хусусан, ёшлар ижодига бағишланган «Ҳаёт бағрига кирайлик» (1962 й.) мақолаларида бутун совет адабиётида бўлганидек, ўзбек адабиётига кириб келган янги ёш талантлар ҳам бадий ижоднинг ҳамма жанрларида ўз кучларини муваффақият билан синаб кўраётганликларини таъкидлайди. Адиб «Ҳамиша олдинда» деб аталмиш бошқа бир мақоласида уқтирганидек, ижодкорнинг ижтимоий фаолияти қанчалик юксак, бой бўлса, у шу қадар теран ва масъул асарлар ярата олади. Бу фикрини, биринчи навбатда, Шароф Рашидовнинг ўз фаолиятига татбиқ этиш тўғри бўлар эди. Адиб республикамиз қудратини намойиш этувчи Фарҳод ГЭСи, Катта Зарафшон канали, Каттакўрғон сув омбори каби гигант қурилиш ишларида фаол иштирок этди. Мирзачўл, Қарши, Сурхон-Шеробод, Жиззах чўллари бевосита унинг оқилона раҳбарлиги остида ўзлаштирилмоқда. Бинобарин, адибнинг «Ғолиблар», «Бўрондан кучли», «Қудратли тўлқин» сингари бутуниттифоқ ва чет эл тобхонлари диққатини тортган эпик романлари ана шу фидойи халқ меҳнатининг кенг кўламдаги бадий полотносидир.

Дарҳақиқат, халқ ҳаёти билан ҳамнафас бўлиб, ижод масъулиятини қалбдан чуқур ҳис қилгандагина, социализмнинг бунёдкор кучини бадий юксак пардаларда куйлаш мумкин. Шароф Рашидов қатор мақолаларида ёш ижодкорларни халқ ҳаёти қатламларига чуқур кириб бориш, халқнинг дилидагини мчдан ёритишга, ҳаётини муаммоларни тўғри, партиявий ва ғоявий позициядан туриб ҳал қилишга чақиради. Ана шундагина ёшларнинг асарлари халқимиз маънавий мулкига айланиши, коммунизм қурувчи, ҳар томонлама гармоник ривожланган янги инсон тарбиясига хизмат қилиши мумкин. Ш. Рашидов Ўзбекистон ёзувчиларининг VII съездида сўзлаган нутқи ҳамда «Юность» журналининг 1978 йил анкетаси саволларига берган жавобида ёш ижодкорларимиз салафлари томонидан тўпланган катта маънавий тажрибани ўзлаштириб, бойитиб бораётганликларини юксак баҳолайди. Ҳар бир ёш ёзувчи ижодий парвозининг нақадар юксак бўлиши талантнинг миллий қобилиятга ўралиб қолмасдан, ўзини бутун инсоният тақдири учун жавобгар, умумбаширлик муаммолар қаршисида масъул ҳис қилиши билан боғлиқ. Шунинг учун ҳам Ш. Рашидов ёшлар ижодига интернационал пафоснинг, гражданлик ва публицистик руҳнинг кучайиб боришига катта эътибор билан қарайди. У «Октябрь билан ҳамнафас» мақоласида «турмуш ва ижодимизнинг лейтмотиви» — интернационализм ғояларининг оташин куйчиси бўлиш талантли ёш авлод ижодкорларининг ҳам ҳаётини принципига айланиб бораётганлигини зўр мамнуният билан қайд этади.

Эндиликда рус тили қардош халқлар адабиётлари ҳамда жаҳон маданияти/ҳазинасига очилган дарча вазифасини ўтаётир. Бу маданий ҳазиналарни ижодий ўзлаштирмасдан туриб, катта адабиёт тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Шунингдек, рус тили воситасидаги таржима ўзбек адабиётининг энг яхши асарларини қардош ва жаҳон халқлари маданий мулкига қўшишда муҳим роль ўйнамоқда. Шароф Рашидов «Дўстлик, биродарлик ва ҳамкорлик тили» китобида алоҳида уқтирганидек, «таржима масаласи, кенг маънода олиб қаралганда, умумдавлат, умумпартиявий проблема». Бинобарин, бу масалага катта масъулият билан ёндашиш керак. Ўзбек ёзувчи ва шоирлари асарларининг рус тилига қилинган «рангсиз, ифодасиз» таржималари, аксинча, қардош халқ-

лар адабиётларининг ижод ва тил қонунларини чуқур билмасдан, ўзбек тилига паст савияда ўғирлиши, умуман йўл қўйиб бўлмайдиган ҳолатдир. Жаҳон ҳамда рус классик адабиёти дурдоналарини ўзбек тилига таржима қилиш ёш ижодкорларимизга ҳам катта масъулият юклайди. Ана шундай масъуллик самараси ўлароқ, ўзбек китобхонлари эндиликда жаҳон адабиётининг Эсхил ва Эврипид, Софокл ва Данте, Шекспир ва Гётедек даҳолари заковатидан баҳраманд бўлаётирлар.

Ўзбек совет адабиётининг бугунги ютуқларини ёш талантларнинг ғоявий-бадий етуқ асарларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Жумладан, кўпчилик талантларимиз Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотида сазовор бўлдилар. Севимли шоиримиз Абдулла Ориповга Ҳамза номидаги республика давлат мукофотининг берилиши ёшларимизни янада руҳлантириб юборди. Шунга қарамасдан, ҳали ҳам ғоявий-бадий бўш асарлар кўплаб учраб турибди. Шароф Рашидов бу масалада алоҳида ҳушёрликка чақиради. «...ёшларни мақтаб юбориш, юзаки, хомхатала, қалбаки, ҳунармандлик билан ясалган совуқина асарлар билан муроа қилиб бўлмайди. Бизнинг позициямиз бу ўринда аниқ бўлиши керак — ёшларга энг кўп ғамхўрлик кўрсатайлик, уларга қаттиқ талабчан бўлайлик». Унинг ўзи «Замонавийлик — адабиёт ва санъатнинг қалби» мақоласида таъкидлаганидек, ҳар доим «ўз тажрибасини ёшларга ўргатиш, боғбон ўз ниҳолларига қандай меҳр билан ғамхўрлик қилса, ёшларга шу зайлда ғамхўрлик қилиш адабиёт ва санъат устасининг бурчи», деб билади.

Бежиз эмаски, Шароф Рашидович Рашидовнинг ташаббуси билан, 1974 йили Иттифоқда биринчи бўлиб Ўзбекистонда «Ёш бадий зиёлилар билан ишлашни янада яхшилаш чоралари тўғрисида» деган, эндиликда ғоят муҳим маданий аҳамиятга молик, тарихий қарор қабул қилинди. Мазкур қарор А. Орипов, Ш. Холирзаев, У. Ҳошимов, О. Матжон, Р. Парфи, Ҳ. Худойбердиева сингари талантларимизнинг адабиётда тугган ўрнини қатъийлаштирди, М. М. Дўст, У. Азимов, М. Солих, Х. Даврон, М. Раҳмон, Т. Мурод, А. Ибодинов сингари бири-бирдан ёрқин ёш истеъдод соҳибларини қайноқ ижод майдонига бошлаб кирди. Мазкур тарихий қарор даврлар оша халқ орасидан янгидан-янги номларни топиб чиқаверишига биз қатъий ишонамиз. Зеро, бу масалада толмас курашчи, ҳомий ва раҳнамо раҳбар, атоқли адиб Шароф Рашидов Ўзбекистон Компартиясининг XX съездида қилган ҳисобот докладыда ёш ижодкорлар хизматларини юқори баҳолаб, ижодий союзлар олдига ёшларга ғамхўрлик қилишни бундан ҳам кучайтириш вазифаларини қўйди: «Адабиёт ва санъатга ёш талантларнинг келиб қўшилиши, улар ижодининг ғоявий-бадий савияси ошганлиги кейинги йиллардаги ажойиб воқеа бўлди. Ижодий союзларнинг энг муҳим вазифаси — социалистик маданиятимизнинг эртанги кўни ҳақида реал ғамхўрлик кўрсатишдан иборат». Йирик партия ва давлат арбоби, адабиётимизнинг ҳақиқий жонкуяри бўлган атоқли адибнинг съезд минбаридан туриб ёшларимиз ижодига берган бундай юксак баҳоси ва чексиз ғамхўрлиги, шубҳасиз, ижодкор ёшларимизни янада каттадан-катта ижодий парвозларга чорлайди.

Ижодкор ёшлар масаласи, ҳамisha адабиётнинг келажак масаласидир. Улкан совет адиби Шароф Рашидовнинг ижодкор ёшларни тарбиялаш, уларга ғамхўрлик қилиш борасидаги янги ижодий довлонларни эгаллашга отлантирувчи фикрлари, бевосита амалга ошираётган ишлари адабиётимиз ривожига катта роль ўйнамоқда. Унинг ўзи ёшлар учун толмас ижодкорлик намунаси, сеvimли устоз, меҳрибон мураббий бўлиб қолаверади.





ИБРОХИМ  
ФАФУРОВ

# ЮРАГИДА БАҲОР ЯШАГАН ШОИР

Уттинчи йиллар ўзбек совет шеъриятининг олтин ёшлик даври. Бу йилларда шеърият янги, социалистик адабиётимизнинг байроқдори бўлиб чиқди ва ҳаракат қилди. Ижтимоий ҳаётга, одамлар онгининг шаклланишига худди яловбардор каби таъсир ўтказди. Фафур Фулом, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Уйғун, Миртемир, Зулфия, Шайхзода шеърлари тимсолида адабиёт ҳали шу пайтгача миллий ҳаёт заминида мисли кўрилмаган янги тубдан жўшқин новаторлик намуналарини ярата бошлади. Бу ўзбек пролетар шоири Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ва унинг атрофида ҳаракат қилган социалистик адабиёт тарафдори бўлган намоёндалар асос солган катта улғувор тарихий йўлнинг тўғридан тўғри, лекин бутунлай янгича савиядаги ва янгича бадиий йўналишдаги, янгича эстетик даражага кўтарилаётган, янги тафаккур чўққиларини ўзлаштираётган давоми эди.

Мана шу улкан ҳаракатни яратаётган беҳад зўр иқтидорга эга бўлган шоирлар изидан адабиёт майдонига Султон Жўра, Усмон Носир, Амин Умарий, Ҳасан Пўлат, Зафар Диёр каби ҳар бири ўзига хос овозга, ўзига хос бадиий қарашларга эга ёшлар ҳам завқ билан кириб келдилар.

Уларнинг завқлари Фафур Фулом ва Ҳамид Олимжоннинг завқларига туташ эди. Улар бир интилиш — социализм галабаларини мустаҳкамлаш, янги юксак маданий ҳаёт қуриш ва яратиш орзуси билан яшардилар.

Шу билан бирга уларнинг ўз фарқли томонлари ҳам кўзга баралла ташланиб турарди. Улар таъбир агарда ўринли бўлса, оддийроқ эдилар. Интимроқ эдилар. Уларда ҳиссиёт кучли эди. Лекин ҳиссиётларини соддароқ қилиб ифодалардилар. Улар кўпроқ юракка мурожаат қилардилар ва ҳаёт ҳодисаларини юрак орқали ўзлаштирадилар.

Ҳаётни юрак орқали ўзлаштирувчилар, юрак орқали кўрувчиларнинг энг ёрқин вакилларида бири шоир Усмон Носир эди.

Республика адабий жамоатчилиги бу йил Усмон Носирнинг етмиш йиллигини нишонлайди. Шоир қисқа бир муддат ижод қилди. Лекин унинг қисқа муддат — ўн йил орасида ёзган шеърлари шеъриятимизнинг олтин ёшлик даври хусусиятларини органик равишда тўлдирди ва бойтади. Усмон Носир шеърлари ўзбек лирикасидаги янги йўналишнинг ибтидосидир. Бу ибтидо жуда талантли ва ёрқин кўринишга эга бўлганлиги боисидан бугун ҳам

адабиётимизда яшовчан, тирик ҳодиса. Усмон Носирнинг лирикаси йигирманчи йилларнинг аввалларида туғилган ва адабиётга қирқинчи йиллар арафасида кириб кела бошлаган қатор ёшлар қаламининг очилишида кучли таъсир кўрсатолган. Шоирнинг шеърлари бугунги кун — саксонинчи йилларнинг ёшлари томонидан ҳам севилиб ўқилмоқдаки, бу озгинаю созгина шеъриятнинг анча теран бадиий эстетик хусусиятларга эга эканлигидан далолат беради.

Усмон Носир ҳаёти ва ижодини тузукроқ текширган шоир Уткир Рашид ҳамда марҳум адабиётшунос Абубакир Ражабий унинг болалик чоғлари оғирроқ кечганлигини таъкидлайдилар. Бунда кўпроқ шоир шеърларига асосланамиз. Чиндан у ўз болалиги қийинчилик ичида кечганлигидан шикоят қилади. Давр шундай эди. Лекин У. Носирнинг яқинлари унинг ўқимишли, илғор киши бўлиб етишувини орзу қилганлар ва шунинг ҳаракатида бўлганлар. Айниқса, янги замон қурилишида фаол иштирок этган Носир ота ҳамда Усмоннинг амакиси унинг тақдирини учун қаттиқ қайғуриб, жонбозлик кўрсатганлар. Бу жиҳатдан У. Носирнинг болалик вақтидан шикоятларини Носир отадан кўрмаслик ва унга боғламаслик керак. Чунки бу асоссиз гаплардир. Бу ҳол Усмон Носир совет мактабларига кириб олгунча давом этди. Сўнг унинг учун бутунлай янгича ҳаёт бошланди.

Усмон Носир Қўқонда мактаб-интернатда, сўнг Москвада, Самарқанд Педакадемиясида таҳсил олган чоғларида жаҳон ва илғор рус шеъриятини чуқур мутолаа қилди. Рус тилини мукамал ўзлаштирди. Пушкин, Лермонтов, Есенин, Чаренц сингари шоирларнинг ижодини қизиқиб ўрганди. Уларнинг ёрқин асарларини ёд олди ва худди ўз шеъридек давраларда севиб ўқиди.

Усмон Носирни яхши билган кишилардан бугунги ёшлар у қандай одам эди, деб кўп сўрайдилар. Улар шунда худди бир-бирлари билан келишиб олгандай: «Усмон Носир — ўт эди», деб жавоб берадилар. Усмон Носир совет мактабларида ўзлаштирган кенг билимлар бу тўғма ўтнинг алангасига янада аланга қўша бошлаган, аланганинг тоза ва баланд ёнишига хизмат қилмоқда эди.

Қўқон, Самарқанд ва сўнгроқ Тошкентдаги жўшқин адабий муҳит бу алангага зўр қувват берди. 1937 йилнинг бошларида Тошкентда йигирма беш яшар шоирнинг ижодий ўн йиллигига бағишланган мажлис бўлиб ўтди. Унда



Усмон НОСИР.

(1937 йил фотографиласидан кўчирма.)

шоир Уйғун оташин сўз айтди. Мана шунинг ўзиниқ Усмон Носир ижоди адабий жамоатчилик ўртасида қанчалик юксак эътибор қозониб келаётганлигини кўрсатади. Уттинчи йиллар ичида шоирнинг «Сафарбар сатрлар», «Қуёш билан суҳбат», «Тракторобод», «Юрак» ҳамда «Меҳрим» сингари китоблари босилиб чиқди.

Усмон Носирни дам шеърятимизнинг ўттинчи йиллар кўкида ярқ этиб ўтган қақин, дам бир зум кўзларни беҳад қамаштириб ёнган порлоқ юлдуз, дам юксак алангага ўшатадилар. Буларнинг бари кўтаринки тасавурлардан тўғилган, шу билан бирга уларнинг барида ҳақиқатга яқинлик бор.

Лекин биз Усмон Носирни ўз тили, ўз ифодаси билан ЙЎЛЧИ деб атаймиз. У ҳар бир шеърда бизга ЙЎЛЧИ СИЙМОСИДА гавдаланади. У ўзини йўлчи деб аташни яхши кўради. Унинг шеърлари ва дostonларидаги тасвирлар ҳам йўлчи образининг табиати, моҳияти билан боғлиқ кетади.

Усмон Носир — йўлчи — йўлларни, йўлларда учраган гўзал манзараларни чизишни, тасвирлашни севади.

У йўлчи каби макони жуда нозик ва беҳад теран тасаввур қилади. Шоир сифатида унда маконни ҳис қилиш жуда ҳам ривожланиб етган. Унинг энг яхши шеърларида макон ўз ёрқин чегаралари ёки чегарасизлиги ажиб ва бениҳоя характерли деталлари билан кўз ўнгимизда намоён бўлади.

Йўлчиман, манзилим денгиздан нари,

Ложувард уфқнинг тубига яқин.

Кўнглимда дардларим дарёдек оқин

Чайқалар кўзларим тикилган сари.

О, йўллар!..

Бунда макон уфқларга туташиб кетган. Унинг чеки йўқ. Чунки йўлчи юрагидаги орзуларнинг ҳам поёни йўқ. У улуг бир завқлар билан келажак сари интилади. Бу шундай бир йўлчики, у ҳеч қачон бир жойда туриб сокин бўлиб қолиши мумкин эмас. Зотан, унинг кўнглидаги дардлари — бу ерда «дардлар» орзулар маъносига келди — дарёдек айқириб ётади ва уни тинимсиз сафарларга чорлайди. Ҳаракатдан ҳаёт яралади.

Чу, қора тойчоғим! Чу, қора йўрғам!

Муродга қасд қилиб югурган етур.

Бўронни севмаса дил нечун тепур?

Тириклик не керак бемехнат, беғам?!

Чу, қора йўрғам!

Булар кейинги давр ўзбек лирикасининг мундарижа донрасида чуқур из қолдирган ва кўп шоирларда ижодий давом эттирилган машҳур ҳикматлардир.

Йўлчи мана шундай улуг мақсад билан яшайди. Йўлчининг аҳди қаттиқ бўлмаса, у муродига эришолмайди. Шунинг билан баробар йўлчи йўл қийинчиликларида кўз юмолмайди. У енгилтак эмас. Катта мақсад билан сафарга чиққан кишининг йўлида оғир меҳнатлар, қаттиқ бўронлар ҳам ётади. Лекин йўлчи — йўлчи бўла туриб бўронни севмаса, у қандай йўлчи бўлди!

Йўлчи катта мақсад йўлида дард билан яшашни, курашни идеал даражага кўтаради. Лекин ўзи шу идеалга аввало амал қилади.

Усмон Носир лирикаси шеърятимизга узоқни кўзлаган ва йўл машаққатларидан кўрқмайдиган, беғам яшашни-яшаш демайдиган янги бир лирик қаҳрамонни олиб кирди. Бу лирик қаҳрамон — ЙЎЛЧИ ЛИРИК ҚАҲРАМОНДИР. Йўлчи бизнинг кўз ўнгимизда КУРАШЧИ маъноси билан баробар қиммат касб этиб боради Усмон Носир шеърларида.

Йўқ, ҳали ҳаммаси ўтганмас!

Олдимда кутади имтиҳон —

Мен оғир жангларда бўларман.

Насима! Бу кунги иссиқ қон

О, балки тўкилуру... ўларман...

Олдимда кутади имтиҳон!

Йўлчи ўзида мана шундай юксак инсоний имтиҳон туйғуси билан яшайди. Йўлчи бу ерда курашчига айланади. Бу курашчида аҳд ғоятда қудратли:

Уйланиб кўзингга қарасам,

Иккита денгиздай кўринур...

Насима! Ичаман рост қасам,

Оловдек ловуллаб дил ёнур,

Бахтлиман — жангларга ярасам!

Йўлчи ўзининг шу сўзлари билан Фафур Ғулом йигирманчи йилларнинг охирида яратган юраги оташга тўлиқ яловбардор образи билан қариндошлик топади. Ватан бахти йўлида жангларга отланиб, ўзининг энг улуг бахтини шунда кўрган қаҳрамон ўзбек лирикасининг ўттинчи йиллардаги энг ёрқин ва теран образларидан биридир. Бу образ ўша давр лирикасида етакчи мавқеда туради. Лекин яна эътиборингизни йўлчи лирик қаҳрамоннинг кўксига шаклланган ажиб макон туйғусига қаратайлик. Қаранг, у севган ёр Насиманинг кўзлари унга иккита денгиздай кўринмоқда. Унинг чиройли ўхшатиши ҳам макон — денгиз билан боғлиқ кетади. Йўлчининг табиатида шундай ажиб лирик изчиллик бор.

Оловдек ловуллаб дил ёнур

Бу ўқ каби сатр Усмон Носирга қанчалар хос. Қанчалар унинг шоир табиатини ёритишга хизмат қилади. Кейинги йиллар шеърятимизда юрак ёниши — қанчалар кенг акс этувчи мавзуга айланиб кетди. Лекин бу Усмон Носир лирикаси учун ажиб янгилик, балки кашфиёт эди. Усмон Носир Овидийдан, Пушкиндан келадиган образни ўз лирикасида тамомила янгича жаранглатган эди. Унинг барча энг яхши тирик шеърлари юрак ёнишидан тўғилган. Юракнинг алангаларини акс эттиради. Шу билан бирга бу яна ўз наватига йўлчи характерининг — Усмон Носир лирикасида намоён бўладиган лирик характернинг жуда ўзига хос, табиатан унга жуда ҳам ярашадиган, унинг учун туғма бўлган сифат белгиларидан биридир.

Усмон Носир шеърларида — юрак оташгоҳ! Куй ва шеър шу оташгоҳда бунёд бўлади.

Юрак, сенсан менинг созим,

Тилимни найга жўр этдинг.

Кўзимга ойни беркитдинг,

Юрак сенсан ишқибозим.

Қаранг, бу созга айланган юракнинг ёлқини шу қадар буюкки, унинг ёрқин шуълаларида фусункор ой ҳам кўзга кўринмай қолади. Ишқ бу юракнинг оловига доимо зўр куч беради. Бу жуда катта маънодаги Ватан ишқи! Унинг маъзани юксак анланган граждонлик туйғуси ташкил этади.

Сен эй, сен — ўйноқи дилбар,

Зафардан изла ёрингни.

Тўлиб қайна, тошиб ўйна,

Тирикман, куйла борингни.

Итоат эт!

Агар сендан —

Ватан рози эмас бўлса,

Ёрил, қақмоққа айлан сен,

Ёрил! Майли, тамом ўлсам!..

Мана шундай лирик ёрқин шеърларга қараганда, ўзбек лирикасида бир қадар устивор ривожланиб келадиган мавзуларнинг ибтидоси Усмон Носир шеърларидан бошланганлигини кузатиш мумкин.

Йўлчининг курашиб, қақмоққа айланиб яшаш нияти бу шеърда ўзининг жуда теран, қаттиқ ҳаяжонли ифодасини тоғандир. Бундай шеърларида Усмон Носир аруз билан бармоқ ўртасидаги — «сақратма аруз»да ажиб ритмик оҳангдорлик топади ва уни нафис такомиллаштира бошлайди.

Йўлчи нималарга қарши бош кўтаради! Унинг исёни нималарга қарши қаратилган!

Аввало биз йўлчининг ҳали ғоятда ёш эканлигини бир бор эслаб, хотирамининг бир чеккасига туғиб қўйишимиз даркор. Зотан, шусиз, кўп нарсаларни тўла тушутириб бериш мумкин эмас.

Йўлчи «асрларни йиғлатган севги»ларга қарши аёвсиз кураш очилди ниятини ўртага ташлайди. Қахрамон учун бу кураш декларациянинг ўзигина эмас. Яхши, буюк инсонларни қон қақшатган қора севгиларга қарши бош кўтаради. Дездемоналар, ҳамлетлар, мажнунларни қақшатган севги фожеалари ёш шоирнинг назарида чексиз қабоҳат бўлиб кўринади. Бунинг учун ақлдан озган муҳаббат деб атайди:

Ақлдан озганми муҳаббат?  
Мумкин эмас, қарши турмасдан!  
Мумкин эмас, эй олижаноб —  
Неча юракни айлаб хароб,  
Шоҳона тож кийган муҳаббат.  
Мумкин эмас! Қандай қабоҳат!

Йўлчи — курашчи лирик қахрамон мана шундай олижаноб юракларни хароб айлаган «таж кийган муҳаббат»га қарши отланади. Уни қаттиқ қоралайди. Ленин бу — даврларнинг — қоронғи шафқатсиз асрларнинг маҳсули бўлган тенгсиз муҳаббатдир.

Ки, одамнинг ўзингизамас,  
Ҳиссини ҳам хароб қилса давр!  
Қийналаган!.. Юрагимда ҳовр...  
Бу қаршилиқ! Ён! Гина эмас!

Шоирнинг йўлчи-курашчи лирик қахрамони инсон ҳиссиётларини хароб қилган даврлардан ўртанади. Янги замон кишини сифатида ўша хароб бўлган севгилар учун виждон қийноғини бошдан кечирилади. Ўз зиммасига катта иш олади.

Зиммасида катта вазифа билан инсон бахти йўлида курашувчи инсон — курашга бутун борлигини бағишлайди. Заррача ҳам ўзини аямайди. Унинг учун чала-ярим ҳиссиётлар, ланжлик, лоқайдлик бутунлай бегона.

Кунларимни ёшлигимдан аямадим,  
Менда ёшлик нокасликни ҳеч кўрмади.  
Қиз севганда, хўнгир-хўнгир қон йиғладим,  
Гўё қалбим амри-изминини сўрмади.

Бундай ғалати ўтли жаранга эга сўзларни тўқиб чиқариш, ясаб яратиш мумкин эмас. Улар юракда бир бутун ҳолда шу юракнинг асл ўт меваси каби ўз тароватли, асло бошқаларга ўхшамайдиган ранглари, ҳоври, атри, алангалари билан туғилади. У қандай ҳаёт кечирган бўлса, шундай ёзган. У қандай ўйлаган бўлса, шундай ёзган. Қандай ҳис қилган бўлса, шундай қоғозга туширган.

Бу ўзгача қадрли ёшлик. Шоир унга болалиқнинг жуда оғир кўчаларидан келиб эришган. Ғариблик, мунгшиб юриш нималигини у яхши билади. Унинг болалиги гул боғларда чопиб қувнамаган, ўз чечакларини термаган. Шунинг учун у гул ёшликни беҳад авайлайди. Унинг ҳар бир дамини чақнаган, яшинаган, шодликлар билан тўлган дамларга айлантиради.

Аямадим ёшлигимдан кунларимни,  
Нокасликни раво кўрмай севинтирдим,  
Чунки унга юрагимда ўлиб қолган  
Болалигим, эркалим тирилтирдим.

Биз шундай ноёб ва бениҳоя шоирона сўз қурилмалари учун Усмон Носирдан абадиан миннатдор бўламиз. Шунчалар ўхшашсиз чирой билан намоён бўлади ўзбек шеър тили Усмон Носир сўзлаган чоғларда.

Шу ажиб танти, мард, ўт-олов ёшлик ҳамма нарсага ўзгача жозоба-сурурат бағишлайди. Усмон Носир шамол ҳақида ёзса, шунда шеърининг ичиде ҳам ўзгача сарин, майини шамоллар эсиб қолгандай бўлади. Чунончи:

Ёшлигимдек тўйдирмасдан сира,  
Зумлар каби учган бу Пегас,  
Уйнаб сочларимни бошим узра  
Елпинса-чи, дил тинса бирпас...

Кўринг, шамол қандай шивирлаб ўтмоқда, қандай аста елпинмоқда, шоир дилига туганмас илҳом нашидаларини тўкмоқда.

Ўтиб кетдими у? Балки ҳозир  
Днепрни урар қирғоққа.  
Балки тилла бошоқларни ёзир,  
Балки минди оқарган тоққа...

Гоҳида шеър бу — абадий сеҳргарлик эканлигини унутиб қўйиб дейилганда, шундай сатрларни ўқилса, яна дунё буюк рангларга ғарқ бўлади. Яна юрак юксақларга кўтарилади. Яна инсон чексиз шуқуҳи билан намоён бўлади.

Ўтиб кетдими у?

Мен ҳеч қачон бундай гўзалликни учратмаганман. Тилнинг бу қадр бийрон ва ширин бўлишини билмаганман. Бунинг нималигини фақат хуш лаҳжа сеҳрсоз Ҳофиз теран англаган ва билган бўлса керакким, сўздан шавқи поёнсиз бир нуқтага етганда: «Зи чанг Зухра шинидам ки, субҳидам мегуфт, Харид Ҳофиз хуш лаҳжаи хуш овозам». [Дер эди чанг чалиб Зухра юлдузи тонгда — Гўзал товушли, ширин сўзли Ҳофиз устодим». Хуршид таржимаси.] Ҳақиқатан ҳам бу балки муболага эмасдир. Шунчалар ширин лаҳжа учун кўк тоқидан Зухра инсон боласига шогирдликка тушади ва ундан сўз ўртанади. Созчилар илоҳаси инсон боласига шундай тан беради.

Ўтиб кетдими у?

Чангсоз Зухра бу сўзларга ҳам қойил бўлса, улар соҳиб олдида балки тан берса, арзир эди. Зотан, майини шамоллар шу сўзларга тан берганлар, улар ҳам шу сўзларнинг ораларида майин эсиб турадилар.

Майли, кўнгил... Майли, ўйнасин у,  
Найларингни чалсин, таратсин.  
Худди сендай қабул этмай қайғу,  
Фақат, шодлик... шодлик яратсин!

Мана шу сатрларда лирик йўлчи қахрамоннинг яна бир сифат белгиси билан танишмоқдамиз. Унинг бағри кенг. У жўмард. Шулар билан бирга у қайғуларга кўмилиб юришликни ёқтирмайди. Шодликка интилади. Шодлик яратишни истайди. Умидбахш шодлик руҳи билан яшаш бу қахрамонга қанчалар ярашади, уни кўз ўнгимизда янада дилбарроқ қилиб кўрсатади.

Луғатимда сўзим анча кўп,  
Қайси бири билан бошлайин?  
Шундай шодман, шодлигим беҳад...  
Кўнглим шодлигимдан ўсади!

Усмон Носирнинг лирик қахрамони ўз руҳий интилишларида, кайфиятларини баён этишларида қанчалар изчил. У болалик чоғларида қайғу-ғамларни хўп тотган. Улардан юраги беҳад зада. Қайғу билан ўтган умрни эндиликда умрга қўшмай қўйган. Инсон шод яшаши, шод яратиши керак. Шунинг учун унинг юраги шодликка бунчалар ташна, бунчалар илҳақ.

Шу дунёда мен гўё севинчдан  
Қанот ясаб учардим баланд.  
Ўша баланд осмон тубидан  
Ёшлигимни табрик айлардим.

Бу қахрамон завқ билан яшашни истайди. Олам манзараларини ҳам завқ билан кузатади. Дунёни завқ билан қабул қилади.

Усмон Носир шеърлари аллақандай инсоний эркалик билан тўла. Биз бундай эркаликни Ҳамид Олимжон ва

Ғафур Ғулом шеърлятида ҳам учратамиз. Демак, эркалик чинакам лириканинг кайфиятимикин! Бугина эмас, шундай гўзал, одамга беҳад ёқадиган эркалик Маяковскийнинг оташин шеърлярида, Есенин лирикасида гуркираб ётмайдимиз! Уларнинг мазмундор шеърлярини бизга сезимли қилиб турмайдимиз! Бу эркалик афтидан Ватан ҳамда халқ билан ўзни бир жон-бир тан деб ҳис қилишдан, бошдан-оёқ шу халқ манфаатлари билан яшаш ва ижод қилишдан келиб чиқади. Эркалик лирикага гоҳда ярашади.

Усмон Носир шеърлярида шундай эркалик гулзор оралаган шабада каби тамтам ва ўктам. Унинг бутун борлиққа муносабати шундай эркалик орқали сезилиб турадиган ўктамликка тўладир. Унинг болалиги эркаликка ташна ўтганди. Ёшлик чоғларида эркалик тирилди, унинг бағрига қайтиб келди ва бунинг ҳаммаси шеърда ифода топди.

Усмон Носир лирикасида биз тўхтовсиз дуч келиб турадиган мурожаатлар — мана шу эркаликнинг бир белгисидир. Эҳтимол бунинг шоиримиз улуг Маяковский лирикасида ўргангандир. Маяковский шеърляри мурожаатларга қанчалар бой.

Усмон Носирнинг севгига, юракка, дилбар қизга, ўз ўйларига, шамолга, Ҳомерга, оққушларга, кўлларга қарата айтган эрка мурожаатлари дилимизда қанчалар хуш руҳият уйғотади.

Унинг ранг-баранг лирик мурожаатларида оламин чиндан, улуг бир самимият билан севгувчи қалб намоян бўлади.

Усмон Носир лирикаси дунёга бокира қарашдан туғилган образлари билан мафтун этади. Агар ўринли бўлса, уларни БОКИРА ОБРАЗЛАР деб аташ мумкин эди. Унинг шеърляри ва достонларида сув, қон, қиз билан боғланган образлар кўп. Улар орқали шоир ўз дардлари, шодумонлиги, қаҳрамонларнинг турли руҳий ҳолатларини ифода-лаб беради. Хусусан, шоирнинг маҳорат билан яратган «Нахшон» достони шундай бокира образларга, бокиралик руҳига тўлиқ.

Кўз тутдим,  
Кўзларим нигорон бўлди,  
А, Дилбар,  
Симбарим, юзлари қирмиз,  
Киприги кўксига соя солган қиз,  
Кўз тутдим,  
Юрагим тўла қон бўлди.  
Шаббод бўлалардай  
Гулзор узра шўх,

ҲАМИД  
ҒУЛОМ

## ҚАЛБ ТУҒЁНИ

(Бир йил хотираси)

Ой фанорини  
Ёқди қиз оқшом,  
Яша!..

Сен келдинг  
Севгилим Нахшон,  
Сув қизи — сувсарим,  
Киприкларини ўқ,  
Сен келдинг,  
Кўнглимга сув каби оқдинг,  
Сен келдинг,  
Рухимда яшаш бошланди...

Достонни истаган жойидан шундай кўчириб келтириш мумкинки, улар чинакам ҳаяжонлар, туйғулар, қарашлар, муносабатлар бокиралигидан яшноқ далолат бўлиб ўқилаверади. Бу достон шунчалар эрка овозга эга. Бамисоли булбул инсон тилига кириб ажиб қиссахонлик қилаётгандай. Афтидан Усмон Носир ўзининг энг етук сўнги китобларининг номини бекорга «Юрак» ва «Меҳр» деб атамаганди. Шу икки сўзда унинг назарида оламнинг, инсон ҳаётининг, бу ҳаёт гўзаллиги ва такрорланмаслигининг бутун мазмуни тўлалигича мужассамлашган эди. У бутун меҳрини, поклигини, тоза ҳаяжонларини шеърлярининг севинчли сатрлярига жойлаганди.

Шоир Нахшонни қанчалар эркалайди, ардоқлайди, лирик чекинликларида уни тинимсиз алқайди. Достон изҳори меҳр билан тўлиб тошиб ётибди.

Усмон Носир оламга ҳам худди мана шундай муносабатда эди. У кўприб тошган, жаҳонга сизмаган меҳр ва эркалик билан нафас оларди.

Усмон Носирнинг ўлмас таржималари ҳақида доимо севинч ва ҳайрат билан сўйлайдилар.

Бизда севинч ва ҳайрат уйғотиб турган ҳодиса яна ўша Усмон Носирнинг сўзда тиниқ ва жамулжам ифодаланган меҳри! «Богчасарой фонтани» билан «Демон»нинг ҳар бир сўзида меҳр ҳайқириб турибдириким, таржимада ва айниқса шеърлий таржимада бундай меҳр умуман жаҳон тажрибаларида унчалар ҳам кўп кўрилмагандир балки.

Усмон Носир ўз шеърлярининг боғбон бўлиб қолишини башорат қилганди. Чиндан ҳам шундай бўлди. Улар дилимизда доим эрта баҳорнинг таровати билан яшайди. Янги боғларда сайрайдиган янги замонларнинг қушлари албатта аввал баҳор шу бокира боғга кўниб шукрона айтиб ўтадилар.

Усмон Носир билан сўнги марта кўришганимизга ҳам, мана, қирқ беш йил бўлибди. Ҳаёт — елдириким, умр — отилган ўқ, деб шунга айтадилар.

1936 йилнинг кузидан 1937 йил кузигача — Усмон Носир Тошкентда муқим бир йил яшаб, 25 ёшлик бир шоир ўз ҳамкасблари ва жами шеър мухлисларини беистисно мафтун этди. Уша вақтларда Ёзувчилар союзи остонасидан илк бор қадам босиб кирган 15-18 ёшли шоирлар: Шухрат, Туроб Тўла, Мирмуҳсин, Шукурулло, Рамз Божон, каминан камтарин ва бизнинг ўнлаб тенгдошларимиз Усмон Носир атрофида ўралашиб, у билан суҳбатдош бўлишни, шеърлярини унинг ўзидан эшитишни ҳавас қилар эдик.

Бу пайтда Зулфия, Амин Умарий, Темур Фаттоҳ, Ҳасан Пўлат ҳам китобхонларга анча танилиб қолган эдилар. Округ Офицерлар уйи боғининг рўпарасидаги ҳовлига жойлашган икки қаватли Ёзувчилар союзи биносида, Ҳамид Олимжон раислигида тез-тез ўтказилиб туриладиган мушоираларда Ойбек, Ғафур Ғулом, Мақсуд Шайхзода, Уйғун, Собир Абдулла, Ғайратий каби машҳур шоирлар қаторида ёшларнинг ҳам қатнашиб туришлари одат тусига кириб қолган эди. Бинобарин, Союз қошида ёш ёзувчилар семинари муттасил ишлаб турарди. Ҳамид Олимжон областлардаги қаламқашлар ижодига, шу жумладан, халқ бахшиларига алоҳида эътибор билан қараб, уларни Тош-

кентга таклиф этиб турарди. Усмон Носирнинг Қўқондан Тошкентга кўчиб келиб, шеърят чўққиларига интилишида, Султон Жўранинг Андижондан келиб, машҳур «Жордано Бруно» достонини яратишида Ҳамид Олижоннинг улкан хизмати бор.

Шаҳар чеккасидаги Инжиқобод мавзеида Ёзувчилар союзининг шинамгина боғи бўлиб, ундаги кенгина, кўркам шийпон, тиниқ суви майин мавж уриб турган ҳовуз ва қатор ишқомлар ҳамон кўз олдиди. Чиллаки қорайиб, бувакилар ранг олабошлаган кунларнинг бирида, ўша боққа мени Ғафур Ғулум бошлаб борган эди. Шийпонда Мақсуд Шайхзода, Уйғун, Ғайратий, Собир Абдулла, Абдулҳамид Мажидий, «Муштум» журналининг ўша пайтдаги муҳаррири Ғулум Ғафуров ва менга таниш бўлмаган яна беш-олти киши гурунглашиб ўтирар эдилар. Тўрда гармонь чалиб ўтирган Қурбон бахши [Хоразмдан келган меҳмон] куй оҳангига мос, сал бўғиқ овозда, ўзи тўқиган узундан-узоқ бир шеърни айтар, шийпондагилар аллақандай маъноли жилмайишиб, тинглар эдилар.

Қурбон бахши манзумасини тугатиши билан, Ғафур ака йиғилишнинг оёқроғида ўтирган ёш йигитга мурожаат қилди:

— Қани, Усмон, янги достонингни эшитайлик!  
Урта бўйли, қадди-баста келишган, қуралай кўзлари чақнаб, чиройли юзи кулиб турган йигит тулдан туриб, шийпон устунига суянди-да, бир оз ўйга толгач, ширали овози билан ёддан ўқий бошлади:

«Боғларга намозгар салқини тушди,  
Гуллар нам баргини қайирди аста...»

Биз шоирнинг «Нахшон» достонини сеҳрланиб тингладик. Оддий муҳаббат нақли, табиий воқеа, ошиқнинг туғёнли монологи... Лекин мисралар раvon ҳар бир сўз ўрнида, биронта ортиқча ташбеҳ йўқ, бинобарин, ҳамма нарса янги: сюжет ҳам, ҳис-туйғулар ҳам, образлар силсиласи ҳам...

Усмон Носирнинг устозлари, тенгдошлари уни янги асар билан табрикладилар.

Шоир бошқа ёшлар қатори, менинг ҳам ўша вақтда газета ва журналларда босилиб турган илк шеърларимни самимий таҳлил қилиб, яхши маслаҳатлар берди. Биз у билан тез-тез учрашадиган бўлиб қолдик. Ёзувчилар союзида, Инжиқобод боғида, 9-январь кўчасидаги шоирнинг бир хонали квартирасида, кейинчалик, дадаси Чақар маҳалласидан ҳовли-жой олгач эса шу мўъжазгина ҳовлида неча бор суҳбатдош бўлдик.

Усмон Носир зеҳни ўткир, фикри теран, жўшқин ҳиссиётли, тақрорланмас истеъдод соҳиби эди. Айни вақтда, у жуда билимдон: классик поэзия, халқ ижодиёти, қардош халқлар адабиётлари, айниқса, А. Пушкин ва М. Лермонтов шеърини мисолида рус шеърини даҳосининг мазмун ва тароватини ўша даврда бу қадар дил-дилига сингдира билганига ақл бовар қилмайди!

Усмон Носирнинг яна бир фазилати ўта заҳматкашлигидир. Шоир то фожиали қазосига қадар, бор-йўғи 7-8 йил ижод қилди. Шу қисқа вақт ичида у икки достон, бир неча пьеса, юзлаб шеър ва балладалар ёзди, «Демон», «Боқчасарой фонтани» каби поэтик таржиманинг классик намуналарини яратди, шеърят ҳақидаги ўйларини, чала бўлса-да, қоғозга туширди...

Мен Усмон Носирга эргашиб юрган чоғларимда, шоирни ҳар доим изланишда кўрганман. У кўчаларда, чойхоналарда, трамвайларда — қаерда бўлмасин, одамларнинг сўзларига қулоқ тутар, мабодо янги ибора, ташбеҳ, мақол эшитиб қолса, дарҳол ён дафтарида ёзиб олар, маъносини дарҳол ўқиб билолмаган сўзини албатта сўраб-суриштирар эди. Чунончи, бир кун Хадра майдонида эканмиз, кекса тошкентликлардан сўраб, «хадра» сўзи-

нинг маъноси «чекка ер» эканлигини аниқлади. Уша кунларда «Демон» таржимаси билан машғул шоир «чодра»га «хадра»ни қофия қилмоқчи бўлди-ю, кейинги сўзининг узоқ тарихий тақдирини ўйладими, ўз фикридан қайтди.

Усмон Носир тинимсиз ўқиди, ўйлади, излади, ишлади, ёзди. Шоирнинг: «Илҳомнинг вақти йўқ — селдай келади» мисраси ёш ижодкорлар орасида мақолга айланиб кетди. Унинг ижодий режалари ичида энг улғи доҳиймиз В. И. Ленин тўғрисидаги йирик шеърини асари эди. Эҳтимол, бу эпик достон шеърини романга айланармиди.

— Ҳаёлимда доим Ленин ва Шарқ мавзун, — дер эди шоир қоп-қора кўзларини порлатиб. — Ҳаётининг аъмоли, муқаддас бурчим шул.

У сўнги нафасига чакана ана шу улғи мавзу устида ишлагани маълум. Тошкентда «Лениннома»сини ёзиб тугатди, бироқ бу нодир асар қўлёзмаси ҳалигача топилгани йўқ, ҳамон қидирилмоқда.

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзининг 1937 йилги Президиум мажлисларидан бирида Усмон Носир ижоди муҳокама этиладиган бўлди. Адабиётимиз жонқуяри Ҳамид Олимжон нечундир жуда ташвишли кўринар эди. У ҳовли юзида тўпланишиб турган шоирлар билан учрашиб суҳбатлашгач, бир чеккада турган мени имлаб чақирди.

— Муҳокамада сўзга чиқинг, фикрингизни айтинг, — деди у менга сичковлик билан тикилиб.

Албатта, Президиум — катта йиғин. Мен эса эндигина ўн саккиз ёшга кирган ғўра шоирман. Шунга қарамай, устозларнинг ғоят қизғин баҳсларидан сўнги, мен ҳам минбардан туриб, шоирнинг ҳаётбахш, жўшқин лирикасини ҳаяжон билан таърифладим. Гражданлик руҳи билан сўғорилган:

Лирикам менинг,  
Ювган,  
Тараган,  
Қараган юртнинг  
Хизматин  
Қилишлик —  
Вазифанг сенинг —

сатрларини ёддан ўқиб бердим.

Мажлисдан кейин Усмон Носир мени уйига таклиф қилди. Революция хиёбонидан ўтиб, Пиёнбозор [ҳозирги Навоий номидаги театр майдони] билан Бешёғоч томонга юрдик, кейин Чақар гузарига кирдик. Тепаликдаги чойхонада машҳур режиссёр Етим Бобожонов маҳалладош улфатлари билан чойхўрлик қилиб ўтирган экан, кўришиб ўтдик. Шоирнинг уйда алоҳида тайёргарлик кўрилган экан. Таомдан сўнг, шалдираб оқиб турган ариқ бўйида, янги, гулдор палос устида шеърхонлик давом этди.

Усмон Носир яна Ленин ҳақидаги достонидан сўз очди...

Шоирнинг бу достони у босиб ўтган машаққатли йўлларнинг бирор манзилдан топилиб қолишидан ҳамон ўмидвормиз.

Усмон Носир дили туғён билан тўла, хассос шоир эди. Ҳеч бўлмаса, «Юрак» шеърини ўқинг, итоатсиз, ёш, исёнкор юрагига нималар дер экан шоир:

Итоат эт!  
Агар сендан —  
Ватан рози эмас бўлса,  
Ёрил, чақмоққа айлан сен,  
Ёрил! Майли, тамом ўлсам!..

Унинг бу юрак туғёни авлод-авлодларга ўтиб, пок шеърини ҳамон завқ, шукӯҳ бағишламоқда.

## Юрак

Юрак, сенсан менинг созим,  
Тилимни найга жўр этдинг.  
Кўзимга ойни беркитдинг,  
Юрак, сенсан ишқибозим.  
Сенга тор келди бу кўкрак,  
Севинчинг тошди қирғоқдан.  
Тилим чарчар, ажаб, гоҳи  
Сени таржима қилмоқдан.  
Сен эй, сен — ўйноқи дилбар,  
Зафардан изла ёрингни.  
Тўлиб қайна, тошиб ўйна,  
Тирикман, куйла борингни.  
Итоат эт!  
Агар сендан  
Ватан рози эмас бўлса,  
Ёрил, чақмоққа айлан сен,  
Ёрил! Майли, тамом ўлсам!..

Самарқанд. 1933

## Карвон боради

(Уртоқ Кировнинг ўлимига)

Қайғурма, ўйим... Чарх ўрма, хаёл...  
Ҳали дил тўла армон!  
Карвон боради, йўллари ойдин,  
Кўзлари ойдин карвон.  
Чулғади тинчлик... Уйим, йиғлайсанми!  
Битди юрак бардоши.  
Кетди бир карвонбоши дейсанми,  
Равонми қайғунг ёши!  
Йиғлама, эркам, йўллари ойдин,  
Карвон боради. Сафар —  
Чархи узундир. Кўзлари ойдин,  
Хандон кулади зафар!  
Кетди у йўлчи... Бизнинг умр —  
У умрининг давоми.  
Яшар экан биз: биздаги армон,  
Йўлда карвон... Азами!  
Йўқ! Қайғурма, ўйим, қасдлар қолажак  
Карвон ортида чангдай...  
Кел, куйла, у умрининг давомин,  
Шеъримни унга боғлай!

1934

## Нил ва Рим

(Тарих китобидан)

I

Лампам ёнур... Яраланган қанотдек оғир  
Ўй босади. Юрагимда гўё сел ёғир.  
Қийналаман. Тиришаман. Ҳушим паришон.

Утмиш, ҳозир ва келажак кўринур — ҳар он.  
Тиришаман, бутун кучийм кўзимга келар;  
Чироғимга парвонадек уринар йиллар,  
Тўрт атрофим тўлиб кетар куйган қанотга...  
Хаёлимда: катта сахро, мен миниб отга —  
Шамолдан тез, булутлардан енгил чопаман,  
Куйиб тушган ҳар қанотдан бир жон топаман.  
Термиламан ўлик кўзга [нега кўрқайин!].  
Барчасидан ўйиб олиб кўзининг ойини —  
Термиламан: қичқиради йиллар, одамлар,  
Эшитилар менга ўлар босган қадамлар...

II

Сариқ қумлар орасидан қон рангли қуёш —  
Кўтарилар. Нил оқадир — қуллар тўккан ёш.  
Фарёдларга чиқолмайди ер билан осмон.

Ро қаерда! Азириса! Қийнайди Тифан!  
Кимга йиғлаб, кимдан мадад кутсин бемор қул!

Эрки қулфдир, ҳаёти қулф, бор худолар қулф!  
Косасида сув йўқ, қуруқ халтаси — нон йўқ.  
Ботаётган қуёш каби рангида қон йўқ.  
Кўзида кўз йўқ, белида бел йўқ, ҳайҳот!  
Фиръавн уни чумолидай эзади: войдод!..

Фиръавнининг ҳукми қаттиқ, фиръавн хўжайин,  
Худоларга у манзурдир, ҳаёти тайин.  
Неки қилса, ўзи билар, ўзи ҳукмрон,  
Миср бўйлаб Нил оқадир — қуллар тўккан қон!

IV

Иссиқ излар... ҳамон у исёндан ис бордек,  
Булутларнинг орасинда юрар Спартак.  
Осмон — қалқон, камон ёйи — чақмоқ, ёнар ўт.  
Зулм учун йиғи, фиғон ва эркисизлик суд.  
Жавоб берсин, Афлотунми, Вергерими, ё —  
Бошқа бири, қани ким у! Ким мард! Ким гувоҳ!  
Ки — тун қанча қора бўлса, ой шунча ёруғ!  
Спартакнинг лашкарлари ҳали ҳам борур.  
Мана менман, у исёнининг ўлмас авлоди.  
Мана, менман, у қулларнинг ҳеч сўнмас ёди.  
Мана менман, фалакларга лов-лов ўт қўйиб,  
Оталаримнинг бошидан пойдевор ўйиб,  
Келажаким обидасин қурган инсонман!  
Ўша жонман, ўша қонман ва ўша шонман!!!

1935

# Монолог

Севги! Сенинг ширин тилингдан  
Ким ўпмаган, ким тишламаган!  
Дардинг ёйдаи тилиб кўксидан,  
Ким қалбидан қонлар тўкмаган!

Сени яхши биламан, гўзал,  
Петраркани ўқиганим бор.  
Буюк Римнинг Сапфоси азал  
Хаёлимни ошиқдай тортар.

Биламанки, Тассо бечора  
Роҳат кўрмай ўтган бир умр.  
Эй, маккора қиз, Леонора,  
Номи қора билан ёзилгур!

Балки, гулдан яралган пари  
Тош кўнгилли Беатриче  
Гадосан,— деб қочмаса нари  
Данте бахтли бўларди пича!

Балки, Гамлет ойдин тунларда  
Офелияни эркалатарди.  
Балки, узун сочини силаб  
Азонгача эртак айтарди.

Агар хиёнатни билмаса,  
Эзмаса фожиа юрагини!  
Йўқ. Йўқ, шоир! Гар шундай бўлса,  
Шекспирнинг йўқдир кераги!

Дездемона, гуноҳсиз дилбар,  
Жигар қонларингни ичган ким!  
Биламан, Отелло, биламан,  
Отелло ҳақлими!.. Шоир жим!..

Жим!.. Уфқдан ботар қуёшни  
Шарт кесилган бошга ўхшатдим.  
Парча-парча куйган шафақлар  
Тирқираган қонни эслатди!

Қандай кўрқинчи! Қандай қабоҳат!  
Мумкин эмас ҳеч қийналмасдан!  
Ақлидан озганми муҳаббат!  
Мумкин эмас. қарши турмасдан!

Мумкин эмас, эй, олий жаноб,  
Неча юракни айлаб хароб,  
Шоҳона тож кийган муҳаббат,  
Мумкин эмас! Қандай қабоҳат,  
Ки одамнинг ўзигинамас,  
Ҳиссини ҳам хароб қилса даар!

Қийналаман!.. Юрагимда ҳовур...  
Бу — қаршилики! Ёни Гина эмас.  
Бу — қаршилики! Кўринг тарихни.  
Парвонадек қаноти куйган,

Уз зиммамга катта иш олдим:  
Эҳтимолки, тамом қилмасдан —  
Улрим тугар. Аммо, бўлмайти

Бу — қаршилики! Кўринг тарихни.  
Умр тепасида мушт туйган...  
Қийналаман виждон билан мен.  
Мумкин эмас қарши турмасдан!

[Кўнглим ўрнига ҳеч тушмайди.]  
Сенга қарши бош кўтармасдан  
Асрларни йиғлатган севги!..

1933

## Йўлчи

Йўлчидан, манзилим денгиздан нари,  
Ложувард уфқнинг тубига яқин.  
Кўнглимда дардларим дарёдек оқин,  
Чайқалар кўзларим тикилган сарин.

О, йўллар!

Чу, қора тойчоғим! Чу, қора йўрғам!  
Муродга қасд қилиб югурган етур.  
Бўронни севмаса, дил нечун тепур!  
Тириклик не керак бемеҳнат, беғам!  
Чу, қора йўрғам!

1935

## Яна шеъримга

Шеърим! Яна ўзинг яхшисан.  
Боққа кирсанг, гуллар шарманда,  
Бир мен эмас, ҳаёт шахсисан,  
Жоним каби яшайсан манда.  
Юрагимнинг дарди — нақшисан,  
Қилолмайман сени ҳеч қанда!  
Ут бўлурми ишқи йўқ танда!  
Дардимсанки, шеърим яхшисан.  
Сен орада кўприк бўлдинг-да,  
Гейне билан ўртоқ тутиндим.  
Лермонтовдан кўмак ўтиндим.  
Бутун умрим сенинг бўйинингда.  
Саҳарда қон тупурсам, майли,  
Мен — Мажиунман, шеърим, сен — Лайли!

1935



ОКТАБРЬ  
ЖАВЛОНОВ,

АНВАР  
ЖЎРАБОВ

# МАҚСУДА

Хазонрезги бошланди. Бутун ёз бўйи одамларни қуёшнинг оловли тигидан асрайвериб саргайиб қолган барглар дарахт шохларидан чирс-чирс тўкилади.

Кунлар бир тутама бўлиб бораяпти. Қоронғулик ўз пардасини қандай туширганини сезмай қоласан киши.

...Елкасига қўсқи пальтосини ташлаб олган Мақсуда деразалари негадир узун ва тор қилиб қурилган шийпон қаршисидаги скамейкага ўтириб, иягини ўнг кафтига суяганча пахтазорга тикилди. Ой ёғдусида чўмилаётган оппоқ дала жозибали ва аллақандай сирли туюлади.

Эртага наҳор пайтида «оқ денгиз» бўйлаб сафарга чиқадиган «зангори кема»лар дала бошидаги шийпонда ялов тортишган.

Ҳамиша шундай — терим олдидан Мақсуда негадир бедорхоб бўлади. Негадир безовталанади, ҳаяжонланади. Мана, ҳозир ҳам шу ҳолатда ўтирибди.

Мақсуда секин ўрнидан турди, бир-бир босиб, ой шуъласидан қорамтир-кўкиш ранг олган машиналар томон юрди. Унинг машинаси ўртада турибди. Мақсуда муздек темирни оҳиста силади. «Пўлат от»га қараб хаёлга толди.

Баъзан терим вақтида пахтанинг ерга ҳаддан зиёд тўкилиши, сифати пасайиб кетишини айримлар машинага тўнкайди. Хизматга туҳмат. Аслида айб механизаторда.

Мақсуданинг назарида механизатор икки хил бўлади. Биринчиси машина бошқаришни эплайди-ю, ҳатто энгилгина ремонт қилишни ҳам билмайди, ўрганишга уринмайди. Иккинчиси ҳайдашни ҳам, созлашни ҳам қойил қилади. Аммо эринчоқликданми, бепарволикданми, машинасига қарамайди. Натижада теримга ҳали батамом тайёр бўлмаган машиналар ҳам тушади, пахтанинг жуда кўп қисми ерга тўкилиб, тупроғу хасга қоришади. Бундай хомашё пахта тозалаш саноати ишчиларини, тола йигирувчиларни минг азобга қўяди. Тўкилган ҳосилни териб олишни-ку, қўяверинг. Тўғри, махсус подборшиклар бор, лекин ҳали улар мукамал бўлмагани учун юзлаб студентлар, ўқувчилар ўқишни, ишчи-хизматчилар ишини вақтинчалик йиғиштириб эртаю кеч далада овора бўлишади.

Пахтанинг ерга кўп тўкилиши, ифлосланиши бундай лоқайд механизаторларни зиғирчаём афсуслантирмайди.

Шу пахтани пахта қилгунча ўзлари нақадар азоб чекишганини унутиб юборишади. Машинасининг бункери тўлса, тонналар бўлса бас уларга. Ахир бу ўзининг, дўстларининг меҳнатини, кўз нурини оёқ ости қилиш эмасми!

Бизда ҳали кўпгина хўжаликларда механизаторларга маош ва муқофот фақат тонналар ҳисобига берилади. Сифат эса, негадир иккинчи даражали масала ҳисобланади. Агар механизаторларнинг ўзаро беллашуви шартларига уларнинг машинага бўлган муносабати, сифатли терим ҳам киритилса қайтага яхши бўлмайдими! Айтилик, шофёр. Класси қанча юқори бўлса, маоши ҳам кўп бўлади. Механик-ҳайдовчиларга ҳам маош белгиланганда худди шунга ўхшаш тош-тарози қўлланилса-чи!

Мақсуданинг ҳисоб-китобича план бир иш кунда ба-жарилиши, ҳар гектар ердан кўзда тутилганидан бир ярим баравад ортиқ ҳосил олинини керак. У бу ҳақда ҳеч кимга айтган эмас. Аммо ички бир туйғу билан шундай бўлишини сезиб турибди. Одатда бундай туйғу ёши бир жойга бориб қолган, пахта экиб суяги қотган кишиларда бўлади. Аммо Мақсуда ҳам ёш бўлишига қарамай, пахтачиликда унча-мунча тажриба орттирган.

У Фарғона водийсидан. Ўзбекистон районидаги Ленин номли колхозда туғилиб ўсган. Мактабни тугатгач, Фарғона педагогика институтига ҳужжат топширди. Конкурстан ўтолмади. Уйига қайтишга ор қилди, бир-икки дугонаси қатори савдо техникумига кирди. Диплом қўлига текач эса, техникумда бекор ўтган умри учун афсусланди: барибир савдода ишлай олмастлигини сезди, севмаган касбда қандай ишлаши мумкин. Кейин механизаторлик курсини тугатди. Қолғондара массивини ўзлаштиришда комсомол-ёшларга бошчилик қилди. Ушанда — институтга кира олмагани юрагида бир армон бўлиб қолганди. Ана шу армон азобида юрмаслик учун барибир кирди. Тўғри, сиртдан.

Институтни битирди ҳам. «Барибир ўқитувчилик қилмаганидан кейин, дипломнинг нима кераги бор!» деган савол туғилиши табиий. Аммо гап дипломда эмас, институтда олган сабоқда. У гарчанд ўқитувчилик қилмаса-да, эгаллаган билимлари ҳаётда асқотмайди! Кейин, бригадирлик ҳам педагогик эмасми! Ҳар бир одамнинг қалбига йўл топши осонми!!

Бир куни Мақсуда Жиззах чўлини ўзлаштириш учун махсус отряд ташкил этилаётганлигини эшитиб қолди. У тўғри район комсомол комитетига борди. Отряд сафида Жиззах чўлига кетмоқчи эканини айттирди. Лекин колхоз раиси ҳам, район партия комитетидагилар ҳам олдинига Фозилвани олиб қолишмоқчи бўлишди.

— Мен коммунистман. Коммунист энг оғир участкада бўлиши керак,— деб туриб олди Мақсуда. Шундай қилиб, у Жиззах чўлига отланди. Бригадасидаги механизатор йигитлар ҳам унга қўшилди.

\* \* \*

...Бўстондаги чодирли шаҳарча Жиззах чўлини ўзлаштириш учун келган комсомол-ёшлар отряди аъзоларини шиддатли ёмғир билан кутиб олди. Аммо уларнинг руҳи тетик эди.

Фарғоналик чўлқуварлар орасида Фозилова нимаси биландир ажралиб турарди.

— Гап бундай, Мақсуда,— деди унга «Джизактепстрой» территориал бошқармасининг ўшандаги бошлиғи Павел Харитонович Кан.— Сизни областимизнинг Мирзачўл зонасидаги совхозлардан бирига — бўлим бошқарувчиси қилиб юборсак.

— Павел Харитонович, таклифингиз учун раҳмат. Менга осон бўлсин деб шундай қилганингизни сезиб турибман. Лекин биз бу ерга аллақачон ўзлаштириб бўлинган ерларда ишлаймиз, деб келган эмасмиз. Районимиздан келган ёшлардан бригада тузамиз. Комсомол-ёшлар бригадаси.



— Яхши,— деди бироз ўйлангач, Павел Харитонович,— йўқса чўлда яқинда ташкил этилган 3-хўжалик ҳисобидаги участкага юборамиз.

Боя бошқармада Фозилова ана шу участканинг директори Виктор Пантелеевич Тен билан танишганди. У анча тажриба ортирган чўлқувар. Мирзақўлдаги бир қанча янги совхозларни тузишда фидокорлик кўрсатган. Виктор Пантелеевич бир неча йил давомида Октябрь районидаги Собир Раҳимов номи йирик совхозга директорлик қилди, кейин ўз ихтиёри билан Жиззах қўлига келди. Чўлда янги хўжалик тузишда жонбозлик қилди.

Директор аввало Фозиловага далаларни кўрсатди: чигитлар бир текис униб чиққан. «Сизга мана шу ерларни ажратамиз»,— деди у. Мақсуда эса индамасди. Фозилова бу ерга чигит экилганидан сўнг келганидан хижолат чекарди.

— Кўнглингизга келмасин, — деди унинг ўйчан кўзларига боқаркан, Виктор Пантелеевич,— сиз ўз айбингиз билан кечикканингиз йўқ-ку! Меҳнат энди бошланди, ҳали қийинчиликлар олдинда. Кейинги йилдан бу ерларда ўзингиз деҳқончилик қиласиз.

Олдиларига дўппи кийган, узун бўйли, қорача киши келди.

— Танишинг, Жониқул. Бу қиз Мақсуда Фозилова. Фарғонадан комсомол йўлланмаси билан келган. Шийпондаги йигитлар ҳам у билан бирга. Манави майдонини уларга ажратсак. Нима дейсиз!

Жониқул Урозов совхозда бўлим бошқарувчиси эди. У «ўзимизнинг ташвишларимиз озмиди! Энди сен етмай турувдинг!» дегандек Мақсудага босдан оёқ разм солди. Мақсуда жонҳолатда директорга ўғирилди:

— Виктор Пантелеевич, ахир бу ерларнинг эгаси...

— Унга қолган майдон ҳам етиб ортади!— чўрт кесди директор. Сўнг Урозовга юзланди,— ишчи кучи кам-ку сизда ҳам, тўғрими, Урозов.

Жониқул ака чайналди:

— Тўғри-ю, лекин... гап бошқа нарсада. Чўл шароити. Минг бир азоб билан экилган чигитлар, ҳосил тақдир...— Урозов яна нималардир деди. Аммо Мақсуда ҳозир ҳеч нарса эшитмас, кўз олди қоронғулашиб борарди. «Тайёр ишга баковул бўлди, баковул!.. Нега хўп дедим-а! Бўлак ер қуриб қолганмиди!»

Бўлимдагилар анча вақтгача комсомол-ёшлар бригадаси аъзоларига аллақандай совуқ муносабатда бўлишди. «Тайёрига келишди. Бунинг устига ҳали оғзидан она сутти кетмаган қизнинг бригадир бўлиб олганига ўласанми! Қишлоқларида зеркиб бу ерга келишган-да қоп-қоп пул ишлаймиз, деб. Ҳали кўрасиз, бир-икки ой ўтсин, қочиб кетишадими ҳаммаси», деганлари ҳам йўқ эмасди.

Бўлим бошқарувчиси ҳам дастлабки кунларда бригадани ўз ихтиёрига ташлаб қўйди. Мақсуда бошлиқ бригада аъзолари совхоз бош агрономи билан маслаҳатлашиб, чигитни қайта экишга киришмоқчи бўлганида ҳам [чигит касалланганди] бошқарувчи индамади. На ҳа, на йўқ деди. Мақсуданинг ўжарлиги тутди: «Қайта экамиз. Ҳаммасини!» Лекин техника етишмасди. Фозилова югуриб-елиб трактор топди, уруғлик олиб келди. Жуда қисқа вақт ичиде чигит қайта экилди.

«Ишқилиб, шарманда бўлмасан бўлгани, йигитлар»,— дерди бригадир. Йигитлар эса, кулиб қўйишарди, холос. Уларнинг беозор кулгусида қатъийлик, ишонч борлигини сезган Мақсуда қувониб кетарди.

Культивацияда ҳам, ерларни озиклантиришда ҳам Мақсуда ором нималигини билмади. Ўзи трактор ҳайдар, кези келганда бригада аъзоларига овқат тайёрлар, у-бу етишмовчилликини тўғрилаш учун гоҳ совхоз идорасига, гоҳ район, баъзида эса область марказига югурарди...

Ёз кириб, кунлар исиб кетди. Фозилова бригадасидаги гўзалар дуркун униб чиқди. Аммо ҳали хўжаликка сув келгани йўқ. Маромида озиклантирилган гўзалар аста-секин сарғая бошлашди. Насос станциясида қандайдир носозлик бор экан, сув кечикиб, шунча меҳнат елга совурилай деб турибди. Тобора мажмағил бўлиб бораётган бечора гўзаларга қараб Мақсуда ич-ичидан куярди.

Кўпчилик сувни пойлагани канал бошига чиқиб кетган.

Мақсуда ҳам каналдан ярим кечаси ҳориб-чарчаб келди. «Қурувчилар мунча ҳовлиқишмас. Ҳали синаб кўрилмаган канални тайёр деб айтишга виждонлари қандай йўл қўйди экан! Канални ҳам, насос станциясини ҳам давлат комиссияси қабул қилиб олган-ку! Наҳот ўша комиссия аъзолари ҳам бу нишоот чалалигини кўра-била туриб қабул актига қўл қўйишган бўлса!»

Очиғини айтганда, чўлга отланишдан илгари Мақсуда у ерда уни минг бир азоб кутишини биларди. Аммо у ўшанда «чўл қийинчиликлари» деганида фақатгина турмуш шароити оғир бўлишинию, дашнинг олов пурковчи иссиғини, аёзли қаҳратонини, қонга ўч чивинларини назарда тутарди. «Улар ўткинчи, уларга бир амаллаб чидаса бўлади» деб ўзига ўзи далда берганди. Лекин у чўлда пахта етиштириш учун бўлган шароит бошқа жойларга нисбатан ўн чандон зиёд, техника ҳам, ўғит ва сув ҳам етарли, «фақат меҳнат қилса бас» деб ўйларди. Аслида эса тамомила бошқача экан. Халқимиз чўлқуварларни ардоқлаб-эъозлашаётганлиги беҳуда эмаслигини энди англади. Шунингдек, Урозовнинг ҳам, бўлимдаги бошқарушнинг ҳам дастлаб бу ерга келганларида уларга шубҳа билан қараганликларининг сабабини, ҳали уларни олдинда яна кўплаб бошқа синовлар кутиб турганини яққол ҳис қилди.

«Чидаш бера оламанми! Бардошим етармикан!» ўйлай бошлади у.

Кўзи энди илингандики, кимдир Мақсудани туртиб уйғотди.

— Туринг, Мақсуда. Сув келибди!

Мақсуда шоша-пиша кўзини уқалади.

Қачон, қаерга келибди!— сўради у, ҳаяжонини зўрға босиб. Рўпарасида бўлимнинг юк машинасини ҳайдайди-ган шофёр йигит турарди.

— Ҳозир. Насос станциясига!— шофёр шундай дедию, скамейкага бориб ўтирди. Деворга суюниб бирпасда ухлаб қолди.

Мақсуда шофёрнинг чўнтагидан калитни олди-да, машинани насос станцияси томон елдириб кетди.

Участка директори, бош мутахассислар, кўплаб ишчилар тўпланишган. Аммо улар нимадандир ранжиб туришарди. Мақсуда суриштирса, сув келиб, яна орқага қайтибди, қанча уринмасин, насос станциясидаги носозликни тугата олишмабди. Ҳадемай, мутахассислар келишаркан.

— Биз унгача каналнинг нариги участкасини қайтадан кавлаб, бетонлаштиришимиз керак, — деди Виктор Пантелеевич,— бетон олиб келганмиз. Сен, Мақсуда, бўлимларга бориб, қолган кишиларни йиг. Фақат тезроқ! Тушундингми!

Фозилова бўлимма-бўлим айланиб, одамларни каналга татиб кела бошлади. Кимдир ўзи билан белкурак, кимдир кетмон олиб келарди.

«Энди сув келиши аниқ!» Ана шу ширин умид уни руҳлантириб юборган, Мақсуда қувончдан ўзини қўярга жой тополмас, бояги чарчоғидан асар ҳам қолмаганди.

Эрталабгача ҳеч ким тин олмади. Тонг азонда «Джизакстепстрой» территориал бошқармасининг раҳбарлари, қурувчилар келишди, трактор, бульдозер, экскаваторлар тўхтамай ишлади.

Эртасига эрталаб сув келди. Сўлиб, нобуд бўлаёзган гўзаларга жон кирди.

Ана шундай бедор тулар, беҳаловат кунлар билан ёз ўтди. Оппоқ чаноқлар ҳадя этиб куз келди. Яна иш, югур-югур, шубҳа ва умид билан ҳосилни ҳам йиғиб олдилар. Ҳар гектар ердан 8 центнер ўрнига 24 центнердан ҳосил кўтарилди. Уларни қўтлагани Жониқул Урозов далага келди.

— Раҳмат сизларга!— деди Жониқул ака, Мақсуданинг қўлини маҳкам қисиб,— мендан ўтган бўлса кечиринлар. Кўпдан бери уэр сўрай дейман-у, қуриб кетгур гурурми, бошқами йўл бермасди. Гапнинг рости, дастлаб сизларга унчалик ишонмагандим, ишни чала ташлаб, жуфтакни ростлаб қолишса керак, деб ўйловдим...

Қишда 3-хўжалик ҳисобидаги участка ёнида «Прогресс» участкаси ташкил этилди. Жониқул Урозов бошчилик қилаётган бўлим ерлари шу янги хўжалик таркибига киритилди.

Жоникул ака яна бўлимда қолди. Мақсуда эса... Бир пайт уни Виктор Пантелеевич чақиртирди.

— Нима қилмоқчисан! Бизга борасанми, ё...

— Биз келганимизда бу ерларга чигит экилиб бўлингани эсингиздами! Биласизми, Виктор ака, кўнглимда қандайдир армон қолган. Узимиз янги ер очсак, дегандик...

— Майли, Мақсуда. Аммо бизларни унутма. Биз сени ҳамisha коллективимиз аъзоси ҳисоблаймиз. Нима зарур бўлса, мурожаат қилавер, қўлимиздан келгунча ёрдам берамиз.

— Раҳмат сизга, устоз. Ҳаммаси учун раҳмат,— деди Мақсуда.

Виктор Пантелеевич Мақсуданинг Жиззах чўлидаги биринчи устози. Фозилова бу ерда жуда кўп ветеран чўлқуварлар билан танишди, улардан иш ўрганди. Область комсомол комитети томонидан уюштирилган Мирзачўл ва Жиззах чўлқуварлари слётида эса, Мақсуда президиумда — сочларига оқ оралаган, кўксига олтин юлдуз таққанлар билан ёнма-ён ўтирди, чўлни забт этишининг биринчи кунлари ҳақидаги ҳаяжонли ҳикояларни бутун вужуди билан тинглади.

Ана шу слётда Мақсуда Фозилованинг ҳам номи тилга олинди. У область комсомол комитети томонидан таъсис этилган Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Мамажон Дадажонов номидаги мукофот лауреати бўлди. Обком комсомолнинг биринчи котиби лауреатлик дипломини топшираётганида Мақсуда қалбини сўз билан тасвирлаб бўлмас бир қувонч қамраб олди.

\* \* \*

Шундай қилиб, Мақсуда бригадаси билан янги хўжаликда ишлай бошлади. Бироқ бу йил ёғингарчилик кўп бўлди. Апрель-май ойларида деярли қирқ кун давомида тийимсиз ёққан ёмғир чигитни икки-уч марта бузиб экишга мажбур қилди. Қайта экилган ғўзага ишлов бериш эса, жуда нозик ва машаққатли. Унинг устига ғўзалар нимжон бўлиб қолди. Мақсуда яна жонсарак. Куну тун даладан бери келмайди. Қандай қилиб бўлса-да, ғўзаларини дарддан фориг этади. Лекин бунга анча вақт керак. Мақсуда изтироб чекиб, бошқа бригадаларникига тенглаштириб олишни ўйлайди. Ана шундай долзарб паллада совхозга узоқ жойдан меҳмонлар келадиган бўлиб қолди. Улар орасида кекса чўлқуварлар ҳам бор эди. Ветеранлар комсомол йўлланмаси билан чўлга келиб ишлаган Фозилова ҳақида эшитиб, унинг ишларини ўз кўзлари билан кўришга аҳд қилишибди.

Хўжалик раҳбарлари негадир безовталаниб қолишди.

«Сенинг далангни кўрсатамиз» — дейишди улар.

— Ҳечқиси йўқ. Бу — вақтинчалик ҳолат. Утиб кетади. Ҳазил бўлдим ёғингарчилик,— деди Мақсуда.— Кўраверишсин.

— Гап бундай, Мақсуда. Меҳмонлар келишганда сен қўшни бригада даласига чиқасан.

— Нимага энди! — таажубланди у.

— Тушунмадингми! Гўёки сенинг даланг деб кўрсатамиз у ерларни. Сенинг пахтаг яхши бўлиб кетадими ҳали! Кетади. Бунга биз ҳам аминимиз. Лекин бугун мажбурмиз шундай қилишга. Хўжалигимиз, қолаверса бригаданг обрўйи учун.

— Кераги йўқ бундай обрўйининг,— деди кескин Мақсуда.

...Мақсуда яна шийпон ёнидаги скамейкага ўтириб, оппоқ пахтазорга тикилди. Эртага эрталаб улар хўжаликда биринчилар қатори теримни бошлашади. Ҳозир бригададошлари ором олиб ухлашапти. Асл йигитлар. Шулардан бири — Назарбой Камолитдинов. Ёши анчага бориб қолган бу одамнинг суяги пахтада қотган. Назарбой акани кўпинча «звено» деб чақиривади. У киши кўп йиллар Ўзбекистон районидagi «Москва» колхозида пахтачилик звеносига бошчилик қилди. Иссиқ жойини ташлаб чўлга келди. Сувчиликда ундан ўтадиган топилмаса керак. Бригада пахтасининг мўл-кўл бўлишида Назарбой аканинг ўз ўрни бор. Гап шундаки, бригада ерлари нотекис, айрим қарталарни суғориш жуда мушкул. Лекин «звено» ака эса эллаб келяпти.

Раҳматилла Саримсоқов Мақсуданинг ҳамқишлоғи. У дастлаб бригадadan кетиб қолмоқчи ҳам бўлганди. Иш оғирлигиданим, бошқа вазданим, чамадонини олиб хайр-хўшсиз жўнаб қолди. Ленинободга келиб Қўқонга борадиган автобусни кутиб анча ўтирди. «Қизил,— ўйларди ўзи-ча,— нега кетаяпман ўзи! Ахир ҳеч ким мушугимни пишт демаган бўлса. Иш оғир десам, аёл боши билан Мақсуда чидаяпти-ку ҳамма нарсага! Номардлик бўлади қайтиб бормасам». Раҳматилла яна ортига қайтди. Саримсоқов ҳозир бригаданинг энг илғор механизаторларидан. Чўлга бола-чақасини ҳам кўчириб келди. Хотини Ҳакима — бригада ошпази.

Раҳим Тожиевни «қайроқ» деб чақиривади. Мулоим гап билан секин-аста одамларни бир-бирига қайрайди у. Йўқ, уриштириб қўйиш ёки бошқа бирон мақсадда эмас, кулги учун. Жуда ҳазилкаш ўзиям. Аммо ишнинг қотириб қўяди. «Звено» акадан кейинги сувчи у.

Рустам Пайғамов машинасини чинидай тоза тутуди, гард юқтирмайди, ҳатто, ярим кечаси бўлса-да, юшиб-тараб қўяди, сошлашдан эринмайди.

Эрталаб далани мотор овози тутиб кетди. «Зангори кемалар» оҳиста чайқалиб, пахтазор бўйлаб энгил ва қақон суза бошлашди. Машина бош кўтараётган қуёш нурида ажиб товланади. Бункерга пешма-пеш келиб тушаётган пахта сии тўр орасидан оппоқ бўлиб кўпчиди. Мовий осмон билан туташиб кетган пахтазорга қарасанг, ўзингни қушдек энгил, масрур ҳис этасан.

Мақсуда овозини баралла қўйиб қуйлай бошлади. У қўшиқ айтишни яхши кўради. «Марҳабо талантлар!» республика телевизион фестивалининг лауреати ҳам бўлган. Унда қўшиқча меҳр меҳнат билан бригада тўғилган. Мақсуда шуни аниқ биладими, қўшиқ унга ҳамма ерда ҳамроҳ, суянчиқ бўла олади. У қийналган чоғлари далага чиқиб ўзи яхши кўрган қўшиқни айтган. Энг шодон пайтлари ҳам албатта ашулага мурожаат этган...

Жиззах область Советининг депутати Мақсуда Фозилова бригадасида бир анъана бор: бригада аъзолари кечки овқатдан сўнг давра қуриб қўшиқ айтишади, рақс тушишади, шеърхонлик қилишади...

Мана, пахтазор бўйлаб Мақсуданинг қўшиғи янграйди:

Мен бахтимни чўлдан изладим,  
Машаққатли йўлдан изладим  
Она юрта меҳрим беҳисоб  
Ўзни сенлаб, ерни сизладим...



ШУХРАТ

# ХАЛҚ ШОИРИ

Якуб Колас янги замон белорус адабиётининг асосчиларидан бири, белорус адабий тилининг камолотида Янка Купала каби унинг ҳам роли бениҳоддир. Унинг ҳам ижодий йўли белорус халқининг миллий уйғониши, инқилобий кўтарилиш ҳаракати, 1905—1907 йиллардаги биринчи рус революцияси билан узвий боғлиқ.

Инқилобий кўтарилишдан юрак олдириб қўйган чор ҳукуматини белорус матбуоти ва сўз эркинлиги соҳасида, халққа ён босишга мажбур этади. Натижада, белорус тилида газеталар чоп этила бошлади. Якуб Колас ана шу даврнинг мазлум халқ орзу-умидларини ифодаловчи миллий шоири сифатида матбуотда кўрина бошлади.

XIX аср рус классик адабиёти, А. Пушкин, И. Крылов, Н. Некрасов ижоди Якуб Коласнинг ҳиссиётчан юрагини қамраб олганидан, у илк шеърларини дастлаб рус тилида ёзади. Аммо баъзи белорус ижодкорларидек, бу тайёр издан бормасдан, ўз она тилида ижод қилиш, ўз жафокаш халқининг кўнглига тўғри кириб бориш зарур эканлигини у тезда англаб етолди. Белорус тили камситилган, баъзи бировлар бу тилда ёзиш ва сўзлашни ор деб билган бир даврда, бу тилда бадий асарлар яратмоқ, унинг ҳимоясида турмоқ масъулиятини чуқур ҳис қилади. Бу — Пушкин ва Некрасовни энг тўғри тушуниш эди. Натижада, икки буюк маслакдош дўст Янка Купала ва Якуб Колас ўз она тилларида ёзиш билан, бу тилнинг куч-қудратини, бетакрор жозибасию нафосатини бадий ижодда намойиш қилдилар.

1882 йилнинг 3 ноябрида Минск губерниясида, машҳур Неман дарёси яқинидаги Столбца қишлоғида камбағал, деҳқон oilасида дунёга келган Якуб Колас [Константин Михайлович Мицкевич] ижоди белорус халқининг асримиз бошидан буён кечирган тарихий ҳаётининг бадий солномасидир. Шоирнинг «Балиқчи гўшатаси», «Музыкачи Симон», «Озодлик йўлида» сингари дostonлари, «Ҳаёт кенгликлариде», «Ботқоқ», «Муртад» каби повестлари, «Урушга уруш» пьесаси, 1910 йилда Минск қамоқхонасида бошланиб, 1923 йили тугалланган «Янги ер»

асари, «Чорраҳада» трилогияси ва талай шеърлари фикримиз далилидир. Инқилобий фаолият ҳамда ташвиқий шеърлари учун чор империяси томонидан уч йиллик қамоққа маҳкум этилиши шоир фикрини очади, ижодида жанговарлик бағишлайди. Биринчи рус революцияси эса унинг ҳаёт йўлини узил-кесил белгилаб беради. У, атоқли шоиримиз Ҳамид Олимжон айтганидек, «белоруслар чеккан азоб-уқубатларни куйловчи бахшига айланади».

Муҳташам шахримиз Тошкентда Александр Пушкин номига қўйилган кенг ва кўркам кўча бор. Ана шу кўча бўйлаб юриб, «Дархон ариқ» бекатиغا етганингизда, ўнг қўлда пешонасига «Узгипротяхжпром» деб ёзиб қўйилган бино бор. Бинога кираверишингиздаги ўнг томон деворда эса уч тилла зарб этилиб, олтин суви югуртирилган оқ мрамар лавҳа диққатингизни тортади. Унга «Бу уйда 1941—1943 йилларда белорус адабиётининг классиги, Белоруссия халқ шоири Якуб Колас яшаган ва ижод қилган», деб ёзилган.

Ҳа, ўз ижоди билан белорус халқи ҳаётининг поэтик кўзгуси бўлган, улкан жамоат арбоби Я. Колас Улуғ Ватан уруши тўғрисидаги юртимизга келиб яшаган, ўзини она уйидагидек ҳис этган. Ўзбек шоирлари билан қалин дўстлашиб, оламшумул ғалабаизми яқинлаштиришда ҳамкорлик қилган. Унинг шеърлари немис босқинчилари томонидан вақтинча ишғол этилган Белоруссия осмонидан варақалар шаклида ташланган, белоруссия партизанларининг қасоскор қуролига айланган. Шоир Тошкентда яшаб, ижод этаркан, у нима ҳақда ёзмасин, Ўзбекистонга шеър бағишлайдими, Чимён тоғларини, Солор сойларини буюк муҳаббат билан тараннум этадими, ҳаёлида доимо жабрдийда Белоруссия туради. Уқувчи юрагида ўзи мамнуният билан истиқомат қилиб турган ўзбек тупроғига меҳру муҳаббат уйғотиш билан, оташ нафас ила йўғрилган лавҳаларда она юртининг қалин ўрмонлари, кенгликларини, суликор ерларига соғинч билдиради, Белоруссия осмонидан тинч ҳаёт қуёши барқ уришига ишонади. Бу ажойиб ғалабани яқин келтиришдаги ижодий интилишларида ёлғиз эмаслигини, ўзбек халқининг етук адiblари Гафур Фулом, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Уйғун, М. Шайхзодага ҳамкорлигини буюк ифтихор билан таъкидлайди. Бир шеърда у «Қўшиқ айтдик бирга, ҳамдам» деб келиб, бу улуг ҳамкорликни янада конкретлаштиради:

Бир қилични бирга тоблаб,  
Меҳринг бердинг нурга қоплаб,  
Эй, жигарим Ўзбекистон!

Буюк шоир Якуб Коласнинг «Чимён», «Солор», «Ўзбекистон» каби бадий юксак, самимият нури билан йўғрилган шеърлари оғир кулларда бошпана берган юртга миннатдорликкина эмас, балки совет халқининг ажралмас метин дўстлигини улугловчи, бу дўстликнинг янада мустақамлланиши йўлида фидокорона хизматга астойдил бел боғлаган ижодкорнинг ибрат намунасидаир.

ЯКУБ КОЛАС

## Солор

Дурлар сочиб қуёш ботади,  
Булут орти ёп-ёруғ олам.  
Солор оппоқ тўлқин отади,  
Салқин ели ҳузурбахш бирам!  
Икки ёни бора-боргунча  
Қатор дарахт — ям-яшил япроқ.  
Яшар жимлик сўхбат қургунча,  
Нима ҳақда! — билмайман бироқ.

Бир митти куш бош эгиб, қувноқ,  
Кенг анҳорга боқиб туради.  
Тўлқинлар-ла бўлса ҳам иноқ,  
Сувдан бир оз ҳайқиб туради.  
Урилмаган серўт қирғоқда  
Қадимгидай гул-чечак гилам.  
Малла сувин отар ҳар ёққа  
Уйнаб Солор — тошлар усти нам.  
Ут кетгандай кулранг тераклар —  
Оша қалқиб турар бир ҳаво.  
Далалардан иссиқ ел келар,  
Салқин Солор уларга раво!  
Кеч киради. Қияликларда  
Дов-дарахтлар шивирлар аста.

Кўршапалак учади жарда,  
Тим қора сув жимирлар пастда.  
Бу жимгина хомуш бир палла  
Кеч киришининг яшин тўҳфаси.  
Узоқларда на сас, на ялла  
Фақат тинмас Солор наъраси.  
Ҳазаб билан боқаман ғарбга  
Менга оғир. Билиб қўй албат:  
Бу аланга, тўтунлар қалбада  
Она юртим тимсоли фақат.  
Солор узра юлдузлар ёнди  
Нур сочади сирли, тилсимкор.  
Биласанми оқшом чўкканда  
Нималар деб сўйлайди Солор!



НОДИР  
НОРМАТОВ

Кўхитанг қишлоқлари тоғ ораллиқларида юлдузлардек сочилиб ётади. Шамол ялаган ним-қизил, гоҳ сариқ, гоҳ қўнғир қоялари ёнидан ўтаркансиз, гоҳ жарликлар бўйида, гоҳ қир этакларида лип этиб кўзингизга ана шу кичик-кичик қишлоқлар чалиниб қолади. Сал юришингиз билан улар яна ғойиб бўлади.

Пошхуртнинг бошқа қишлоқлардан фарқи шундаки, у тоғ ораллиғидаги даштнинг қоқ ўртасида — қозон сингари кенг чуқурликда жойлашган. Пошхурт катта ва қадимий қишлоқ. Бу қишлоқ ҳам рўпарангизда тўсатдан пайдо бўлади, лекин тезда кўздан йўқолмайди, аксинча, қаёқдан қараманг, кўриниб туради. Тепаликдан келадиган йўл айланиб-айланиб, қишлоқ оралайди-да, катта сой бўйига элтади. Бу ерда қишлоқнинг турли гузарларига йўл кетган. Автобус мана шу сой бўйигача келиб, ўз сафарини тугатади. Биз бўлсак, худди мана шу ердан сафаримизни бошламоқчимиз.

Сой бўйида мактаб жойлашган. Мактаб ҳовлиси ёнидан ўтаркансиз, силлиқ қилиб сувалган лойсувоқ девордаги ёзувга кўзингиз тушади: «Пошхурт санъат музейи».

Энг аввалги сўзимиз ана шу музей ҳақида.

## ҚИШЛОҚ САНЪАТИ МУЗЕЙИДА

«Пошхурт санъати музейи». Бу ибора матбуот саҳифаларида яқиндагина, бир йил бурун пайдо бўлди. Аммо, музей барпо этиш ҳақидаги фикр дастлаб Тошкентда, рассом Рўзи Чориев устахонасида туғилган эди. Ушанда устахонада биз уч киши — рассомнинг ўзи, Пошхурт қишлоғи мактабининг директори Мамарайим Бойқулов ва камини қишлоқда санъат музейи ташкил қилиш режасини тузгандик.

Мана, ниҳоят, Пошхурт санъати музейи ўз мухлисларини қабул қила бошлади. Мен ҳам қишлоққа келганимнинг эртасигаёқ бордим. (Мактабининг қишки спорт зали вақтинчалик музейга айлантирилган). Музей экспонатларини бирма-бир кўздан кечираман. Бу ерда ўзбекистонлик, тожикистонлик рассом ва ҳайкалтарошларнинг 200 дан ортиқ асари намойиш қилинган. Халқ амалий санъати намуналари ҳам йиғилган.

Экспозицияни кўриб ташқарига чиқаётган эдик, ҳам-қишлоғим Алламурод сувчига дуч келдим. Ёши олтишдан ошган, тик қомат, баланд бўйли бу киши ҳам музейдан чиқибди.

— Томошахона очилгани яхши. Лекин, у ерга ҳали керакли нарсалар қўйилмапти,— деди Алламурод ака.

— Масалан?

— Масалан, одамзод учун энг зариллари... Ҳазимнинг урфга кўра қилинадиган зийнатлар. Мана, қўчқоршохи мунчоғини олинг. Болани бешикка солганингизда унга ҳам ўйинчоқ, ҳам кўзмунчоқ. Кейин, бибишак мунчоғи. Бола енгил юрсин деб эмаклайдиган пайтида тақийади. Кейин, аёлларнинг пардоз қутиси... Айтаберсам, кўп-да. Уларни бирма-бир излаб йиғиш керак. Тўғрими? Қишлоғимизнинг ўзига хос зийнатлари бор. Улар бошқаларни кига ўхшамайди. Ана шуларни ҳам қўйиш керак бу ерга.

Алламурод сувчи зийнат деганда, санъатни, нафосатни назарда тутаётган эди.

Мен Алламурод ака айтган «зийнатлар» ҳақида кейин кўп ўйладим. Ҳар сафар кўз ўнгимда қўчқоршохи мунчоғи осилган бешик, кифтига бибишак тақилган маъсум гўдак, хушпулак ясаётган ўсмир, пардоз қути титкилаётган қиз, гилам тўқиётган аёл, ёғочга гул солаётган эркак намоен бўлади. Шу биргина қишлоқ мисолида халқимизнинг эстетик олами, ижодкор қалби ярқираб кўриниб турибди.

Э С С Е

А. НУРИДИНОВ фотолари

# ҲИМАКОР ЧЎПОН

Халқ амалий санъатидан яхшигина хабардор бир дўстим олдимга ҳовлиқиб келиб қолди. У менга Шеробод районининг қайси бир қишлоғида аллақандай дарахтдан ғалати мунчоқлар ясаганини айтди. Гап орасида бу мунчоқлар ҳеч қайси халқ ижодида учрамаслигини, фақат испанларникига сал ўхшаб кетишини таъкидлади. Унга бу ғалати мунчоқларни кўп йил бурун Сурхондарёдан Тошкентга келиб қолган бир чол кўрсатибди. Дўстим бу ғалати мунчоқларнинг ватани Сурхондарё эканлигини ҳалиги чолдан билибди.

— Мана,— деди у столга авайлаб ғалати мунчоқларни қўяркан.— Чол буларни вақтинча берди.

Дўстимнинг айтишича, бу мунчоқларни устандан бошқа ҳеч кимнинг тақдим қилишга ҳаққи йўқ. Ирим шундай экан.

Мен у мунчоқларга қарадим, ажабланмадим. Чунки, уларни ўзимизнинг қишлоқда, бешикларга безак сифатида осилганини кўп кўрганман.

— Ажойиб-а?— сўради дўстим ёғоч мунчоқларга завқланиб боқаркан.

Мен бу мунчоқлар Кўхитангда, Пошхурт қишлоғида ясаганини айтганимда, дўстим олдини ишонмади. Мен мунчоқларга тикилдим. Таажжубки, улар энди кўзларимга аввалгидан ҳам бебаҳо, айна пайтда сеҳрли кўрина бошлади. Ёнғоқдек келадиган бу мунчоқлар мени хотиралар оламига етаклади. Мунчоқлар шохи буралган қўчқор, оҳу бошлари шаклида эди. Хаёлимда бешик тебратётган ёш қизча, кийик, қўчқор сохларига ўхшаб мунчоқлардан кўз узмай ётган гўдак жонланди. Болалагимда шитган андек ҳазин ва ўтли қўшиқ оҳанглари қайта жаранглаб кетгандай бўлди:

Укажоним адирдан,  
Сув келтирсин кадида.

Кадисини синдирсин,  
Отасини бой қилсин.

Укажоним ҳув тоғдан,  
Сув келтирсин бутага.

Бута боғи узилсин,  
Кўёв бўлиб сузилсин.

Укажоним ётсин-да,  
Гул ёстиққа ботсинда.

Гул ёстиқни кўтаролмай,  
Гулдан тоза ётсинда.

Укажоним дикир-дикир ўйнасин,  
Кирпитикан урмасин.

Кўзи холли кишининг  
Кўзи укамга тегмасин.

Дарвоқе, мен бу қўшиқни нима учун эсладим? Гап шундаки, худди мана шу қўшиқда ёғоч мунчоқларнинг асл моҳияти яширинган. Бу мунчоқларда халқ орзу-ўйлари, урфи, ирими акс этган. Гўдак қўчқордек кучли, оҳудек чопқир бўлсин, меҳнатқаш бўлсин, лекин ёвуз ниятли кишининг унга кўзи тегмасин. Бу мунчоқлар ҳам ўйинчоқ, ҳам безак, айна пайтда орзу-ҳавас ҳам... Қанчалик теран ва гўзал фалсафа бу!

Ана шу ёғоч мунчоқ ижодкорларидан биттаси — бизнинг қишлоқда чўпон экан. Мен бунга кейинроқ, ўтган ёзда қишлоққа бориб, мактаб директори Мамарайим Бойқуловга ёғоч мунчоқлар воқеасини айтганимдан сўнг билиб олдим.

Ёғоч мунчоқлар устаси Чори чўпон Сатторов Мамарайимнинг собиқ синфдоши эди.

— Келинг, бирор кунга уйига борамиз,— деди Мамарайим Бойқулов.

Уни йўқлаб бир неча марта уйига бордик. Чўпон киши, ўзингиз биласиз, ҳафталаб, ойлаб даштда юради. Охири у сурувини боқадиган даштга боришга жазм қилдик.

Тоғ дашти ёз чоллари, кечаси ниҳоятда сўлим бўлади. Ой ёруғида тўлқинсимон адирликларга чиқасиз-тушасиз, кета-кетгунингизча бир кечада ой неча ботиб, неча чиқади. Биз адирликнинг шамолдан пана еридаги мўъжазгина бир уйча ёнига етиб келганимизда, тун ярмидан оққан

эди. Уйчага қарайман: унинг на даҳлизи бор, на айвони. Уй ёнида тош ўчоқ, унда кулга айланаёзган чўғлар зўрға йилтиллади.

Пастликда сурув ётқизилган, қўйлар орасидан чўпон уйқусираб туриб келди. Серюлдуз осмондан ой заррин шўъла таратади. Чўпон шўълалар оғушида гуноқорона жилмаёди: «Тонгда қўйларни ўтлатиш керак, барвақтроқ ухлаган эдим... Узларинг-чи? Тинчликми ишқилиб?»

— Тинчлик,— деди Мамарайим.— Бир кўй қатиғи ичиб кетай дедик-да.

Чори уйча яқинидаги ерга шолча тўшади. Илиққина қатиқ келтирди. Атроф жимжит. Юлдузлар эса ерга яқин келиб қолгандек, қўл чўзсанг етгудек... Бутун вужудинг қулоққа айланади. Кимнингдир, ниманингдир нафас олаётганини эшитаётгандексан. Она табиатнинг сенга инъоми бу.

Биз узоқ ўтирмадик. Бошқа пайт келишга ваъда бериб, ўрнимиздан тураимиз.

— Ҳалиги мунчоқларингдан борми?— деди Мамарайим.

Чори илжайиб киссасига қўл солди. Кафтимизга бир ҳовуч мунчоқ қўйди. Ой ёруғида уларга тикиламан, мунчоқ шакллари, чизги ва ўймалари турлича, бир-биридан назик.

— Шакллари ўзингиз ўйлаб толганмисиз ё ота-бодан қолган удум бўйича ясайсизми?

— Энди, ҳар хил-да. Баъзан ўзим шаклини ўйлаб топаман...

— Қандай ўйлаб топасиз?— яна сўрайман.

У елка қисади.

— Кўнглимга қандай хуш ёқса, шундай сайқал бераман...

Чори чўпон кўнглидагини қандай тушунтириб беролсин? Тўғри, у гўзалликни ҳис этади, аммо тушунтириб беролмайди. Фақат унга турлича қилиб яшаш ёқади, холос. Ўша тун мен ундан кўп нарса сўрамоқчи бўлгандим. Лекин сўрамадим. Эртасига бир воқеа сабаб бўлди, унинг санъаткор қалбини ўзимча яна бир бор кашф этдим.

Пошхурт қишлоғи санъати музейида айланиб юргандим. Сувчи Алламурод ака ҳам шу ерда экан. Музейга совға тарзида ўзи ясаган мунчоқлардан келтирибди. Мунчоқларга қарайман. Улар Чори чўпонникидан фарқ қиларди. Алламурод ака тор, рубоб сингари чолғу асбобларини қотириб ясайди. Ўзиям мусиқа шайдоси. Лекин мунчоқлари Чори чўпонникига нисбатан одмироқ. Гул нақшлари содда. Туғдонамунчоқнинг катталиги ёнғоқдек, ундаги ўймалари, чизмалари эса ниҳоятда кўп. Бу эринмай, узоқ меҳнат қилишни талаб этади. Чори чўпон эса қўй орқасидан юриб, ёлғиз қолганда бутун меҳрини шу бир парча ёғочга тўқади. Шу кунга мен санъат бу қалбнинг кимгадир, нимагадир илҳақлигидан, теран муҳаббатдан, изҳори дил айлаш истагидан туғилишига яна бир бор иқдор бўлдим.

Туғдонамунчоқ ҳақида яна икки оғиз сўз. Қатранғилар оиласига кирувчи туғдона дарахти Кўхитанг этакларида, қишлоқларида кўплаб учради. Ҳозир камайиб кетган. Унинг ёғочи оғир, лекин ниҳоятда заранг, қурт емайди. чиримайди. Бу дарахтлардан бир пайтлар арава ғилдирағи, бешик, уйга эшик-ром ясалган. Унинг меваси ҳам танасидек метин. Осонликча кўкармайди. Халқ бу дарахтни бежиз суймаган. Фарзандлари шу дарахтдек метин, мустаҳкам бўлишини орзу қилишиб, ундан мунчоқлар ясаган.

**Туғ дон-я, туғ дон,  
Ғапимизни уқ, дон.  
Шохларингни чополмай  
Ёв ўлсин ёна-ёна.**

«Бундай термаларни халқ усталари иш устида айтишган. Энди улар унутилиб кетяпти,— деди Алламурод ака.— Авваллари ҳар бир уста, ҳар бир хунарманднинг ўз қўшиғи бўларди. Нега энди унут бўляпти дейсизми?»

Маълум бўлдики, урушга қадар қишлоқда оҳак пиширадиган хумдон, ганч тайёрлайдиган ўчоқлар, иккита қулолчилик устaxonаси, учта темирчилик устaxonаси бор экан. Пошхурт қишлоғининг Ашурбой Избосаров, Юсуф Норов сингари қулоллари, Турсун Эгамбердиев, Ойтўра Давлатова сингари гиламдўзлари, Уста Раҳмат, Уста Тошбадал, Уста Маматмирзо, Мулла Исмоил сингари наққош-

лари, Аликул Бегимов, Маматкул Қорақулов сингари кандакорлари, Барот Хидир, Нормат Хидир, Алимардон Жўрабой сингари нилчилари Сурхон водийсида машҳур бўлганлар. Қишлоқда ҳозир ўша усталарнинг авлодлари яшашиди. Уларнинг баъзиларигина отамерос касб билан шуғулланишади. Лекин улар ота касбларини давом эттиришга зарур шароит бўлмаганлигидан анча қийинчиликларга дуч келмоқдалар. Ҳозир қишлоқда мавжуд халқ амалий санъатининг ноёб турлари: қуроқчилик (апликация), похол ва лой ўйинчоқсозлик, ёғоч ўймакорлиги, сандиқсозлик каби ҳунарлар йўқолиб кетиш арафасида. Сурхон водийсида гиламчилик, каштачилик, кулолчилик, кандакорлик, тоштарошлик, ганчкорлик сингари халқ амалий санъати турларини ривожлантириш имкониятлари бор. Бунинг учун Сурхондарё область маҳаллий саноат бошқармаси раҳбарлари яқиндан ёрдам кўрсатсалар усталар халқ анъаналарини давом эттирган бўлардилар.

Маълумки, халқ амалий санъати намуналарини одамларга етказишда бозор азалдан ўзига хос роль ўйнаб келган. Қишлоқда урушгача катта бозор бор эди, турли хил безаклар, ўйинчоқлар сотиларди. Энди бозор ёпилган. Уни қайта очиш, халқ усталари ясаган буюмларни кооператив савдо асосида харидорларга тавсия этиш мумкин эмасми?

## ЮРАК ХУМОР ҚИЛСА...

Қадимги Даҳпараҳкентда Пошхурт қишлоғини «минг қора уйли чорбоғ» деб ҳам аташган. Ана шу чорбоғнинг ҳар бир ҳовлисида тўй ёки базм бўлиб қолса, чолғувчидан албатта «Аллашукур бобо куйи» ҳам сўралади.

Аллашукур бобо қишлоқнинг энг кексаларидан — ёши тўқсонларга яқинлашиб қолган. Тўй, базмларга чиқмай кўйганига анча бўлди. Умри жувозхонанинг қоронғи кун-



Оллошукур бобо Раҳматов тўқсондан ошган бўлса-да, ҳали ҳам ўзи ясаган ғижжакларда халқ кўшиқларини куйлайди.

жакларига ўтганлиги учун, бундан ўн-ўн беш йил илгари кўзлари ожиз бўлиб қолган. Лекин у ҳанузгача ўзи ясаган ғижжакдан айрилгани йўқ. Ўзи чалиб, ўзи куйлайди. Кўшиқлари ҳам ер сингари қадимий, содда. Унинг товуши ҳам бир бўлакча. Сиз дашт кўйинига сукунат чўккан маҳал ерга ётиб қулоқ солганмисиз? Ер қаъридан, олис-олисдан ажиб бир сас келгандек бўлади. Бу сас қалбингизни жунбушга келтиради, вужудингизда ёқимли бир титроқ уйғотади. Аллашукур бобонинг товуши ҳам шунга ўхшайди:

**Баланд кўрғон, паст кўрғон,  
Майсасидан мол тўйган.  
Шерободнинг қизлари  
Шоҳи рўмолни дол кўйган.  
Шерободнинг кўрғони-ё,  
Миниб чиқдим йўрғани.  
Йўрғани буриб кўйдим-о,  
Сайидхонни кўрғани,  
Сайидхон ўзи лўппи,  
Бошида тилло дўппи.  
Тилло дўппи ярашган-а,  
Уқпарлари талашган.  
Сайидхон ўзи қаққон,  
Жаннат гулини таққан.  
Жаннат гули ярашди-я,  
Ошиқлари талашди.  
Жийрон отга мингашиб-а,  
Тоққа чиқай тирмашиб.  
Жийрон отга жул керак,  
Маъшуқамга қул керак.  
Жийрон отга жул бўлай,  
Сайидхонга қул бўлай.**

Кўшиқни ғижжак жўрлигида тинглар экансиз, кўз ўнгингизда тиниқ манзаралар намоён бўлади: даштдаги пастак кўрғонлар, кўмкўк майсазор, гўзаллар сайри, чўлдаги сеҳрли, сирли сукунат. Тўсатдан бу сукунат бузилади, энди қулоғингиз остида отларнинг дукур-дукури эшитилади, кейин оташин қалбнинг муҳаббат изҳори... Аллашукур бобо бу кўшиқни қай оҳангда айтгани, юз ифодаларининг дам-бадам ўзгариши ҳали-ҳали эсимда. У фақат кўшиқ айтувчигина эмас эди, балки кўшиқдаги воқеаларнинг чинакам иштирокчиси ҳам эди. Биз, болалар кўшиқчи бобонинг биринчи тингловчилари эдик. Бобо узукун меҳнатдан чарчаб, жувозхонадан чиқар, сўнг болаларни йғиб, ғижжagini сайратарди.

Бобо ҳақида ўйларканман, таниқли санъаткор Ботир Зокиров билан бўлган бир суҳбат эсимга тушди. Бир сафар у республикамиздаги баъзи композиторлар ҳақида гапириб, деди: «Билесизми, улар яратган музикалар шу қадар қашшоқки... Нима учун? Чайковскийни олинг. У халқ оҳанглариини ўрганиш учун сафар халтасини елкасига ташлаб, Россияни яёв кезган. Буюклигининг бир қирраси шунда. Жўрж Бизе эса қаҳвахоналардаги оддий мижозлардан куйлар ёзиб олган... Бизнинг композиторларимиз бундай қилишга негадир уяладилар. Студда ўтириб, музика тўқидилар... Албатта, халқ музикасига кўр-кўрона эргашиш керак эмас, Лекин ундаги оҳанрабо нимада эканлигини вужуд билан ҳис қилмоқ лозим».

Мен машҳур артистнинг фикрига қўшилдим. У тўғри гапни айтди. Халқимиз даҳоси туфайли туғилиб, сўнгра ўз-ўзидан йўқолиб кетаётган кўшиқлар, термалар, рақслар, ўйинлар озмунчами? Уларни тўплаб, авлодларга етказиш фақат фольклоршуносларнинг эмас, барча санъаткор аҳлининг вазифаси-ку?

Бундан ташқари халқ кўшиқларини бузиб айтиш ёки таҳрир қилиш ҳоллари ҳам учраб турибди. Бу гап айниқса, баъзи фольклоршунос ўрқақларга ва республикада ном чиқарган бир қатор вокал-чолғу ансамбллари аъзоларига тааллуқли.

Ҳамқишлоғим, ўқитувчи Файзулла Нуриддинов қизиқ бир мулоҳаза билдирди. Унинг фикрича, кўпгина вокал-чолғу ансамбллари аъзолари республика қишлоқларида маълум бир муддат музика ўқитувчиси бўлиб ишлаб кетса, ёмон бўлмасди. Бундан қишлоқ мактаби ҳам, санъаткор ҳам ютарди. Жилла қурса, у бир-ники ой командировкага келсайди. Командировкада бўлган санъаткор қиш-

лоқ маросимлари, урф-одатлари, халқ талантилари билан танишади, улардан ўзи учун сабоқ олади. Аини пайтда қишлоқ талантиларига ҳам кўмак берган бўларди.

Пошхурт мактабида яхши бир анъана бошланибди. Адабиёт ўқитувачиси Жўрабой Бурҳонов бошчилигида халқ фольклори тўрагаги аъзолари қишлоқ ўланларини, терма ва қўшиқларини тўплашишяпти.

— Халқ қўшиқларини биладиганлар ҳаммага аёнки, кексалар,— дейди Жўрабой.— Шунинг учун ҳам улардан тезроқ ва кўпроқ фойдаланишга ҳаракат қилияпмиз.

Яхши ташаббус. Дарҳақиқат, халқ қўшиқларини совутмай тўплаш, уларнинг талқини ва ижросини текшириш долзарб масала.

Халқ ҳамиша ўз қўшиқларини, рақсларини ва ижрочиларини яратади. Лекин, улар маънавий жиҳатдан рағбатлантирилмас, чақмоқдек тез сўнади. Аини пайтда дидсизлик, бир хиллик падо бўлади. Бу ҳақда ёзувчи Чингиз Айтматов жўяли гап айтган: «Ҳозир турмуш, шубҳасиз, бир хиллик касб этмоқда. Ҳамма жойда бир-бирига ўхшатиб барпо этилган уйлар, микрорайонлар; ҳамма жойда ўша холодильниклар, кир ювиш машиналари, радио ва телевидениенинг ўхшаш программалари; заводларда бир хил конвейер линиялари, барча жойда бир хил томоша, кўнгилхушлик-хоккей, футбол, муз устида рақс... Тўғри, фан-техника революцияси турмушда ўзига хос маиший қўлайликлар туғдирмоқда. Бироқ шу асосда турли халқларнинг маънавий эҳтиёжлари бир хил қолипга тушиб қолмоқда. Кишиларни ана шу бир хилликдан фақат ҳақиқий адабиёт ва санъатгина қутқариб қолиши мумкин ва керак. Халқ хотирасининг хира тортишига, ранг-баранг ҳисларнинг ўтмаслашиб қолишига, такрорланмас тарихий ва маданий тажрибадан озиқланувчи тасаввурнинг сўниб қолишига йўл қўймаслик санъатнинг долзарб вазифасидир».

Мен мактаб ҳовлисида Мамараҳим Бойқулов билан суҳбатлашиб ўтирдим. Рўпарамиздаги боғда трактор билан кўчатлар орасини юмшатаётган Эломон қизиқчи бизга қараб қўл силкиди. Трактор энди шунақа рақсга туша бошладики, бу ҳаракатлар одамда ҳайрат ва кулги уйғотади. Йўқ, трактор қалтис «ўйин» қилаётгани йўқ, кўчатларни ҳам пайҳон қилмаяпти, лекин кулгингиз қистайди. Тракторда истеъдодли қалб эгаси ўтирганлиги шундоққина кўриниб турибди. Эломон қизиқчи халқ қалбининг ойнаси. Кимнинг феъл-атворида бир иллат кўрса, ўшани такрорлаб, одамларни кулдиради. Қишлоқдагилар «Эломондан омон бўл» деб ҳазил қилишади. Мен қизиқчига қараб, Аллашукур бобонинг бир гапини эсладим. «Юракнинг хумори тутса, ҳеч ким тўсқинлик қилолмайди. Юрак кўйлайди, яйрайди, дардларини тўкади... Каклик қафасда нима учун яшай олади? Ҳар икки кунда тупроққа ағанаб тургани учун. Бўлмаса, ўлади. Юрак ҳам шундай — хумори тутдими, қўйиб бер. Бўлмаса, унинг юраклиги қолмайди...»

## ҚУВВАТ МОМО

Пошхуртда бир кўча бор. Торгина, калтагина. Қувват момо шу кўчада яшайди. Унинг саксон тўрт йиллик умри мана шу тор кўчаю, мўъжазгина боғдан иборат ҳовлисида ўтган. Уни болалигимдан бери биламан. Ҳар кун эшигимиздан ўтгани-ўтган эди. Эгнида янги сарупо, бошида тугунча — демак тўйга кетяпти. Биз унинг эгнидаги сарупога, ёқаси бўйлаб тикилган қора гулдор жиягига анқайиб қарардик. Қишлоқда қора гулдор жиякни фақат кампирлар хуз кўради. Урта яшар аёллар кўйлагига эса каштали чироз жияк тикилади. Момо бундай ранг-баранг саруполарни фақат ўзига ёки келинига эмас, балки бутун гузаримиз аёллари учун ҳам тикади. Биз момонинг кийинишига қараб унинг қайга кетаётганлигини, кайфиятини пайқар эдик. Мабодо у кишининг эгнида туссиз, уриниб қолган кўк кўйлак, бошларига оқдастор кўрсак, дарҳол сергак тортиб, ўзимизни четга олардик. Демак, момо азага бораётди. Қишлоғимизда аза либоси негадир қора эмас, кўк рангда. Шунинг учун бўлса керакки, оғзи ёмон аёллар болаларини «кўкингни кияй» деб қарғашади. Боласига ким ҳам ўлим тиларди. Бу сўз, шунчаки одатий

қарғишга айланиб қолган. Момони кўпинча қизил гулдор кўйлакда кўрардик. Кекса ҳамқишлоғим, фикжакчи Аллашукур бобо шундай дер эдилар:

— Болам, бизда ўзи азалдан либос рангига кўп маъно берилган. Мисол учун айтсам, илгари шундай урфлар бўларди — аёл киши эрининг олдига қизил кийимда чиқса, кўнгилхушлигини билдирган. Сариқ либосда чиқса беморлиги, кўк либосда мотамсаролиги англашилган. Бу ҳам шарққа хос бир ифбат...

Рост, бу — нафақат ифбат, балки халқнинг теран ички маданияти, гўзаллиги ҳамдир. Бизнинг момомиз ҳам ана шу гўзалликнинг чуқур билимдони эканлигини энди туйшундим. У киши, айниқса, ўланнинг устаси. Момо чимилдиқ олдида, келин ва кўвга етти хил ширинлик таом уза-тишганда, ажойиб ўланларни бошларди:



Тўқсон яшар Қувват момо Тўраева миллий гилемларнинг тўққиз хилини тўқий олади.

Ичинг, ичинг, оби ангур фойдадур,  
 Биздай хизматкорларга бу қайдадур!  
 Биздай хизматкорлар келганда  
 Сиздай султони олам қайдадур!  
 Қизларнинг сарвари хуш келибсиз,  
 Йигитларнинг сарвари хуш келибсиз!  
 Оқ булутнинг орасидан  
 Ойдан келин келибди.  
 Кўк булутнинг орасидан  
 Бекдай кувё келибди.  
 Терак экмай, тол экниг,  
 Толнинг сояси бўстон.  
 Хотин олмай, қиз олинг  
 Қизнинг қўйни гулистон.  
 Номозигар бўлганда  
 Пашша билан кал ўйнар.  
 Айни хуфтон бўлганда  
 Кампир билан чол ўйнар.  
 Катта сахар бўлганда  
 Йигит билан қиз ўйнар...  
 Қизил-қизил хўрозлар  
 Хирмондадир, ҳай ёр-а.  
 Қиз олмаган йигитлар  
 Армондадир, ҳай ёр-а.  
 Қизил-қизил хўрозлар  
 Хирмон сочар, ҳай ёр-а.  
 Қиз олмаган йигитлар  
 Танга сочар, ҳай ёр-а.

Момо тўй бўлмаган кунлари ҳам кўчамиздан секин-секин юриб ўтиб қоларди. Қўлтиқларида кичикроқ тугун. Унда, албатта, урчуқ, юнг бўларди. Гузаримизда у киши номи чиққан гиламдўзлардан. Жойпўш, сўзана, бўғжома ҳам тўқийдилар.

Қишлоқда гиламнинг ўнга яқин тури тўқилади. Тўқайгул, қабирға, қўллама, гажари, сирға, зангори, терма ва ойгиламларни халқ жуда ёқтиради.

Улар орасида «терма» гилам энг аълоси. Бу гилам келин туширадиган ёки қиз қиқарадиган, тўйи бор хонадонларга аталади. Қиз сепининг кўрки ҳисобланади. Гилам у қадар рангдор эмас, кўзни қамаштирмайди, лекин ички бир тартиб билан жойлашган йўл-йўл излар ўзаро шундай чирмашганки, дилингиз ҳимадандир ёришиб кетгандек бўлади. Бу гилам ана шу Қувват момонинг тиниб-тинчимас бармоқларидан дунёга келган.

Мен унинг қай тарзда гилам тўқиганини яхши биламан. Момо узоқ қиш кунларида хоҳ уйда, хоҳ қўшнисинида бўлсин, бир тугун жун олиб титар, кейин урчуқ йигирарди. Мен суҳбатни тўхтатмай, тинимсиз урчуқ йигираётган бу аёлнинг чарчамаслигига, зерикмаслигига қойил қолардим. У тери ошлашнинг пири эди, ундан супра, тулум қиларди, қошиқхалта, хуржун, қуроқ, гулдор кўрпачалар, ойна-халталар қилишда гузарда ном чиқарган эди. Лекин, барибир, Қувват момонинг лапарлари мен учун ўзгача, гўзаллик ва боқийлик тимсоли бўлиб жарангларди.

Ой юзингга ойна бўлсам,  
 Қора зулфингга тароқ.  
 Хушласанг ёнингдаман,  
 Хушламасанг, сендин йироқ.

Мен суҳбатдошимдан Пошхуртда бир пайтлар энг машхур каштачи сифатида аёлнинг эмас... бир эркак номини эшитиб, таажжубландим. Кейин Бухорода ҳам илгари зардўзлик ишларини фақат эркаклар бажарганликларини эсладим.

— Кашта тикишда Абдивоси ака бору, ўшанинг отаси Наби Бегимқуловга етадигани бўлмаган, — деди Озода опа.— Эҳе, у жойпўшларга бирам чиройли гуллар тикканки... Уста нусхакаш ҳам эди. Унинг товуснусха, гулбинусха жойпўшлари ҳов анови Шўркулгузарда турадиган Пайзиқул домла-чи, ўшаларнинг уйидаям бор.

Озода опанинг ўзи ҳам моҳир каштачи. У Наби аканинг ҳаёти ҳақида берилиб гапирарди. Бу одам чарх йигириш, чизма тайёрлаш, дўппи, белқарс, бўғжома тикиш сирларини билган.

— Шундай одамлар ҳам оламдан ўтиб кетди-я,— дейди у афсусланиб.— Ҳозир эркаклар тугул хотинлар ҳам кашта тикишни унутиб қўйишяпти.

Мен ундан қишлоқдаги чеварларни сўрайман. У Турсуной момо Ниёзова, опа-сингил Қувват ва Қиммат Тўраева, Курбоной момо Файзуллаеваларни мақтаб гапирарди. Уларнинг нафақат каштачилик, балки гиламчиликда ҳам зўрлигини таъкидлайди.

— Эҳе, улар тиккан аёллар кийимидаги парпараклар, энглардаги гулларни кўрсангиз... Момоларингизни тинмаслигидан отнинг эгар-жабдуқларида ҳам гул нақши бўларди. Саллага гул тикиларди. Хазина рўмол деганлари ҳозир анқонинг уруғи. Уни онам Ойтўра Давлатова тўқирди.

— Ҳозирги аёллар-чи?

Озода опа муғомбирона жилмаяди: «Ана, ёшларнинг уйига бир кириб кўринг. Биласиз-қўясиз...»

Бу гап бизга маъқул тушди. Қишлоқнинг энг чекка хонадонларидан бирига кириб бордик. Бу янги келинчакнинг уйи экан. Ҳали чимилдиғи йиғилмаган. Дарҳақиқат, рангин бир хона. Аммо, бу ерга қўйилган нарсаларнинг кўпчилиги хорижда, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган турли-туман буюмлар эди. Келиннинг ўзи тиккан кашталарига қарайман. Уларда қадимдан давом этиб келаётган сеҳрли ислимий нақшлар, композиция ва чизгилар аънаси узилган эди. Уларнинг ўрнини замонавий тайёр нусхалардан кўчирма қилиб олинган товус, атиргул ёки йигит-қиз суратлари эгаллаган. Каштачининг ижодкор қалби йўқ эди бунда. Мен ана шунда Озода опанинг ҳақ эканлигини англадим. Ижодкорлик, бу — ҳар бир устадан талаб қилинадиган биринчи шарт эканлигини қайта чуқур ҳис қилдим.



САЪДУЛЛА  
СИЁЕВ

# ГАВҲАР ЙЎҚОТГАН ОДАМ

*Оқнадар билан мулоқот*

**Б**у киши билан касалхона ҳовлисида танишдим. У элликларни қоралаган, ўрта бўйли, этликинна эди. Калласи катта, қўнғиртоб, жингала сочларига кумуш оралаган. Қовоқлари салқин, кўзлари ҳозиргина йиғлаган ё бир неча кун сурункасига уйқудан қолган кишининг кўзларини эслатади.

Биласиз, шифохонада бекорчи вақт кўп. Дори-дармондан кейин одамлар ёпирилиб ҳовлига чиқишади. Ҳар ерга тўп-тўп бўлиб ўтириб, кунни кеч қилиш пайига тушади. Биров шахмат ўйнайди, биров нард, маҳмадонороқ бир кимса бошидан ўтган саргузаштларини айтиб, ўзининг ва бошқаларнинг вақтини чоғ қилади. Ишдан, оиладан, об-ҳаводан, сиёсатдан гап кетади. Аммо менинг танишим бунақа гурунглاردан холи эди. У одамларга қўшилмас, кўпинча бир чеккага бориб, ёлғиз ўзи курсида сўппайиб ўтирарди. Ёки қўлларини орқасига чалиштирганча наридан-бери кезади. У таңхоликни ёқтирар, бу эса бизга ёқмас, одамлар билан мулоқотга киришмас, бу ҳам ғашимизни келтирарди. Аввалига уни такаббурга чиқардик. «Намунча энди, Афлотун бўлганда ҳам! Касалхонада шоҳу гадо баробар! Ана, генерал ҳам юрибди-ку қўлини кўксига қўйиб. Бирам камсуқум, соддагина...»

Кимдир уни оқлаган бўлди: «Касал-да бечора. Асаби чатоққа ўхшайди. Кўзларига қарадинларми, бир ғалати, нури йўқ, қачон қарасанг — ҳасрат ёғилиб тургандай. Шунча кун бадалига кулганини кўрмадим. Касал одамдан гина қилиш керак эмас.»

Хуллас, Номаълум кишининг хатти-ҳаракатлари, ўзини туттиши биз учун сирли жумбоқ эди. Ногоҳ бир тасодиф бўлмаганда бу одамнинг бошидан кечган даҳшатли воқеадан беҳабар қолар эканмиз.

Бир куни уч-тўртта бўлиб қари арча тағдаги узунчоқ курсида ҳангомалашиб ўтирардик. Ичкаридан ҳалиги киши чиқди. У эшик олдидаги темир оёқли креслонни кўтар-

дию биздан йигирма қадамча нарига бориб ўтирди. Шу пайт унинг олдида соқоли кўксига тушган барваста чол келди-да, нимтаъзим қилиб нимадир деди. Номаълум киши ирғиб турди. У гўё оғир жиноят қилиб қочиб юрган ва ҳозир гувоҳига йўлиққан кимсадек доғдираб қолди. Орадан бир дақиқа ҳам ўтмади. Танишим чўрт бурилдию чолни анграйтирганча қўлларини тез-тез силтаб, боғ ичига шўнғиди. Таажжубим ортди. Бехитиёр ўрнимдан туриб, унга эргашдим.

Касалхонанинг ички, ташқи ҳовлиси бор. Ташқи ҳовлини чуқур анҳор кесиб ўтади. Анҳор бўйига ёш дарактлар, аксар жийда ўтқазилган. Бу ер жуда баҳаво, тинч. Тўпиқдан майса. Сувлар шилдираши, қушлар чуғури, энди қийғос гуллаётган жийда атри баҳри дилингни очади. Биз ўзимизча бу ерга «кислород йўлакча» деб ном қўйиб олганмиз.

Қарасам, танишим ўша «йўлакча»даги якка-ёлғиз скамейкада ўтирибди. Боши эгик, бошини чангаллаб олган. Секин ёнига бориб ўтирдим. У парво қилмади. Анчадан кейин калласини кўтарди. Мени энди пайқади чоғи, ёқтиринқирамай афтимга боқдию юзини бурди. Саломимга алик ҳам олмади. Тек ўтиравердим. Рўпарамиздаги баланд оқ теракнинг айри шохига бир қуш уя қурибди. Дўппидек кулранг хор-хас ичида полопонларнинг чирқиллагани эшитилади. Бир замон ота қуш [кўкрагидеги тарикдек доғларига қараб шу хаёлга бордим] учиб келдию, аввал уя атрофини «разведка» қилди. Кушандалар йўқлигига ишонди шекилли, инига энгашди. Болаларига битта-битта насиба улашди. Чирқиллаган товушлар пасайди. Ота қуш ўзича шунчаки «сайр» қилиб юрган бўлиб шохдан-шохга сакради. Хавф-хатар йўқлигини кўриб, тагин дилбандлари илинжида жони ҳалак, қайларгадир учиб кетди...

Ҳамроҳимга назар солдим. У ҳам уяга тикилиб турган экан. Юзларида ҳайрат, заваққа ўхшаган самимий бир ифода.

— Қаранг, табиат ажойиб-да,— дедим беихитиёр,— ана шу муштдай қушга ҳам буюк бир меҳр ато қилган.

— Афсуски, шу меҳрдан биз гоҳо бебаҳрамиз, биродар...

— Тўғри айтасиз, ака,— дедим суҳбат очилганига суюниб,— бераҳм, бағритош одамлар кўп. Ҳатто ота-онасини хор қилиб қўйган кимсаларни эшитиб ёқа ушлайсиз. Энг ажабланидиган ери шундаки, бунақа ёвуз қилган кўпинча ўқиган, бировларга ақл ўргатадиган, туппа-тузук жойда ишлайдиган кишилардан чиқяпти.

Ҳамроҳим сапчиб тушди. Менга еб қўйгудек бўлиб қаради. Йирик кўзлари ғазабнок чақнади. Оғир пишиллади. Узун уҳ тортди. Нафасидан олдимиздаги бўлиқ майсалар бир чайқалди.

— Сиз... мендан ҳам бешафқат экансиз,— деди гижиниб,— кейин гап беришни ҳам, гап тинглашни ҳам хуш кўрадиганга ўхшайсиз. Ярамга туз сепдингиз. Энди ёрилмасам бўлмайди. Юрагим зардобга тўлиб кетди. Дардимни тўкмасам, бу зардоб бутун вужудимга ёйилиб, мени бир ёқлик қилиши мумкин.

Ҳамроҳимнинг нафаси чиқмай қолди. Мен шошиб узр сўраган бўлдим.

— Кечирасиз, ака, мен шунчаки...— умуман гапирдим. Сизга тегиб кетган бўлса...

— Бўпти. Сентиментализмни бас қилайлик,— деди у жерккан товушда,— парда кўтарилди. Энди мен сизга фожеамни шарҳ айлай. Фақат битта илтимос. «Нега! Иннайкейин!» деб мижғов саволлар бермайсиз. Келишдикми!

Боз силкидим.

— Сигаретдан олинг. Асли чекмайману эрмакка.

У ношудлик билан сигарета тутатди, босиб-босиб чекди, сўнг ўзи айтмоқчи, шарҳу ҳолини бошлади:

— Ҳали сиз айтган «ёвуз қилиқ» эгаларидан бири менман. Башорат қилдингиз. Мен ҳам ўқиганман. Йигирма

беш йил игна билан қудуқ қовладим. Учта дипломим бор. Бир неча минг кишилик катта коллективга бошман. Одамлар оғзимга қараб туради. Кунига бир икки марта ваъз айтаман. Вазифам шунанга. Адолатдан, нафосатдан, бурч ва садоқатдан, граждонлик туйғусидан гапираман. Бировларни инсоф ва диёнатга, қаноат ва мурувватга, самимийлик ва софдилликка ундайман. Ёшларга насихат қиламан. Аждодларнинг руҳи покнини муқаддас сақлаш, тирикларнинг қадрига етиш, имону эътиқодни сарбаланд тутиш, ҳою ҳавасга берилмаслик, юксак идеалларга интилиш, оилада фароғат, муҳаббатда вафо, дўстликда садоқат ҳақида гапириб чарчамайман. Телевизорга чиқиб тураман. Газеталарга мақола ҳам ёзаман. Хуллас, бир қарашда расаматли жамоат арбобиман. Бир қарашда кам-кўстим йўқдай: обрў ҳам, мол-дунё ҳам, дўст-ёру мухлис ҳам, шоғирд ҳам — барчаси етарлидай. Кўчада дўппимни дол қўйиб юрсам ҳаққим бордай. Аммо, юролмайман. Кўксимда аччиқ қалампирдай бир дард бор, алам бор, азоб бор. Шу азоб туйфайли одамларнинг кўзига тикка қарай олмайман, қаддимни ғоз тугиб юролмайман, одамлар билан бурунгидай эмин-эркин, очилиб-сочилиб гаплашолмайман. Абай айтоқчи, тунда уйқум бузилади, кундуз кулгим. Яхшиямки, бошимдаги савдолардан атрофимдагилар беҳабар. Агар хабардор бўлишса, эҳтимол мендан юз ўгириб кетишар, мен билан салом-алиқни бас қилишар, раҳбар сифатида ҳам қадрим бир, пул бўлармиди...

У жимиб қолди. Мен «намуноча ўртанасиз! Нима қилган эдингиз!» демоқчи бўлдим-у, ботина олмадим. Шеригим сигаретни тез-тез сўрди ариқча отиб юборди. Оғзидан ҳалқа-ҳалқа тўтун пуриқаб, яна тилга кирди:

— Мен тузатиб бўлмайдиган хато қилдим. Отамни уйдан қувиб чиқардим. Менга ёруғ дунёни ато қилган, мени муштдайлигимдан тарбиялаб шу ёшга, шу мартабага етказган отажонимга уйимдан бир парча жой топилмади. Уни бегона кишиларнинг кўзига термултириб, саргардон қилиб қўйдим.

Чидамадим.

— Ҳақиқатан ёвуз одам экансиз! — дедим юрагим тақа-пуқа бўлиб.

У калласини осилтирди.

— Узбек тили бой, — деди истеҳзо аралаш, — беҳаё, кўр, нонтепки, имонсиз, мунофиқ, устига минг жилд китоб ортилган эшак... дейишингиз ҳам мумкин. Ихтиёрингиз. Аммо, яна бир соат қулоғингизни қарзга бериб турасиз. Қопнинг оғзи энди очилди. Дардимни тўкиб олишим керак. Сизнинг ҳукмингиз мени қизиқтирмайди. Мен аллақачон ўзимга ўзим ҳукм ўқиб қўйганман.

Шундай қилиб, отамни уйдан бадарга қилдим. Савол бергани оғиз жуфтлаб турибсиз. «Отангиз бедаво калсалга чалинганмиди, феъли ёмонмиди, уйдагиларга тинчлик бермасмиди, кўча-маҳалла ундан безормиди ва ҳоказо», демоқчисиз. Тўғрими! Йўқ, отам соппа-соғ эди, саксон ёшни қоралаб қолган бўлса-да, ўз ҳолатига ўзи ярарди. Юмшоққўнғил, содда, бировга зиёни тегмайдиган, беозор эди. Беш вақт номозини ўқиб, замонга шукрона келтириб ётарди. Қўрадаги мол-жонга қарар, невараларини етаклаб ўйнатиб юрар, зерикса маҳаллага чиқиб, қариялар билан чойхўрлик қиларди.

Мен отадан ёлғиз ўғилман. Икки опам бор. Улар узоқда, уй-жойлик бўлиб кетишган. Уч ёшимда онам ўлди. «Ёлғиз боламга ўғай онанинг турткисини едирмайман», деб отам бошқа уйланмади. У киши колхозда сувчилик қиларди. Қайга борса, тўнининг орқа этагини ҳимариб мени опичлаб юрарди. Далага чиқса ҳам ёнидан жилдирмайди. Отқулоқни, тут баргиними юлиб тағинга «кўрпача» қилиб берарди. Опаларимга ҳам ишонмасди. Овозим дўриллаб расида бўлгунимча отамнинг ёнида ётдим.

Мақтабимиз олисроқ эди. Қиш кунлари отам мени ўраб-чирмаб оларди-ю опичлаб мактабга жўнарди. Дарс оз бўлса, қоровулхонада кутиб ўтирар ё мактабдан бўшашига етиб келарди. Тагин опичлаб кетарди. Болалар мени «дадасининг канаси, ёпишиб юргани-юрган», деб калана қилишарди.

Уқишни битирган йилим отам ёлғиз сигиримизни сотдию, мени Тошкентга институтга олиб келди. Бир ой инс-

титут ҳовлисига қора чопонини тағига қўйиб ўтирди. Конкурсдан ўтолмадим. Отам чаласавод бўлса-да, суриштириб, турли идораларга қатнади, колхозга бориб раисни бошлаб келди, елди-югурди, бировларга ёлворди — хуллас, бир илож қилиб мени олий мактабга жойлаштирди.

Сағирлик жонимдан ўтганми ё отамнинг мени катта қилгунча чеккан азоблари ёдимда эдимки, ишқилиб, яхши ўқидим. Отам ўзи емай едирди, киймай кийдирди. У киши ҳар икки гапининг бирида «болам, сенга қолдирадиган меросим йўқ. Кўзим очигида ўқиб, илмлик бўлиб олсанг бўлгани. Етимчиликда биз ўқий олмадик, сен ўқи. Эл-юртнинг назарида юрганингни қўриб ўлсам бас, армонсиз ўтаман», дерди.

Институтни аъло битирдим. Диплом олиб қишлоғимга учдим. «Энди ўзимни аямай ишламай, отамга қўл-қанот бўламан, — дердим ичимда, — уйимизни тузатаман, отамнинг машаққатларини унут қилдираман, тўрға ўтқазиб қўйиб ҳурматини қиламан. Ахир, дунёга келиб нима кўрди!»

Бир йилча тиним билмай ишладим. Кейин институтда ўқитган домлам чақиртирди. Бордим. «Сизни олимлар қаторига қўшмоқчиман, ўғлим, — деди домла, — илгаридан илмага уқувингиз бор эди. Узим аспирантурага киритиб қўяман. Узим илмий раҳбарингиз бўламан. Нима дейсиз!» Иккиландим. Домла республикага таниқли профессор эди. Унга шоғирд бўлишни орзу қилиб юрганлар озмунча эмас. Кўнглим суст кетди. Бироқ, қишлоқда қариб бораётган ёлғиз отамни ўйладим, рўйхуш бермадим. Домла ўйлашга муҳлат берди. Отам маслаҳатни эшитиб, дарров рози бўлди. «Домланг оталик қилмоқчи бўлибди, аллома экан. Улуғларнинг этагидан тутсанг кам бўлмайсан, болам. Мени ўйлама. Худога шукр, тўрт мўчам соғ, куним ўтиб турибди. Опаларинг бор, хабар олиб туришар. Сен ўқи. Фалончи сувчининг ўғли Тошкентдай шахри азимда катта олим бўлиб ишлар экан, деган гап менга ётсам тўшак, суянсам ҳасса, болам...»

Уч йил қандай ўтганини сезмадим. Домланинг уйдан бери келмай қўйдим. Қутубхонадан чиқмайман. Қишлоққа ҳам камдан-кам бораман. Тобора далага ярамай қолаётган отамни қўриб эзилман, битаёзган илмий ишимни ўйлаб суюнаман, ўзимга таскин бераман.

Домла менга чинакам оталик қилди. Уч йилу уч ой деганда кандидатлиқни ҳимоя қилдим. Диссертациyani ювгани кичкина кафега тўпландик. Уша кун тўйимиз ҳам бўлди. Лабингиз ип қочирмасин. Бу сафар башорат қиллолмадингиз. Йўқ, мен домланинг кечжа қизига уйланмадим. Район миқёсига анча обрўли бир амалдорга кувё бўлдим. Тўйга отам, опаларим келишди. Отам тоғиниб тўрға ўтмади, ўқиган ўғил отадан улуғ, деб пойгакка сурилаверди. Домлам уни қўлтқиқлаб ёнига олиб ўтирди.

Эрта кулмаган кеч кулар, кеч кулмаган ҳеч кулмас, дейдилар. Машҳур профессорнинг шоғирди эканлигим асқотдимки, «Фалончевга кувё»лигимми ё ўзимнинг меҳнатларимми — ишқилиб омадим келди. Илмий доираларда номим чиқиб қолди. Исмимга «вич» қўшилиб айтиладиган бўлди, «домла» деган тахаллус олдим, қайнотам ёрдамида дангиллама уй солдим, мартаба пиллапоясидан аста-секин юқориладим. Ниҳоят, мана сиз қўриб турган даражага етдим. Фан докторман. Унвоиларим етарли. Турли хил комиссиялар аъзосиман. Улкан коллективга бошман. Уч боланинг отасиман ва... отасини кўчага ҳайдаб солган оқпадарман!

Домла уҳ тортиб, калласини ортага ташлади. Кўзларини юмди. Назаримда у кўкдан наҳот тилаб турган мискин, нотавон кимсага ўхшаб кетди. «Бечора, ўз ёғига қоврилиб адои тамом бўлаёзбди-ку», деб тасалли беришга уриндим.

— Улуғларнинг хатоси ҳам улуғ бўлар экан-да. На-чора...

У бошини аста кўтарди. Ҳақорат эшитгандай кўзларини дарров очиб, безовта тамшанди.

— Наҳотки, Чехов абадул-абад ҳақ бўлса! Сиз ўқимшли йигит экансиз, Чеховнинг гапини биларсиз. «Чем культурнее, тем несчастнее», дейди у. Наҳот инсонлар маданий тараққиётга эришган сайин уларнинг бахти дарз кетаверса! Узр, мен Чеховнинг фикрига қўшилмадим.

Мен бадбахт эканман, бу бировларнинг бахтиёрлиги эвазига бўлмаслиги лозим. Аммо... синмас бир ҳақиқатни тан олмоғимиз керак. Айтилик, бузуқ ё фар одамни фар десангиз, бетингизга шапалоқ тортиб юборади. Уғри билан тўлоққа ҳам кимлигини эслатсанг ёқангдан олади. Одам табиати фалат. Узидан фазилат ахтариш ўрнига бировдан нуқсон қидиришни яхши кўради. Эҳтимол, бу қусурдан камина ҳам холи эмасдирман. Акс ҳолда «Мени оқпадан қилган сен!» деб дастлаб ҳамма айбни хотинга тўнаиб ўтирмасдим. Ҳа, қарс икки қўлдан чиқди — гуноҳ эр-хотин иккаламиздан баравар ўтди.

Боя айтдим, келин ўртамиёна бир амалдорнинг қизи эди. Албатта у эрка ўсган, муҳтожлик кўрмаган. Бировга хизмат қилиб эмас, бировларга хизмат қилдириб ўрганган. Тўйдан кейин отамни кўчириб келдим. Хотинга шарт қўйдим: «Мени десангиз, чолни ранжитмайсиз. Дунёда сўянадиган иккитагина одамим бор: бири отам, бири сиз. Мабода у кишининг кўнглини синдирсангиз ўзингиздан кўринг. Кечирмайман!» Хотин ўйноқлаб бўйинига осилди. «Вой, ўлибманми, кўнгилларини синдириб. Ахир, у киши бизга азиз меҳмон-ку!» Хотин «меҳмон» деганда нимани назарда тутганини ўша пайтлар англамабман.

Биринчи йиллари қайнота билан келиннинг муносабатини кўриб ҳавасим келиб юрди. Отам келинни сизсирайди, келин «дадажон» деса, тилидан бол томади. Ҳафтага қолдирмай усти-бошини ювиб, чинидай қилиб қўяди. Оғзига ёқадиган таомлардан пишириб беради. Иложи бўлса тўрт қават кўрпадан туширмаса. Ҳатто, таҳорат сувигача иситиб, ипак жойномозни пешкаш қилиб туради. Отам севинчдан кўзларига ёш олиб, эртаю кеч келинни дуо қилади, унга умр тилайди...

Шу алфозда уч йил ўтди. Бу орада икки фарзандлик бўлди. Ҳовли олиб, кўчиб ўтдик. Мени ишхонамга машина ташийдиган бўлди. Не ажабки, хотиннинг феъли ҳам ўзгара бошлади: димоғи кўтарилиб, серзарда бўлиб қолди, уй-рўзгорга ҳам унчалик кўнгли йўқ, ҳатто мени жеркиб ташлайдиган қилиқ чиқарди. «Бўлди, эримнинг бўйнига миниб олдим, энди икки боласини ташлаб ҳеч қайга кетмайди», деб ўйладими, отасининг ҳовли-жой сотиб олишимизда қарашганига ишорами, бошқа сабабми, ишқилиб ширин турмушимизга заҳар аралашди. Отамнинг аҳволини-ку айтмади қўяқолай. У киши худди бизникида ижарага турган одамга ўхшарди: ўтирса ўпоқ, турса сўпоқ. Биронта қилғи хотинимга ёқмайди. Кейинги вақтларда бир нарсани сезиб қолдим. Келин қайнота билан даярли гаплашмас экан. Бир куни тасодифан тушликка келдим. Қарасам, отам ҳовлида тик турганча кўйлагини ювяпти. Иссигим чиқиб кетди. Секин бориб қўлдан кир тоғорани олдим. Отамни кўчага олиб чиқиб, машинага ўтказдим. Тўғри магазинга бордик. Икки сидра кийим-бош олиб бердим. Кечқурун хотинни отасиникига олиб жўнадим. Жамоат жам экан. «Дада,— дедим қайнотамга,— турмуш қурганингизга неча йил бўлди!» «Ўттиз йил, ўғлим, нима эди!» «Айтинг-чи, шу ўттиз йил ичда бирон марта кийим-бошингизни ўзингиз ювганмисиз!» «Йўқ,— деди у,— ювмаганман». «Отам етмиш бешга чиқди, ҳар сафар ўз кийимини ўзи ювади, ишонмасангиз, ана қизингиздан сўранг!» дедиму чиқиб кетдим.

Хотин уч кундан кейин йиғлаб-сиқтаб кириб борди. Товбасига таянгандир, деб умид қилдим. Йўқ, аксинча, у тўнни тескари кийиб олди. Чолга бадтар зуғум ўтказа бошлади. Жанжалнинг каттасини бошлай, дедим-у, қўрқоқлик қилдим. Бир ёқда докторлик диссертациям яқинлашиб турибди, бир томонда Бош раҳбарнинг ўрни бўшаяпти, янги лавозимга менинг номзодимни кўрсатишибди. Тилини ташладим. Бир ёмон хотиннинг касрига икки имкониётни бой бермай дедим. Яширмайман, ўша пайтлар отамнинг қисматини ўйлайдиган аҳволда эмас эдим. Мени Унвон билан Мансаб кўпроқ қизиқтирарди.

Чол опаларингни соғиндим, бир кўриб келай, деб қишлоққа кетди. Икки ой келмади. Мен ҳам йўқлай олмадим. Икки ой Унвон ва Мансаб учун курашдим. Эҳтимол, отам мени кутган, боравермаганидан кейин, ҳа, керагим йўқ экан-да, деб умидимн узган.

Ниҳоят, кўзлаган мақсадимга етдим. Ҳимоя тантанали

ўтди. Бош раҳбарнинг ўрнига ўтирдим. Эшикка оқ «Волга» келадиган бўлди. Телефон тўртта, секретарь иккита, югурдакларнинг сон-саноғи йўқ. Шуҳратга, мақтовга кўника бошладим. Ана шунда отам қайта ёдимга тушди. «Мени мана шу айланма креслога ўтказган отам-ку ахир! Ота минг устоздан улўғ эмасми!» дедиму «Волганинг ортида шойи пардага сўяниб қишлоққа етиб бордим. Уйга кетайлик, деб ялиндим, ёлвордим — отам кўнмади. «Сенлар тинч яшасанглар бўлди, шу менга давлат. Биз кетаётган одаммиз, сенлар келясанглар, илоё омон бўлинглар», деб менга оқ йўл тилади. Ун кундан кейин яна бордим. «Агар мен билан кетмасангиз келиннингиздан ажрайман» дедим. Оёқларига бош уриб кечирим сўрадим. Отам ноилож ҳассасини қўлига олиб машинага чиқди.

Энди мен ёзувчилар айтмоқчи, икки оғиз лирик чекинш қилмоқчиман. Биласизми, кейинги пайтларда кўпгина раҳбар ўртоқларимнинг турмушини кузатиб, фалати бир хулосага келгандай бўлдим. Одамнинг амали, мартабаси нечоғли юқорилашган сари у хотинига шунчалик тобероқ бўлиб қолади шекилли, деб ажабланаман. Мана, ўзимдан қиёс. Отамни бир амаллаб уйга қайтардим. Аммо унинг илгариги фароғатли турмушини қайтаролмадим. Хотин бурунгидек уни силтаб-хўрламас эди-ю, лекин бирон марта «дада» деб очилиб гапирмасди ҳам. Мен бунақа муомалани кўриб туриб ўзимни кўрмаганга олардим. Гоҳо бир нарсани ўйлаб изтироб чекаман: мен тобора хотиннинг гапига кўпроқ қирадиган, унга қаттиқ гапиролмайдиган бўлиб қоляпман. Доим қош-қовоғига қараб тураман. У ҳатто хизматимга аралашиб, менинг номимдан бировларга кўрсатма берганини эшитсамда, яхши эмас, деб гуноҳкорона илжайишдан нарига ўтолмайман.

Мен лўли хотиннинг чилдирмасига алданган ўша телбага ўхшаб кетаётгандим. Уйнаб-ўйнаб, охири қуюқ ўрмонга кирганимни билмай қолдим. Кўзим очилганда кеч бўлган эди.

Бир куни овқатдан кейин хотин «нота» топширди:

— Бу уйда ё мен тураман ё отангиз! Хоҳлаганингизни танланг! Менга барибир.

«Чол нима ёмонлик қилди сенга! Унга супрадай жой билан бир қошиқ ёвғон етади-ку! У — менинг отам. Ҳеч қаёққа кетмайди. Уятинг борми ўзи, хотин!» деёлмадим. Чунки хотин илгари ҳам бир марта жанжал қилиб кетиб қолган, ярим буюми онасиникида эди. Ичим ёнди. Кўз олдимга ҳашаматли кабинетим, илмий давралардаги «куш кўрдик»лар, ишхонадагиларнинг қўл қовуштириб туришлари, яқинда бўладиган сайловлар келди. Журъатсизлик, тобелик устун чиқди. Беандишалик, бепаросатлик қилдим.

— Отам... қайга боради! — дедим қизариб. Хотин сал юмшади.

— Мен қариялар уйдан жой гаплашиб қўйдим. Қўрқманг, фамилиянгизни сотмадим, бировларнинг номидан ҳужжат тўғриладик.

Отам мени ўн ёшимгача опичлаб катта қилган эди. Энди мен салкам саксон яшар падали бузруқворимни ўз қўли билан олиб бориб тириклай кўлиб келдим. Эски кийимдек кўчага чиқариб ташладим. Отам мен билан очилиброқ хайрлашмоқчи бўлди-ю, эплай олмади. «Хотининг билан уришма, болам,— деди овози қалтираб,— ўлигим кўчада қолмасин. Қишлоққа олиб бориб кўм». Ушанда ҳам эсимни йиғмабман. «Гумроҳ ўғлингизни кечиринг, отажон!» деб оёқларига йиқилсам, қайта изига қайтарсам бўлмасмиди! Узига алоҳида уй олиб бериб, олдига хизматкор солиб қўйсам, кучим етмасмиди!

Уч кун ишга чиқмадим. Уч кун ётиб ичдим. Йиғладим, ичдим, яна йиғладим. Ун минг, балки юз мингдан бир одам боласи йўл қўядиган хато қилганимни энди тушунган эдим. Тўртинчи куни ўрнимдан туриб хотинни чақирдим.

— Кўнглингиз тўлдими, хоним! — дедим. У важоҳатимдан қўрқди шекилли, ортига тисарилиб бидиллади:

— Вой, манави кишини! Менга нима дейсиз! Узингизку, бир оғиз йўқ демай обориб ташлаган...

Миямга гурзи тушгандек бўлди. «Бу кунингдан ўлганинг яхши», деб бошимга мушладим.

## Армон

Энг сўнги нафасни оларкан боғбон,  
Нурсиз, кўзларини тикиб осмонга.  
Сарғайган япроқнинг шитирлашидай  
Синиқ бир овозда қиларди армон:  
— «Гўзал дарахт бормиш олис маконда,  
Меваси умрга умр қўшармиш.  
Ёруғлик сочишда танҳо жаҳонда,  
Мен ўша дарахтни экмадим,

Афсус»...

Келар бир кун энг сўнги фурсат,  
Алвидо айтурман яхши ёмонга.  
Ва армон қиларман шу боғбонсифат,  
Ташна кўзларимни тикиб осмонга,  
«Бир қўшиқ бор эмиш самовий латиф,  
Юракни шодликка тўлдирар бесўз.  
Бокира ҳисларни бўлмадим айтиб  
Мен ўша қўшиқни айтмадим,

Афсус»...

РУСТАМ  
НАЗАР

## Турналар

Осмонларни тўлдириб  
Қур-қурлари —  
Учиб ўтди турналар  
Қуёш сари!  
Кўздан йўқолди улар,  
Сингиб масрур —  
Алвон уфқ бағрига  
Мисоли нур!  
Ҳаяжонимиз сиғмас  
Кўксимизга —  
Чунки улардан Баҳор  
Қолди бизга!

## Бир қушча

Мовий кўкда бир қушча  
Учар эди чарх уриб.  
Кузатардим завқ билан  
Мен ҳовлимизда туриб.  
Ерга тушса гоҳ — уни  
Меҳмон қилардим таниб.  
Шундан сўнг қушча менга,  
Қолди беҳад ўрганиб.  
Қорни ҳар кун тўқ бўлгач  
Мен сепган тўкин донга,  
Ажаб, қушча бутунлай  
Учмай қўйди осмонга!..

— Энди сизга ҳам жавоб. Истаган ерингизга бориб  
арз қилаверинг. Отам сиғмаган ер менга ҳам ҳаром.

Хотин тахта бўлиб қолди. Мен ҳужжатларимни порт-  
фелга солиб чиқиб кетдим.

— Чакки қилибсиз, домла,— дедим биринчи марта сў-  
зини бўлиб,— бир йўла ҳам отадан, ҳам оиладан жудо  
бўлиш... ақлли одамнинг иши эмас.

— Қайси ишим ақлли одамники!— сўради у жаҳл  
билан,— шуҳрату амални ўйлаб гавҳардек отамни оёқости  
қилганимми! Тасалли истагандек сизга ҳасратимни айтиб  
ўтирганимми! Ё қилғиликни қилиб, айбни хотинга ағдар-  
ганимми! Қай бири ақлли одамнинг иши, айтинг!

Индамадим. У яна сигарета сўраб чекди, давом  
этди:

— Бу воқеага уч ой бўлди. Ич этимни еб бўлдим. Со-  
чимнинг ярми оқарди. Уч ойнинг икки ойи касалхонада  
ўтди. Бошим гувиллайди. Нима қиларимни билмайман.  
«Домла, сизга нима бўлди!» деб ишхонадагилар ҳам  
ҳайрон. Инсонга табиат юборган дард борки, ҳаммасини  
бировга айтиш мумкин. Менинг дардимни айтиб бўлмай-  
ди. Шунинг учун одамларга қўшилмайман. Ҳали ёнимга  
бир чол келди. Юрагим чиқиб кетай деди. Туриш-турму-  
ши, бўй-басги, ҳатто юзидаги чандиғигача отамни эслат-  
ди. Қўрқиб, шу ёққа ўтдим.

— Узингиз бу аҳволда бўлсангиз, дадангизни ҳам бо-  
риб кўролмагандирсиз!

— Афандимисиз! Соғ бўлганимда-чи! Нима деб бораман-  
ну қайси бетим билан бораман! Ота, илгари меҳрим  
йўқ эди, бировлардан ақл ўрганиб, меҳрли бўлиб кел-  
дим, дейманми! Меҳрнинг бозори йўқ...

У соатига қараб ўрнидан турди. Ғамгин кулди.

— Ана, биродар, «Қиссаи Оқпадар» тамом. Нима деб  
ўйласангиз, қандай ҳукм чиқарсангиз — ихтиёрингиз. Мен-  
га барибир. Мени бир масала қийнайди. Отам, «Болам,  
ўлигим кўчада қолмасин, қишлоққа олиб бориб кўм», деб  
васият қилди. У киши бир куни оламдан ўтса, қандай ха-  
бар топаман! Ахир отамнинг адреси нотайин, ёлғонку!  
Мен уни қариялар уйига топшираётганимда қариндошим,  
дегандим. У ердагилар хоксоргина бу чол фалончи про-  
фессорнинг отаси эканлигини хаёлларига келтирармикан!  
Ҳа, дарвоқе, яқинда отам ишхонамга икки энлик хат  
бериб юборибди. Мазмуни шуки, «Болам, бу ердагилар,  
ўглингиз бор экан, қаерда ишлайди, деб суриштирди.  
Сенинг кимлигингни айтмадим. Обрўйингга путур етмасин  
дедим. Ташвиш тортмай ишлайвер, бошинг тошдан бўл-  
син» дебди. Бечора отагинам! Узи не аҳволда-ю ҳамон  
фарзандини ўйлайди... Узр, ўқолим бор эди, борай.  
Врачларга ҳам қойилман. «Ғам еманг, домла, отдай  
бўлиб кетасиз» дейишади. Оптимистлар! Билишмайдики,  
юзта невропатолог, мингта психиатр бош қўшганда ҳам  
менинг дардимга дармон топишлари гумон. Чунки ме-  
нинг дардим — даво!

### ИККИ ОҒИЗ СЎНГСЎЗ

Муҳтарам ўқувчи! Мен инсон ҳаётидаги бир лаҳзалик  
муҳаббатсизлик, лоқайдлик қандай фожеага олиб келиши  
мумкинлигини кўрсатмоқчи бўлдим. Мазкур ҳикоя кам-  
раннинг ҳаёлида тўқилган эмас, бўлган воқеа. Мен фақат,  
Баъзи мулоҳазага бориб, отасидан тонган домланинг  
кимлигини ошкор этишни истамадим. Бу ибратли ҳангома  
изни бефарқ қолдирмас, эҳтимол кўнглингизда акс-садо  
берар, ота-она ҳамда фарзанд муносабати, жамият ва  
инсон, умуман, одамий фазилатлар ҳақида ўйлашга, баҳс  
юритишга чорлар, деб умид қиламан.



## ЯНА ҚИШЛОҚ ЖОЗИБАСИ ҲАҚИДА

*Журналимизнинг 8-сонида журналист Жўра Саъдуллаевнинг «Қишлоқ жозибаси йўқолмоқдами?» деган мақоласи босилган эди. Мақолада қишлоқ ёшларининг маданий дам олишлари, нега баъзи жойларда улар «тўзиб» кетаётганлиги ва бунинг сабаблари ҳақида сўз юритилган эди. Мазкур масалалар юзасидан мухбиримиз Ўзбекистон Компартияси Комсомолобод район комитетининг биринчи секретари Иброҳим Дадахонов билан суҳбатлашди.*

**МУХБИР.** Иброҳим Дадахонович! Комсомолобод — Андижон областининг энг кенжа, қўриқ райони. Бу ерда асосан ёшлар меҳнат қилишади. «Қишлоқ жозибаси йўқоляптими!» сарлавҳали мақолада кўтарилган муаммолар ҳақида фикрингиз қандай!

**И. ДАДАХОНОВ.** Гапни узокроқдан бошлашга тўғри келади. Улуғнор, Бўз Тўрттоп, Сарсонқум... Бундан бир неча йил аввалгина қуш учса қаноти куюдиган бу қақроқ чўллар, сўнгсиз-чексиз қум барханлари Ўзбекистон картасида, сариқ, бўз рангда тасвирланарди. Ҳозир эса ана шу жойлар ўрнида қатор-қатор замонавий қишлоқлар қад кўтарди. Уларнинг бири — районимиз маркази Оқолтин қишлоғидир. Унга чўлқуварларнинг ўзлари ҳавас билан Шаҳриобод деб норасмий ном қўйганлар. Муболағасиз айтиш мумкин: бу ҳақиқий замонавий қишлоқ, ёшлар қишлоғи.

Шаҳриобод кечалари ҳақиқатан ҳам гўзал ва мафтункор.

Бир тасаввур қилинг: Ўчалар кенг, тоза ва чароғон. Ильич чироқларининг шуъласи шиддат билан кўкка отилаётган фаввораларнинг зарраларида жилоланади. Кунни бўйи далаларда, чорвачилик фермаларида, қурилишларда баракали меҳнат қилиб қайтган ёшларни навқирон, кўркам шаҳарча ўз бағрига чорлайди. Ҳар ёнда музика, шўх табассум... Кўпчилик Назбаҳор кинотеатрида янги фильм кўришга ошиқади. Бошқаларни маданият саройида район бадий ҳаваскорларининг концертлари кутади. Бир ёнда ёшлар дискотекани жиҳозлашга тайёрланмоқдалар. Шаҳриободнинг бир чеккасида эса комсомол тўйи ўтказилаётир.

Қишлоқдан жозоба йўқоляптими! Бу нарса, менимча, шу қишлоқда яшовчиларнинг ўзларига, уларнинг ғайратларига, ташаббусларига, топқирликларига, қолаверса, маҳаллий раҳбарларнинг, жамоат ташкилотларининг шу иш учун қай даражада жон куйдиришларига боғлиқ.

Район ташкил этилган йиллари бу ерда бор-йўғи 17 минг одам яшарди. Ҳозир эса аҳоли 25 мингдан ортиб кетди. Рақамлар кўп нарсаларни тушунишимизга имкон берадиган воситадир. Фараз қилинг: пахтачиликда 6 минг киши ишлайди. Йилига Ватанга 40 минг тонна атрофида «оқ олтин» топширамыз. Бу ҳар бир чўлқувар ҳисобига 6 тоннадан кўпроқ пахта етиштирилади, деган гапдир. Меҳнаткашларимизнинг, айниқса, ёшларимизнинг ғайрати жўш уриб, илҳом билан ишлаётганлиги мана шундай ютуқларни кўлга киритишимизга имкон бераётир.

**МУХБИР.** Кейинги йилларда шаҳар билан қишлоқ турмуш шароити ўртасидаги тафовут тобора камайиб бормоқда. Комсомолобод районида бу борада аҳвол қандай!

**И. ДАДАХОНОВ.** Қишлоқда ҳам шаҳардаги каби турмуш шарт-шароитлари яратиш ёшларни қишлоққа кўпроқ жалб қилишнинг асосий гаровларидан биридир. Ана шунда, мақолада айтилгани каби ёшларнинг қишлоқдан «тўзиб» кетишларига барҳам берилади.

Районимизда «В. И. Ленин 100 йиллиги» совхози бор. Маркази — Мингчинор қишлоғи. Унинг «Бахт уйи» нафақат Комсомолободда, балки бутун Фарғона водийсида машҳур. Бу ерда никоҳ тўйларини ўтказиш учун ҳамма шарт-шароит муҳайё. Район ёшлари ўз комсомол тўйларини шу ерда ўтказадилар. Мингчинордаги «Бахт уйи»га ўз ҳаётларида бир марта бўладиган катта шодийнани ўтказиш учун, ҳатто бошқа район ва областлардан ҳам ёшлар келадилар.

Районимизда физкультура ва спорт йил сайин ривожланиб бораётир. Утган йили қишлоқ марказида барча қулайликларга эга бўлган «Олимпия» стадиони район ёшларининг ҳашари билан қуриб, фойдаланишга топширилди. Стадион 5 минг кишига мўлжалланган. Бу ерда ҳозир республика, область ва район масhtaбида турли-туман спорт мусобақалари ўтказилади. Деярли бошқа ҳамма хўжаликларда ҳам кўзга кўринарли спорт иншоот-

лари қуриш кўзда тутилган. Район спортчиларининг га-  
лабалари эса йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Ёшлар учун қулай маиший шароитлар яратиш ҳам  
асосий роль ўйнайди. Бизда ҳар йили ўнлаб турар-жой  
бинолари қуриб, фойдаланишга топширилади. Лекин бу  
кам. Биз мазкур масалани тегишли ташкилотлар олдига  
қўйяпмиз. Лекин қурилаётган уйлар ҳамма шароитларга  
эга. Уларда турмуш шароити шаҳардагидан деярли фарқ  
қилмайди.

**МУХБИР.** Районнинг чиройи фақат унинг ташқи кўрини-  
шидагина эмас. Шаҳардаги оловқалб ёшлар ҳам белги-  
лайдилар бу чиройни...

**И. ДАДАХОНОВ.**—Тўғри айтасиз. Районимизда бун-  
дай ёшлар жуда кўп. Улар орасида машҳур пахтакорлар,  
қурувчилар, ер ўзлаштирувчилар бор.

Масалан, ўтган йил социалистик мусобақасининг якуни  
бўйича ёш механизатор Камолитдин Юнусов биринчи-  
ликни олди. Камолитдин — чўл фарзанди. Шу ерда ту-  
тилган. Шу ерда вояга етган. Урта мактабни тугаллаши  
биланоқ ўзини механизацияга урди. Илғор механизатор-  
лардан тажриба ўрганди. Ҳозир «СССР 50 йиллиги» сов-  
хозининг пешқадам сўворийларидан.

Яна бир механизаторимиз Виктор Богатирёв. Яқинда у  
районимизда ўтказилган скреперчиларнинг Бутуниттифоқ  
мусобақасида биринчи ўринни эгаллади. Виктор ҳам чўл  
боласи. Ёшлигиданоқ техникага ҳавас қўйди. Механиза-  
торлик қилиб, ғўза қатор ораларига ишлов беришда қат-  
нашди. Сўнгра чўл ўзлаштирувчилар қаторига келиб қў-  
шилди. Скреперчилик касбини эгаллади. Сарсонқум ша-  
молларида, ниҳоятда қийин шарт-шароитларда тобланди.  
Ўз маҳоратини ошира борди. Аввал область, кейин рес-  
публика, пировардида эса бутуниттифоқ мусобақасининг  
ғолиби бўлди.

Мен иккитагина ёш чўлқувар ҳақида гапирдим. Улар  
районимизда ўнлаб, юзлаб саналади. Мана шулар чўл-  
нинг кўрки, чўлнинг ифтихоридир.

**МУХБИР.** Районда ўз ечимини кутиб турган муаммо-  
лар ҳам бўлса керак!

**И. ДАДАХОНОВ.** Кейинги йилларда қишлоқда ёшлар-

нинг маданий-маиший эҳтиёжларини қондириш борасида  
кўпгина тадбирлар амалга оширилди. Чунончи, Наби Ра-  
ҳимов, Ёқуб Аҳмедов, Бахтиёр Ихтиёров каби таниқли  
санъаткорлар чўлқувар ёшларимизнинг меҳмонлари бўл-  
дилар. Шу йил баҳорда Ўзбекистон радиосининг «Табас-  
сум» редакцияси районимиз санъат саройида Фарғона  
водийсининг энг таниқли санъаткорлари: кулги усталари,  
аскиячилари иштирокида чўлқуварлар билан унутилмас  
учрашув ўтказди. Бундай учрашувлардан чўлқуварлар  
мамнун бўлдилар. Лекин, ростини айтиш керак, булар  
ҳали оз. Биз ана шундай тадбирлар йилига бир-икки мар-  
та эмас, кўпроқ ўтказилишини, республикамизнинг атоқ-  
ли ижодкорлари ва санъаткорлари тез-тез меҳмонимиз  
бўлиб туришларини истардик.

Проблемалар ҳақида шунга айтиш мумкин: чўл райони-  
да ўнлаб талантли ёшлар, санъаткорлар бор. Лекин улар-  
нинг меҳнатлари етарли баҳоланмай келаётир. Масалан,  
улар район ва область миқёсида танилганлар, ҳолос.  
Ҳолбуки, Мирзааҳмедов номли, «Партия XXIV съезди» ва  
«СССР 50 йиллиги» совхозларининг халқ талантлари ора-  
сида санъати республика радиоси ва телевидениеси ор-  
қали пропаганда қилинса арзийдиганлари ҳам оз эмас.  
Тегишли ташкилотлар бу масала устида ўйлаб кўрадилар  
деган умиддаман.

Қишлоқ жозибаси йўқолгани йўқ. Унга мазмунли, ба-  
ракали меҳнат ва мароқли ҳордиқ ҳамроҳдир. Олдимиз-  
да катта вазифалар турибди. Уларни муваффақиятли ра-  
вишда ҳал этишда ёшларимиз олдинги сафда борадилар.  
Бизнинг улардан умидимиз катта.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР  
Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Бреж-  
нев ВЛКСМнинг XIX съездида шундай деган эди: «Ёш-  
ларнинг меҳнати ва турмуши уларнинг қишлоқ хўжалиги-  
да мустаҳкам ўрнашиб қолиши учун зарур шарт-шароит-  
ларни яратишни ўз ичига олади». Бу гаплар биз учун бош  
йўналиш бўлмоғи даркор.

Сухбатни Қодиржон СОБИРОВ ёзиб  
олди



## ИСРОИЛ СУБХОНОВ

\*\*\*

Эсингдами узун қиш кечалари:

Сандал;

узум;

чироқ,

раққоса пилик.

Япасқи токчада — Сино, Яссавий,

Дунё тақдирини ҳал қилар эдик.

Дунё тақдирини ҳал қилар эдик,—

Аямай ҳаттоки бир-биримизни.

Сандал,

узум,

чироқ,

раққоса пилик

Ҳал қилиб юборди тақдиримизни.

## Айний

Етмиш беш йил ўтар, ҳадемай,

Гўдак чол тусига кирар бир карра.

Айний шонасида тинч ухлаёлмай

Тўлғониб чиқади етмиш беш дарра.

\*\*\*

Бухоро шаҳридаги Лаби Ҳовуз бўйи-  
га Хўжа НАСРИДДИН ҳайкали ўрна-  
тилди.

Лаби Ҳовуз ичра жимирлайди сув,

Йўқ, сув эмасдир бу, сув эмас, ахир!

Бу — Хўжа Насриддин яратган кўзгу,

Унинг кулиб тўккан кўз ёшларидир.



МУҲАММАД  
ПИРРИЕВ

## ЎЗИМНИНГ ЧОЙЧАҚАМ

ҲАЖВИЯ

**А**втобус бекатида хаёл суриб турган эдим, рўпарамга «ғийқ» этиб яп-янги «Москвич» келиб тўхтади. У ёқ-бу ёққа қарасам, мендан бошқа ҳеч ким йўқ. Рулдаги илжайиб турган киши кўзимга иссиқ кўринса ҳам, қаерда учратганимни эслай олмадим. «Москвич»нинг орқа эшигини оҳиста очиб, ассалому-алайкум, дедим-да, ўзимни ичкарига олдим. Эшикни ёпмоқчи бўлган эдим, у киши чўзилиб қўлимни ушлади.

— Овора бўлманг, мен ўзим...

У «шилқ» эткизиб эшикни ёпди. Қалбимда ҳамроҳимга нисбатан чексиз самимият пайдо бўлди: «Хайрияят, шундай сермулозимат, одамохун кишилар бор дунёда, бўлмаса яшашнинг қизиғи қолмасди...»

Унинг норози оҳангда ғўлдирагани хаёлимни бўлиб юборди.

— Энди, укам, ҳаммани ҳам ўзингиздай библиб бўлмайди. Тунов куни бир танишимнинг юзидан ўта олмай тўхтатган эдим, эшикни чунонам қарсиллатиб ёпдики, нервим кўзиб, бошимдан тутун чиқиб кетди. Пули куймаган-да баччагарни! Бир хаёлим, машинани шарт тўхта-тиб, «Хў, оғайни, бу сенга катта холангни темир дарвозаси эмас», деб тушириб юбормоқчи бўлдим, шайтонга ҳай бердим. Бир томондан юз-хотир, иккинчи томондан чойчақа дегандай...

Ўзимни ноқулай сезиб, эшик томонга ғужанак бўлиб олдим. Унинг ҳамон жағи тинмасди.

— Мошин дегани ўз-ўзидан бўлмайди, укам! Шу қарсиллатиб ёпганида эшикнинг тутқичи «қирс» этиб синди дейлик. Кимга жабр — менга жабр. У ҳафта «Сервис»га қирқ сўлкавой ташлаб чиқдим, бугун-эрта балонларини алмаштираман, бунга бир ҳовуч пул керак. Ахир бу пуллар қаердан келади-а, укам, қаердан келади?! Ма, ол, деб осмондан биров ташламанса...

Нафасим сиқилиб, кўнглим беҳузур бўлди. Тишни тишга кўйиб зўрға гапларини эшитяпману, қани энди унинг дийдиёси тугайқолса.

— Бензинни айтмайсизми, бензинни! Тилу забони бўлса экан бу жониворни, ҳў, акаси, кўзинга қара, деса. Қизил чироғи ликиллаганда хабар топасан киши. Юз маротаба бунга шаъма қилсам ҳам, баъзи қурумсоқлар «раҳматдан нарига ўтишмайди. Раҳматингни пишириб е, деб қоламан ортидан. Шунақа «раҳмат»чиларни иккинчи маротаба учратсам борми, башарасига қарамай ўзимни кўрмаганга солиб физиллатиб ўтиб кетаман. Ахир, ўн маротаба, «раҳмат, раҳмат», дегани билан кисса қабармайди-да, жон укам...

Унинг чакаги қимирлаганини кўриб турсам ҳам, охири гаплари қулогимга кирмади. Машинега ўтирганимда кўзимга фариштадай кўринган бу кимса, назаримда аянчли қиёфага кирган эди. Баданимни совуқ тер босиб, кўзим тинди. Бор кучимни йиғиб, «тўхтатинг!» дея олдим холос. У менга қараб, важоҳатимдан қўрқди чамаси, ғийқиллатиб тормоз босди. Одат тусига кириб қолган бир чаққон-

лик билан эшикни очди. Мен аранг ташқарига чиқдим. У бир оз тоқатсизланиб турди-да, ялинчоқ бир оҳангда, «Мени узатинг, укажон», деди. Унинг бу сўзидан хушёр тортиб, чўнтагимдан қўлга илинганини олдим-да, башарасига қарамай чўздим. Машина узоқлашиб, овози ўчгандан сўнг, ўпкамни тўлдириб енгил нафас олдим.

Идорага келиб, бошлиқ олдига кирсам, бояги киши иккала қўлини кўксига қўйганича букчайиб турибди. Гап мен ҳақимда кетаётган экан чамаси, «Ана, ўзлари ҳам келдилар», деди бошлиқ мен билан кўришишга пешвоз чиқаркан. У ялт этиб қаради-да, мени кўриб ранги қув ўчди.

— Танишинг, — гапида давом этди бошлиқ, — акахонингиз шу кундан эътиборан ўзимизга завхоз бўлиб келдилар.

— Акахонимиз билан танишимиз, — дедим ночор илжайиб. Лекин бошлиқ буни сезмади чамаси, ҳалиги кишига мурожаат қилди:

— Сиз бўшсиз.

У худди шу ишорани кутиб тургандай, орқаси билан юриб чиқиб кетди.

Бир оздан кейин ҳовлига чиқсам, янги завхозимиз оёғи куйган товукдай бетоқат бўлиб, у ёқдан-бу ёққа бориб-келиб турган экан. Мени кўриб зипиллаб ёнимга келди-да, «кечирасиз», дея чўнтагимга бир нимани тикди.


— Бу нима қилиқ, — дедим беихтиёр ўшқириб.

У миқ этмай нари кетди. Олиб қарасам, боя ўзим берган чойчақа экан.

Бухоро



Китобни «семиртириш» йўли.



«Калити» топилди.

Расмларни Баҳром ТОҶИЕВ чизган

## АВТОРЛАРИМИЗ

**Октябрь ЖАВЛОНОВ.** Жиззах областининг Фориш районида туғилган. Самарқанд Давлат университетининг филология факультетини тугатган. Очерк ва публицистик мақолалари билан республика матбуотида актив қатнашиб келмоқда. Ҳозир «Жиззах ҳақиқати» газетасининг редактори бўлиб ишлайди.

**Анвар ЖУРАБОВЕВ.** 1948 йилда Булунғур районида туғилган. Ленин номидаги Москва Давлат педагогика институтининг филология факультетини битирган. Самарқанд ва Жиззах областлари газеталарида хизмат қилган. А. Жўрабоев ҳозир «Совет Ўзбекистони санъати» журналининг масъул котиби.

**Тоғай МУРОД.** Сурхондарё областининг Денов районида туғилган. В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетини тамомлаган. «Юлдузлар мангу ёнади» номли китоби нашр этилган.

**Муҳаммад ПИРРИЕВ.** Бухоро областида туғилган. Медицина институтини тамомлаган. У ҳозир Қорақўл район касалхонасида шифокор бўлиб ишлайди.

**Акбар ЮНУСОВ.** Тошкентда туғилган. Урта мактабни тугатгач, турли қурилиш ташкилотларида ишлаган. Вақтли матбуотда ҳикоя ва ҳажвиялари тез-тез чиқиб туради. 1981 йили «Еш гвардия» нашриётида «Оддий саргузаштлар» деган китоби босилиб чиққан.

**Дурдона ХУДОЙБЕРГАНОВА.** 1959 йили Тошкент шаҳрида туғилган. 1982 йили В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг филология факультетини тамомлаган. Дастлабки шеърлари «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида эълон қилинган.

**Олмос ҒУЛОМОВА.** 1939 йили Тошкентда туғилган. ТошДУнинг журналистика факультетини битирган. Бир қанча насрий китоблар автори.

## АВТОРЛАРИМИЗ

«Ешлик» («Молодость») — ежемесячный литературно-художественный и общественно-политический журнал

Орган Союза писателей  
Узбекской ССР

На узбекском языке

Рассом Ҳ. СОЛИҲОВ

Техник редактор: В. УРУСОВА

Корректор: М. НАБИЕВА

Адреси миз: 700000, Тошкент — П. Ленин кўчаси, 41.

### ТЕЛЕФОНЛАР:

Бош редактор ўринбосари — 32-54-73

Масъул секретарь — 32-56-27

Проза бўлими — 32-57-34

Шеърят, адабий танқид

ва санъат бўлими 32-56-41

Ижтимоий-сиёсий бўлим — 32-54-73

Редакция ҳажми 12 босма листдан ортиқ роман ва 8 босма листдан зиёд қиссалар қўлбасмасини қабул қилмайди. Бир босма листгача бўлган асарлар авторларига қайтарилмайди. Журналдан кўчириб босилганда «Ешлик»дан олинди деб изоҳланиши шарт.

Босмахонага туширилди — 29.09.82 й. Босишга рухсат берилди 11.11.82 й. Р—07493. Қоғоз формати — 84×108<sup>1</sup>/<sub>16</sub>.  
Офсет босма усулида чоп этилди. Қоғоз ҳажми — 5,25 лист. Шартли босма листи — 8,82. Нашриёт ҳисоб листи — 12,5.

Тиражи — 45140 нусха.  
Буюртма № 4307. Баҳоси 50 т.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Еш гвардия» нашриёти.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.  
Тошкент, 700029, «Правда Востока» кўчаси, 26.

«Ешлик», № 9, 1982.  
«Еш гвардия» нашриёти.



Жасорат.

Расмни О. БОБОЖОНОВ чизган